



سرشناسه:	Makarem Shirazi, Naser / ۱۳۰۵، ناصر، شیرازی
عنوان قراردادی:	پنجاه درس اصول عقاید برای نوجوانان (ازبکی)
عنوان و نام پدیدآور:	آموزش پنجاه درس اصول عقاید در قرآن کریم = ҚУРЪОНДА ЭЪТИҚОД АСОСЛАРИНИ ЎРГАНАМИЗ
مشخصات نشر:	Moallefan va motarjemale anjomaneh andisheye nur AI-Mustafa International Translation and Publication Center, 2021, = 1400
مرجع تولید:	نماینده‌گی جامعه المصطفیٰ العالمیه در ازبکستان
فروست اصلی:	مرکز بین المللی ترجمه و نشر المصطفیٰ ﷺ؛ پ ۳۷۳/۲۵۵/۱۳۹۳
فروست فرعی:	مجمع آموزش عالی امام خمینی ﷺ / ۵
شابک:	۸-۸۷۲-۴۲۹-۶۰۰-۹۷۸
وضعیت فهرست نویسی:	فینیا
یادداشت:	ترکی - ازبکی
یادداشت:	چاپ دوم: ۱۴۰۰ (ویراست جدید)
موضوع:	شیعه -- عقاید -- ادبیات نوجوانان؛ Shia'h -- Doctrines -- Young adult literature
موضوع:	شیعه -- اصول دین -- ادبیات نوجوانان؛ Shia'h -- *Pillars of Islam -- Young adult literature
شناسه افزوده:	جامعه المصطفیٰ العالمیه، مرکز بین المللی ترجمه و نشر المصطفیٰ ﷺ
شناسه افزوده:	Almustafa International University/Almustafa International Translation and Publication center
زده بندی کنگره:	BP۲۱۱/۵/م۷پ۹۰۴۹۵۲۹۴۰۰
زده بندی دیویی:	۲۹۷/۴۱۷۲
شماره کتابشناسی ملی:	۸۵۶۶۰۵۲

BR۰۶۳۳

### Қуръонда эътиқод асосларини ўрганамиз (эллиқ дарс)

Муаллиф: Оятуллоҳ Носир Макорим Шийрозий

«Халқаро Илмий Тадқиқот» муассасасининг таржимонлар ва муаллифлар гуруҳи

Нашр навбати: Иккинчи - 2021 йил

Ношир: Ал-Мустафо номли халқаро таржима ва нашр этиш маркази

Адади: 500

ISBN: 978-600-429-872-8

©Китобнинг барча ҳуқуқлари ношир учун ҳимояланган.

پنجاه درس اصول عقائد در قرآن کریم (ویراست جدید)

مولف: آية الله ناصر مكارم شيرازي

نویسنده: گروه تحقیقاتی طلاب جامعه المصطفیٰ العالمیه

چاپ دوم: ۱۴۰۰ ش / ۱۴۴۳ / ۲۰۲۱ م

چاپ: چاپخانه دیجیتال المصطفیٰ ﷺ قیمت: ۶۸۰،۰۰۰ ریال شمارگان: ۵۰۰

مدیر انتشارات: مصطفی نوبخت  
مدیر تولید: جعفر قاسمی ابهری  
ناظر فنی: سیدمحمدرضا جعفری  
ناظر گرافیک: مسعود مهدوی  
ناظر چاپ: ایوب جمالی

We wish to acknowledge the assistance of all for finalization of this book

● IRAN, Blv Moallem Ouest (hujjatiyyeh) – fax : +98 25-37839305-9

● IRAN, Blv Mohammad Amin, bifurcation Salariyyeh

Tél.: +98 25-3213133060

fax : +98 25-32133146

pub.miu.ac.ir miup@pub.miu.ac.ir

# Қуръонда эътиқод асосларини ўрганамиз (Эллик дарс)

Муаллиф

Оятуллоҳ Носир Макорим Шийрозий

«Халқаро Илмий Тадқиқот» муассасасининг  
таржимонлар ва муаллифлар гуруҳи



Al-Mustafo nomli xalqaro  
tarjima va nashr etish markazi

## Publisher's Forward

To begin and execute a research is like walking in the path of development and evolvement. When the seeds of the "questions" are planted, in the soil of the mind of the researcher, this phase initiates, and its end is culminated when the result and the outcome of knowledge and wisdom is gained.

Evidently, this end is a new chapter in itself, for growth, and announces beforehand this good news to humans. For the result of all those mental efforts will not only bring the blooming and flowering of talent and all kinds of Blessings to humans, but it also makes the mind of the researcher to ponder and shape new, more questions.

This will produce a great collection of growing plants and flowers for the seeking mind... Those "questions" are in fact, the seeds, which according to the necessities of Time and the strength of the researchers will grow and bloom by themselves. They will make Culture and Civilization to move forward.

In like manner, the increasing rate of transferring oneself from one place to another place and the decrease of the distances will make those seeds travel miles and miles, to faraway places, in order to install them inside the curious mind of other seekers. This will bring an amazing diversity and a novelty for another civilization...

It is true then, that the presence of knowledge and a good, capable management will help this project to develop itself and one has to admit indeed, that it has always played an important role...

Al-Mustafa International Publication and Translation Center, because of its global mission, and its special position among the Religious Schools and the colorful human diversity that it has developed inside itself, sees it as a moral duty to procure all the appropriate conditions for any research works, and takes its role in this matter, most seriously. To procure all kinds of necessary grounds, with an excellent management of all the existing possibilities and talents, and to care and protect all its researchers in religious fields; these are the most crucial responsibilities of the Department of Research in this International center.

We highly hope that by being attentive to all these autonomous scientific movements, and by fortifying all the existing motives, we shall be able to witness the blooming of the Religious Culture in every part of this wide world!

**Al-Mustafa International  
Publication and Translation Center**

---

---

## МУҲДАРИЖА

---

---

КИРИШ	7
-------	---

### АЛЛОҲНИ ТАНИШ ҲАҚИДА ЎН ДАРС

1-ДАРС: Аллоҳни таниш учун изланиш	14
2-ДАРС: Аллоҳни танишнинг ҳаётимиздаги таъсири	17
3-ДАРС: Аллоҳни танишнинг ишончли икки йўли	21
4-ДАРС: Муҳим бир саволга жавоб	24
5-ДАРС: Муҳим бир воқеа	28
6-ДАРС: Аллоҳни танишнинг иккинчи йўли	31
7-ДАРС: Яратилишдаги тартиб-интизом намуналари	36
8-ДАРС: Кичкина бир қушчада бир олам мўъжиза	40
9-ДАРС: Ҳашарот ва гулларнинг ўзаро дўстлиги	44
10-ДАРС: Чексиз заррачалар олами	48
10 – ДАРСНИНГ ИЛОВАСИ: Аллоҳнинг сифатлари ҳақида	52

### АЛЛОҲНИНГ АДОЛАТИ ҲАҚИДА ЎН ДАРС

1-ДАРС: Адолат нима?	60
2-ДАРС: Парвардигори оламнинг одиллига далиллар	66
3-ДАРС: Офат ва балоларнинг ҳикмати	71
4-ДАРС: Инсон ҳаётидаги мусибатлар ва кўнгилсиз ҳодисаларнинг ҳикмати	76
5-ДАРС: Яна офат-мусибатлар ҳикмати ҳақида	80
6-ДАРС: Жабр ва ихтиёр масаласи	85
7-ДАРС: Ирода ва ихтиёрга оид аниқ далил	90
8-ДАРС: «Ал-амру байнал амрайн» нима дегани?	94
9-ДАРС: Ҳидоят ва залолат Аллоҳнинг қўлида	100
10-ДАРС: Аллоҳнинг адолати ва доимий азоб	105

**НУБУВВАТ-ПАЙҒАМБАРШУНОСЛИК ҲАҚИДА ЎН ДАРС**

1- ДАРС: Илоҳий раҳбарларга бўлган эҳтиёжимиз _____	110
2- ДАРС: Қонун чиқаришда пайғамбарларга эҳтиёжимиз _____	116
3-ДАРС: Нимага пайғамбарлар маъсумдирлар? _____	122
4- ДАРС: Пайғамбарларни танишнинг энг яхши йўли _____	127
5-ДАРС: Ислом пайғамбарининг энг буюк мўъжизаси _____	133
6-ДАРС: Қуръон мўъжизасига яна бир назар _____	139
7-ДАРС: Қуръон ғояси _____	144
8-ДАРС: Қуръон ва бутунги илмий кашфиётлар! _____	150
9- ДАРС: Пайғамбаримизнинг ҳақ эканликларига яна бир ҳужжат _____	155
10- ДАРС: Ислом пайғамбари - Аллоҳ юборган пайғамбарларнинг сўнггиси _____	162

**ИМОМШУНОСЛИК ҲАҚИДА ЎН ДАРС**

1- ДАРС: Имомат мавзусида баҳслашиш қачондан бошланган? _____	172
2- ДАРС: Имом мавжудлигининг ҳикмати _____	178
3- ДАРС: Имомнинг махсус шароит ва сифатлари _____	184
4- ДАРС: Имом ким томонидан тайинланади? _____	190
5- ДАРС: Қуръон ва Имомат _____	199
6- ДАРС: Имомат Пайғамбаримиз суннатларида _____	210
7- ДАРС: Манзилат ва явмуд-дор ҳадислари _____	218
8- ДАРС: Сақалайн ва Нуҳ (а с) нинг кемаси ҳадислари _____	225
9- ДАРС: Ўн икки имом _____	231
10- ДАРС: Имом Маҳдий – ўн иккинчи имом ва оламнинг буюк ислохотчиси _____	241

**МАОД – ҚАЙТА ТИРИЛИШ ҲАҚИДА ЎН ДАРС**

1- ДАРС: Ўлим тугаши ё бошланиш? _____	254
2- ДАРС: Маодга ишонмоқ ҳаётга маъно бағишлайди _____	259
3- ДАРС: Қиёмат маҳкамасининг бир намунаси вужудимизда мавжуддир _____	265
4- ДАРС: Қайта тирилишнинг фитратдаги ўрни _____	270
5- ДАРС: Қиёмат адолат тарозисида _____	275
6- ДАРС: Қайта тирилишни шу дунёнинг ўзида бир неча маротаба кўрганмиз _____	280
7- ДАРС: Маод-қайта тирилиш ва яратилиш ҳикмати _____	285
8- ДАРС: Руҳнинг боқийлиги охират борлигидан далолатдир _____	290
9- ДАРС: Маод – жисмоний ва руҳий қайта тирилиш _____	297
10- ДАРС: Жаннат, дўзах ва амалларнинг тажассумланиши _____	304

---

---

## КИРИШ

---

---

Бизни сўнги ҳақ ва комил дин бўлган Исломга бўйин эгиб, ҳидоят сари юзланиб, ҳақ йўлни танлашдек буюк тавфиққа шарафёб этган юксак парвардигоримиз Аллоҳ таолога беадад ҳамду санолар бўлсин ҳамда ул Зотнинг севикли бандаси ва энг сўнги элчиси бўлмиш сарвари олам Муҳаммад Расулulloҳ (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)га ва ул ҳазратнинг барча гуноҳ ва хатолардан йироқ бўлган маъсум, мутаҳҳар Аҳли-Байтларига ҳамда Пайғамбаримизнинг танланган хос саҳобаларига салавот ва дурудлар йўллаймиз.

Аҳли-Байт мазҳабига тобе бўлган мусулмонларнинг дунёқараши, таъбир жоиз бўлса, уларнинг борлиқ ва воқеликка нисбатан бўлган ғояси бошқа тоифадаги мусулмонлардан фарқланиб, улар диннинг қуйидаги асосига ёндашадилар:

1. Тавҳид (Аллоҳнинг ягоналиги ёхуд яккаҳудолик)
2. Аллоҳнинг одиллиги (Аллоҳ адолатли зотдир)
3. Нубувват (пайғамбарларга иймон)
4. Имомат (умматга раҳнамолик қилиш илоҳий мансабдир)
5. Маод (қиёмат ва қайта тирилишга ишонмоқ)

Аҳли-Байт мазҳабига бўйин этган мусулмонларнинг ақийдаси бўйича, юқорида зикр қилинган диннинг асослари ислом оламидаги эътиқоднинг негизини ташкил этиши шубҳасиздир. Шу боис, исломдаги бошқа мазҳабларнинг эътиқодида ўрин топган дин асосларидан фарқли равишда Аҳли-Байт мазҳабининг эътиқод мажмуида Аллоҳнинг одиллиги ва имомат ҳам ақоид асосларидан ҳисобланади.

Аллоҳнинг одиллиги хусусида, исломий мазҳаблар орасида ихтилоф мавжуддир. Ашоира (Абулҳасан Ал-Ашъарийнинг издошлари), Мўтазила ва Аҳли-Байт мазҳабига ёндашувчилар Аллоҳнинг одиллиги назариясига нисбатан билдирган фикр-мулоҳазаларига кўра икки йўналишни ташкил этадилар. Аллоҳнинг одиллиги назариясига ёндашган гуруҳ (Аҳли-Байт мазҳаби тарафдорлари ва Мўтазила) «адлия» номи билан танилганлар. Ушбу назарияга муҳолиф ўлароқ, Аллоҳнинг одиллигини ақлий далиллар билан исботлаш мумкин эмас, деган тушунчани кўтариб чиққан гуруҳ эса, «Ашоира» номини олган. Ашоиранинг эътиқоди бўйича, Аллоҳ ниманики тўғри ва яхши деб айтса, ўша нарса тўғри ва яхшидир ва ниманики нотўғри ва ёмон деб айтса, ўша нарса нотўғри ва ёмондир. Мисол қилиб айтганда; агар Аллоҳ иймонли тақводор шахсни жаҳаннамга равона айласа, бу иш яхши ва тўғри саналади ва агар-да иймон келтирмаган кофир ва мушрик кимсани жаннатга дохил этса, бу иш яхши ва тўғри экани шубҳасиздир. Ва ақл бу борада ҳеч қанақа ҳукм қила олмайди. Бироқ адлиялар эса, айтиб ўтилган ўринлар Аллоҳнинг адолатини йўққа чиқариб ақлнинг очиқ-ойдин ҳукмига қарши чиқишдан ўзга нарса эмас, деб ўз фикрларини билдирганлар. Бошқача айтганда; инсоннинг ақли айрим ерларда Аллоҳнинг одиллигини тушуниб етишга қодир.

Умуман олганда; адолатнинг маъноси ҳар бир нарсани ўз ўрнига қўйиш демақдир. Шунга биноан, Аллоҳ таолонинг ҳамма сифатлари; (субутия сифатлари назарда тутилган) Тангрининг адолатидан келиб чиққан. Масалан; Раззоқ (ризқдантирувчи) сифатини олиб қарасак, яратувчи Зот ўзи яратган махлуқотларнинг ризқини ҳам етказди ва бу Унинг адолатининг тақозосидир. Ёхуд солиҳ амаллар соҳиби мукофотланиши ва гуноҳлар эгаси эса азобланишга сазоворлиги; буларнинг барчаси ҳам, Аллоҳнинг адолатига мувофиқдир. Мухтасар қилиб айтганда; Аллоҳнинг ҳар бир тадбири, Унинг айни адолатидир. Шунинг учун, Аллоҳнинг адолат сифатига эга эканлиги илоҳий динда асос деб тан олинган. Бундан ташқари, адолатнинг асос қилиб олиниши ижтимоий ҳаётда одамларнинг ўзаро бўладиган алоқаларида ва бир-бирларига нисбатан кўрсатадиган муносибатларида таъсир қилувчи омил бўлиб қолиши муқаррардир.



Аҳли-Байт мазҳаби издошларининг ақидасига биноан, Расудуллох (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) умматни йўлбошчисиз ўз ҳолига ташлаб қўйиб, фоний ҳаётни тарк этмаганлар, балки умматга ҳидоят йўлини кўрсатувчи раҳбар тайинлаб, сўнгра боқий оламга риҳлат қилганлар. Умматга пешво, яъни имом тайин этиш Аллоҳ тарафидан бўлган амр эканлигида шак-шубҳа йўқдир. Шу боис, имомат ғоясига иймон келтириш ақоиднинг асосларидан бири ҳисобланади. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, умматга раҳнамолик қилиш маъсумликни тақозо қилади.

Маъсумлик тушунчаси ҳақида қисқача маълумот берадиган бўлсак, шунини айтишимиз мумкинки, унинг луғавий маъноси ман этиш ва сақлашдир. Ақоидда эса маъсумлик ҳолатига эга бўлган шахс ҳар қандай саҳв-хато, гуноҳ ва руҳий нопокликдан йироқ, ва бошқа сўз билан айтганда, исмат ва маъсумлик; шариатда гуноҳ ҳисобланган барча амалардан узоқлашган ҳолда пок бўлиш демақдир. Умматга раҳнамолик ва пешволик қилиш каби юксак шарафга эга бўлмоқ унинг эгасидан маъсумликни талаб этиши, албатта, табиий ҳолдир.

Имомат ғоясига иймон келтирган мусулмон ҳеч вақт тушқунликка тушмайди, чунки, у биладики, ер юзи Аллоҳнинг ҳужжатидан хоҳ ошкор ҳолда кўзга кўринадиган ёки кўздан ғойиб бўлсин, холи бўлмайди. Ҳар замоннинг ўз пешвоси ва раҳнамоси бўлиб, умматга ўша замон талабига мувофиқ ҳидоятнинг ёрқин машғали бўлган ҳолда хизмат қилади. Биз ҳаёт кечираётган даврда бизни рушду ҳидоятга етаклайдиган имомимиз ва пешвоимиз ҳазрати Маҳдий (*Аллоҳ ул зотнинг зуҳурларини тезлаштирадир*) эканликлари шубҳасиздир.

\*\*\*

### **Китобни таълим бериш услуби**

Ислом таълимотларининг энг муҳим хусусияти инсонларни илоҳий қонун-қоидалар ва меъёрлар билан тарбияламоқдир. Бизнинг ушбу китобни таълиф этишдан мақсадимиз аниқ далиллар билан келтирилган холис исломий ақийдаларни ҳаммага, алахусус ёшларга етказмоқдан иборатдир. Токи, ҳозирги қалтис

шароитда мўмин биродарларимиз ва опа-сингилларимиз ўз эътиқодларини мустаҳкамлаб, ўз устларида ишлаб кучли иймон эгалари бўлсинлар ва уларнинг иймонлари юриш-туришларида ва амал-рафторларида намоён бўлиб, уларга нур таратиб турсин.

Ушбу китоб диққат, нафосат ва хос бир ташаббус билан битилган бўлиб, ислом ақоидининг асосларини қисқа муддат ичида ўрганмоқчи ёки дарс бермоқчи бўлган барча шахсларга қўл келади. Қўлингиздаги ушбу китоб беш қисмдан иборат бўлиб, қирқ йил чамаси Қум шаҳрининг илмий олигоҳларида ислом ақоидини таълиб беришда пешқадам ва илғор бўлиб келган оятуллоҳ Мақорим Шерозийнинг қаламлари билан таълиф этилган. Ушбу қўлланма ҳақиқатни изловчи барча инсонлар учун фойдали ва самаралидир.

Ушбу китобнинг дарсларини таълим берадиган устоз ва мураббийларнинг назарини қуйидаги муҳим масалаларга жалб этамиз:

1. Дарсларни тарихий шоҳидлар ва бутунги ҳаётдаги қизиқарли айний намуналар, мушоҳадалар билан бойитмоқ лозим.
2. Шогирд ва ўқувчиларнинг билимидан фойдаланиб, дарсларни хоҳ шахсий ёки гуруҳий шаклда бўлсин, савол-жавоб тариқасида ўзлаштирмоқ даркор.
3. Ҳар дарсга оид бўлган оятларни чиройли хат билан тахтага ёзсинлар, токи, шогирдлар оятларнинг таржимасини сўзма-сўз ўрганиб олсинлар ва шу билан биргаликда, уларнинг Қуръон билан танишиш савияси кучайсин. Агар улардан бир киши яхши оҳангда дарс оятларини тиловат қилса ва қолганлар унинг билан бирга такрорласа, янада яхшироқ бўлади.
4. Ҳар дарсни бир кунда таълим бермоқ шарт эмас, керак бўлганда, бир дарсни икки кунда таълим бериш мумкин.
5. Ҳар дарснинг ибораларида ингичка ва нозик фикрлар мавжуд, шу боис, устоз дарс беришдан олдин уни диққат билан ўқиб чиқмоғи лозим. Токи, дарсни мукамал тарзда бера олсин.
6. Ушбу қўлланманинг дарсларини яхши ўзлаштириб, саволларга яхши жавоб бера олган ҳамда дарс оятларини таржимаси билан ёдлай олган шогирдларни мукофотламоқ мақсадга мувофиқдир.

7. Айтиб ўтганимиздек, ушбу қўлланма ислом ақоидининг асосларини ўрганмоқчи бўлган барча инсонлар учун назарда тутилган. Шунинг учун, ҳамма бундан фойдалана олади.

Китоб ҳақидаги барча таклиф ва мулоҳазаларингизни қуйидаги почта манзилига ёзиб юборишингизни сўраймиз: [info@najotkemasi.com](mailto:info@najotkemasi.com)



---

---

**АЛЛОҲНИ ТАНИШ ҲАҚИДА ЎН ДАРС**

---

---

## 1-ДАРС:

---

### Аллоҳни таниш учун изланиш

---

**Нима учун оламнинг яратувчиси ҳақида фикр юритамиз?**

**1. Дунёнинг яратилиши ҳақида билишга интилиш иштиёқи фитратимизда бордир.**

Ҳар бир инсон қуйидаги саволларга жавоб олишни истайди: Бу бепоён осмон ва унинг қалбни ўзига ошуфта этувчи гўзал манзараси, чакноқ юлдузлари, турли хил мавжудотлар, гўзал паррандалар, денгиз балиқларининг хилма-хиллиги, тоғлар ва дарёлар, гуллар ва гунчалар, осмон узра бўй чўзган турли хил дарахтлар ва бошқалар ўз-ўзидан вужудга келганми ёки бундай ажойиб ва сержило нақшлар моҳир ва қодир наққош қўли билан чизилганми?

Бундан ташқари ҳаётимиз мобайнида ҳаммамиз учун энг биринчи шундай саволлар туғилади:

Мен ўзи қаердан келдим? Қаерда ва нима учун яшайпман? Қаерга кетажакман? Юқоридаги саволларнинг охирги учтасига жавоб топа олсак, нақадар хушбахт бўлар эдик. Бошқача қилиб айтганда; ҳаётимизнинг аввали қаердан бошланиб, охир оқибат, қаерда тугашини ва эндиликда эса қандай вазифага эга эканлигимизни билишимиз лозим.

Бизнинг ҳамма нарсани билишни ёқтирадиган руҳимиз бизга ором бермай «жавобини топ», деб ундаётгандай бўлади. Баъзан йўл ҳаракати ҳодисасига учраган ҳайдовчини шифохонага элтиб қўйишганидан сўнг, бир оз вақт ўтгач, у ўзига келиб биринчи берадиган саволи «Мен қаердаман? Нега мени бу ерга келтиришди? Бу ердан қачон кетаман?» кабилардан иборат бўлади.

Бу саволлар қаршисида жим ўтира олмаслик инсон учун табиий

ҳолдир. Шундай экан, инсонни оламнинг яратувчиси томон йўллайдиган омил ҳам, ана шундай тиниб тинчимас билимга ташна бўлган – руҳдир.

## 2. Шукр қилиш ҳиссиёти

Фараз қилинги, сизни обрўли бир хонадонга меҳмондорчиликка даъват қилишди. У ерда сизнинг роҳатингизни ўйлаб ҳамма нарсани муҳайё қилиб қўйишган бўлса-да, бироқ сиз бу зиёфатга акангиз орқали таклиф этилган бўлиб, уй эгасини яхши танимайсиз дейлик, у ҳолда сизни шунчалик иззат-икром билан кутиб олган хонадон соҳибини таниб, унга миннатдорчилик изҳор қилишингиз табиийдир. Худди шундай биз инсонлар ҳам, бу дунёдаги нозу неъматларга тўла дастурхоннинг меҳмони эканмиз, эшитгувчи қулоқ, кўрувчи кўз, ақл-хуш, куч-қудрат, турли покиза ризқ-рўзга эга бўлар эканмиз, бу неъматлар соҳибини танишни истаймиз ва унга ўзимизнинг миннатдорчилигимизни билдириб қўйгимиз келади ва бу бизнинг иккинчи далилимиз бўлиб, Аллоҳни танишга олиб боради.

## 3. Зарар ва фойдани ўзаро таққослаш

Фараз қилинг, сиз бир йўловчисиз. Чорраҳага етиб келганингизда ҳар тарафдан *«бу ерда тўхтаб турма, зеро, бу ерда турмоқ хатарлидир»*, деган овозлар эшитилиб турибди. Лекин шу билан бирга, ҳар ким бизни ўзи хоҳлаган тарафга чақириб, ўша йўлнинг энг яхши эканлигини таъкидламоқда.

Шундай бир ҳолатга тушиб қолганимизда ўзимизга *«қайси йўл билан бўлса ҳам кетавер»*, деб айта оламизми? Ёки ақлимизга ўша ерда қимирламай туриш керак, деган фикрни сиғдира оламизми? Албатта, йўқ!

Қайтанга ақлимиз бизга тезроқ суриштириб, ҳар бирисининг айтганларини тарозига солиб, кейин бир тўхтама келиш кераклигини буюради ва бизга танлаган йўлимиздан олға кетмоқни амр қилади.

Бу дунёдаги ҳаётимиз ҳам худди шунга ўхшаган ҳолатни бошдан кечиради. Турли хил мазҳаб ва фирқалар бизни ўз тарафига чақиради, лекин бизнинг бахтли ёки бахтсиз бўлишимиз, тараққий этишимиз ёки таназзулга учрашимиз, ҳамма-ҳаммаси бизнинг қайси йўлни танлаганимизга чамбарчас боғлиқдир. Бу ҳам бизни

борлиқ оламнинг яратувчиси хусусида фикр юритишимизга ундайдиган муҳим омиллардан биридир.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда бу ҳақда шундай марҳамат қилади:

﴿... فَبَشِّرْ عِبَادِ \* الَّذِينَ يَسْتَمِعُونَ الْقَوْلَ فَيَتَّبِعُونَ أَحْسَنَهُ أُولَئِكَ الَّذِينَ هَدَاهُمُ اللَّهُ وَأُولَئِكَ هُمْ أُولُو الْأَنْبَابِ﴾

«Менинг шундай бандаларимга хушхабар бергинки, улар турли хил сўзларни тинглайдилар-да, сўнг уларнинг энг гўзалига эргашадилар. Ана ўшалар Аллоҳ ҳидоят қилган зотлардир ва ана ўшаларгина ақл эгаларидир.» (Зумар сураси; 17 ва 18-оятлар)

\*\*\*

### **Ўйлаб жавоб беринг:**

1. Шу пайтгача Худо ҳақида жиддий ўйлаб кўрганмисиз (отанонангиз айтганларидан ташқари)?
2. Худони таниш ва Уни излаш орасида қандай фарқ бор?
3. Шу пайтгача Аллоҳга илтижо қилаётган ҳолда руҳан лаззатланишни ҳис қилганмисиз?



## 2-ДАРС:

---

### Аллоҳни танишнинг ҳаётимиздаги таъсири

---

#### 1. Аллоҳни таниш ва илмдаги муваффақиятлар

Фараз қилинг дўстингиз, сафардан сизга бир китобни ҳадя сифатида олиб келди. Китобни бераётиб, унинг муаллифи жуда ақлли донишманд эканлигини айтса, албатта сиз ушбу китобни берилиб, диққат билан ўқийсиз. Агар бирор бир тушунмайдиган ерига келсангиз, соатлаб вақтингизни уни тушунишга сарфлайсиз, нега деганда унинг муаллифи оддий инсон эмас, балки донишманд бўлиб, ҳеч бир нарсани ҳисоб-китобсиз китобига ёзмайди.

Бироқ агар тескариси бўлса, яъни бирор бир китобни қўлингизга беришса-ю, муаллифини кам савод ва билим эгаси бўлмаган бир одам дейишса, гарчи китобнинг муқоваси ва ташқи кўриниши чиройли бўлса-да, эссиз шу китоб учун ўқишга кетган вақтим дея, китобга шунчаки назар солиб, четга қўйиб қўясиз.

Бу дунё ҳам бамисоли бир катта китоб бўлиб, ундаги ҳар бир мавжудотлар калима ёки жумлалар каби уни ташкил қилади. Художўй бўлган иймонли инсонлар бу яратилган махлуқотлар ва ҳатто, жаҳоннинг заррачалари ҳам бежиз яратилмаганлигини билади ва уларни синчковлик билан ўрганиб, яратилиш сирларини билишга киришади ва бунинг ўзи ҳам илмнинг тараққиётига улкан ҳисса қўшади. Зероки, худопараст бўлган инсон бу буюк оламнинг яратувчиси, беқийёс илм ва қудрат эгаси бўлган зот эканлигини ва Унинг ҳамма ишлари ҳикмат юзасидан эканини билади. Шу боис, у олам сирларини яхшироқ англаши учун чуқур ўрганиб, аниқ равишда кўздан кечиришга тиришади.

Аммо бир моддиюнчи<sup>1</sup> бўлган шахс эса яратилиш ҳикмати ҳақида бош ҳам қотирмайди, зеро, оламни шуурсиз-онгсиз табиат яратган, деб ҳисоблайди. Агар баъзан айрим моддиюнчи донишмандларнинг қўлга киритган илмий ихтироларини учратадиган бўлсак, бундай шахслар кўпинча Худони қабул қиладилар, аммо улар Худони «табиат», деб номлайдилар. Чунки, табиат ишларини «*тартиб-интизомли*», «*ҳисоб-китобли*» ва «*режа асосида дастурлаштирилган*», деб биладилар.

## **2. Худошунослик, тиришқоқлик ва умид**

Инсон ўз ҳаётида бирор бир машаққат ва қийинчиликка дуч келса, қийинчиликлар уни ўраб олиб, қутулиш йўли ҳар томонлама беркитилган бўлиб туюлганда, ўзини ушбу қийинчиликлар баробарида кучсиз, заиф ва ёлғиз сезиб, Аллоҳга бўлган иймони унга умид ва ишонч бағишлаб туради.

Аллоҳга иймони бор одам ўзини ҳеч қачон ёлғиз ва кучсиз сезмайди, ноумид бўлишдан сақланади ва ўзини қийинчиликлар баробарида кучсиз ва ночор аҳволда қолган деб билмайди. Чунки, у ўзининг ёнида чексиз қудрат соҳиби бўлмиш Аллоҳ таоло борлигини ва У зот учун ҳар қандай қийинчилик ва машаққат осон эканлигини яхши билади.

Аллоҳнинг фазлу карамига умид боғлаган бандалар бор кучларини ишга солиб, ҳар қандай қийинчиликларни Унинг ҳимояси ва ёрдами остида енгиб ўтадилар ва ўз саъй-ҳаракатлари билан қийинчиликларга ғолиб келадилар.

Дарҳақиқат, Аллоҳга бўлган иймон инсон учун буюк суянчиқ ҳисобланиб, собитлик, чидамлилик, ирода ва ҳаракат манбаидир. Аллоҳга бўлган иймон умид нурларини қалбларда доимо жонлантиради.

Шунинг учун, иймонли бандалар ҳеч қачон ўзларини нобуд қилиш даражасига етиб бормаيدилар. Негаки, ўз жонига суиқасд қилиш ноумидлик, маъюслик ва ҳаётида муваффақият қозона олмаганидан келиб чиқади. Аммо иймонли инсонлар ўз ҳаётларида

---

1. Борлиққа ва ҳаётга фақат моддий нуқтаи назардан ёндашувчи киши, бошқа таъбир билан айтганда; борлиқни фақат модда ва материя кўзи билан кўрувчи киши. «*Моддиюнчи*» ва «*материалист*» бир маънога эга. (Таржимон изоҳи)

тушқунликка тушмайдилар, ютқизиш ва мағлубият нималигини билмайдилар.

### **3. Худошунослик ва масъулиятни ҳис қилиш**

Баъзи шифокорларни таниймизки, улар оддиларига муҳтож бўлиб қолган бир бемор келганида, нафақат бепул муолажа қиладилар, балки дориларининг пулини ҳам ўзлари тўлайдилар. Ёки агар беморлари хавfli ҳолатда бўладиган бўлса, кечаси билан уйларига бормай, ўша хастанинг ёнида уйғоқ қоладилар. Бундай одамлар иймонли ва худопарастдирлар.

Аммо шундай шифокорларни ҳам кўрганмизки, улар то пул олмасалар, беморга қарамайдилар ҳам. Чунки, бундайларнинг иймонлари заифдир. Иймонли инсон қайси соҳада фаолият юритмасин, масъулиятни ҳис қилади, вазифасини тўғри бажаради. У саховатманд, муруватли ва кечиримли бўлиб, ўз қалбида доимо унинг бажарадиган амалларини қузатиб турувчи маънавий назоратчи борлигини ҳис қилади.

Иймонсиз одамлар эса худбин, мустабид ва хатарлидирлар. Зеро, улар ўзларида ҳеч қандай масъулиятни ҳис қилмайдилар, бошқаларга зулму зўравонлик қилиш ва ўзгаларнинг ҳақ-ҳуқуқини оёқ-ости этиш улар учун осон бўлиб, жуда оз ҳолларда бошқаларга яхшилик қилишга тайёр бўладилар.

### **4. Худошунослик ва хотиржамлик**

Руҳшунос донишмандларнинг айтишича, бизнинг давримизда руҳий хасталикларга чалинганлар сони бошқа даврларга қараганда анча кўпдир. Боз устига уларнинг айтишича, бу касалликларнинг асосий сабаблари келажакда юз берадиган ҳодисалардан хавотирланиш, ўлимдан кўрқиш, қуроли тўқнашувлардан безовталаниш, камбағаллик ва омадсизликлардан ҳадиксирашдир.

Олимларнинг айтишларига қараганда, ана шу хавотирланишларнинг олдини олувчи муҳим омил – бу Худога бўлган иймондир. Чунки, хавотирланиш ва безовталаниш каби сиқувчи руҳий ҳолатлар унинг руҳиятига кириб келаётганда Аллоҳга бўлган иймон уни мустаҳкам сақлаб туради.

Меҳрибон Аллоҳ, ризқ берувчи Аллоҳ ва баңдаларининг ҳолидан хабардор бўлган Аллоҳ ҳар вақт баңдалар Унга юзланганида, уларга хотиржамлик ато этишини иймонлилар яхши биладилар.

Шунинг учун ҳақиқий мўъминлар ҳамиша ҳаётларида хотиржамлик ва осойишталик ҳолатини ўзларида ҳис қиладилар, ҳар қандай изтиробланиш уларнинг руҳидан йироқдир. Уларнинг ҳамма ишлари Аллоҳ учун бўлгани боис, агар ишларида зарар кўрсалар ҳам ўрнини Аллоҳнинг ўзи тўлдиради дейдилар ва ҳатто жанг майдонида ҳам табассум уларнинг юзидан аримайди.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда бу борада шундай буюради:

﴿الَّذِينَ آمَنُوا وَلَمْ يَلْبِسُوا إِيمَانَهُمْ بِظُلْمٍ أُولَٰئِكَ لَهُمُ الْأَمْنُ وَهُمْ مُهْتَدُونَ﴾

*«Иймон келтирган ва ўз иймонларини зулм билан қориштирмаганлар- айнан ўшалар учун хотиржамлик, омонлик бордир ва ўшаларгина ҳидоят топганлардир.»* (Анъом сураси, 82-оят)

\*\*\*

### **Ўйлаб жавоб беринг:**

1. Ўтмишдагилар тарихидан иймонларининг юқорида айтиб ўтилган таъсиридан баҳраманд бўлганлари ҳақида эслай оласизми?
2. Баъзилар иймонли эканликларини даъво қилишларига қарамай, ахлоқсизликлар қилишлари ва уларда юқорида санаб ўтилган иймон асарлари йўқлигининг сабабини биласизми?

### 3-ДАРС:

---

#### Аллоҳни танишнинг ишончли икки йўли

---

Аллоҳни таниш йўллари ҳақида қадимдан ҳозирги даврга қадар жуда кўплаб китоблар ёзилган бўлиб, донишмандлар ва турли инсонлар орасида кўплаб мунозаралар бўлиб ўтгандир. Уларнинг ҳар бири ушбу ҳақиқатни англаш учун маълум бир йўлни танилаган. Бироқ бизни борлиқ коинотнинг вужудга келтирувчисига яқинлаштирадиган икки йўл бошқа йўллардан кўра яхшироқдир:

1. Ички йўл ёки қалбга қулоқ солмоқ йўли;
2. Ташқи йўл;

Биринчи йўл ўзимизнинг ички оламимизга чуқур назар солиб, қалбимиздаги тавҳид (яккахудолик) нидосини жонимиз билан эшитишимиздир.

Иккинчисида эса кенг оламга ибрат кўзи билан боқиб, Аллоҳнинг белгиларини унда кўрамиз. Биз мушоҳада қиладиган ҳар бир заррачаларда ҳам, Уни кўрамиз. Гарчи бу икки йўл ҳақида баҳслашиш кўп вақт талаб қилса-да, бироқ биз бу мавзунини қисқача кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз:

#### **Ички йўл ёки қалбга қулоқ солиш**

1. Донишмандларнинг айтишича, ҳар қандай одам қайси тоифага тегишли бўлишидан қатъий назар агар ўз ҳолига ташлаб қўйилиб, ҳеч қандай таълим кўрмаса, ҳатто художўйлар билан моддийон<sup>1</sup>лар ўртасида бўлиб ўтган суҳбатлардан ҳам хабари бўлмаса-да, бутун борлиқни қамраб олган, моддий жаҳондан юксак бўлган бепоён ва чексиз қудратга эга бўлган Зотни ҳис қила бошлайди. У қалбининг тубидан отилиб чиқадиган меҳрли ва латиф нидо, уни қудрат ва илм

---

1. Ушбу сўзга китобнинг 20 – бетида изоҳ берилган.

манбаи бўлмиш Аллоҳ таоло томон чорлаётганини ҳис этиб туради. Бу фитратдан чиқадиган пок садодир.

2. Бу дунёнинг турли-туман ташвишлари инсонни овора қилиб қўйиши мумкин, натижада инсон ўз фитратининг пок нидосини эшитмай, ғофил қолиши мумкин. Лекин бирон-бир қийинчилик ёки мусибатга, турли табиий офатларга ва ҳалокатга учраётган тайёрада кетаётганида ёки шунга ўхшаш хавfli вазиятга дучор бўлганида, дунёдаги моддий кўмаклардан умиди узилганида, қалбидаги фитрий садо унга ором ва хотиржамлик бағишлайди. Бу нидо инсонни қудратлиларнинг энг қудратлиси томон ундайди. Барча қийинчиликлар бу қудрат қаршисида осон ҳал бўлишини ҳис этади.

Ҳаётда оғир аҳволга тушиб қолган одамнинг юқоридаги ҳолатга тушмаслиги маҳолдир. Ушбу ҳолда инсон беихтиёр Худога юзланиб, Унга ёлвора бошлайди. Шунда Аллоҳнинг инсонга нақадар яқин эканлиги тобора ошкор бўлади.

Албатта ушбу фитрат нидоси ҳамиша қалбда бордир, лекин қийинчилик ва тушкунлик вақтида унинг таъсири бир неча баробар ошади.

3. Тарихнинг гувоҳлик беришича, хотиржамликда кун кечирган қудрат эгалари ҳатто Аллоҳнинг номини тилга олишдан ҳам ибo қилишган. Бироқ қудратларини таҳдид остида кўрсалар ёки қасрлари қулаётганини кўрганларида қалб нидоларини аниқ эшитишган.

Масалан; Фиръавн тўлқинлар ичра ғарқ бўлаётганида ва ўзини ночор ҳолда топганида, далаларга баракот берувчи сувнинг ўлим фармонини келтираётганини кўрганида, бир қанча кичик тўлқинлар қаршисида ҳам ожиз қолади. Ана шунда фарёд қилиб деди: *«Эндиликда эътироф қилиб айтаманки, Мусонинг буюк Худосидан ўзга илоҳ йўқдир.»* Бу фарёд аслида Фиръавннинг қалбидан отилиб чиққан фитрий нидо эди. Нафақат Фиръавн, балки ҳар қандай инсон ҳам, шундай шароитда қолганида, қалб нидосини эшита олади.

4. Ҳар вақт қалбингизнинг тубига назар солсангиз, у ерда Аллоҳ тарафига чақирувчи нур борлигини кўришингиз мумкин. Балки бирон қийинчиликка дуч келиб, ҳамма ердан ноумид бўлганингизда,

сиз ҳам шундай ҳолатга тушган бўлишингиз мумкин. Бундай лаҳзаларда танҳо умидингиз ва Унга бўлган ишқингиз, қалбингизга оро берган бўлса ажаб эмас.

Ушбу йўл Аллоҳ томонга етаклайдиган энг яқин йўл бўлиб, ҳар бир инсон ўзининг ички олаmidан бутун борлиқни яратган буюк Зот сари йўл ололади.

### **Фақат биргина савол:**

Балки баъзиларда шундай савол туғилиши мумкинки, Аллоҳга бўлган интилишимиз ота-онанинг тарбиялари ёки шароит ва муҳитнинг таъсири орқали вужудга келган бўлишининг аҳтимоли йўқми?

Бу саволнинг жавобини кейинги дарсда тушунтирамиз. Ҳозир эса қуйидаги оятга диққатингизни қаратмоқчимиз:

﴿فَإِذَا رَكِبُوا فِي الْفُلِكِ دَعَوْا اللَّهَ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ فَلَمَّا نَجَّاهُمْ إِلَى الْبَرِّ إِذَا هُمْ يُشْرِكُونَ﴾

«Қачонки, улар кемага минсалар (гарқ бўлишдан қўрқиб,) Аллоҳга чин ихлос билан илтижо қилурлар. Ва қачонки, (Аллоҳ уларни қуруқликка чиқариб,) уларга нажот берса, баногоҳ улар (Аллоҳни унутиб, Унга) ширк келтирурлар.» (Анкабут сураси; 65-оят)

\*\*\*

### **Ўйлаб жавоб беринг:**

1. Юқорида келтирилган оятни ва унинг маъносини ёдлаб олишга ҳаракат қилинг.
2. Ҳар томондан умидингиз узилиб, оғир аҳволга тушганмисиз, шунда умидингиз фақат Худодан бўлганми?
3. Нима учун бу йўлни энг яқин йўл, деб ҳам аташади?

## 4-ДАРС:

---

### Муҳим бир саволга жавоб

---

#### **Савол:**

Олдинги дарсда шу масалага келдикки, ҳамиша қалбимиз тубидан тавҳид ва яккаҳудолик нидосини эшитамиз, айниқса уни оғир дамларда кўпроқ ҳис қилиб, беихтиёр Аллоҳни ёдга оламиз ва Унинг чексиз қудрати ва фазлу марҳаматидан мадад сўраймиз.

Бу ўринда шундай савол туғилиши мумкин: Биз «*фитрат нидоси*» деб номлаганимиз ушбу руҳий нидо жамиятнинг яшаш муҳит ва шароити, мактабу олийгоҳда берилган таълимлар таъсирида ва ёки ота-онанинг тарбияси натижасидан келиб чиққан одат эмасмикан?

#### **Жавоб:**

Бу саволга жавоб бериш учун қисқагина муқаддимага тўхталиб ўтамыз.

Одат ва расм-русумлар ўзгарувчан бўлиб, узоқ давом этмайди. Биз ҳеч бир халқни топа олмаймизки, бутун тарих давомида уларнинг расм-русумлари ва миллий анъаналари ўзгармас бўлиб қолган бўлсин. Бугунги кунда одат тусига кирган нарсалар эртага келиб ўзгариши мумкин. Шунинг учун баъзи халқларга одат бўлган удумлар бошқа халқларда учрамаслиги мумкин.

Бинобарин, агар бутун асрлар давомида барча миллат ва элатлар орасида ҳаммада мавжуд бўлган ҳиссиётни инсонлар руҳи ва жонининг тубида қарор топган ва фитрий негизга эга, деб ҳисоблаш мумкин.

Масалан: Онанинг фарзандига бўлган меҳри-муҳаббатини тарғибот ва таълимот ёки одат ва расм-русум орқали юзага келган, дея олмаймиз. Зеро, ҳеч бир замонда ва ҳеч бир қавм тарихида онанинг боласига нисбатан меҳрсиз бўлгани қузатилмаган.



Тўғри, рухий безовталаниш туфайли ўз боласини ўлдирган оналар ҳам бўлган ёки жоҳилият даврида нотўғри ва хурофотий эътиқод таъсирида ўз қизини тириклайин кўмган оталар ҳам бўлган. Бироқ, бундай ҳолатлар ниҳоятда кам учрайдиган ва мустасно вазиятлар бўлиб, у ҳам бўлса зудлик билан орадан кўтарилиб, фарзандга муҳаббат бўлмиш асл ҳолат янада ўз ўрнини тиклаб олган.

Юқорида айтиб ўтилган муқаддимадан сўнг, художўйлик масаласи хусусида ўтмишда ва бугунги кундаги ҳолатга назар солайлик. (Бу дарс кўпроқ диққат талаб қилади).

1. Жамиятшунос ва буюк тарихчи олимларнинг берган гувоҳликларига кўра, ҳеч бир давр ва замонни билмаймизки, унда башарият бирон-бир диний эътиқодсиз яшаган бўлсин. Балки, ҳар бир аср ва замонда ва дунёнинг ҳар бир қитъасида диний эътиқоднинг бирор бир тури инсонларда бўлган. Бу масала - художўйлик ва диндорлик - инсон руҳининг тубидан ва унинг фитратидан келиб чиққанига ёрқин далилдир. Зероки, диндорлик расм-русум, одат ва анъана таъсирида юзага келмаган, балки қалблар тубида мавжуд бўлган фитрий бир нидодир. Агар художўйлик ва диндорлик қалбдан чиққан фитрий нидо бўлмаганида эди, бу қадар давомли ва кенг ёйилган бўлмас эди.

Ҳаттоки, тарихда ҳали ёзиб қолдириш бошланмасдан бурун ҳам диний ақийдалар бўлганлиги ҳақида айрим нишона ва асарлар мавжуд. Хат ёзиш ҳали ихтиро қилинмаган ва инсонлар ўзларидан бирор бир мактуб ёзиб қолдира олмаган замонни «*тарихдан олдинги давр*», деб аташади.

Албатта, ибтидоий тузумда одамлар Худони табиат олаmidан юқори бўлган мавжудот сифатида таний олмаганликлари сабабли Худони табиий мавжудотлар орасидан қидиришган ва ўзлари учун табиий махлуқотлардан бутлар ясаб, уларга сиғинишган. Аммо инсонларнинг ижтимоий ҳаёти ва тафаккурларининг тараққиёти натижасида фикрлаш қобилияти кучайганлиги сабабли ҳақиқатни таний бошлаганлар ва моддий мавжудотлар бўлмиш бутлардан воз кечиб, бу моддий табиатнинг орқасида буюк ғайримоддий куч борлигига ишонч ҳосил қила бошлаганлар.

2. Айрим руҳшунос олимларнинг айтишларича, инсон руҳида тўрт аслий ҳиссиёт мавжуддир:

- ❖ **«Билишга интилиш ҳиссиёти»:** Бу ҳис инсонни илму маърифат томон етаклайди ва унинг руҳида илму маърифат касб этишга нисбатан чанқоқлик пайдо қилади, хоҳ бу илмлар моддий манфаатлар келтирсин ёки келтирмасин, лекин инсон барибир илм кетида ва изланишда бўлади.
- ❖ **«Яхшилик қилиш ҳиссиёти»:** Бу ҳис инсонни эзгулик қилишга ундайди ва инсондаги хуш муомалалик хусусиятларининг манбаи саналади.
- ❖ **«Гўзаллик ҳиссиёти»:** Инсон ҳамиша гўзалликни хуш кўради ва унга интилади. Бу ҳис шеър, адабиёт ва ҳунарнинг пайдо бўлишига асосий омилдир.
- ❖ **«Художўйлик ҳиссиёти»:** Бу ҳис инсонни Тангри таолони танишга ундайди ва Унга бўлган сиғинишга эҳтиёж яратади. Бу ҳис инсон руҳидаги асосий ва чуқур негизга эга бўлган ҳиссиётлардан бири бўлиб, ҳеч вақт ундан ажрала олмайди.

3. Келгуси дарсларда, Худони инкор қилувчиларнинг ўзлари ҳам эътиқодга эга эканликларининг, бироқ улар Аллоҳнинг номини бошқача атаганликларининг шоҳиди бўламиз. Улар Худонинг сифатларини табиатга тақайдилар.

Масалан: Моддийон<sup>1</sup>ларнинг айтишига қараганда, табиат инсонга иккита буйрак ато этганининг сабаби, агар бири ишдан чиқиб қолса, иккинчиси унинг ҳаётини давом эттиришда бир кунга ярайди, шунинг учун табиат бежиз инсонга иккита буйрак бермаган. Ушбу мавзу шуурсиз ва онгсиз табиатга уйғун келадими? Ёки моддийончиларнинг бу сўзлари гарчи Унга табиат номини қўйган бўлсалар-да, чексиз ва бепоён илму қудрат соҳиби бўлмиш Аллоҳга қарата айтилгандир.

Юқорида айтиб ўтилган баҳслардан қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин:

- Аллоҳга бўлган ишқ ва муҳаббат бутун вужудимизга сингган ва шундай бўлиб қолади.

---

1. Ушбу сўзга китобнинг 20 – бетида изоҳ берилган.

• Тангрига бўлган иймон шуъласи доимо қалб ва руҳимизни иситиб туради.

• Аллоҳни таниш учун узундан узун йўллارни босиб ўтишга ҳожатимиз йўқдир, балки фақат қалбимиз тубига назар ташласак етарли, ул Зотни ўша ердан топа оламиз.

Қуръони Каримда бу хусусида шундай дейилган:

﴿وَنَحْنُ أَقْرَبُ إِلَيْهِ مِنْ حَبْلِ الْوَرِيدِ﴾

«Биз инсонга шоҳ томиридан кўра ҳам яқинроқдирмиз.» (Қоф сураси; 16 – оят)

\*\*\*

### **Ўйлаб жавоб беринг:**

1. Одат ва фитратга бир нечта мисол келтиринг.
2. Нима учун нодон одамлар бутларга сиғинишган?
3. Нимага моддиюнчилар Аллоҳни «табиат», деб номлаганлар?

## 5-ДАРС:

---

### Муҳим бир воқеа

---

Айтиб ўтганимиздек, Худони инкор қилувчилар ҳам қалбларининг тубида Аллоҳга иймонлари бордир.

Шубҳасиз, баъзи одамлар учун қандайдир муваффақиятлар уларни мағрур қилади, қалбларидаги бор ҳақиқатни ҳам унутадилар. Шу даражага етиб борадики, инсон ўз қалбидаги илоҳий ҳис-туйғуларини унутиб қўйиши ҳеч гап эмас. Аммо ҳодисалар тўфонига учраганида, бало-офатлар ва қийинчиликлар шамоли ҳар тарафдан эсганида, кўз олдини тўсиб қўйган мағрурлик пардалари четга сурилиб, тавҳид ва яккахудолик фитрати (илоҳий ҳис-туйғуси) ва шунингдек, Аллоҳни таниши юзага чиқади.

Тарихда бунга кўп мисоллар бордир. Бу дарсда ана шундай воқеаларнинг бирини ҳикоя қилмоқчимиз:

Қадимда қудратли бир вазир яшаб ўтган бўлиб, ҳеч ким у билан баҳслашишга ботина олмас эди. Кунларнинг бирида у диний уламолар мажлисида иштирок этиб, уларга қарата шундай дейди: Токайгача жаҳонда Худо бор, деб айтасизлар?! Мен сизларга унинг йўқлигига мингта далил келтиришим мумкин.

Бу гапни ўзига хос мағрурлик-ла айтади. Даврадаги донишмандлар эса бу одамга гап уқтириш бефойда эканлигини яхши билганликлари учун унинг гапига эътибор бермай, ҳеч нарса демасдан сукут сақлайдилар. Шундан сўнг, маълум вақт ўтгач, ҳукумат томонидан ҳалиги вазир айбланиб, зиндонга тушиб қолади.

Ўша кунги мажлисда иштирок этган уламоларнинг бири, энди бу одамни ғафлатдан уйғотиш вақти келди. Негаки, у ғурур эгаридан пастга тушди, кўз олдидаги худбинлик пардалари очилди,

энди насиҳат қилсам самарали бўлади, деб унинг яқинига борди. Ташқаридан мўралаб қараса, у хонасида ёлғиз ҳолда у ёқдан бу ёққа юриб, паст овозда бир нималар деб, пичирларди. Яхшилаб қулоқ солса, қуйидаги ҳикматли сўзларни тилга оларди:

Биз ҳаммамиз арслонлармиз, аммо байроқ арслони  
 Ҳамламиз дамбадам бўлур шамолдан!  
 Ҳамламиз гоҳ кўринар, гоҳ кўринмас  
 Жон фидо бўлсин у кўринмас Зот учун!

Шеърнинг маъноси: Биз худди байроқларда чизилган шер расмидекмиз, шамол эсанда гўё ҳамла қилаётгандек кўринамиз, лекин ҳақиқатда эса ўзимиз ҳеч нарса эмасмиз, шамолнинг эсишигина бизни ҳаракатга келтиради. Биз қанчалик қудратли бўлмайлик, куч-қудратимиз ўзимизники эмас. Бу қудратни ато этган Аллоҳ қачон истаса, биздан уни олажақдир!

Донишманд кўрдик, бу одам Худони инкор қилиш у ёқда турсин, балки художўйга айланиб қолибди. Донишманд ундан ҳолаҳвол сўрагандан кейин, эсингда бўлса ўша куни Аллоҳнинг йўқлигига мингта далил келтирмоқчи эдинг, мен сенга унинг борлигига фақат битта далил келтирмоқчиман. Аллоҳ сендан осонлик билан қудратингни тортиб олган Зотдир! Бу гапларни эшитган вазир бошини эгиб, ўз хатосига иқрор бўлган ҳолда, жавоб бермай турарди, негаки, ўз хатосини эътироф этиб, қалбининг тубида Аллоҳ нурини мушоҳада қилар эди.

Қуръони Каримда Фиръавн ҳақида бундай дейилади:

﴿وَجَاوَزْنَا بِبَنِي إِسْرَائِيلَ الْبَحْرَ فَأَتْبَعَهُمْ فِرْعَوْنُ وَجُنُودُهُ بَغْيًا وَعَدُوًّا حَتَّى إِذَا أَدْرَكَهُ الْعَرْقُ قَالَ آمَنْتُ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا الَّذِي آمَنْتُ بِهِ بَنُو إِسْرَائِيلَ وَأَنَا مِنَ الْمُسْلِمِينَ﴾

«Ва Бани Исроилни денгиздан ўтказдик. Фиръавн ва унинг аскарлари ҳаддан ошган ва тугён қилган ҳолда уларни таъқиб этдилар. Токи, Фиръавнга гарқ бўлиш вақти етганида эса, у деди: «Бани Исроил иймон келтирган Зотдан ўзга илоҳ йўқлигига иймон келтирдим ва мен Аллоҳга таслим бўлганларданман.» (Юнус сураси; 90 – оят)

**Ўйлаб жавоб беринг:**

1. Юқорида ҳикоя қилинган воқеанинг натижасини бир неча сатрда баён қилинг.
2. Нима учун бани Исроилни шу ном билан аташган?
3. Фиръавн ким бўлган? У қаерда яшаган ва нималикни даъво қилган эди?

## 6-ДАРС:

---

### Аллоҳни танишнинг иккинчи йўли

---

#### Ташқи йўл:

Атроф-муҳитга назар солишимиз билан дунёдаги бор нарсалар шунчаки тартибсиз ҳолда эмас, балки маълум назм-тартиб асосида қурилганлигига амин бўламиз. Гўёки, яратилган олам тизими тартиб-қоидага бўйсунган ҳарбий қўшинлар каби гуруҳларга бўлиниб, муайян мақсад сари кетаётгандек туюлади.

Қуйидаги масалалар бу хусусидаги ноаниқликни бартараф қилиб, мазкур муддаомизни исбот қилиш учун ёрдам беради:

1. Ҳар бир тирик мавжудотнинг яшаб қолиши учун маълум шарт-шароит муҳайё бўлмоғи лозим. Масалан: Бир дарахтнинг ўсиб-униши учун тупроқ, сув, муносиб ҳаво, керакли миқдорда иссиқлик ва ёруғлик зарур бўлади, токи, уруғни экканимизда, экин яхши озикланиб, яхши нафас ололса, кўкариб ўсиши мумкин бўлади.

Агар юқоридаги шароитлар бўлмаса, экин ўсиб, уна олмаслиги аниқдир. Бу шароитларни муҳайё қилиш эса фақат илм ва ақл-идрок соҳибининг қўлидангина келиши шубҳасиздир.

2. Ҳар бир мавжудотнинг ўзига хос хусусияти бордир. Олов ва сувнинг ҳам ўзига хос хусусияти бор бўлиб, бу хусусиятларни ушбу моддалардан асло ажратиб бўлмайди ва улар доим муайян бир ўзгармас қонунга эргашадилар.

3. Дунёдаги барча мавжудотлар ўзаро чамбарчас боғлиқдирлар. Мисол тариқасида, одам организмни кўриб чиқишимиз мумкин. Инсон баданининг ўзи бутун бошли бир олам ҳисобланиб, юқори аниқликда ишловчи бадан аъзолари ўзаро ҳамоҳанг ҳолда ишлайди. Масалан: Хавfli вазиятда инсон баданининг аъзолари

ўзаро бирикиб, муодофаа учун курашади. Бу кичик оламдаги тартиб-қоида гўёки, улкан оламдаги тартиб-интизомнинг кичрайтирилган модели бўлиб, бутун оламнинг ягона низомга бўйсунганининг яққол далилидир.

4. Борлиқ оламга синчиклаб боқсак, шу нарса маълум бўладики, тартиб-қоида фақат бир организм миқёсидагина эмас, балки кенг бу оламнинг хилма-хил бўлмиш барча мавжудотларида ҳам мавжуддир. Масалан: тирик мавжудотларнинг парвариш топишлари учун қуёш ёруғлик ва иссиқлик беради, булут ёмғирга айланади, шабада эсади, ердаги табиий ва маъданли ўғитлар уни озиклантиради ва ҳоказо... буларнинг ҳаммаси борлиқ оламнинг яхлит бир тизимга бўйсунганидан дарак беради.

#### **Тартиб-қоида ва ақл ўртасидаги боғлиқлик**

Ҳар бир оқил одам учун шу нарса маълумки, қаерда тартиб-интизомга асосланган бирор дастгоҳ бўлса, бу дастгоҳни яратувчи ақл-идроқ соҳибни борлигидан нишонадир. Зеро, ҳар бир инсон қаердаки тартиб-интизом ва ўзгармас қонун-қоидани кўрмасин, ўша ерда илм ва қудрат эгаси борлигини тушуниб етади ва ўзининг ушбу виждоний идроки тўғри эканига далил ва исбот келтиришга эҳтиёж сезмайди.

Масалан: Бир кўзи ожиз ва бесавод одам ҳеч вақт чоп қилувчи машина билан яхши бир иншо ёки илмий мақола ёза олмаслиги аниқдир. Ёки икки яшар гўдак қаламни қўлига ушлаб, ўзича хатлар чизиб чиройли бир санъат асарини ярата олмайди. Аксинча, агар бирор қадриятли мақолани ўқиб қолсак, уни яхши бир саводли ва ақл-заковатли муаллиф ёзганлигини тушунишимиз аниқ. Ёхуд бирон музейда чиройли санъат асарини кўриб қолсак, моҳир ва хунарманд рассомнинг қўли билан яратилганига шубҳаланмаймиз. Гарчанд мақола муаллифи ёки рассомни танимасак ҳам яратилган асарларни кўришимиз пировардида, буларнинг яратувчиси борлиги ҳақида хулосага келишимиз шубҳасиздир.

Бинобарин, бирор дастгоҳнинг ясалиш тизилмаси қанчалик чуқур ва аниқ бўлса, ўша дастгоҳ яратувчиси бўлмиш муҳандис ҳам ўта заковатли ва юқори малакали мутахассис экани маълум бўлади.

Ҳар бир чизма асосида қурилган дастгоҳда илм ва ақл-заковат



соҳибига таянилганини исботлаш учун олий математикада қўлланадиган «*эҳтимоллар назарияси*»дан фойдаланишимиз мумкин. Масалан: Бир саводи йўқ одамнинг чоп машинаси олдига ўтириб олиб, истаган тугмаларни босиш йўли билан тасодифан шеър ёки мақола ёза олиши мумкинлиги тўғрисида «*эҳтимоллар назарияси*» бўйича, миллиардлаб йил талаб қилинадик, бунинг учун бутун бошли курраи заминнинг умри ҳам етмайди!

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда бу борада шундай буюрмишдир:

﴿سُرِّيهِمْ آيَاتِنَا فِي الْأَفَاقِ وَفِي أَنْفُسِهِمْ حَتَّىٰ يَتَبَيَّنَ لَهُمْ أَنَّهُ الْحَقُّ أَوَلَمْ يَكْفِ بِرَبِّكَ أَنَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ شَهِيدٌ﴾

«У (Аллоҳ)нинг ҳақлиги (инсонларга) ошкор бўлсин, деб Биз уларга ҳам уфқлардаги, ҳам ўз жонларидаги оят-белгиларимизни кўрсатамиз. Сенинг Парвардигоринг ҳар бир нарсага шоҳид эканлиги (Унинг борлигига) кифоя эмасмиди?!» (Фуссилат сураси; 53 – оят)

\*\*\*

Демак, Аллоҳни англашнинг энг осон йўли яратилиш оламида сайр қилиш, Қуръони Карим таъбири билан айтганда, илоҳий оятлар ҳақида тафаккур қилмоқликдир.

Теварак-атрофимиздаги олам жуда аниқ тартиб-интизом асосида яратилган бўлиб, бу тартиб-интизом ана шу оламни яратган ва унинг устидан ҳукмронлик қиладиган ўта хикматли ва чексиз билим ва қудрат соҳиби бўлмиш улуғ Зотнинг мавжудлигидан дарак беради.

Ҳар бир саҳифаси олий ақл ва тафаккур ила битилганидан дарак берувчи яратилишнинг буюк китобини varaқлаганимизда бу ҳақиқатга янада кўпроқ ишонч ҳосил қиламиз.

Борлиқ олам ҳақида тафаккур қилиш одамларнинг барча қатламларининг қўлидан келади. Оддий одамлардан тортиб энг улуғ мутафаккирларгача бу услубдан фойдалана оладилар. Ҳар бир киши ўзининг ақл-заковати ва дунёқараши доирасида борлиқ оламдаги воқеа-ҳодисалардан Аллоҳ таолонинг мавжудлиги ҳақидаги далилларни илғаб олиши мумкин.

Олтинчи пешвоимиз имом Жаъфари Содик (*алайҳис салом*) бу ҳақда айтадилар:

*«Бирор бир асбоб ускунани кимдир ясаган бўлади. Самога қад кўтарган бинони кимдир қурганига ишонч ҳосил қилади киши, агарчи бинонинг қурилиш жараёнини кўрмаган бўлса ҳам.»*

Инсоннинг ақл-заковати чегараланган. Унинг тафаккур доираси қанчалик улкан ва дунёқараши кенг бўлишига қарамасдан Аллоҳ илмининг кенглиklarини қамраб ололмайди.

### **Борлиқ ҳаёт биз учун икки қисмдан иборат:**

Бири ошкор бўлса, бири пинҳондир. Бу нарсага илмий тилда ғайб ва шухуд ҳам дейилади.

Оламнинг айрим ҳақиқатлари ташқи ҳислар билан идрок этилмайди. Аммо шунга қарамай, ушбу ҳақиқат инкор этиб бўлмас воқелиқдир. Демак, барча ҳақиқатлар фақатгина тажрибага асосланган ҳиссий идрок билан анланмайди. Аксинча, ақл ва тафаккур, тажриба ва ҳиссий идрокка кўмаклашган тақдирдагина, кўпгина воқеа-ҳодисаларнинг сир-асрори ошкор бўла олади.

Аҳли-Байт таълимотида ақл Парвардигори олам томонидан инсонга ато этилган нурга ўхшатилади. Ушбу ақл ҳақни ботидан, яхшини ёмондан ажратувчи мезондир.

Ҳазрати Али (*алайҳис салом*) бу борада буюрмишлар:

*«Ақл воситаси ила Аллоҳнинг мавжудлигига эътиқод ҳосил қилинади ва Аллоҳнинг мавжудлигига иқрор бўлиш билан иймон камолотга етади.»*

Еру осмон ҳамда инсон вужудидаги ҳар бир ўзгаришлар бутун борлиқни яратган Зотнинг мавжудлигига далил бўлиб, инсон қалбининг қутбнамосини доимо ва ҳамма жойда ҳозир нозир бўлган борлиқнинг Яратувчиси томон ҳидоят этади. Онги шак-шубҳа ва гумонсирашдан узоқ бўлган кишилар ўз Яратувчисини тезроқ англаб олиб Унга яқинлашадилар. Бу йўл эса узундан-узоқ далил-исботлар келтиришни талаб қилмайди. Шу сабаб, бу усул қай бир ақлий даражада бўлишидан қатъий назар, халойиқнинг барча қатламлари учун тушунарлидир. Бу йўналиш ҳаммадан олдин инсонларнинг фитрати (илоҳий табиати)ни уйғотишга асосланади.

**Ўйлаб жавоб беринг:**

1. Дарсда келтирилган мисоллардан ташқари ўзингиз саноат дастгоҳларидан мисол келтирингки, унинг яратувчиси борлигидан далолат берсин.
2. «Уфқлардаги» ва ўз «жонларидаги» белгиларнинг маъноси нимадир? Аллоҳнинг бундай аломатларига мисоллар келтиринг.

## 7-ДАРС:

---

### Яратилишдаги тартиб-интизом намуналари

---

Яратилган жаҳоннинг қайси бурчагига кўз ташламайлик, унда «назму тартиб» (тизим), «мақсад» ва «режа-дастур»ни очиқ-ойдин кўришимиз мумкин. Ушбу масаланинг бир неча намуналарини кўриб чиқиш учун бу дарсда сиз азиз ўқувчиларга бир неча кичик ва катта мисоллардан келтирмоқчимиз.

Ҳартугул, бугунги кунда илму саноат ривожланиши билан яратилиш сирлари, табиат оламининг ажойиб томонлари, инсон, ҳайвонот ва ўсимликлар тузилишининг ингичка тарафлари, инсонни ҳайратлантирадиган бир ҳужайрали мавжудотлар ва юлдузларнинг ғаройиб олами кашф этилмоқда. Ҳар бир кашфиёт бу оламнинг қанчалик аниқ эканлигини яққолроқ кўрсатиб, коинот сирларининг кашф этилиши ва илм-фаннинг зарралар оламига кириб келиши билан гўёки тавҳид ва яккахудоликни ўрганиш эшиклари биз томонга очилмоқда.

Шу нарсани журъат билан айта оламизки, табиатшуносликка оид бўлган китобларнинг барчаси бизга тавҳид ва яккахудолик дарсини ўргатиб, Парвардигоримизнинг азамати ва қудратини намоён қилаётир. Негаки, ушбу китоблар оламдаги мавжудотларнинг ажойиб назму тартибини ошкор этиб, яратувчи Зот нақадар олим ва қодир эканини яққол кўрсатади.

#### **1. Баданимиз мамлакатининг бошқарув маркази:**

Инсон бош суягининг ички қисмида кул рангли тўлиқ бир модда мавжуд бўлиб, унга «мия», деб айтилади. Мия баданимизнинг энг муҳим ва мураккаб аъзосини ташкил этиб, аниқ вазифани бажаради. Чунки, ушбу қисмдан баданнинг бутун аъзоларига фармон

берилади. Бу бошқарув марказининг қанчалик аҳамиятга эғалигини кўйидаги хабардан билиб олиш мумкин:

Рўзномаларда ёзилишича, бир талаба йигит авто ҳалокатга учраши таъсирида мияси зарба ейди. Йигитнинг ташқи кўринишидан бирор ҳолат рўй бермагандек эди. Лекин ҳамма бадан аъзолари соғлом бўлишига қарамай, унинг мияси чайқалгани учун хотирасини кўлдан бериб қўйган эди. Фикрини ишлатишда яхши ҳамда барча гапларни яхши тушунса-да, бироқ ўз ўтмишини унутгани учун ота-онасини кўрганида, уларни ҳеч таний олмасди. Онасини унга таништиришганда, уни биринчи марта кўриб турибман, деб ажабланарди. Уни ўз уйига олиб бориб, йигитга ўзининг ясаган нарсаларини кўрсатишганда, уларга ҳайратланиб боқар ва йигит буларнинг ҳаммасини биринчи марта кўраётганлигини айтар эди.

Шунда маълум бўлдики, авто ҳалокатда миясининг хотиралар қисми лат еб, фикрлаш билан хотирада сақлаш марказини бир-бирига улаб турадиган айрим мия хужайралари ишдан чиққан экан.

Қизиғи шундаки, миясининг шикастланиш таъсирида ишдан чиққан қисмининг миқдори бир игнанинг учидек кичик бўлиши мумкин. Лекин инсон ҳаётида ана шундай миянинг кичик қисми ҳам қанчалик буюк таъсирга эга экани ва инсон миясининг қурилмаси нақадар мураккаб ва ажабланарли экани инсонни ҳайратга солади.

### **Мия ва асаблар тузилмаси икки қисмдан иборатдир:**

**1. Ихтиёрий асаблар тузилмаси:** Юримок, сўзлашмоқ, қарамок ва ... кабилар инсондан ихтиёрий равишда содир бўладиган ҳар бир хати-ҳаракатлар ихтиёрий асаблар тузилмасининг назорати остида амалга ошади.

**2. Ихтиёрий бўлмаган асаблар тузилмаси:** Юрак, меъда ва бошқа аъзолар фаолиятини бошқаради. Бу тизимнинг кичик бир бўлаги ҳам ишдан чиқиб қолса, юрак ёки бошқа аъзонинг мутлақо ишдан чиқишига сабаб бўлади.

### **Миянинг ажойиб қисмларидан бири**

«Мия» ақл-идрок, ирода-истак, ҳис-туйғу ва хотира маркази бўлиб, асабийлашиш, қувониш ва кўрқиш сингари руҳий ҳолатлар унга тегишлидир.

Агар бирор жонзотнинг асаб тизмаси соғломлигича қолдирилиб, мия қисми эса олиб ташланса, у билиш ва ҳис қилиш хусусиятини мутлақо йўқотади. Мисол тариқасида, синаб кўриш учун бир кабутарнинг мия қисмини олиб ташлашади. Шунда кабутар бир муддат тирик қолса-да, бироқ унинг олдига сепилган донни аниқла олмай, очликда қолади ва уни ҳавога учирганларида, маълум бир тўсиққа тегиб, ерга йиқилади.

### **Миянинг ҳайратланарли бошқа қисми хотирадир**

Хотира кучи қанчалик ажойиб экани хусусида фикр юритганмисиз? Агар биздан бир соатчалик хотира олиб кўйилса, қандай ҳам қайғули тақдирга дучор бўлишимиз мумкинлигини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

Хотира маркази, миянинг кичик қисмини ташкил этиб, бутун умр давомидаги хотираларни нозик хусусиятлари билан бирга сақлаб қолади. Биз билан учрашган шахсларнинг қадди қомати, ранги, кийими, ахлоқи ва руҳий хусусияларнинг барчасини хотира ўзида сақлаб, учрашган ҳар бир шахс учун уларга хос ва тегишли ҳужжатлар йиғими тўплайди. Бирор шахс билан учрашган заҳотиёқ, фикримиз ўша йиққан кўп ҳужжатлар ичидан мазкур шахсга хос ва тегишли бўлганини олиб, уни зудлик билан кўздан кечиради.

Ажабланарли ери шундаки, хотира маркази ўзи тўплаган ҳужжатлар асосида учрашган шахс билан қандай муомалада бўлишни бизга буюради. Агар у дўстимиз бўлса, эҳтиром қилишни ва агар душманамиз бўлса, ундан нафратланишни буюради. Бу ишларнинг ҳаммаси шу қадар тезлик билан бажариладики, тақрибан замон ўтиши ҳис қилинмайди.

Масаланинг ҳайратланарли томони шу пайт ошкор бўладики, хотирамизда тўпланган нарсалар, суратлар ва тасвирлар ёрдамида ёзиб қолдирилса, шубҳасиз, кўп варақалар тузилади. Натижада, кенг омборни эгаллайди. Шунда ҳар бир суратни кўп суратлар ичидан олиб чиқиш учун кўп шахсларни маъмур қилиш лозим бўлади. Лекин инсон хотираси бу ишларни осонлик ва тезлик билан бажаради.

### **Шуурсиз-онгсиз табиат қандайга ақл-идрок ярата олади?**

Инсон миясининг ажойиб экани хусусида кўплаб китоблар

ёзилган бўлиб, олий ўқув юрлари китобларида бу борада тўла маълумотни қўлга киритиш мумкин. Шундай ингичка, мураккаб, аниқ ва сирли идрок марказини шуурсиз ва онгсиз бир табиат яратганига ишониш мумкинми? Шуурсиз табиат ақл-идрокни яратган, деб билишимиздан ҳам ажабланарлироқ сўз борми?

Қуръони Карим бу хусусида шундай буюради:

﴿وَفِي أَنْفُسِكُمْ أَفَلَا تُبْصِرُونَ﴾

«Ўз вужудингизда Аллоҳ буюклигининг ва қудратининг белгилари мавжуддир. Бу ҳақиқатни кўрмайсизларми?» (Зориёт сураси, 21 – оят)

\*\*\*

### **Ўйлаб жавоб беринг.**

1. Инсон миясининг ҳайратланарли экани хусусида бошқа маълумотларни биласизми?
2. Аллоҳ инсон миясини турли хил ҳодисалар қаршида муҳофаза қилиш учун қандай чора-тадбирлар кўрган?

## 8-ДАРС:

---

### Кичкина бир қушчада бир олам мўъжиза

---

Бу дарсда буюк бир ўлка бўлмиш ўз вужудимиздан ташқарига чиқиб, бошқа бир мавжудотлар оламига сайр қилиб, ҳарчанд ҳали буюк ўлка бўлмиш ўз вужудимизнинг етти шаҳридан бир кўчасини ҳам кириб кўрмаган бўлсак ҳам уларнинг ажойиб назм-тартибига бир назар ташламоқчимиз.

Ғира-шира бўлган осмонга назар солсак, қоронғида тезлик билан ҳар тарафга учаётган жажжигина чаққон ва бошқа қушлардан фарқ қиладиган қушчага кўзимиз тушади. Сирли кўланка каби зулматли пардалар орасида учаётиб, ўз озуқасини чаққонлик ва ботирлик билан ов қилувчи бу ажойиб кичкинтой қуш ҳаммамизга таниш бўлган кўршапалақдир.

Унинг қоронғида бирор тўсиққа урилмасдан аниқ ва тез ҳаракат билан учиши инсонни ҳайратга солади. Ҳар қанча унинг устида кузатувлар олиб борилса, бу жумбоқли қушнинг янги сирлари очила бошлайди.

Бу қуш туннинг қоронғи зулматида бир кабутарнинг қуёш нурлари ёғиб турган қундузи чоғи учаётгани каби, тезлик ва довюраклик билан парвоз қилишини кузатишимиз мумкин. Шубҳасиз, агар кўршапалак тўсиқлар борлигини етказиб турадиган ахборот воситаси билан жиҳозланмаганида эди, жуда эҳтиёт билан қанот қоқиб учган бўларди.

Кўршапалак қоронғи ва ҳар хил тўсиқлар ва қурумларга тўла туннелга қўйиб юборилса-да, жуда тез учишига қарамай, бирор марта туннел девори ёки у ердаги турли хил тўсиқларга урилиб ҳам кетмайди, унинг қаноти устига заррачалик қурум ҳам қўнмайди.



Кўршапалакнинг бундай ажойиб яратилиши унинг мураккаб тузилишидадир.

Чунки, бу парранданинг вужудида «*радар*»га ўхшаш дастгоҳ мавжуддир. Бу ерда кўршапалакнинг кичик организмидаги «*радар аппарати*»га ўхшаш хусусияти билан танишишимиз учун «*радар дастгоҳи*» хусусида бир оз маълумот беришни зарур, деб биламиз:

Физикада товушлар борасида сўз юритилганида, ультратовуш тўлқинлари ҳақида маълумот берилишича, унинг тўлқинларининг тебраниш частотаси<sup>1</sup> 20 килогерцдан<sup>2</sup> юқори бўлгани учун инсон қулоқлари уларни эшитишга қодир эмас. Шу боис, уларни «*ультратовуш*» деб аташади. Ультратовуш тўлқинларининг эластик тебранишларини махсус дастгоҳ ёрдамидагина эшитиш мумкин.

Шундай тўлқинларни бирор бир кучли юборувчи мослама орқали фазода пайдо қилсақ, ушбу тўлқинлар фазода кенг тарқалиб, олға бора бошлайдилар. Бироқ фазонинг бирор нуқтасида бирор-бир тўсиққа, масалан; душманнинг ҳарбий тайёрасига ёки унинг учоғига урилганда, деворга урилган копток каби ёхуд тоққа урилиб, ундан қайтиб эшитиладиган акс-садо сингари қайтиб келади. Ушбу тўлқинларнинг тўсиққа урилиб қайтиб келиш замонининг оралиғи миқдоридан ўша тўсиқ масофасини аниқлаш мумкин.

Тайёралар, учқичлар, учоқлар ва кемаларнинг аксари «*радар дастгоҳи*» ёрдамида бошқарилади ва исталган мақсад сари йўналтирилади ва шунингдек, душман тайёралари ва кемаларини қидириб топиш учун радардан фойдаланилади.

Кўршапалак бирор тўсиққа яқинлашганида, улардан чиқадиган, инсон сезишга қодир бўлмаган ультрақисқа тўлқинларни сеза олиш қобилияти ўша тўсиқдан узоқлашишга ёрдам беради. Кўп ҳолларда ҳозирги замон саноат жиҳозларида радардан фойдаланилади. Радарлар самолётларда ҳам қўлланилиб, уни мақсад сари йўналтиради. Ҳарбий тайёраларда ҳам радарлардан фойдаланилади. Улар душман объектини топишда қўл келади ва ҳ.к.

1. Маълум вақт ичида такрорланган ҳаракат ёки тебранишлар сони, бошқа таъбир билан айтганда; частота – бу бир сониядаги тўлиқ тебранишлар сонидир, у герц билан ўлчанади. (Физикага оид истилоҳ)

2. Килогерц – бу даврий тебранишлар частотасининг ўлчов бирлиги. (Таржимон изоҳи)

Олимларнинг айтишларича, кўршапалакнинг кичик организмда радарга ўхшаш дастгоҳ мавжуд бўлиб, у эшитилмайдиган паст тўлқинларни микрофон каби 30-60 баробар кучайтириб беради. Натижада, кўршапалак девор ва тўсиқлардан келаётган тўлқинларни ўта кучайтирилган ҳолда қабул қилади. Агар кўршапалакни бирор хонада учирсак ва ўша заҳотиёқ ультратовуш тўлқинларини эшитиш мумкин бўлган тўлқинларга ўзгартирадиган микрофонни ўрнатсак, қулоққа озор берадиган ғала-ғовур овозлар хонани кўршаб олади ва ҳар сонияда 30 дан 60 мартабагача ультратовуш тўлқинлари кўршапалақдан эшитилади.

Лекин бу ерда бир савол туғилади, у ҳам бўлса: *«Кўршапалакнинг қайси бир аъзоси тўлқинларни жўнатади-ю ва қайси бири қабул қилиб олади? Бошқача қилиб айтганда: Кўршапалакнинг тўлқинларни жўнатувчи дастгоҳи қайси ва қабул қилиб олувчи дастгоҳи қайсидир?»*

Бу саволга олимлар қуйидаги жавобни берадилар:

Ушбу тўлқинлар кўршапалак ҳалқумининг кучли мушаклари орқали пайдо бўлиб, бурнининг тешикларидан ташқарига юборилади. Тўсиқларга урилиб қайтган тўлқинларни эса унинг катта-катта қулоқлари қабул қилиб олади.

Шундай қилиб, кўршапалакнинг тунги ажойиб учишининг асосий омили унинг қулоқларидир. Рус олими «*Жури*н» ўзининг кўршапалак устида олиб борган текширишлари асосида шундай хулосага келади: *«Агар кўршапалакнинг қулоқлари кесиб ташланса, у бирор тўсиққа урилмай учиш қобилиятини йўқотар экан. Лекин агар унинг кўзлари буткул олиб ташланса, худди аввалгидек, олий маҳорат билан учаркан.»*

Кичкина жажжи кўршапалакнинг кўзлари билан эмас, балки қулоқлари орқали кўриши нақадар ҳайратланарли! Энди айтингчи, ана шундай жуссаси кичик ва жажжи бир парранданинг вужудига ким шундай аниқ, ҳайратомуз ва қудратли жиҳозни ўрнатиб қўйган? Ким кўршапалакка кечқуруннинг қоронғи-зулматида учаётганида ўз жонини турли хил хавф-хатардан сақлаб қолиш учун тўлқинларни жўнатиб, уларни қабул қилиб олувчи жиҳоздан фойдаланишни ўргатган?... Чиндан ҳам ким ўргатган?

Онгсиз ва шуури бўлмаган табиат бу ишни қила олади, дейиш мумкинми? Буюк олимлар машаққат чекиб, кўп вақт ва маблағлар сарфлаб, ясаган дастгоҳни табиат осонлик билан кўршапалакнинг организмида ярата оладими?

Ҳазрати амирал мўминин Али (алайҳис салом) «Наҳжул балога» номли китобларида кўршапалак яралиши тўғрисида ирод этган хутбаларида шундай дейдилар:

«وَلَا تَمْتَنِعْ مِنَ الْمُضِيِّ فِيهِ لِعَسَقِ دُجَّتِهِ... فَسُبْحَانَ الْبَارِيءِ لِكُلِّ شَيْءٍ، عَلِيٌّ غَيْرِ مِثَالِ خَلَا مِنْ غَيْرِهِ»

«Қоронги зулматда ҳеч иккиланмасдан шитоб учайтган кўршапалакка қаранг... Дарҳақиқат, бутун айб-нуқсондан пок ва муназзаҳ бўлган Аллоҳга ҳамд-санолар бўлсинки, У ҳеч бир намунасиз ўз қудрати билан махлуқотларини яратади» (Наҳжул балога, 154 – Хутба)

\*\*\*

### Ўйлаб жавоб беринг:

1. Кўршапалак яралиши ҳақида бошқа яна қандай маълумотларга эгасиз?
2. Кўршапалакнинг қанотлари, насл қолдириши ва ҳатто ухлаш тарзи ҳам бошқа ҳайвонлардан фарқ қилишини биласизми?

## 9-ДАРС:

---

### Ҳашарот ва гулларнинг ўзаро дўстлиги

---

Баҳор фасли ҳаволар аста-секин исий бошлаган бир кунда боғ ёки экинзорларга бир боқинг. Даста-даста майда ўйноқи ҳашаротларни кўришингиз мумкин. Асаларилар, тилларанг пашшалар, капалак ва бошқалар гуллар томон ҳаракат қилиб, бир-бир уларнинг устига кўнишларини зерикмасдан соатлаб томоша қилишингиз мумкин.

Улар шунчалик ўз ишлари билан оворадирларки, гўёки уларнинг тепаларида жунбоқли бир куч уларга фармон бериб тургандек туюлади. Қанот ва оёқлари гуллар чангига ботиб, уларнинг сарғиш рангини ўзига олган бу ҳашаротлар ишчи кийимини кийиб олиб, ўз ишига шўнғиб кетгандек кўринадилар.

Бу жажжи мавжудотларнинг қилаётган ишлари ўта муҳим ва улкан экани хусусида профессор Релиун Бертин шундай дейди:

*«Агар ҳашаротлар бўлмаганида эди, кўпгина мевалардан бебаҳра қолган бўлура эдик.»...*

Биз унинг сўзига қўшимча қилиб айтадиган бўлсак: *«Агар ҳашаротлар бўлмаса, боғ ва экинзорлар ўзининг тароватини, сўлим ва яшнаётган ҳолатини йўқотган бўлар эди»*, деймиз. Чунки, ҳашаротлар меваларни парвариш қилиб, гул уруғларининг етишишига ёрдам беришади.

Балким нима учун бундай деганимизга таажжубланаётган бўлсангиз керак. Чунки, экин ва ўсимликларнинг энг муҳим ва ҳаётгий иши бўлмиш чатишиш ва жуфтлашиш амали ҳашаротлар ёрдамида амалга ошади. Ўсимликлар ва гулларнинг ҳам ҳайвонлар каби икки жинслиги (эркак ва урғочидан ташкил топгани) ҳақида

эшитган бўлсангиз керак. Гуллар ва ўсимликлар ўртасида урчиш иши амалга ошмагунча, уруғланиб, мева ва ҳосил бермайди.

Аммо бир ерда туриб, ҳис-туйғу ва ҳаракатсиз кўринадиган ўсимлик ва гиёҳлар қандай қилиб бир-бирлари билан чатишиб кўпаядилар? Қандайига инсон спермаси сингари бўлган эркак ўсимликларнинг чанги, урғочи ўсимликлар уруғи билан чатишиб, уларнинг жуфтлашиши амалга ошади? Бу тўғрисида фикр қилганмисиз?

Ушбу иш кўп ўринларда ҳашаротлар зиммасига юкланган. Албатта баъзи ерларда шамолнинг эсиши ҳам ушбу жуфтлашишга ўз таъсирини кўрсатади.

Бироқ бу жараён биз ўйлагандек содда эмас. Бу муборак «*никоҳланиш*» иши ҳашаротларнинг совчилигида амалга ошади ва ўзига хос тарихига ва махсус тартиб-қоидага эга бўлиб, биз бу ҳақда бир оз тўхталиб ўтмоқчимиз.

\*\*\*

### **Қадимий икки чин дўст**

Табиатшуносларнинг тадқиқот ишлари натижасида эришилган маълумотлар бўйича, ер юзида ўсимликлар ва гуллар, тупроқшунослик иккинчи даврининг иккинчи ярмида вужудга келган бўлиб, ўша даврдаёқ ҳашаротлар ҳам вужудга келишган. Бу иккаласи ҳаминша яратилишнинг ҳодисаларга тўлиб тошган тарихи бўйлаб, қадимдан икки самимий ва вафоли дўст сифатида бирга яшаб, бир-бирларининг такомил топишларига кўмаклашиб келмоқдалар.

Гуллар доимий дўстлари бўлмиш ҳашаротларни ўзларига жалб қилиш учун ўзларида ширин ва хушбўй бўлган ширани заҳира қилишади. Ҳашаротлар эса эркак гулларнинг чангини олиб бориб, урғочи гулларга етказиб бериш билан бирга, гулларнинг жуфтлашиб ҳосил беришига ёрдам берадилар. Сўнгра эса гулларнинг бағрига қўниб, ўша ширани текингина қўлга киритадилар-да, кейин уни истеъмол қиладилар. Ўзига хос ва арзирли бўлган бу ширинлик шу қадар ҳашаротлар учун тотлидирки, уларни беихтиёр ўз томонига тортади.

Баъзи ботаникларнинг фикрича, гулларнинг чиройли ранги ва ўзидан таратадиган ёқимли ҳиди ҳам ҳашаротларни гуллар томон

жалб этишда муҳим рол ўйнайди. Асаларилар устидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида аниқланишича, улар ранглари яхши ажратиб, гуллар ҳидини сеза оладилар.

Дарҳақиқат, гуллар ўзларини ҳашаротлар учун чиройли ва хушбўй қилиб кўрсатадилар, натижада иштиёқли капалаклар ва нозик дидли асаларилар уларга маҳлиё бўлиб, уларнинг бу чақириғини очиқ кўнгил билан қабул қилиб, гулларнинг жуфтлашишидаги биринчи босқичини бошлаб берадилар. Шунда улар гулларнинг ширасини ҳам ея бошлайдилар. Гулларнинг бундай ширин шираси ҳашаротларнинг энг олий озуқаси ҳисобланиб, бу ширин озуқанинг тўпланиши эса асални ташкил этади. Зероки, ҳашаротлар гуллар устига кўнганда гуллар ширасининг бир қисмини гулнинг ўзида еб, сурбет кўноқлар сингари кўпроқ қисмини ўзи билан олиб борувчи асаларилар ўша озуқани ўз уяларида захира қилиб, йиғиб қўядилар ва бу ишда ҳам гуллар фойда кўришади ва ҳам асаларилар ўзига озуқа жамғаришади. Шунинг учун, бу икки дўстнинг дўстлиги мангудир.

\*\*\*

### **Аллоҳни таниш дарси**

Ҳашаротлар ва гулларнинг ҳайратланарли ҳаётини кузатаётган инсон фикрида беихтиёр ушбу савол туғилади: *«Бу муҳаббат ва дўстлик алоқасини гуллар ва ҳашаротлар ўртасида ким яратган экан?»*

Гулларга бу тотли ва ширин нектарни ким берган? Ҳашаротларни ўзига ром қиладиган гулдаги гўзал ранглар, ёқимли ва хушбўй ҳидларни ким уларга ато этган?

Гуллар чангини ташиш қулай бўлиши учун ҳашаротларга, капалакларга, асалариларга ва тилла рангли ариларга нозик бадан ва оёқларни ким бахш этган?

Нима учун асаларилар маълум муддат фақат бир хил гуллар тараф борадилар? Нимага ҳашаротлар ва гулларнинг пайдо бўлиши бир пайтга бориб тақалади?

Бир одам қанчалик ўжар бўлмасин, бу яратилишларнинг ҳаммаси шунчаки тасодифан ва олдиндан режалаштирилмаган

ҳолда юзага келган деб айта оладими? Наҳотки, шуурсиз ва онгсиз табиат ана шундай ҳайратли саҳналарни яратган бўлса-я? Ҳаргиз! Бундай бўлиши мумкин эмас!

Қуръони Каримда бу ҳақда шундай дейилган:

﴿وَأَوْحَىٰ رَبُّكَ إِلَى النَّحْلِ أَنِ اتَّخِذِي مِنَ الْجِبَالِ بُيُوتًا وَمِنَ الشَّجَرِ وَمِمَّا يَعْرِشُونَ \* ثُمَّ كُلِي مِن كُلِّ الثَّمَرَاتِ فَاسْلُكِي سُبُلَ رَبِّكِ ذُلًّا يَخْرُجُ مِنْ بُطُونِهَا شَرَابٌ مُّخْتَلِفٌ أَلْوَانُهُ فِيهِ شِفَاءٌ لِلنَّاسِ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَآيَةً لِّقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ﴾

Парвардигоринг асаларига: «Тоғлардан, дарахтлардан ва кўтарилган сўритоклардан уй тутгин.

Сўнгра ҳамма мевалардан егин. Ва Раббингнинг осон-қулай ҳолдаги йўлларидан юргин», деб ваҳий қилди. Уларнинг қоринларидан турли рангдаги шарбат-асал чиқур. Унда одамлар учун шифо бордир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавм учун оят-белги бордир.» (Наҳл сураси; 68 ва 69 – оятлар).

\*\*\*

### Ўйлаб жавоб беринг:

1. Гуллар илдизининг ширинлиги, уларнинг хушбўйлиги ва гўзаллигининг фойдаларидан айтиб беринг.
2. Асалариларнинг ажойиб ҳаётларидан яна нималар биласиз?

## 10-ДАРС:

---

### Чексиз заррачалар олами

---

Бизлар мўъжизаларга тўла бу дунёнинг бағрида яшаётганимиз учун унинг бу мўъжизаларидан ҳеч ҳайратланмаймиз, чунки, уларга одат қилганмиз ва улар бизга шунчаки оддий туюладилар гўё! Мисол тариқасида:

1. Майда ҳашаротлар оламига диққат билан қарасак, жуссаси бир ё икки миллиметр келадиган, бироқ уларнинг қўл-оёқ, кўз, қулоқ ва ҳатто мияга эга бўлишлари ва асаб тизмаси ҳамда ҳазм қилиш тизимининг мавжудлигига ҳайрон қоласан, киши.

Агар бир чумолининг миясини микроскоп остига олиб қарасак, унда баданнинг ҳар бир аъзосини бошқарувчи қисмлар мавжуд эканлигини кўрамиз. Чумоли мияси шундай мураккаб тузилишга эгаки, бирор-бир кичик ўзгариш киритилса, чумолида фалажни юзага келтириши мумкин.

Ҳайратланарлиси шундаки, нинанинг учидек келадиган бу органда бир дунё ҳиссиёт, заковат, маданият ва дид-хунармандлик яширинган. Олимлар умрларини бу кичик бир ҳашаротни ўрганиш учун сарфлаб, унинг ҳайратланарли ва қизиқарли экани ҳақида кўпгина маълумотларни ўз китобларида ёзиб қолдирганлар.

Кичик бир мавжудотда жой олган бу ҳуш ва заковатни нинанинг учичалик миқдорда ҳам онг ва шуури бўлмаган табиат ярата олармикан?

2. Сир-асрорларга тўла дунёимизнинг ҳозиргача танилган энг кичик зарраси – атом ва унинг қисмларидир. Атомлар шунчалик кичикки, уни ҳатто кучли микроскоплар ҳам кўришдан ожиздирлар.

Агар атомларнинг нақадар кичиклиги ҳақида билмоқчи



бўлсангиз, бир томчи сувда ер юзидаги бор-йўқ мавжудотларнинг сонидан ҳам кўпроқ миқдорда атом борлигини тасаввур қилишингиз, кифоядир. Агар бир сантиметр миқдордаги нозик бир симда нечта протон борлигини билмоқчи бўлсак ва бу иш учун минг кишини ёрдамга чақирсак ва ҳар бир сонияда битта протонни ажратсак, у ҳолда уни санаб чиқиш учун кеча-ю кундуз ухламасдан тинимсиз ишласак, атомлар хилма-хиллигини назарга олган ҳолда 30 йилдан 300 йилгача вақт керак бўлади.

Агар бир сантиметрлик ингичка симнинг ўзида шунча кўп атом мавжуд бўлса, бутун бошли осмон ва ерда, сув ва ҳавода, Сомон йўли (Галактика)ларда ва қуёш сайёрасида қанча атом бор экан? Уларнинг сонини ҳам тасаввур этиш одамзотга қийин бўлиб, уни толиқтириб қўяди. Аммо атомларнинг сонини яратган Зотдан ўзга ҳеч бир мавжудот аниқ ҳолда била олмас.

\*\*\*

### **Атомлар инсонга яккахудолик дарсини беради**

Атомлар ҳақидаги илм бугунги кунда муҳим ва қувонч бахш этадиган илмлардан ҳисобланади. Ўта кичик зарралардан иборат бўлмиш атомлар бизга яккахудолик ва худошунослик сабоғини беради, чунки, атомлар оламида ҳаммадан кўпроқ тўрт масала инсон назарини ўзига жалб этади:

#### **1. Фавқуллодда назм-тартиб (тизим):**

Атомларнинг ҳозиргача кашф этилган сони 100 дан ортиқ бўлиб, улардаги электронлар сони 1 тадан бошланиб, 100 дан ортиқ бўлиши мумкин. Бу ажойиб тизим шуурсиз ва онгсиз табиатнинг ишидир деб айта оламизми?

#### **2. Кучлар мувозанати:**

Икки манфий зарядга эга бўлган заррачалар ўзаро тортишиш кучига эгадирлар. Шунга кўра, манфий зарядли электронлар билан мусбат зарядли атом ўзаги (ядроси) ўртасида ўзаро тортишиш кучи мавжуддир.

Электронлар нейтронлар атрофида айланишлари билан марказдан қочиш кучи (итариш кучи)ни юзага келтирадилар. Бу марказдан қочиш кучи электронларни атом муҳитидаги нейтрондан

узоқлаштириб, атомнинг ёрилишига олиб келади, бошқа тарафдан эса, атом ўзаги (ядроси)нинг зарядланган электронларни ўзи томон тортиши натижасида пайдо бўлган куч атомнинг нобуд бўлишига олиб келади.

Қандай ҳам аниқ ҳисоб-китоб билан атомларда ўрнатилган тортиш ва итариш кучи электронларни атом атрофидан қочиб кетишдан ёки атомга тортилиб йўқ бўлишидан сақлаб қолади ва бундай қарама-қарши кучларни мувозанатда сақлаб туриб, уларни ўз йўналиши томон ҳаракатлантиради. Шундай ингичка мувозанатни шуурсиз ва онгсиз табиат ярата олади деб ўйлайсизми?

### **3. Ҳар бири ўз йўналишида ҳаракатланади:**

Юқорида айтиб ўтганимиздек, атомлар юздан ортиқ электронларга эга бўлишлари мумкин. Бироқ бу электронларнинг ҳаммаси бир хил йўналишда ҳаракатланмай, балки, ҳар қайси ўзига хос орбита бўйлаб, муайян масофада ва ўз худудида ўта тезлик билан ҳаракатланади. Миллионлаб йиллар давомида маълум масофани сақлаган ҳолда бирор марта ўзаро тўқнашувларга дуч келмай, аниқ ўлчов билан ҳаракатланаётган заррачаларни ким бошқармоқда экан?

Уларнинг ҳар бирини ҳайратланарли низом ва тартиб-қоида билан муайян мадорда ва аниқ йўналишда қилиб қўйишни оддий бир иш деб ўйлайсизми?

### **4. Атомларнинг буюк қудрати:**

Атомнинг улкан кучини чуқурроқ англаш учун эътиборингизни қуйидаги воқеага қаратамиз:

1945 – йилда сувсиз ва ўсимликсиз қуриб ётган Мексиканинг бир саҳросида атом бомбасини синовдан ўтказиш ишлари амалга оширилади. Шунда кичкинагина бир атом бомбаси пўлатдан ясалган минорага қараб отилади. Портлашдан кейин пўлат минора эриб сувга айлангач, ундан буғ чиқиб, чақмоқ ва кўрқинчли бир товуш юқорига кўтарилади. Олимлар бориб қараганларида, минорадан ҳеч қандай асар қолмаган эди.

Ўша йилнинг ўзида иккита кичкина атом бомбаси Японияга – бири Нагасаки ва иккинчиси эса Хиросима шаҳрига ташланади. Атом бомба таъсирида Нагасакида 70 минг одам йўқ бўлиб, яна шунча одам

оғир яраланади. Хиросимада эса 30 мингдан 40 мингга яқин одам нобуд бўлиб, худди шу миқдордаги кишилар ярадор бўладилар. Ушбу можародан сўнг Япония сўзсиз Америкага таслим бўлади.

Фақатгина атомнинг турли сирларини ўрганиб чиқишнинг ўзи – инсонни оламларнинг яратувчиси томон олиб боришга кифоя қилмайдими? Яратувчининг борлигига далолат қиладиган оламдаги мўъжизалар сони ундаги атомлар сонидан оз эмасдир.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда бу ҳақда шундай марҳамат қилади:

﴿وَلَوْ أَنَّمَا فِي الْأَرْضِ مِنْ شَجَرَةٍ أَقْلَامٌ وَالْبَحْرُ يَمُدُّهُ مِنْ بَعْدِهِ سَبْعَةُ أَبْحُرٍ مَا نَفِدَتْ كَلِمَاتُ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ﴾

«Агар ер юзидаги (бор) дарахт қаламлар бўлиб, денгиз (сиёҳ бўлса ва) ундан сўнг яна етти денгиз унга ёрдамга келса, Аллоҳнинг сўзлари тугаб-битмас. Албатта, Аллоҳ қудрат ва ҳикмат Эгасидир.» (Луқмон сураси, 27 – оят)

\*\*\*

### Ўйлаб жавоб беринг.

1. Чумолилар ҳақида яна қандай қизиқарли маълумотлар биласиз?
2. Атомнинг тузилишини доскага чизиб, кўрсатиб бера оласизми?

## 10 – ДАРСНИНГ ИЛОВАСИ:

---

### Аллоҳнинг сифатлари ҳақида

---

Шуни билмоқ лозимки, яратилмиш олам сирларини ўрганиб чиқиш орқали Аллоҳнинг борлигига осонлик билан ишонч ҳосил қилганимиз сингари Аллоҳнинг сифатларини ҳам англаб олиш осон бўлмай, бу масала кўпроқ диққат қилишни инсондан талаб қилади.

Нима учун дейсизми? Чунки, Аллоҳнинг ҳеч бир сифати бизга ва биз кўриб, эшитиб юрган нарсаларга асло ўхшамайди. Шунинг учун Унинг сифатлари билан танишиб чиқишнинг дастлабки шарти, яратилган махлуқотларнинг бутун сифатларини Аллоҳнинг Зоти покидан четлаштиришдир. Бошқа сўз билан айтганда, Аллоҳни табиат оламидаги чекланган мавжудотларнинг ҳеч бирига ўхшатмасликдир. Мана шу ерда бу масаланинг ўта нозиклигини тушуниб етамиз. Зеро, биз табиат қўйнида туғилиб, унинг қўйнида униб ўсганмиз ва доим табиат билан алоқада бўлиб, унга боғлиқлик топганмиз. Шу боис, биз ҳар бир нарсани тушуниш учун табиатдаги мавжудотлар билан таққослаб, уларни кўз олдимизга келтиришни яхши кўрамиз. Бу ҳолат эса Аллоҳнинг сифатларини танишга тўсқинлик қилади.

Бошқа ибора билан айтганда биз кўриб юрган нарсаларнинг барчаси жисм ёки жисмоний хусусиятлар бўлиб, муайян бир замон ва маконга тегишлидирлар. Бошқача айтганда, махсус ўлчам ва шаклларга эгадирлар. Шунга асосан, на жисм, на замон ва на маконга эга бўлган, айни ҳолда бутун замонлар ва маконларни қамраб олган ва ҳар жиҳатдан беқиёс, бепоён ва чексиз бўлган Аллоҳни тасаввур этиш ўта машаққатли ишдир. Негаки, биз Аллоҳни табиатдаги бирор мавжудот кўринишида тасаввур қилмоқчи бўламиз. Шунинг учун, бу йўлда эҳтиёт билан қадам ташлашимиз лозим бўлади.

Аммо шу нарсани ҳам эслатиб ўтиш керакки, биз ҳеч қачон Аллоҳнинг зоти қандайлигини тасаввур қила олмаймиз ва бунинг умидида ҳам бўлмаслигимиз керак. Чунки, бундай умидда бўлишимиз чексиз бир уммонни кичик бир аквариумга сиғдира олиш мумкин ёки онанинг қорнидаги болани ёруғ дунёдаги ҳамма нарсадан хабардор қилиш мумкин деб айтишга ўхшайди. Ҳолбуки, бундай иш мумкин эмас ва асосан инсон ақли Аллоҳ таолонинг зотини буткул англаб олишдан ожиздир.

Бу масалада озгина оғиш инсонни худошунослик ва яккахудолик йўлидан адаштириб қўяди. Натижада унинг бутпарастлик ва махлуқотларга сиғиниш ботқоғига ботиб қолиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун эҳтиёт йўлини тутиб, Аллоҳ таолонинг сифатларини махлуқотлар (яратилганлар) сифати билан қиёсламаслигимиз лозим.

Аммо шунга қарамай, биз инсонлар идрок эта олиш қобилиятимиз ва сиғимимизга яраша Аллоҳ таолони қуйидаги услубда таний оламиз:

Оламдаги мавжудотларда «*камолот ва комиллик*» сифатларини қўришимиз мумкин. Гўзаллик, адолат, тўғрисиўзлик, эзгулик ва бошқалар ижобий хислатлар бўлиб, Яратувчи томонидан бандаларга ато этилган. Шубҳасиз, махлуқотларда мавжуд бўлган барча ижобий сифатлар Холиқнинг ўзида тўла-тўқис ва баркамол шаклда мавжуддир. Акс ҳолда махлуқотлар ҳам бу сифатларга эга бўлмасдилар. Қудрат, илм, ҳикмат, адолат, раҳмат ва шулар каби ижобий хислатлар Аллоҳнинг сифатларидандир.

Диққатга сазовор бўлган нарса шундан иборатки, Аллоҳнинг зоти чексиз бўлгани учун Унинг сифатлари ҳам зотига тенг бўлмоғи лозим. Бошқа сўз билан айтганда, Аллоҳ айна илмдир ва шунингдек, айна қудратдир ва ҳоказо.

### **Аллоҳнинг жамол ва жалол сифатлари**

Одатда Аллоҳнинг сифатларини икки гуруҳга бўлишади:

1. Субутий сифатлар, яъни Аллоҳ таолода мавжуд бўлган сифатлар. Бундай сифатларга «*жамол сифатлар*» ҳам дейилади.

2. Салбий сифатлар, яъни Аллоҳ таоло бундай сифатларга эга бўлмай, улардан пок ва муназзаҳдир. Бундай сифатларни «*жалол сифатлар*» деб ҳам аташади.

Энди шундай савол туғилиши мумкин: Аллоҳнинг нечта сифати бор?

Ушбу саволга жавобан шундай деймиз: Бир қарашда Аллоҳнинг сифатлари бепоён ва чексиздир ва бошқа қарашдан эса Аллоҳнинг ҳамма сифатлари биргина сифатга келиб хулоса бўлади. Чунки, Аллоҳнинг барча субутий сифатларини қуйидаги жумлада хулоса қилиш мумкин:

Аллоҳнинг зоти чексиз, бепоён ва беқиёс бўлиб, *«камолот ва комиллик»* деб ҳисобланган бутун хусусиятлар Аллоҳга хосдир.

Аксинча, Аллоҳнинг салбий сифатлари эса ушбу иборада хулоса қилинади: Аллоҳнинг зоти ҳар қандай айб-нуқсондан пок ва муназзаҳдир.

Бироқ камолотлар ва айб-нуқсонлар даражалари билан фарқланиб, чексиз камолот ва бепоён айб-нуқсонни тасаввур қилиш мумкин. Шунинг учун қисқагина қилиб айтганда: *Аллоҳ таоло чексиз ва бемиқёс субутий сифатлар ва барча камолотлар эгаси бўлиб, айб-нуқсон деб ҳисобланган ҳамма хусусиятлардан пок ва муназзаҳдир.* Зеро, Аллоҳ таоло *«камол ва юксаклик»* деб тасаввур қилинган барча хусусиятларга эга бўлган ва айбу нуқсонлик деб тасаввур этилган ҳамма хусусиятлардан муназзаҳ ва йироқ бўлган зотдир. Демак, Аллоҳнинг субутий ва салбий сифатлари бениҳоя ва чексиздир.

\*\*\*

### **Аллоҳнинг машҳур субутий сифатлари**

Аллоҳнинг машҳур субутий сифатлари қуйидаги иборада жамланган:

Олим, Қодир, Ҳай-ю Мурид ва Мудрик

Ҳамда Қадим-у Азалий сўнгра Мутакаллим-у Содиқдир

1. Аллоҳ олимдир, яъни ҳамма нарсани билгувчи зот.

2. Аллоҳ қодирдир, яъни ҳар нарсага қодир бўлган зот

3. Аллоҳ ҳайидир, яъни тирикдир. Зеро, тирик зот илм ва қудрат эгаси бўла олади. Аллоҳ таоло илм ва қудрат эгаси бўлгани учун ҳайй-тирикдир.

4. Аллоҳ муриддир, яъни У ирода ва ихтиёр соҳиби бўлиб, ўз ишларида мажбур эмас ва ҳар бир ишни муайян бир мақсад ва ҳикмат узра амалга оширади. Ер ва осмонда ҳеч бир нарса мақсадсиз ва ҳикматсиз яралмаган.

5. Тангри таоло мудрикдир, яъни У ҳар нарсани идрок қилувчи, ҳаммани кўриб турувчи ва бутун товушларни эшитувчи зот бўлиб, ҳаммадан огоҳ ва хабардордир.

6. Аллоҳ таоло қадим ва азалийдир, яъни ҳамиша бор бўлган ва Унинг борлигининг бошланиши бўлмаган. Зеро, Унинг мавжудлиги зотидан жўшиб чиққан ва шунинг учун абадий ва мангу зотдир. Ул зоти покнинг мавжудлиги Унинг Ўзидан бўлгани учун Унинг фоний ва йўқ бўлиши маъносиздир.

7. Худо мутакаллимдир, яъни У ҳавода тўлқинларни пайдо қилиб, пайғамбарлар билан сўзлаша олиш қудратига эгадир. Бироқ бунинг маъноси Аллоҳнинг оғзи, тили ва бўғиз торларидан иборат сўзлашадиган аъзоси бор дегани эмас.

8. Аллоҳ таоло содиқдир, яъни У ростгўй ва тўғри сўз бўлиб, айтган сўзлари рост ва айна ҳақиқатдир. Зероки, ёлғон сўзлаш нодонлик ва билмасликдан ёки заифлик ва кучсизликдан юзага келади. Чексиз илм ва қудрат эгаси бўлмиш Аллоҳдан ёлғон сўз содир бўлиши маҳолдир.

\*\*\*

### **Аллоҳнинг машҳур салбий сифатлари**

Аллоҳнинг салбий сифатлари остки иборада жамланган ҳолда келтирилган:

У на мураккаб, на жисм, на кўринадиган, на маконлидир

Шериксиз-у маъно-мафҳумларсиздир, сен Уни Яратувчи, Беҳожат бил

1. Аллоҳ мураккаб эмас, яъни У қисмлар ва бўлақлардан тузилган ёки ташкил топган эмас. Зеро, агар қисм ва бўлақларлардан тузилганида эди, бу қисмларга эҳтиёжи бўлар эди, ҳолбуки, Аллоҳ ҳеч бир нарсага эҳтиёжи бўлмаган зотдир. Ва асосан эҳтиёж ва муҳтожлик Унинг Зоти покига йўл топа олмайди.

2. Аллоҳ жисм эмас, чунки, агар жисм бўлганида эди, маълум

маконда чегараланиб қолиб, ўзгарувчан ва фоний бўлувчи бўлар эди. Бироқ, У абадий, азалий ва бирор маконга чекланиб қолмаган бениҳоя ва чексиз зотдир.

3. Аллоҳ кўзга кўринмасдир, агар кўзга кўринадиган бўлса эди, у ҳолда «жисм» бўлиб, чекланган ва фоний бўларди.

4. Аллоҳ ҳеч бир маконга эга эмас, чунки, У жисм эмас, то маконга эҳтиёжи бўлсин.

5. Аллоҳнинг шериги йўқдир, агар шериги бўлганда эди, чегараланган бўлиб қоларди. Зеро, икки мавжуднинг ҳар жиҳатдан чегарасиз ва бениҳоя бўлиши мумкин эмас. Бундан ташқари, оламнинг ягона тизими яратувчининг ягоналигидан далолат беради.

6. Аллоҳ ҳеч бир маъно ва мафҳумга эга эмас, яъни Унинг сифатлари зотининг айни ўзидир.

7. Аллоҳ муҳтож эмас, балки беҳожат ва юксакдир. Зероки, илм ва қудрат ва бошқа камолот жиҳатидан бепоён ва бемиқёс бўлган зот ҳар қандай айб-нуқсондан пок ва муназзаҳ бўлиб, ҳеч кимга муҳтож бўлмайди.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда бу борада қуйидаги меъёрни баён қилади:

﴿لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ﴾

«Ҳеч нарса У каби эмасдир.» (Шўро сураси, 11 – оят)

\*\*\*

### **Зотий ва Феълий сифатлар**

Аллоҳ таоло сифатларининг яна бошқа бир тақсимоти мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Зотий сифатлар
2. Феълий сифатлар.

Аллоҳ таолонинг айрим сифатлари зотий бўлиб, ҳеч бир махлуқотни назарга олмаган тақдирда ҳам доимо Аллоҳ таоло учун собит ва ошқордир. Масалан; илм, қудрат, ҳаёт ва бошқалар. Мазкур сифатларнинг «зотий» деб номланиши уларни қўлга киритиш учун махлуқотларни назарга олмай, фақат Аллоҳнинг зотини назарда тутиш кифоя қилгани сабаблидир.



Лекин, Аллоҳнинг шундай сифатлари ҳам борки, Унинг фақат махлуқотларга нисбатан бўлган алоқасини назарга олган ҳолдагина мазкур сифатлар аён бўлади. Бундай сифатларга «*февлий*» сифатлар дейилади. Мисол учун; Розик (ризқлантирувчи), Холик (яратувчи), Раҳийм (раҳмли) Рабб (тарбияловчи), Илоҳ (сиғинишга лойиқ зот), Мурид (ирода соҳиби), Ҳаким (ҳикмат эгаси), Содик (ростгўй) ва шунга ўхшаш Қуръони Карим оятлари ва ҳадиси шарифларда келган кўп сифатларни келтира оламиз.

\*\*\*

### **Ўйлаб жавоб беринг:**

1. Аллоҳнинг ягоналигига ва Унинг шериги йўқлигига бошқа далилларингиз борми?
2. Шу пайтгача учта худога ишонадиган динлар ҳақида эшитганмисиз? Икки худодик динлар ҳақидачи?



---

---

## АЛЛОҲНИНГ АДОЛАТИ ҲАҚИДА ЎН ДАРС

---

---

## 1-ДАРС:

---

### Адолат нима?

---

❖ Нима учун Аллоҳ сифатлари орасидан Адолат сифатини дин асосларининг бири деб тан олишган?

❖ «Адолат» билан «тенглик» ўртасидаги фарқ нимада?

Бу дарсда биринчи бўлиб шу нарсага аниқлик киритиб олишимиз лозим бўладики, нима учун буюк уламолар Аллоҳ сифатларидан бири бўлмиш Адолат сифатини диннинг беш асосларидан бири деб танлаб олишган?

Аллоҳ Олимдир, Қодирдир, Одилдир, Ҳақимдир, Раҳмон ва Раҳимдир, Азалий ва Абадийдир, Холиқ ва Розикдир. Нимага энди барча сифатлар орасидан айнан Адолат сифатини танлаб, диннинг беш асосларидан бир асоси қилиб белгилаганлар?

Бу муҳим саволга жавоб бериш учун аввал бир неча масалага эътиборингизни қаратмоқчимиз:

1. Аллоҳнинг адолати бошқа сифатлар орасида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, кўпгина бошқа сифатлар бу сифат (яъни адолатга) келиб тақалади. Негаки, «Адолат» кенг маънода «*ҳар нарсани ўз ерига қўйиши*» тушунчасини англатади. Шунга биноан, Аллоҳнинг Ҳақим, Разоқ, Раҳмон, Раҳим каби бошқа сифатлари Унинг одиллик сифатига мувофиқ келиб, Адолат сифати уларни ўз ичига олади.

2. Қайта тирилиш ва қиёмат масаласи ҳам Аллоҳнинг одиллигига чамбарчас боғлиқ бўлиб, пайғамбарларнинг юборилиши ва имомларнинг тайин этилиши ҳам Тангрининг адолатидан келиб чиққан.

3. Ислом дини кириб келган дастлабки давридаёқ Аллоҳнинг адолати хусусида мусулмонлар орасида келишмовчилик юзага

келган эди. Аҳли суннат мусулмонлари тоифасидан бўлмиш «*Ашоира*» гуруҳи ёхуд Ашъарийлар (Абулҳасан Ал-Ашъарийнинг издошлари) Аллоҳнинг адолатини бутунлай инкор қилиб, Аллоҳ борасида адолат ва зулмдан сўз очиш бемаънидир, негаки, бутун олам Унинг мулкидир, ҳар ишни бажарса – айна адолат бўлади деб ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганлар. Уларнинг фикрича, инсон ақлининг танҳо ўзи яхши ва ёмонни ажратиш қобилиятига эга эмасдир, ҳатто яхшилик қилишнинг яхшилигини ва зулм қилишнинг ёмонлигини ҳам тушунишга ожиздир.

Аҳли суннатга тегишли «*мўътазиллийлар*», деб номланган бошқа бир гуруҳ ва шунингдек, «*имомиялар*» жамиятининг ҳаммаси Аллоҳнинг адолатига ёндашганлар. Уларнинг эътиқодича, Аллоҳ ҳаргиз зулм қилмайди.

Мана шу икки хил қарашни бир-биридан ажратиш учун «*мўътазила*» ва «*имомия*»ларни «*адлия*» гуруҳи деб номлайдилар, «*Ашоира*» гуруҳига эса, «*гайриадлия*» дейишади. Шиалар ўзининг ғоясини бошқа «*адлия*» гуруҳидан ажратиб аниқлаш мақсадида «*имомат*»ни ҳам дин асосларининг бири деб қабул қилишган.

Бинобарин, қаерда «*Аллоҳнинг одиллиги*» ва «*имомат*» ҳақида сўз юритилар экан, «*ўн икки имомлик шиалар*»нинг эътиқоди намоён бўлади.

4. Диннинг шохлари бўлмиш аҳком, диннинг негизи бўлган ақоид асосида тузилгани учун оламлар Парвардигорининг одиллиги инсонлар жамиятига чуқур ижобий таъсир кўрсатгани ҳамда ижтимоий адолат инсонлар жамиятида муҳим ўринга эга бўлгани сабабли, «*жамиятда адолат қайта тикланиб, унга кўпроқ риоя қилинсин ва жамиятда юз берадиган ҳар қандай зулму зўравонликка қарши курашилсин*» деган мақсадда «*адолат*» диннинг негизи ва асоси қилиб танланди.

Шунингдек, Аллоҳнинг зоти ва сифатлари ягоналиги ва ёлғиз У ибодат қилинишга сазовор эканлиги, инсонлар жамиятидаги бирлашиш ва яқдилликнинг асоси ва негизи бўлиб, инсонлар ўртасидаги уюшқоқликни кучайтиради.

Демак, пайғамбарлар ва имомларнинг инсонлар жамиятига

раҳбарлик қилишлари «*ҳақиқий раҳбарликнинг тимсоли*» бўлганидек, бутун борлиқ устидан ҳукм сураётган Парвардигорнинг адолати инсонлар жамиятининг барча тармоқларида адолат ҳукмронлик қилиши зарур эканига рамзий ишорадир.

Яратилмиш буюк олам адолат асосида устивор ва барқарор бўлгани каби, башарият олами ҳам адолатсиз устивор ва бардавом бўла олмайди.

### **Адолат сўзининг маъноси**

Адолатнинг икки фарқли маъноси бор:

1. Ушбу сўзнинг кенг қўламли маъноси; «*ҳар нарсанинг ўз жойига қўйилиши*» ва бошқа сўз билан айтганда: «*Ҳар бир нарсанинг бир маромда ва бир тартибда бўлиши ва мувозанатининг сақлаб қолиниши*», демақдир.

Бу маънодаги Аллоҳнинг адолатини бутун яратилган оламда кўришимиз мумкин. Коинот, сайёралар, атомлар оламида, инсоннинг тузилишида, ўсимлик ва ҳайвонот оламида Аллоҳнинг адолати ҳукм сураётганлигини мушоҳада қилишимиз мумкин.

Пайғамбаримиз ҳазрати Муҳаммад Мустафо (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)нинг қуйидаги ҳадиси шарифларида ана шу адолат ҳақида қуйидагича сўз юритилган:

«*بِالْعَدْلِ قَامَتِ السَّمَوَاتُ وَالْأَرْضُ*»

«*Аллоҳнинг адолати туфайли еру осмонлар барпо бўлди*». Агар ернинг «*тортиш*» ва «*итартиш кучи*» ўз мувозанатидан чиқиб кетиб, шу иккала кучдан бири иккинчисининг устидан ғолиб келса эди, қуйидаги икки ҳолдан бири юз берган бўлур эди:

Ё куёш кучи кўпайиб кетиб, ерни ўзига тортиб уни куйдириб, кул қилар эди, ёки ер қурраси ўз орбитасидан чиқиб кетиб, чексиз фазода саргардон бўлиб, охир-оқибат, йўқ бўлиб кетар эди.

Шоир ўз шеърида ушбу маънодаги адолат ҳақида шундай дейди:

Адл нимадир? Ҳар нарсани ўз ўрнига қўйишдир.

Зулм нимадир? Ўз ўрни бўлмаган ерга қўйишдир!

Адл нимадир? Дарахларга сув бермақдир.

Зулм нимадир? Тиканларга сув бермақдир!

Маълумки, агар сувни гул, мевали дарахт ва фойдали экинларни суғориш учун қўйсангиз, сувни ўз ўрнида ишлатган бўласиз ва бу айни адолатдир. Бироқ сувни кераксиз ва зарарли ўтлар ва тиканларни суғориш учун ишлатсангиз, ноўрин ишлатган бўласиз ва бу айни зулмдир.

2. Адолатнинг бошқа маъноси эса *«инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқига риоя қилиш»* бўлиб, унинг акси бўлмиш зулм эса, *«бошқанинг ҳақ-ҳуқуқига тажовуз қилиб, уни поймол этиш ёки бировнинг ҳақини тортиб олиб, бошқага бериш ёхуд ўзиники қилиш»*дир. Бошқа сўз билан айтганда *«зулм – бу инсонлар ҳақ-ҳуқуқи ўртасига тафовут солиб, бўлмаган нарсага баъзиларни бошқалардан устун қўйиш демакдир.»*

Иккинчи маънодаги адолат *«хос маъно»*да бўлиб, биринчи маънодаги адолат эса умумлашма ва кенг маънодадир. Аллоҳнинг адолати ҳақида ҳар иккала маъно қўлланилади, лекин калом илмида иккинчи маънодаги адолат ҳақида кўпроқ баҳс олиб борилади.

Аллоҳнинг адолати деганда бировнинг ҳақини зое қилмаслик ва бировнинг ҳақини бошқа шахсга бермаслик тушунилади. Худди шунингдек, Тангри таоло инсонлар ўртасида уларнинг ҳақ-ҳуқуқини ато этишда фарқ белгиламайди. Аллоҳ ҳар томонлама ва бутун маънода адолатли зотдир ва биз Аллоҳнинг одиллигига оид бўлган далилларни кейинги дарсда келтиражамиз.

**Зулм** – хоҳ бировнинг ҳақини олиб қўйиш бўлсин ёки бошқанинг ҳақини бировга бериб юбориш бўлсин ёхуд яратилганлар ҳуқуқини тўқис қилиб беришда уларнинг ўртасида фарқ қўйиш бўлсин, бутун нуқсонлардан пок ва муназзаҳ бўлган Аллоҳдан йироқдир. Демак, Аллоҳ таолонинг зоти зулмнинг ҳар қандай кўринишидан пок бўлиб, У ҳаргиз солиҳ ва яхшиларни жазоламайди, ёмонларни эса мукофотламайди. Ҳеч кимни бошқанинг гуноҳи сабабли азобламайди ва ҳеч қачон қуруқ ва хўлни биргаликда ёндирмайди.

Ҳатто агар бирор бир жамиятда ҳамма одамлар фосиқ ва гуноҳкор бўлса-ю, фақат бир нафар солиҳ бўладиган бўлса, Аллоҳ таоло албатта ана ўша одамнинг ҳисобини бошқалардан ажратиб, гуноҳкорлар қаторида уни азобламайди.

«Ашоира» гуруҳининг «Агар Худо ҳамма пайгамбарларни жаҳаннамга равона қилса ва бутун гуноҳкорларни жаннатга йўлласса, Унинг бу иши зулм бўлмайди» деган сўзлари қабиҳ, номаъқул ва асоссиз бўлган иддаонинг ўзидир. Хурофот ва мутаассибликка берилмаган ҳар бир одамнинг ақли бу каби фикрларнинг қабиҳлигига гувоҳлик бериб, уни рад этади.

### **Адолат ва тенглик ўртасидаги фарқ нимада?**

Айтиб ўтилиши муҳим бўлган баҳслардан яна бири шундан иборатки, гоҳида «баробарлик ва тенглик» билан «адолат»нинг бир-биридан фарқи йўқ деган тушунчага бориб, кўпинча адолат – бу тенг ҳуқуқликка риоя қилиш деб гумон қилганлар.

Ваҳоланки, ҳаргиз адолатда тенг ҳуқуқли бўлиш шарти мавжуд эмасдир, балки ўз ҳақ-ҳуқуқига тўлалигича эришиш биринчи даражада назарга олинмоғи лозим. Масалан, ўқувчилар орасида адолатга риоя қилиш мақсадида ўқитувчи ўқувчиларининг ҳаммасига беш баҳо қўйса, шунда ҳаракат қилиб, дарсини ўқиб ўзлаштирган яхши ўқувчилар билан ишەқмас, дангаса ва ҳеч дарс ўқимай ўзлаштирмаган ўқувчига бир хил баҳо қўйиш, қандайига адолат бўлади? Бу ўринда шуни айтиш керакки, муаллим тенгликка риоя қилди, лекин шу пайтнинг ўзида адолатга риоя қилмади. Ёки икки ишчининг ўртасида адолатни жорий қилишнинг маъноси – бу ҳар иккаласига бир хил меҳнат ҳақи тўлаш эмас. Зеро, у ҳолда тенглик – зулмга уйғун келади, адолатга эмас. Балки, юқоридаги икки ўринда адолатга риоя қилиш ҳар бир шахснинг меҳнатига ва қилган саъй-ҳаракатига яраша баҳо бериш ёки меҳнат ҳақи тўлаш билангина амалга ошади.

Табиат оламида ҳам кенг маънодаги ушбу адолатни кўрамиз ва бу адолат тенглик маъносида бўла олмайди. Масалан, катта бир наҳанг балиққа чумчуқнинг юрагини қўйиш адолатдан эмас. Соддароқ қилиб айтганда, тенгликка риоя қилиш мақсадида бир тонна чамали наҳанг балиқ юраги билан бир граммчалик бўлган қушча юрагининг андозаси бир хил қилиб қўйилса, адолат бўладими ёки зулмми?

Агар узун бўйли йўғон бир дарахтнинг илдизи кичик бир ниҳолнинг илдизи билан баробар бўлса, адолат эмас, балки зулм бўлади.



**Адолат** – бу ҳар бир мавжудотнинг ҳақ-ҳуқуқига, қобилият ва истеъдодига ҳамда лаёқатига яраша, унинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, унга улуш ажратилишидир.

\*\*\*

**Ўйлаб жавоб беринг:**

1. Нима учун Аллоҳнинг ҳамма сифатлари ичидан айнан «Адолат» сифати диннинг асоси ва негизи қилиб қабул қилинган?
2. «Ашоира» гуруҳи қандай гуруҳдир? Уларнинг эътиқоди ҳақида нималар биласиз?
3. Аллоҳнинг адолатига бўлган эътиқод жамиятда қандай таъсир кучига эга?
4. Адолатнинг неча хил маъноси бор? Уларни шарҳлаб беринг.
5. «Адолат» ва «тенглик» тушунчалари бир хил маънога эгами?

## 2-ДАРС:

---

### Парвардигори оламнинг одиллига далиллар

---

#### 1. Ақлнинг яхши ва ёмонни ажрата олиш қобилияти

Шу нарсани айтиб ўтиш керакки, инсоннинг ақли диққатга сазовор бўладиган маълум бир ҳудудгача айрим нарсаларнинг яхши ва ёмонлигини ажрата олиш қобилиятига эгадир. Шу боис, донишмандлар инсон ақли маълум бир миқдоргача яхшилик ва ёмонликни ажрата олиш қобилиятига эга деб эътиқод қилганлар.

Масалан: Адолат ва эҳсонни яхши эканлиги, зулм ва бахилликнинг ёмон эканлиги динда айтилишидан илгари ҳам бизга аён бўлган эди. Лекин шундай бир масалалар борки, уларни тушуниб етишга бизнинг илм савиямиз етарли даражада эмас. Негаки, инсон ақли ҳамма нарсани идрок қилишдан ожиздир. Шунга кўра, Аллоҳ йўлига ҳидоят қилувчи илоҳий раҳбарлар ва пайғамбарларнинг кўрсатган йўлларидан бориш зарур экани яққол намоён бўлади.

Бинобарин, агар мусулмонларнинг «*Ашоира*» вакиллари ақлнинг айрим нарсалар яхши ва ёмонлигини ажрата олиш қудратини инкор этиб, ҳамма нарсанинг яхши ва ёмонлигини фақатгина дин ва шариат орқали била оламиз, дин ва шариат бўлмаганида эди, инсон ақли ҳатто адолатнинг яхшилигини ва зулмнинг ёмон эканлигини тушуниб етолмаган бўлур эди деб эътиқод қилишлари нотўғри ва асоссиздир.

Агар инсон ақли айрим нарсаларнинг яхши ва ёмонлигини тушуна олишга қодир бўлмаса, Аллоҳ ёлғончи бир шахс ихтиёрига мўъжиза қилишни топшириб қўймаганлигини қаердан била оламиз? Бироқ ақлимиз ёлғон сўзлаш қабиҳ ва ёмон иш эканини билгани учун Аллоҳдан ёлғон сўзлаш қаби қабиҳ ва ёмон иш содир

бўлиши маҳолдир деб эътиқод қиламиз. Шу эътиқодга биноан, Унинг ваъдаси ҳақ бўлиб, У ҳаргиз ваъдасига хилоф қилмайди ва Унинг барча сўзлари рост ва тўғридир ва У ҳеч қачон мўъжизаларини бир ёлғончи одамнинг ихтиёрига бериб қўйиб, уни қўллаб-қувватламайди деб ишонамиз.

Шунинг учун шариат ва динда келтирилган таълимотларга ишонамиз. Шундай экан, ақл айрим нарсаларнинг яхши ва ёмонлигини ажрата олиш қудратига эга эканига эътиқод қилиш диннинг асосини ташкил қилади (диққат қилинг!).

Энди эса Аллоҳнинг адолатига далиллар келтирамиз:

## **2. Зулмнинг келиб чиқиш омиллари**

Зулм қилинишига қуйидагилар сабаб бўлади:

**I. Жаҳолат;** зулм қилаётган одам гоҳида чиндан ҳам ўзи зулм қилаётганлигини ва кимнингдир ҳақ-ҳуқуқини поймол қилаётганини билмай, қилаётган ишидан беҳабар бўлади.

**II. Эҳтиёж ва муҳтожлик;** гоҳида одамнинг бошқалар қўлида бўлган нарсаларга эҳтиёжи бўлгани учун васвасага тушиб, инсонларга зулм қилади. Ҳолбуки, агар ўша нарсаларга эҳтиёжи бўлмаганида эди, зулм қилишга ҳеч бир ҳожат қолмас эди.

**III. Ожизлик ва кучсизлик;** баъзида инсон зулм қилиб, бошқалар ҳақ-ҳуқуқини оёқ-ости қилишни истамайди, бироқ ундаги ожизлик ва кучсизлик ноҳосдан уни «зулм қилиш» томонига ундагандек бўлади.

**IV. Худбинлик,** гина-кудурат ва интиқом олиш ҳиссиёти; баъзан одам зулм қилиши учун юқорида айтилган сабабларнинг ҳеч бири мавжуд эмас, аммо унинг «худбинлиги» бошқалар ҳуқуқига тажовуз қилишига сабаб бўлади. Ёки «интиқом олиш» ва «аразлаш ҳиссиёти» одамни бировга зулму зўравонлик қилишга ундайди ва ёхуд «танҳо ҳукмронлик қилиш ва ҳамма яхши нарсаларни ўзига ихтисос бериш» хусусияти ва шунга ўхшаш хусусиятлар бошқалар ҳуқуқини оёқ-ости қилишга боис бўлади.

Юқорида айтиб ўтилган қабих сифатлар ва нуқсонларнинг ҳеч бири, бутун борлиқ эгаси бўлмиш Аллоҳ таолода мавжуд бўлмагани учун ҳамда барча яхши сифатлар ва чексиз камолот соҳиби бўлмиш Аллоҳ – ҳамма нарсадан оғох, барчадан беҳожат

(ҳеч нарсага муҳтож эмас), ҳар нарсага қодир, ҳаммага меҳрибон бўлгани учун зулм қилишга ҳеч қандай асос ва омил қолмайди ва шу боис, У ҳеч вақт баъдаларига зулм қилмайди.

Чексиз вужуд ва борлиққа молик ва бениҳоят камолот эгаси бўлган зотдан яхшилик ва адолатдан бошқа нарса, ғамхўрлик ва меҳрибонликдан ўзга ҳислат пайдо бўлмайди.

Худди спиртли ичимлик ёки наркотик моддалар истеъмол қилган одам ўлимга олиб келадиган турли касалликларга йўлиққани каби, агар Тангри таоло ёмон баъдаларини жазоласа, бу жазо дарҳақиқат, уларнинг қилган амаллари натижаси бўлиб, қиёмат куни уларнинг ўзига кўрсатилажак. Қуръони Карим бу хусусида шундай дейди:

﴿هَلْ تُجْزَوْنَ إِلَّا مَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ﴾

«Сизларнинг жазоларингиз ўзларингиз қилган амаллардан ўзга нарсами?» (Намл сураси, 90 – оят).

### 3. Қуръон ва Аллоҳнинг адолати

Қуръони Каримда Аллоҳнинг адолати ҳақида кўплаб оятлар келтирилган ва улардан бирида шундай буюрилади:

﴿إِنَّ اللَّهَ لَا يَظْلِمُ النَّاسَ شَيْئًا وَلَكِنَّ النَّاسَ أَنفُسَهُمْ يَظْلِمُونَ﴾

«Албатта, Аллоҳ одамларга бирор нарсада зулм қилмайди. Лекин одамлар ўзларига зулм қиладилар.» (Юнус сураси; 44 – оят)

Бошқа оятда эса:

﴿إِنَّ اللَّهَ لَا يَظْلِمُ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ﴾

«Албатта, Аллоҳ бир зарра миқдорича (ҳам) ҳеч кимга зулм қилишни раво кўрмайди.» (Нисо сураси; 40 – оят)

Қуйидаги оятда қайта тирилиш кунининг ҳисоб-китоби тўғрисида шундай дейилади:

﴿وَنَضَعُ الْمَوَازِينَ الْقِسْطَ لِيَوْمِ الْقِيَامَةِ فَلَا تُظْلَمُ نَفْسٌ شَيْئًا﴾

«Биз қиёмат куни учун адолат тарозиларини қўюрмиз, демак, бирор жонга заррача зулм қилинмас.» (Анбиё сураси; 47 – оят)

Диққатга сазовор бўлган нарса шуки, қиёмат кунидаги «тарози»дан мурод яхши ва ёмон амалларни бир-биридан ажратиб,

уларни баҳолайдиган ўлчов воситасидир ва у эса бу дунёдаги тарозилар сингари нарсалар вазнини оғир ёки енгил қилиб урадиган тарозилардан эмасдир.

#### 4. Адолатга даъват қилиш

Айтиб ўтганимиздек, инсоннинг хусусиятлари Аллоҳ сифатлари ёғдусида бўлиши лозим. Инсонлар жамиятида ҳам Аллоҳ сифатларининг нури кенг ёйилмоғи даркор. Шу эътиқодга асосан, Қуръон Аллоҳнинг адолатига таянган ҳолда инсонлар жамиятини ҳам адолатли бўлишга чақириб, бутун инсонларга адолат юзасидан иш юритишларини буюрган. Қуръони Каримда зулм ва адолатсизликнинг инсонлар жамиятини бузғунчиликка учратиш нобуд бўлишига олиб келиши баён этилиб, золимларнинг тақдири ўта дардли бўлиши уқтирилган.

Қуръонда илгариги қавмлар тарихини баён этиш билан бирга, уларнинг қилган зулмлари туфайли Аллоҳнинг аламли азобига дучор бўлиб, нобуд бўлганлари зикр қиланади ва золимларнинг оқибати жуда оғир бўлиши таъкидланади ва бизларни ҳам зулм-адолатсизлик оқибатида бундай аянчли тақдирга мубтало бўлишдан қайтаради.

Қуръони Карим ўтган қавмларнинг саргузаштларини ҳикоя қилиб, унда зулм қилган қавмлар оқибатидан сабоқ олиб, тўғри хулоса чиқаришга даъват этади:

﴿إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُ بِالْعَدْلِ وَالْإِحْسَانِ وَإِيتَاءِ ذِي الْقُرْبَىٰ وَيَنْهَىٰ عَنِ الْفَحْشَاءِ وَالْمُنْكَرِ وَالْبَغْيِ﴾

«Албатта, Аллоҳ адолатга, эзгу ишларга ва қавм-қариндошга яхшилик қилишга буюрур ҳамда бузуқлик, ёвуз ишлар ва зулм-зўравонликдан қайтарур.» (Наҳд сураси, 90 – оят)

Диққатимизни ўзига жалб қиладиган нарса шундан иборатки, зулм қилиш қанчалик хунук ва қабиҳ бўлса, бошқанинг зулмини қабул қилиш ҳам Ислом ва Қуръони Карим нуқтаи назаридан нотўғри ва номаъқул иш ҳисобланади. Чунки, зулмга нисбатан бепарво бўлиш золимларни зулм қилишга рағбатлантиради.

Бақара сурасининг 279 – оятида айтилишича:

﴿لَا تَظْلِمُونَ وَلَا تُظْلَمُونَ﴾

«Ҳам зулм қилманг ва ҳам сизга зулм қилишларига йўл қўйманг.»

Асосан, золим ва зўравонларга таслим бўлиш зулмга рағбатлантиришга ва жамиятда зулм кўпайиб, золимлар кучайишига сабаб бўлади.

\*\*\*

**Ўйлаб жавоб беринг:**

1. Ақл шариатга суйанмаган ҳолда (яъни мустақил ҳолда) яхшилик ва ёмонликни ажратишга қодирми ёки йўқми?
2. Зулмни келтирувчи омилларни санаб ўтинг. Аллоҳнинг адолатига ақлий далил келтиринг.
3. Қуръонда Аллоҳнинг адолати ҳақида ва зулм қилиш керак эмаслиги ҳақида қандай оятлар бор?
4. Инсоннинг зулм ва адолат қаршисида қандай вазифалари бордир?
5. Зулм кўриш ва зулмга таслим бўлиш гуноҳ ҳисобланадими?

### 3-ДАРС:

---

#### Офат ва балоларнинг ҳикмати

---

Қадим замонлардан бери худошунослиқдан беҳабар бўлган шахслар Аллоҳнинг адолатига шубҳа билан қараб, бу хусусида ўзларининг танқидий мулоҳазарини билдирганлар. Улар рўй берадиган табиий офатлар ва нохуш ҳодисаларни Аллоҳнинг адолатига тўғри келмайди ва агар Аллоҳ таоло одил бўлса, нега бундай ҳодисалар юз беради? - дейишади. Улар нафақат бу ҳодисаларни Худонинг адолати йўқлигига, балки мутлақо Аллоҳнинг борлигини инкор қилишга очиқ далил деб тушунганлар.

Зилзила, тўфон, сел ва бошқа нохуш воқеалар шулар жумласидандир. Уларнинг назарида одамлар орасидаги яратилишга оид бўлган тафовутлар ҳамда инсонларга ёки ҳайвонлар ва ўсимликлардан иборат бўлган бошқа мавжудотларга зарар етказадиган табиий офатлар ҳам гўёки, адолатсизликнинг нишонасидек туюлади.

Ушбу масала гоҳида моддийончиларга зид ўларок, худошуносликка тегишли бўлган баҳсларда келтирилади ва баъзан эса бу масала ҳақида Тангрининг адолатига оид бўлган мавзуда сўз юритилади. Биз бу масалани Аллоҳнинг одиллиги хусусидаги баҳсларда кўриб чиқишни лозим топдик.

Юқорида зикр қилинган фикр-мулоҳазалар чуқур таҳлил қилинганда, нақадар асоссиз ва суст экани маълум бўлиши учун қуйидаги масалаларни муфассал кўриб чиқишимиз лозим:

#### **1. Нисбий хулоса чиқариш ва маълумотларнинг чекланганлиги**

Одатда биз бирор нарса устидан ҳукм чиқармоқчи бўлсак,

ўзимизнинг маълум чегарадаги қарашларимизга ва атрофимиздаги нарсалар билан бўлган алоқамизга таянамиз. Масалан: Фалон ер узоқ ёки яқин деймиз. Аслида ана шу узоқ ёки яқинликни ўзимизнинг турган еримизга нисбатан айтаемиз. Ёки фалончи кучли ё кучсиз, деб айтганимизда ҳам ўзимизнинг жисмоний ёки руҳий вазиятимиз билан таққослаган ҳолда хулоса чиқарамиз. Инсонларнинг табиий офат ва нохуш ҳодисалар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари кўпинча ўзларининг вазиятлари билан таққослаган ҳолда бўлади.

Бирор минтақага ёмғир ёғса, ўша ёмғирнинг ҳаммага нисбатан бўладиган оммавий таъсирини назарга олмай, фақатгина ўз атроф-муҳитимиз, уйимиз, боғ ва экинзорларимиз ёки кенг қарайдиган бўлсак, ёмғирнинг шаҳримизга бўладиган таъсирини назарга оламиз. Агар ушбу ёмғирнинг қолдирадиган таъсири фойдали ва ижобий бўлса, *«бу Аллоҳнинг раҳмати ва неъматидир»*, деб айтаемиз, агар унинг таъсири салбий ва зарарли бўлса, *«бошимизга бало келди»* деган назар билан қараймиз.

Агар бирор эски бинони қайта тиклаш учун бузишга бўлса ва биз у ердан ўтиб кетаётган бўлсак, чанг-ғубордан озор чекканимиз учун, гарчи ўша қуриладиган бино кўпчилик манфаатини таъминлайдиган макон, яъни шифоҳона бўлса-да, *«бунча ёмон иш бўлибди»* деймиз. Юқорида келтирганимиз ёмғир мисолида ҳам гарчанд мазкур ёмғирнинг қолдирадиган таъсири ўша минтақада яшовчиларнинг аксариятига фойдали ва ижобий бўлса-да, биз ўзимизни назарга олган ҳолда *«бошимизга офат ва бало ёғди»* деймиз.

Четдан қараганда илон заҳарини ёмон бало ва офат деб ҳисоблаймиз. Ҳолбуки, илоннинг нишли заҳари унинг ўзини ҳимоя қилувчи қуролидир. Боз устига, илон заҳридан инсон ҳаёти учун муҳим дори-дармонлар олиниб, минглаб инсонлар жонини сақлаб қолиш учун қўлланилади.

Шундай экан, агар ҳукм чиқаришда *«хатога йўл қўймайлик»* десак, ўзимизнинг озгина маълумотларимизга суянмасдан бир ёқлама ҳукм қилмай, ҳар томонлама фикр юритишимиз ва масаланинг бутун қирраларини кўришимиз ҳамда ўзимизни ён-атрофимиздаги нарсаларга боғланиб, чеклаб қўймаслигимиз керақдир.



Асосан жаҳонда рўй берадиган ҳодисаларнинг барчаси занжир ҳалқалари каби бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир: бугун шаҳарни вайронага айлантираётган тўфон ёки осмондан сел каби қўйилаётган ёмғир, бошқа минтақадаги табиий ҳодисалар билан тўлалигича алоқадордир. Шунингдек, бугун юз бераётган ҳодисалар ўтмишда содир бўлган ёки келажакда рўй берадиган ҳодисалар билан узвий боғлиқдир.

Шунга биноан, бармоқни кичкина бир нуқтага қўйиб, мана бу ҳодиса яхши ёки ёмон деб қатъий хулоса чиқариш ақл ва мантиқдан узоқдир.

Диққатга сазовор бўлган нарса шундан иборатки, дунёда «*мутлақо ёмонлик*» борлиги инкор қилинади. Яъни ҳар қандай ёмонликнинг яхши тарафи ҳам бўлиб, юз берадиган табиий ҳодисаларнинг ёмон томони бўлганидек, уларнинг яхши томони ҳам бор ва яхши томони ёмон томонинг устидан ғолиб келади. Шунинг учун «*мутлақо ёмонлик*» оламда воқе бўлмайди. Жарроҳлик амали бир томондан ачинарли ва дардли бўлса, кўп томонлардан инсон соғлиги учун фойдалидир. Шу боис, дунёдаги хайрлилик ва яхшилик нисбийдир. Зеро, мутлақ яхшилик моддий оламнинг моҳиятига мос келмайди.

Ушбу масалани чуқурроқ тушунишимиз учун зилзилани мисол қилиб келтирамиз: Тўғри, ер қимирлаши бирор ерда вайроналарга сабаб бўлса, лекин бошқа тарафдан назар ташлаб зилзиланинг бошқа ҳодисалар билан чамбарчас боғлиқлигини назарга олсак, зилзила ва бало ҳақидаги фикримиз ўзгариши ажаб эмас.

Зилзила сабаби ҳақида олимлар турли фикр билдирганлар. Баъзилар зилзилани «*ер ости ҳарорати ва буғланиши натижасида юз беради*» десалар, бошқа донишмандлар эса ойнинг тортиш кучи натижасида ернинг устки қуруқ қатлами тортилиб синиши таъсиридан келиб чиқади деб айтишади. Айрим олимлар ҳар икки назарни тасдиқлаганлар.

Нима бўлганда ҳам ернинг остки қатламида жуда кучли ҳароратнинг юзага келиши асримизнинг муҳим энергия манбаи бўлмиш нефт бойлигининг вужудга келиши ва шунингдек, кўмир каби фойдали қазилмалар пайдо бўлиши учун зарурдир. Кўрганингиздек, зилзиланинг ҳам нисбий яхшилиги бордир.

Ойнинг тортишиш кучи туфайли денгиз сувининг тўлқинланиб юқорига кўтарилиши ундаги жониворлар тирик қолиши учун ҳаётбахш бўлиб, шу билан бирга қуриган соҳилларни суғоришда ширин сувларнинг денгизга оқиб тушишида ҳам хайрли томони бор.

Мана кўриб турганимиздек, чекланган маълумотлари-мизга асосланиб, бир ёқлама ва нисбий ҳукм чиқаришимиз тўғри натижага олиб келмай, юз берадиган табиий ҳодисаларни яратилган оламнинг қоронғи томонлари деб тушунишимизга сабаб бўлади. Оламда рўй берадиган табиий ҳодисаларнинг бир-бирига боғлиқ ва алоқадор экани хусусида қанчалик фикр юритсак, шунчалик чуқур тушунчага эга бўлиб, масаланинг нозик томонларини кўра оламиз.

Қуръони Карим бу хусусида бизларга шундай дейди:

﴿وَمَا أَوْتَيْتُم مِّنَ الْعِلْمِ إِلَّا قَلِيلًا﴾

«Сизларга жуда оз илм берилгандир, холос.» (Исро сураси; 85 – оят)

Шундай экан, бу оз илмимиз билан ҳукм чиқаришда ва назар билдиришда шошмаслигимиз керак.

\*\*\*

## 2. Нохуш ҳодисалар орқали инсонни огоҳлантириш

Ҳаммамиз ҳаётда айрим одамлар ноз-неъматларга фарқ бўлганларида ўзларини йўқотиб қўйиб, такаббур ва худбинлик йўлига кириб қолганларини ва ушбу ҳолда ўзларининг инсоний вазифаларини унутиб қўйганларини мушоҳада қилганмиз.

Шунингдек, агар инсон ҳаёти ором ҳолдаги уммон каби ҳар қандай тўсиқ ва монеларсиз фароғат ва осойишта кеча бошласа, «гафлат ва уйқуда ухлаб ётганлик ҳолати» инсонда юз бериб, ҳаётнинг қизиғи қолмай қолади ва бундай ҳолат инсоннинг ёмон оқибатга дучор бўлишига сабаб бўлади.

Шубҳасиз, ҳаётда юз берадиган нохуш воқеалар инсондаги ғурур ва такаббур ҳолатини синдиришда ёки ғафлат уйқусидан уйғотишда катта хизмат қилади.

Шунингдек, шояд тажрибали ҳайдовчиларнинг шикоятларини эшитгандирсиз. Улар йўлнинг теп-текис ва қайрилишсиз, тепа-пастсиз ва довонсиз бўлишини хатарли биладилар. Чунки, бундай бир текисдаги йўллар ҳайдовчиларнинг уйқуга боришига сабаб бўлади ва бундай ҳолда авто ҳалокати юз бериши мумкин.

Шунинг учун баъзи давлатларда ана шундай йўлларда ҳайдовчилар ухлаб қолиб хатарга йўлиқмасинлар деб тепа-пастиликлар ва сунъий тўсиқларни яратишади.

Одамнинг ҳаёти ҳам айнан шунга ўхшайди, агар инсон ҳаёти тўсиқ ва тўғонсиз бир текис давом этиб, унда нохуш ҳодисалар рўй бериб турмаса, шундай ҳолда одам ғафлат уйқусига дучор бўлиб, яратган Тангридан узоқлашади ва ўзининг зиммасидаги вазифаларини ва келажақдаги тақдирини унутади.

Шубҳасиз, баъзи ҳодисалар одамларни ғафлатдан уйғонишлари учундир. Албатта биз одамлар ўз қўллари билан нохуш ҳодисалар ва қийинчиликлар яратишлари лозим экан демаймиз. Негаки, бундай ҳодисалар инсон ҳаётида учраб туриши табиий ҳол. Балки биз нохуш воқеалар ортида ҳикмат ётганлигини айтмоқчимиз холос. Ўша ҳикматлардан бири, инсон бахт-саодатининг душмани бўлмиш мағрурлик ва ғафлат уйқусига барҳам бермоқдир. Мазкур ҳикмат нохуш ҳодисалар юз беришининг айрим ҳикматларидан ҳисобланиб, Худо хоҳласа, келгуси дарсларда бу ҳодисаларнинг қолган баъзи ҳикматлари хусусида сўз юратажакмиз.

Ҳидоят нури бўлмиш Аллоҳнинг ҳикматли китоби бўлмиш Қуръони Каримда бу борада шундай марҳамат қилинган:

﴿وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا إِلَىٰ أُمَمٍ مِّن قَبْلِكَ فَأَخَذْنَاهُم بِالْبَأْسَاءِ وَالضَّرَّاءِ لَعَلَّهُمْ يَتَضَرَّعُونَ﴾

«Батаҳқиқ, Биз сендан аввалги умматларга ҳам элчилар юборганмиз. Сўнгра, шояд тавба-тазарруъ қилсалар, деб уларни бало ва офатларга тутганмиз.» (Анъом сураси; 42 – оят)

\*\*\*

### Ўйлаб жавоб беринг:

1. Офат ва балоларни эътиқодга оид масала деб кимлар айтган эди?
2. Ҳаётдаги офат ва балоларга мисол келтиринг. Сиз ҳам шундай ҳодисаларнинг шоҳиди бўлганмисиз?
3. Бир ёклама ҳукм чиқариш деганда нимани тушунасиз?  
«Мутлақо ёмонлик» дунёда борми?
4. Тўфон ва зилзилалар фақат зарар келтирадимми?
5. Нохуш ҳодисалар инсон ҳаётида қандай мусбат таъсирга эга бўлиши мумкин?

## 4-ДАРС:

---

### Инсон ҳаётидаги мусибатлар ва кўнгилсиз ҳодисаларнинг ҳикмати

---

Олдинги дарсда кўриб чиққанимиздек, баъзи танқидчи гуруҳлар ҳаётда содир бўладиган нохуш ва кўнгилсиз ҳодисаларни, офат-балоларни ва қийинчиликларни баҳона қилиб, Аллоҳнинг адолатини ва гоҳида Аллоҳнинг мавжудлигини ҳам инкор қиладилар!

Шунингдек, бундай ҳодисаларни таҳлил қилиб, уларнинг орқасида яширинган икки ҳикмат ҳақида сўз юритдик. Бу дарсда шу баҳсни давом эттирамиз:

\*\*\*

### 3. Инсон қийинчиликлар оғушида тарбияланади

Айтиб ўтганимиздек, инсон ўз қўли билан ўзига қийинчилик ва мушкуллик яратиши керак эмас, лекин гоҳида қийинчиликлар, кўнгилсиз ва нохуш ҳодисалар инсон иродасини ва унинг чидамини орттириб мустаҳкамлайди. Ёниб турган иссиқ печкага ташланган пўлат метали қизиби эриши билан бақувват ва чидамли бўлганидек, инсон ҳам қийинчилик ва оғир кунлар бошига тушганда чиниқиб, қувватланади.

Уруш ёмон бир воқеадир, лекин гоҳида узоқ муддатли ва оғир уруш халқ истеъдодининг гуллаб-яшнашига сабаб бўлиб, ўзаро тафриқаларга барҳам беришга кўмаклашади, уруш орқада қолган тараққиётни жадаллаштиришга ундайди.

Таниқли тарихчи бўлмиш ғарб олимларидан бири шундай деган: *«Жаҳоннинг бирор бир қитъасида юзага келган ҳар бир порлоқ тамаддун бошқа қудратли давлат билан урушганида ҳамон кучсиз*

*мамлакат ўзида яшириниб ётган куч-қувватидан фойдаланиши туфайли маълум тараққиётга эришган. Бу нарса тарихда исботланган ҳақиқатдир!»*

Албатта одамларга бошига оғир кунлар тушиб, аянчли ва кўнгилсиз ҳодисалар рўй берганида, улар бу қийинчиликларга нисбатан турлича муносабат билдирадилар. Баъзилар маъюсланган ҳолда заиф ва кучсиз бўлиб қолиб, тушкунликка тушадилар ва ушбу ҳодисалардан салбий ва манфий натижа оладилар. Аммо баъзилар эса қийинчиликлар баробарида ҳаракатга келиб, ўзларида мавжуд бўлган истеъдодни рўёбга чиқариб, тиришқоқлик ва жадал ҳаракат қилиш билан ўзларидаги кучсиз томонларни ва нуқсонларни ислоҳ қилишга киришадилар.

Бироқ одамлар бундай қийинчилик ва оғир аҳволга тушганларида бир тарафлама ва юзаки ҳукм чиқариб, фақат ҳодисаларнинг ёмон ва аччиқ томонини кўрадилар ва уларнинг мусбат ва самарали таъсирини эътиборга олмайдилар. Инсон ҳаётида юз берадиган нохуш ҳодисаларнинг барчаси ижобий ва самарали таъсирга эгадир деб даъво қилмаймиз, лекин ҳеч бўлмаганда айрим мусибатлар шундай таъсирга эгадирлар.

Агар оламнинг етук ва даҳий шахслари ҳаётига назар солиб, уларнинг таржимаи ҳолини мутолаа қилсак, уларнинг аксарияти қийинчиликлар кўриб, оғир кунларни бошидан ўтказганликларининг шоҳиди бўламиз. Ноз-неъматда парвариш топганлар орасидан етукли инсонлар чиқиб, юқори мартабага эришганларни учрата олмаймиз. Агар мисол қилиб айтадиган бўлсак, юқори даражали ҳарбий кумондонлар ўтмишда оғир ва шиддатли жанг майдонларида довюраклик кўрсатганлари сабаб, ўзларида керакли тажрибалар касб эта олганлар. Шунингдек, иқтисодчи буюк мутафаккирлар ҳам инқирозга юз тутган иқтисодий вазиятга дучор бўлишлари натижасида бундай иқтисодчи мутафаккирлар бўлиб етишганлар. Кучли ва юксак мартабали сиёсатчилар қийинчиликларни ва оғир сиёсий шароитларни бошларидан кечириб, азият-озор чекканлари туфайли юқори мартабага эришганлар.

Қисқа ва лўнда қилиб айтганда: Қийинчилик ва машаққатли кунлар инсонни ўз бағрида тарбиялайди.

Қуръони Каримда бу борада шундай дейилади:

﴿فَعَسَىٰ أَنْ تَكْرَهُوا شَيْئًا وَيَجْعَلَ اللَّهُ فِيهِ خَيْرًا كَثِيرًا﴾

«Балким, сизлар ёмон кўрган нарсада Аллоҳ (сизлар учун) кўпгина яхшиликлар қилиб қўяр.» (Нисо сураси;19 – оят)

\*\*\*

#### 4. Қийинчиликлар одамни Аллоҳ томонига йўналтиради.

Олдинги дарсларда кўриб чиққанамиздек, инсоннинг ҳар бир аъзоси маълум мақсад асосида яратилган; кўзи, юраги, мия, асаб тизими ва ... ҳаммаси маълум мақсад учун яратилган, ҳатто инсонниг бармоқ учи чизиқлари ҳам маълум бир ҳикмат асосида яратилган.

Шундай экан, қандайига бутун бошли вужудимиз мақсадсиз ва ҳикматсиз яратилган бўлсин? Олдинги баҳсларимизда шунга амин бўлдикки, мазкур мақсад инсоннинг бутун соҳаларда такомил топишидан ўзга нарса бўла олмайди. Инсон ушбу мақсадга етиши учун чуқур режалаштирилган таълим ва тарбия дастури асосида тарбияланмоғи лозим ва бу таълим-тарбия унинг бутун вужудини қамраб олмоғи даркор. Шунинг учун, Аллоҳ инсонга яққахудолликка асосланган пок фитрат, яъни илоҳий табиатни ато этганидан ташқари, инсонларни тўғри йўлга бошлаш учун буюк пайғамбарларни самовий китоблар билан юборган.

Мақсади сари яшаётган одамзотга гоҳида ўзи йўл қўйган хато ва гуноҳларининг салбий таъсирини кўрсатиб туриш зарур бўлади. Аллоҳ фармонидан бўйин товлаб, четга чиқиш нақадар ёмон оқибатларга, турли хил офат ва балоларга олиб келишини кўрган инсон, ўзининг қилмишидан пушаймон бўлиб, яратган Тангри тарафга юзланажак. Бундай ҳолатда бошга тушган кулфат бало эмас, балки дарвоқе, Аллоҳнинг неъматини ва раҳмати ҳисобланади.

Қуръони Карим бу ҳақиқатни очиқ-ойдин тилга олиб шундай марҳамат қилади:

﴿ظَهَرَ الْفَسَادُ فِي الْبَرِّ وَالْبَحْرِ بِمَا كَسَبَتْ أَيْدِي النَّاسِ لِيذِيقَهُمْ بَعْضَ الَّذِي عَمِلُوا لَعَلَّهُمْ يَرْجِعُونَ﴾

«Одамларнинг қилмишлари туфайли қуруқлик ва денгизда бузғунчилик ва фасод пайдо бўлди. Зора, Аллоҳ томон қайтсалар, деб

қилган баъзи (ёмон) ишларининг (жазоси)ни уларга тоттиради.»  
(Рум сураси; 41 – оят)

Юқорида айтилганларни инобатга олиб айтишимиз мумкинки, ҳаётда рўй берадиган нохуш ва дардли ҳодисаларни «ёмонлик» деб билиш, уларни «*бало ва офат*» деб номлаш ва мазкур ҳодисаларни «*Аллоҳнинг адолатига зид*» деб ҳисоблаш ақл ва мантиқдан жуда ҳам йироқдир. Негаки, ушбу масалани қанчалик теран ўргансак, унинг ҳикматини ҳам шунчалик чуқурроқ англай оламиз.

\*\*\*

### **Ўйлаб жавоб беринг:**

1. Бизларнинг яратилишимиздан кўзланган мақсад нимадир? Қайси йўл билан бу мақсадга етиш мумкин?
2. Қандай қилиб инсон қийинчиликлар билан чиниқиб мустаҳкам бўлиши мумкин?
3. Қийинчиликда улғайиб, юқори мақомга эришган инсонни кўрганмисиз ёки шундай инсонлар ҳақида тарихда ўқиганмисиз? Улар ҳақида сўзлаб беринг.
4. Қуръонда гуноҳларимизнинг салбий таъсири ҳақида нима дейилган?
5. Қандай одамлар нохуш ва аянчли ҳодисалардан ижобий натижа оладилар ва қандай одамлар салбий натижа оладилар?

## 5-ДАРС:

---

### Яна офат-мусибатлар ҳикмати ҳақида

---

Бало-офатлар, нохушликлар, мусибатлар, кўнгилсиз ва аянчли ҳодисаларнинг юз бериши худошунослик ва яккахудолик соҳасида тадқиқот қилувчи олимлар учун ҳал қилиш қийин бўлган масала бўлгани боис ва кўпчилик бу қийинчиликларни Аллоҳнинг адолатига тўғри келмайди, деб ҳисоблагани учун, яна шу мавзуда баҳслашиш ва уни таҳлил қилишни, ушбу бало-офатлар, кўнгилсиз ва аянчли ҳодисаларнинг ҳикматини ёритиб беришни лозим топдик.

#### **5. Қийинчилик ва турли паст-баландликлар инсон ҳаётига руҳ бағишлайди**

Шояд сарвлаҳани ўқиганлар: «Қандай қилиб қийинчилик инсон ҳаётига руҳ бағишлаши мумкин?» – деб ҳайрон бўлсалар керак. Негаки, агар Аллоҳнинг ноз-неъматлари бир зайлда давом этса, уларнинг инсонлар наздидаги қадр-қиймати йўқолади.

Бугунги кунга келиб қизиқ бир нарса кашф этилган. Агар бирор бир айлана шаклдаги жисмни ҳар тарафдан кучли ва бир хил нур тушиб турган шар шаклидаги хонага қўйсак, шу ҳолда қўйилган жисм асло кўринмайди, зеро, жисмни кўриш учун нур билан бирга соя ҳам керак бўлади. Чунки, нур ёнидаги соя, жисмнинг ўлчамини аниқлаб бериб, уни атрофидагилардан ажратади. Шундагина биз ўша жисмни кўра оламиз.

Худди шунга ўхшаш, агар инсон ҳаёти бир текис давом этадиган бўлиб, унда соя солиб турадиган қийинчилик ва нохушликлар мавжуд бўлмаса, ҳаётнинг қадр-қиймати маълум бўлмай қолади. Бутун умр давомида бемор бўлмаган инсон ҳеч қачон соғлиқ лаззатини ҳис қилмайди. Касал бўлган одамгина саломатликнинг



қадрига ета олади. Кечаси билан иситмалаб қийналиб, тонг оттирган одам эрталаб агар иситмаси тушган бўлса, субҳи дамда соғлиғининг лаззатини ҳис эта бошлайди ва ҳар вақт ўша дардли кеча ёдига тушса, саломатлик нақадар буюк ва арзирли неъмат эканлигини янгитдан ҳис қилади.

Бир зайлда давом этадиган ҳаёт, ҳатто энг яхши шароитга эга, бекаму кўст ва пасту баландсиз бўлган ўзига тўқ-бадават кишиларнинг ҳаёти жонсиз, зерикарли ва толиқтирувчи бўлади. Булардан айримларининг ҳаёти, шу қадар тўла-тўқислиги ва фаровонлиги сабабли ҳеч қандай қизиғи йўқ бўлганлигидан ўзини ўлдиришгача етиб боради ёки ҳаётларидан доим шикоят қилиб нолийдилар.

Ҳеч вақт яхши меъмор бинонинг эски ҳолатини таъмирлаётганида, унинг деворларини қамоқхонаники каби бир текис қилмайди, балки турли хил шакал ва муносиб ранглар билан безайди.

Нима учун табиат бунчалик гўзалдир? Нимага тоғ ён-бағирларида униб ўсган ўрмон манзаралари ва катта-кичик дарахтлар ўртасидан оқадиган анҳорлардаги сувлар бунчалик гўзал ва ёқимлидир? Бунинг аниқ сабабларидан бири шуки, табиат бир хилликдан холидир.

Ёруғлик ва зулмат узра яратилган тузум, Қуръони Карим оятларида айтилганидек кеча ва кундузнинг алмашиниши инсон ҳаётига ранг ва маъно бағишлаб, бир текис кечаётган ҳаётга хотима беради. Чунки, агар қуёш кўкнинг бир четида бўлиб, унинг ҳолати ўзгармай ва туннинг қоронғи пардаси осмонни қопламай ҳамиша бир хилда ер қуррасига нур сочиб турганида эди, ҳаёт тўхтаб қолиши каби мушкуллардан ташқари, ҳаёт ўз жозибасини йўқотган бўлур эди ва одамлар тез орада бундай ҳаётдан толиққан ва зериккан бўлар эдилар.

Шуларни назарга олган ҳолда ҳаётдаги қийинчиликлар, нохушликлар ва кўнгилсиз ҳодисаларнинг ҳеч бўлмаса айрим ижобий томони борлигини эътироф этиб, инсонлар ҳаётига руҳ ва жон бағишлашини, инсонларга ҳаётни ширин ва лаззатли қилишини ҳамда Аллоҳ ато этган ноз-неъматларнинг қадр-қийматини тушуниб етиб, улардан олий даражада фойдаланиш имконини яратишини назарга олайлик.

## 6. Инсонлар қилмишидан туғиладиган қийинчиликлар

Баҳсимизнинг охирги қисмида инсон ўз қўли билан яратадиган баъзи мусибатлар ва кўнгилсиз ҳодисалар ҳақида сўз юритмоқчимиз. Баъзи одамлар бошларига келадиган зулму ситамларни ва мусибатларни Аллоҳнинг адолатсизлигига йўйиб (суриб), қилган ҳисоб-китобларида хатога йўл қўядилар ва инсонлар томонидан содир бўлган зулму зўравонликни ҳамда башариятнинг ишларидаги тартиб-интизомсизликни Аллоҳ яратган тузумнинг нуқсонидан деб тушунишади. Ваҳоланки, буларнинг барчасини одамлар юзага келтирганлар.

Масалан, «камбағални от устида ҳам ит қонади» қабилидаги гапларни айтадилар. Нимага зилзилалар қишлоқларни вайрон қилиб, кўп инсонлар бузилган бино қолдиқлари остида қолиб ҳалок бўлишларига сабаб бўлади-ю, шаҳарларга бунчалик зарар етказмайди. Бу қандай адолат бўлди? Агар офат-балолар инсонлар орасида тақсимланиши керак бўлса, нега баробар тақсим қилинмайди? – деб эътироз қиладилар.

Нима учун кучсиз ва заиф саналган инсонлар бошқаларга қараганда кўпроқ балоларга ва дардли ҳодисаларга дучор бўладилар? Тарқалган эпидемияларга ҳам кўпинча шундай одамлар мубтало бўладилар.

Бироқ мазкур балолар ва аянчли ҳодисаларнинг ҳеч бири Яратганнинг адолатига асло даҳли йўқ бўлиб, инсонларнинг бири-бирига қилган зулму зўравонлигидан ва мустамлакачилик ҳатти-ҳаракатидан келиб чиққан.

Агар қишлоқликлар шаҳарликлар зулмининг таъсирида қашшоқлик ва маҳрумликка дучор бўлмаган бўлсалар ва қишлоқда яшовчилар ҳам шаҳарликлар каби уйларини мустаҳкам қилиб курсалар, нимага қишлоққа келган зилзила оқибатида улардан бунчалик кўп қурбонлик бўлиши керак, аммо бошқалардан жуда оз?

Аммо модомики, қишлоқликларнинг уйлари оддий лойдан ёки тош ва турли тахта-ёғочлар ёхуд синчдан омонат қилиб қурилиб, гоҳида ҳамон биноларда қурилиш буюмларидан иборат цемент, оҳақ, алибастр ва гипслардан қўлламай, содда услубда бири-бирининг устига миндириб суғ қилиб ясалар экан ва шамолнинг

шиддатли эсиши ёки ернинг оҳиста қимирлаши натижасида қулаб тушадиган бўлса, қандайига мустаҳкамлик ҳақида сўз юритиш мумкин? Аммо бунинг Аллоҳ одиллигига нима алоқаси бор?

Биз ҳам бир шоирнинг асоссиз сўзлари каби: «*Эй Худо, бирини ноз-неъматга гарқ қилдинг, бирини эса хору залил, бирини бой-бадавлат қилдинг ва бирини эса фақиру муҳтож!*» – деб айтишимиз мутлақо тўғри эмас.

Бундай эътирозни жамиятдаги адолатсизликдан ва номуносиб ижтимоий тузумдан кўрмоқ лозим ва жамиятдаги адолатсизликка ва ноўрин ҳатти-ҳаракатларга барҳам бермоқ даркор. Фақирлик ва йўқчиликка қарши курашиб, жамиятдаги кучсиз ва заиф деб ҳисобланган инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқини золимлардан ундириб, уларнинг ўзига қайтариб бериш керак. Шундагина жамиятдаги адолатсизлик ўртадан кўтарилади.

Агар жамиятнинг ҳамма аъзолари керакли бўлган егуликлар, дори-дармонлар ва гигиеник шароитлар билан таъминланса, касалликларга қарши курашиш қуввати ошади.

Аммо агар жамиятдаги нуфузли баъзи шахслар учун ҳамма шарт-шароит яратилса, ҳатто ит-мушугининг алоҳида муолажа қилувчи шифокори бўлса-ю, бошқаларнинг эса чақалоғини парвариш қилиш учун оддий имконияти ҳам бўлмаса, бу жамиятнинг нақадар адолатсиз эканидан далолат беради. Бундай ачинарли саҳналарнинг шоҳиди бўлганимизда, Худога таъна қилиш ўрнига ўзимизни койимоғимиз лозим.

Золимга қараб: «*Зулм қилмагин*» ва мазлумга қарата: «*Зулмга қарши кураш*» дейишимиз лозим бўлади.

Жамиятдаги бутун инсонларнинг етарли даражада гигиена қоидалари ва даволаниш услублари билан ҳамда озиқ-овқат, уй-жой, маданият ва таълим-тарбия каби муҳим бўлган шароитлар билан таъминланишига ҳаракат қилишимиз керак.

Хулоса қилиб айтганда, ҳамма балоларни яратилиш тузумига ағдариб, ўз гуноҳларимизга эътиборсиз бўлишимиз ярамайди.

Қачон Аллоҳ бизни бундай ҳаёт кечирришга мажбур қилган? Ва қаерда бундай ҳаёт тузумини тавсия қилиб буюрган? Аллоҳ бизни эркин қилиб яратган, негаки, озодлик такомил топиш ва тараққий

этиш рамзидир. Бироқ бизлар озодликни нотўғри йўлда ишлатиб, кучсизларга зулм қилишни раво кўрамиз ёки бошқалар зулмига бош эгамиз. Зулм ва зўравонликнинг натижаси, ижтимоий ҳаётдаги тартиб-интизомсизлик шаклида намоён бўлади.

Афсуски, кўплар (жумладан Ашоира гуруҳи) ушбу мавзу ҳақида нотўғри тушунчаларга боришган, ҳатто маъруф шоирлар бу борада шеърлар битишган. Қуръони Карим қисқа ва дўнда қилиб бу борада бундай дейди:

﴿إِنَّ اللَّهَ لَا يَظْلِمُ النَّاسَ شَيْئًا وَلَكِنَّ النَّاسَ أَنفُسُهُمْ يَظْلِمُونَ﴾

«Аллоҳ одамларга заррачалик зулм қилмайди, лекин уларнинг ўзлари ўзларига зулм қилурлар.» (Юнус сураси; 44 – оят)

Шундай қилиб, офат-балолар, мусибатлар ва кўнгилсиз ҳодисаларнинг ҳикмати ҳақидаги баҳсимиз, гарчи ҳали бу ҳақда кўплаб баҳслашиш мумкин бўлса-да, қисқа ва ихчам маълумога эга бўлиш учун шу миқдор етарли деб ҳисолаймиз.

\*\*\*

### Ўйлаб жавоб беринг:

1. Бало ва мусибатларнинг ҳикмати нимада? Бу ҳақда қисқача изоҳ беринг.
2. Ҳаётнинг бир текис давом этишининг қандай салбий таъсири бор? Сиз ҳам бой-бадавлат яшаб туриб, ҳаётдан нолийдиган одамларни кўрганмисиз?
3. Яратилишдаги «*нур ва зулмат*» ҳикматидан нимани биласиз?
4. Жамиятда содир бўладиган нохушликларнинг ҳаммаси дунёнинг яратилишига боғлиқми ёки баъзиларида бизнинг ҳам ҳиссамиз борми?
5. Жамиятдаги мусибат ва нохушликларни йўқотиш учун тўғри йўл борми? Заиф саналган инсонлар баробарида бизнинг зиммамизга қандай вазифа юкланади?

## 6-ДАРС:

---

### Жабр ва ихтиёр масаласи

---

Аллоҳнинг адолати билан боғлиқ муҳим масалалардан бири – «жабр ва ихтиёр» масаласидир. Жабрийлар эътоқодича, инсон ўзи ҳеч ихтиёр соҳиби бўлмай, унинг амали ва юриш-туришида, айтадиган сўзларида, аъзоларининг ҳаракатланиши ва барча хатти-ҳаракатида, машина қитъалари каби жабрий ва мажбурий ҳолда йўналтирилади.

Шунинг учун, юқоридаги бу масала «Аллоҳнинг адолатига қандай уйғун келади?» деган савол туғилади. «Ашоира» гуруҳи олдинги дарсларда улар ҳақида сўз юритганимиздек, «инсон ақли дин таълимотларидан фойдаланмай туриб, айрим яхшилик ва ёмонликни таний олиш ва уларни бир-биридан ажратишга қодир эмас» деган хулосага келгандилар. Улар шу эътиқодга биноан «жабр назарияси»га ёндашиб, Аллоҳнинг одиллигини инкор қилганлар. Чунки «жабр назарияси»ни қабул қилиш билан адолат масаласи маъносиз бўлиб қолади.

Ушбу масалани ёритиш учун бир неча мавзуларни кўриб чиқишимиз лозим:

#### **1. «Жабр» эътиқодининг келиб чиқиши**

Ҳар бир инсон ўз вужудида, қиладиган қарорида эркин эканлигини ҳис этади. Масалан: Бирор дўстига молиявий кўмак бериши ёки бермаслигида озод эканини ёки чанқаган ҳолида, олдида турган идишдаги сувни ичиш ёки ичмаслиги ўз ихтиёрида эканини ёхуд уни ранжитиб қўйган кишини кечириш ёки кечирмаслик ўзининг қўлида эканини яққол тушунади.

Ёки ҳар бир инсон қариганлиги ё беморлиги сабабли беихтиёр қалтираётган одам қўли билан ўз ирода-ихтиёри натижасида ҳаракатланаётган соғлом киши қўли ўртасида фарқ қўяди. Шунга кўра, ирода-ихтиёрнинг озодлиги бутун инсонларга тегишли бўлган умумий бир ҳиссиёт бўлишига қарамай, нимага баъзилар «жабрия» ғоясига эргашиб кетганлар?!

Албатта бу масаланинг бир неча далиллари мавжуд бўлиб, биз бу дарсда бунинг муҳим далилини баён қиламиз. Ушбу далил шундан иборатки, инсонга муҳитнинг таъсир қилишини, қандай тарбияда бўлганининг таъсир кўрсатишини, турли хил чақириқ ва тарғиботлар таъсирини, иқтисодий ва ижтимоий вазиятнинг инсонлар онги, руҳи ва уларнинг ҳис-туйғусида таассурот қолдиришини ва ирсият ҳам бир омил сифатида таъсир кўрсатишини инкор қилиб бўлмайди.

Юқорида зикр этилган бир неча омиллар таъсири тўпламини назарга олсак, гўёки инсондан ирода-ихтиёри тортиб олингандек кўринади. Гўёки ташқи ва ички омиллар инсонни муайян бир ишни қилишга мажбур қилаётгандек туюлади. Гоҳида «агар бу омиллар бўлмаганда эди, инсон бу ишни қилмаган бўлар эди» деб ўйлаймиз. Бу омилларни «муҳит жабри», «иқтисодий шароит жабри», «таълим-тарбия жабри», «ирсият жабри» деб номлаш мумкин.

\*\*\*

## 2. «Жабрий»ларнинг асосий хатоси

Жабрийлар асосий бир масаладан ғофилдирлар. У ҳам бўлса «ҳис-туйғу» ва «ноқис сабаб»ни «комил сабаб» билан адаштиришларидир. Ҳеч ким «яшаш муҳити», «таълим-тарбия» ва «иқтисодий шароит»нинг инсон тафаккури ва унинг хатти-ҳаракати шаклланишида таъсирга эга эканлигини инкор қила олмайди. Бироқ мазкур омилларнинг ҳеч бири инсон йўналишини тайин этувчи асосий ва комил сабаб бўла олмайди, негаки нима бўлганда ҳам ва ҳар қандай шароитда қайси йўлни танлашимиз бизнинг ирода-ихтиёримизга боғлиқдир.

Чунки, ҳатто фасод ва гуноҳга ботган ва йўлдан оғиш учун барча

шарт-шароит мухайё бўлган муҳитда ҳам фасод йўлига кирмай, порахўрлик қилмай ва гуноҳ ишларга қўл урмай ҳаёт кечириш мумкин ва шундай шароитда ҳам инсон гуноҳ қилишга мажбур эмас.

Бинобарин, «шарт-шароит яратувчи омиллар»ни «тайин этувчи асосий ва комил сабаб»дан ажратмоғимиз лозим.

Шунинг учун баъзи бир ёмон оилаларда парвариш топган ёки ўта тубан муҳит ва маданиятда униб-ўсган ёхуд номуносиб ирсга молик бўлган кўпгина инсонлар тўғри йўлни танлаб, жамиятдаги бузғунчилик ва фасодларга бардош бера олмай, ўша муҳит ва маданиятга қарши оёққа туриб инқилоб қилганлар. Агар муҳит ва маданиятни инсон ихтиёрини тортиб олувчи сабаблардан бири деб ҳисобласак, унда ер юзасидаги ҳеч бир давлатда инқилоб рўй бермаган бўлур эди ва ҳамма ўз муҳит ва маданиятига бўйин эгиб, янги маданият ва муҳит яратмаган бўлар эди.

Демак, юқорида санаб ўтганимиз омиллар (муҳит-маданият, тарбия, ирс, иқтисод ва сиёсат) ҳеч бири инсон тақдирини белгиламайди, балки маълум миқдорда таъсир кўрсатиб, инсон қайси йўлни танлаши учун шарт-шароит яратади. Инсон тақдирини ўз ирода-ихтиёри билан қайси йўлни танлаб амал қилишни белгилайди ва у бу йўлни танлашда мажбур қилинмаган.

Ушбу даъвомизга яна бир мисол: Инсон ўз ирода-ихтиёри билан ёзнинг жазирама иссиғида Аллоҳнинг фармониغا бўйин эгиб, рўза тутишга қарор қилади. Шунда унинг бутун вужуди чанқагани учун сув ичишни талаб қила бошлайди, аммо у эса Аллоҳ фармониغا бўйсуниб бадан талабини қондиришни эътиборга олмай рўза тутишни устун кўради. Ҳолбуки, бошқа бир шахс ушбу талабга таслим бўлиб, рўза тутмай сув ичиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, барча омиллардан устун турадиган инсоннинг ирода ва қарори қайси йўлни танлаши билан унинг тақдирини белгилайди.

\*\*\*

### **3. Жабрия назарияси пайдо бўлишининг ижтимоий-сиёсий омиллари**

Тарих маълумотларига қараганда, жабр ва ихтиёр масаласи кўп

ўринларда суистеъмол қилинган бўлиб, назарга олинмаган бир қатор омиллар, жабр эътиқодининг кескинлашишига ва инсон ўз ирода-ихтиёрида озод эканини инкор қилинишига сабаб бўлган, жумладан:

#### ❖ Сиёсий омиллар

Кўпгина зolim, худбин ва сиёсатчи ҳукмдорлар халқнинг оёққа туришининг олдини олиб, уларни бўйин эгган ҳолда сақлаб туриш ва инқилобларнинг алангасини сўндириш ҳамда ўзларининг нопок ҳукуматларини давом эттириш мақсадида биз инсонлар ҳеч қандай ирода-ихтиёрга эга эмасмиз, балки қазо ва қадар ва тарихнинг мажбурлаши оқибатида айримлар ҳукмдор ва бошқалар эса ҳукмдорлар қўл остида бўлмоқлари лозим, деган эътиқод асосида ўзларини оқлашар эди. Уларнинг даъвоси бўйича, Тангрининг қилган тақдири туфайли ҳокимлар ҳукуматга келадилар ва уларга таслим бўлиш – бу тақдирга тан бериш ва тарихнинг мажбурлашига таслим бўлиш ҳисобланади.

Маълумки, бундай эътиқодни халқ орасига киргизиш нақадар уларни ором ҳолда сақлар ва ҳукмдорларнинг мустамлакачилик сиёсатини давом эттиришга ёрдам берар эди. Ҳолбуки, ақл ва дин ҳукми бўйича, биз ўз тақдиримизни ўзимиз танлаган йўл ва қилган амалларимиз билан белгилаймиз ва «қазо ва қадар» масаласида жабр асло йўқдир. Аллоҳнинг қазо ва қадари бизнинг қиладиган савй-ҳаракатларимиз, ирода, истагимиз ва иймонимиз орқали тайин қилинади.

#### ❖ Руҳий омиллар

Баъзи иродаси суст ва ялқов одамлар ҳаётларидаги муваффақиятсизликларини пешонада ёзилганликка йўйиб, ўзларининг айбларини ва ҳаётдаги мағлубиятга учраганликларини ўз зиммаларига олиб, қилган хатолари ва иш ёқмасликларидан деб билиш ўрнига тақдир тақозосига юклагандек бўладилар. «*Нима ҳам қилар эдим, пешонамга бахти қаро деб ёзилган бўлса, уни ҳеч нарса билан ўзгартириб бўлмайди, ҳатто Замзам ва Кавсар суви билан ҳам кетказиб бўлмайди*» – дейдилар. Шу гаплар билан ўзларини юпантириб, безовталанишдан узоқлашишга уринадилар ва ўзларини хотиржам қилиб кўрсатадилар.



### ❖ Ижтимоий омиллар

Баъзилар ҳаётда «озод» бўлмоқчи бўлиб, шаҳватларини қондириш йўлида қабих гуноҳларга қўл урадилар. Улар қилган ишларида ўзларини беғуноҳ кўрсатмоқчи бўлиб: «Аллоҳ бизни шундай яратган» – деб жабрийлар назариясидан фойдаланадилар. Шунинг билан ҳам ўзларини ҳам қониқтирадилар ва инсонлар жамиятида ҳам ўзларини гуноҳсиз қилиб кўрсатадилар.

Улар жабр эътиқодига юзланишлари орқали ўзларининг шаҳватпарастликларини; «*Биз тутган йўлимизда ирода-ихтиёрга молик эмасмиз*» деган сўзлар билан оқлашга ҳаракат қиладилар.

Лекин биз уларнинг бу даъволари ёлғон эканлигини яхши биламиз. Ҳатто бу гуноҳларга йўл қўйган шахсларнинг ўзи ҳам, келтирган узр-баҳоналари асоссиз ва ёлғон эканлигини тушуниб турадилар. Бироқ қисқа муддатли дунё лаззатларидан баҳраманд бўлиш ва ўз моддий манфаатларини қўлга киритиш учун ҳақиқатни ошкор қилмайдилар.

Шунинг учун инсонлар жамиятини фикрий ва эътиқодий нуқтаи назардан соғломлаштириш учун золим ҳукмдорлар ўзларининг мустамлакачилик манфаатлари йўлида қурол қилиб олган, фосиқ ва дангаса шахслар ўзларининг хато ва гуноҳ ишларини оқлаш учун баҳона қилиб олган ва инсонлар жамиятини фасод ва булғанишларга олиб келадиган «*жабр*» назариясига қарши курашмоқ лозим.

\*\*\*

### Ўйлаб жавоб беринг:

1. «*Жабр ва ихтиёр*» назарияларининг фарқи нимада?
2. Жабрийлар кўпинча қайси далилларга таянадилар?
3. Муҳит, тарбия, ирсиятнинг кўрсатадиган таъсири ҳақида нима дейсиз?
4. Жабр назариясини рўёбга чиқарадиган сиёсий, руҳий ва ижтимоий омиллар нималардан иборат? бу ҳақида сўзлаб беринг.
5. Ўша омиллар қаршисида биз эгаллайдиган мавқеимиз қандай бўлиши керак?

## 7-ДАРС:

---

### Ирода ва ихтиёрга оид аниқ далил

---

#### 1. Жами инсонларнинг виждони жабрни инкор қилади;

Илоҳиётчи олимлар ва файласуфларнинг инсон ихтиёрига оид кўп далиллари бор. Лекин биз энг яққол далилни келтиришни лозим топдик. Бу далил башариятнинг виждонидир. Ҳар қандай жамият, диндор бўладими ёки йўқми, ғарблик ёки шарқлик бўладими, қадимдами ёки ҳозирги замондами, бадавлат ёхуд фақир-мухтожми, тараққий этган ёки тараққийлашмаган, ҳар қандай маданият соҳиби бўлишидан қатъий назар, ушбу ҳақиқатдан огоҳдирки, жамият учун қонун-қоида тузилиши зарур. Ҳар бир одам ана шу қонун-қоида олдида жавобгар бўлиб, қонунга хилоф иш қилганлар, албатта жазоларини олишлари керак.

Мухтасар қилиб айтганда, «қонун ҳокимлиги», «унинг баробарида жавобгарлик» ва «қонун бўйича жазоланиш» масаласида оламнинг барча ақл-идрок эгалари ўзаро иттифоққа эришганлар ва бу уч муҳим масалани маданиятдан йироқ бўлмиш ваҳший тоифагина тушуна олмайди, холос. Бунинг ўзи инсоният виждони одамнинг ирода-ихтиёр соҳиби эканлигини эътироф этишини англатади. Нега деганда, агар инсон ўз амалида ирода-ихтиёрга эга бўлмаса, қандайига қонун олдида масъул деб айта оламиз? Ёхуд беихтиёр ва мажбур бўлган ҳолда бажарган иши сабабли қонун олдида жазоланиши мумкин?! Қонунга хилоф иш қилгани учун зиндонга ёки ўлимга қандай қилиб ҳукм қилишимиз мумкин? Бу ҳолда қилган ишимиз одамларнинг ҳаётига хавф солиб, тоғдан думалаб тушаётган тошларни муҳокама қилгандек бўламиз.

Тўғрики, инсоннинг тошдан жуда ҳам катта фарқи бор. Бирок

инсон ўз ирода-ихтиёрида озод эканини инкор қилсак, инсон билан тош ўртасида фақатгина зоҳирий фарқ бўлиб, ҳар иккаласи жабрий куч таъсири остида амалини бажарган бўлади. Тош ернинг тортиш кучи таъсири туфайли йўл ўртасига думалаб тушган бўлса, жабрийлар эътиқоди бўйича, жинойткор, қотил ва қонунбузар шахс, жабрий омиллар таъсирида қўл урган жинойтига мажбур бўлган. Жабрийлар эътиқодига биноан, тош ва инсон ўртасида натижа нуқтаи назаридан ҳеч қандай фарқ йўқдир. Зероки, уларнинг ҳеч бири ўз ирода-ихтиёри билан ишни бажармаган. Нимага бири (инсон) муҳокама қилиниши керак экан-у, бошқаси (тош) муҳокама қилинмас экан?!

Биз икки йўл қаршисида бирини танлашимиз керак: Ё барча одамлар виждонини саҳв-хатога йўйиб, бутун қонун ва адлия маҳкамалари ва жинойткорларнинг жазоланишини беҳуда ва фойдасиз, балки зулм ва шафқатсизлик деб ҳисоблашимиз керак. Ё худ «*Жабрия*» назариясини инкор қилишимиз лозимдир. Албатта иккинчи йўлни танлаш маъқулдир.

Ажабланарлиси шундаки, ақлий-фалсафий нуқтаи назаридан «*жабр назарияси*»га ёндашадиган ва уни исботлаш учун далил келтирадиган шахслар кундалик кечирадиган ҳаётларида инсон ўз ирода-ихтиёрида озод эканини амалда кўрсатиб бериб, ирода-ихтиёр озодлиги тарафдори бўлиб кўринадилар.

Зеро, агар бирор шахснинг иккинчи бир шахс томонидан ҳақ-ҳуқуқи оёқ ости қилинса ёки унга азият-озор берса, ўша шахсни маломатланиш ва жазоланишга сазовор деб билиб, унинг устидан адлия маҳкамасига шикоят қилишади ва гоҳида дод-фарёд кўтариб, шовқин солишади ва қонунбузар жинойтчини қонун баробарида жазога тортмагунларича орқага чекинишмайди!

Агар чиндан ҳам инсон ирода-ихтиёр соҳиби бўлмаса, жинойтчини койимоқ ва унинг устидан шикоят қилмоқ ва ўз ҳақ-ҳуқини ундириш учун шовқин-сурон кўтариб, фарёд этмоқ нима маънони англатади?!

Ҳар ҳолда, ақл-идрок эгаси бўлган барча инсониятнинг виждони инсон ирода-ихтиёр соҳиби эканига ёрқин далил бўлиб, улар бу ҳақиқатнинг мавжудлигини бутун вужудлари билан тасдиқлайдилар

ва бу эътиқодларига вафодор ва мустаҳкам бўлиб келганлар. Ҳатто бир кунга бўлса ҳам, бу эътиқодларидан кўз юмиб, ижтимоий ва шахсий ҳаётларини бошқаришга ожиздирлар.

Ислом оламининг буюк файласуфи бўлмиш Хожа Носириддин Тусий «жабр ва ихтиёр» масаласини қисқа бир ибора билан шундай баён қилган:

«والضرورة قاضية باستناد أفعالنا إلينا»

«Зарурий идрок этишимиз ва виждонимиз ҳукми бўйича, барча амалимиз ўзимизга боғлиқдир.»<sup>1</sup>

## 2. Жабр тушунчасининг дин мантиғига зидлиги

Юқорида келтирган далилимиз одамларнинг диний эътиқодидан қатъий назар уларнинг виждонига асосланган эди. Бироқ диний тафаккурга таянган ҳолда ундан келиб чиққан жабрияга қарши қатъий далилимиз бор.

Зеро, диний эътиқодлар «жабрия назарияси»га мувофиқ эмас. Жабрия назариясини қабул қилиш билан дин таълимотларининг ҳаммаси пучга чиқади. Ахир қандай қилиб олдинги дарсларда ёритиб исботлаганимиз Аллоҳнинг адолатини жабр эътиқодига татбиқ эта оламиз?! Қандайига Аллоҳ бандасини бирор ёмон ишга мажбурлаб, сўнгра уни бу ишни қилгани учун: «Нимага бу ишга қўл урдинг», деб жазолаши мумкин?! Бу мантиққа умуман тўғри келмайди.

Бинобарин, жабрия назариясини қабул қилсак, ажр-мукофот ва жазо, жаннат ва жаҳаннам тушунчалари маъносиз бўлиб қолади.

Шунингдек, Қуръони Карим оятларида зикр қилинган номаи амал, охиратдаги ҳисоб-китоб, солиҳларни қадрлаш, фосиқларни жазолаш каби таълимларнинг ҳаммаси асоссиз бўлиб қолади. Зероки, жабр эътиқодига кўра, солиҳлар ҳам, фосиқлар ҳам амалларини ўз ихтиёрлари билан бажаришмайди.

Бундан ташқари, биз дин деганда аввало, «вазифа ва масъулият»ни тушунамиз. Агар ҳеч бир инсон қиладиган амалида ихтиёрга эга бўлмаса, унда вазифа ва масъулият қабул қилиш нима маънони англатади?! Агар бирор кишининг қўллари унинг ирода-

1. Тажридул ақоид, «жабр ва ихтиёр» баҳси

ихтиёридан ташқари ҳолда қалтираса, «қўлларингни қалтиратма» – дея оламизми? Ёки тепалиқдан сирғаниб пастга думалаб кетаётган одамга «*тўхта!*» – деб буйруқ бера оламизми?

Мана шунинг учун мўъминлар амири Али (*алайҳис салом*) машҳур хутбада «*жабрия назарияси*» бутпарастлар ва шайтон гуруҳининг тутган йўли эканини уқтириб, бу ҳақда шундай деганлар:

«تلك مقالة إخوان عبدة الأوثان و خصماء الرّحمان و حزب الشّيطان»

«Бу (жабр эътиқоди), бутпарастлар биродарларининг ва Аллоҳ душманларининг ва шайтон ҳизбининг сўзидир.»

\*\*\*

### **Ўйлаб жавоб беринг:**

1. Жабрни ботил қилувчи яққол далил келтиринг.
2. Бутун инсонларнинг виждони ирода-ихтиёр озодлиги хусусида ҳукм қилишини изоҳлаб беринг.
3. Жабрия назарияси тарафдорлари чиндан ҳам жабрийдирларми?
4. Жабр эътиқоди Аллоҳнинг адолатига тўғри келадими? Тўғри келмаган тақдирда бунинг сабабини айтиб беринг.
5. Нима сабабдан ирода ва ихтиёр озодлиги вазифа ва масъулият қабул қилишнинг асоси ҳисобланади?

## 8-ДАРС:

---

### «Ал-амру байнал амрайн» нима дегани?

---

#### 1. Жабр назариясига тескари бўлган тафвиз (ўз ҳолига қўйилиш) эътиқоди

Ҳаддидан ошиш ҳолатида турган жабр назарияси қаршисида тамоман қарама-қарши ўларок, суслик томонини тутган «тафвиз», яъни ўз ҳолига қўйиб қўйиш ғояси вужудга келган эди. «Тафвиз», яъни ўз ҳолига қўйиб қўйиш назарияси тарафдорларининг эътиқоди бўйича, Аллоҳ бизларни яратгандан кейин ҳамма нарсани бизнинг ихтиёримизга бериб қўйган ва бизнинг амал ва кирдикоримиздан бутунлай бегонадир. Шунинг учун, одамлар ҳамма ишларида мутлақо мустақил ва озоддирлар.

Шубҳасиз, бундай эътиқод ҳам тавҳид (яккахудолик)га зиддир. Чунки, тавҳид таълимоти бўйича, бутун жаҳон Аллоҳнинг мулкидир ва ҳеч нарса унинг назари ва ҳокимиятидан четда эмас, ҳатто амалларимизни бажаришда ихтиёр ва иродамиз ўз қўлимизда бўлгани билан Аллоҳнинг қудрати ва ҳукуматидан ташқарида эмас. Акс ҳолда Аллоҳга ширк келтиришимиз шубҳасиздир.

Бошқача айтганда, биз икки худога: Бири бутун борлиқни яратган буюк Худога ва иккинчиси эса буюк Худо унинг амалига ҳеч қандай таъсир кўрсата олмайдиган ва ирода-ихтиёри мутлақо ўз қўлида бўлган мустақил ва эркин бўлмиш кичик худога, яъни инсонга эътиқод қила олмаймиз. Бу эътиқод бир неча илоҳга сиғиниш бўлиб, ширкдан холи эмас.

Биз эса инсонни эрк, ирода ва ихтиёр соҳиби деб билишимиз ҳамда Аллоҳни инсон ва унинг амали устидан ҳукмрон деб билишимиз муҳим масаладир.

«*На жабр ва на мутлақо ихтиёр*» ақидаси мусулмонлар учун умид манбаи саналади. Шу боис, жабрга эътиқод қилганларнинг дунёқарошига биноан, «*пешанамиздагини кўрамиз*», савоб қиламизми ёки гуноҳ, ҳар ҳолда жаннатий ёки дўзахий эканлигимиз олдиндан белгилаб қўйилган. Ушбу ғояга кўра, ҳаётнинг маъно-мазмунини йўқдек туюлади. Аҳли-Байт мазҳабининг издошлари бундайларга қарата шундай дейишади:

Дўзахий ёки жаннатий эканлигимизнинг белгиланиши бизнинг қилган амалимиз натижасидир. Шуҳасиз, Аллоҳ таоло Ўзининг азалий илми билан баъдаларининг охиратдаги оқибатини олдиндан билади ва бу илмида ҳеч қачон адашмайди. Лекин бунинг маъноси Аллоҳ бандасидан танлаш ҳуқуқини олиб қўйди, дегани эмас. Акс ҳолда, жаннат ва дўзахнинг яратилиши фойдасиз бўлиб, бу эса Аллоҳ таолонинг ҳикматига зиддир. Ва асосан Аллоҳ Ўзининг азалий илми билан қай бир амални бажаришимиз ёки тарк этишимизни ва шунингдек қандай оқибатга дучор бўлишимизни, яъни жаннат ёки дўзах аҳлидан бўлишимизни олдиндан билиши бизни бирор нарсага мажбур этмайди. Унинг олдиндан ҳамма нарсаларни билиши инсонлар учун ҳеч бир мажбурият туғдирмайди.

Буларга зид ўлароқ, «*мўтазилийлар*» инсонга шунчалик кўп ихтиёр бердиларки, ҳатто бу масалада ширкка йўл қўйдилар. Ахир Аллоҳнинг изнисиз бирор бир иш амалга ошмайди-ку. Қандай қилиб бу ошкор ҳақиқатни инкор этиш мумкин?!

Албатта шунини айтиб ўтиш керакки, кўпинча сиёсий можаролар исломдаги фирқаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган. Масалан; оддий халқни бўйсундириш учун «*жабрия*» оқимининг ақидаси ҳукмрон кучлар учун жуда қўл келарди. Иродасини қўлдан берган халқ ҳеч қачон ҳукмдорларга қарши оёққа туришга журъат қилолмаслиги барчага аёндыр. Тарихдан маълумки, доимо Аҳли-Байт мазҳабининг тарафдорлари зулм ва ноҳақликка қарши қатъий курашиб келганлар. Уларнинг шиори имом Хусайн (*алайҳис салом*) нинг шиорлари бўлиб, «*ҳайҳот минназ зиллаҳ*», яъни «*залил ва хор бўлишга ҳеч қачон йўл қўймаймиз!*» ёки «*шарафли ўлим зиллатли ҳаётдан кўра афзалдир*» улар бутун тарих бўйлаб доимо зулму зўравонликка ҳамда золим ва мустабид тузумларга қарши курашиб келганлар.

## 2. Мўътадил назария ғояси

Бизнинг эътиқодимиз, юқорида айтиб ўтилган икки назариянинг (жабрива ва тафвиз) орасидаги эътиқод бўлиб, ҳам Аллоҳнинг одиллигини тўла-тўқис қабул қилиб, бандалар учун «озодлик ва масъулият» борлигини эътироф этамиз ва ҳам тавҳид (яккахудолик), яъни Аллоҳ бутун борлиққа ҳукмрон эканига ишонамиз, ҳам инсоннинг қиладиган амалларида озод эканлигига бовар қиламиз, ҳамда Аллоҳнинг ягоналиги ва мутлақ ҳоқимият эгаси эканлигига иймон келтирамиз. Бундай эътиқодга «*Ал-амру байнал амрайн*» дейилади.

Бу масалага бир оз тушуниш қийин бўлгани учун содда мисол келтирмоқчимиз. Фараз қилинг, сиз трамвай ҳайдовчисисиз. Электр сими трамвай билан электр манбаини улаб туради. Агар бирор дақиқага электр энергияси етмай қолса, трамвай дарҳол юришдан тўхтаб қолади. Албатта сиз ҳайдовчи сифатида йўлингизнинг истаган ерида тўхтаб ёки тўхтамасдан ҳаракат қилишингиз мумкин. Лекин озодлик ва ихтиёр соҳиби бўлишингизга қарамай, трамвайингизни бошқаришингиз учун электр энергиясини етказиб берувчи куч борки, агар у сизни электр энергиясидан маҳрум қилса, у ҳолда сиз трамвайни бошқара олмай, тўхтаб қоласиз, негаки, сизнинг бутун куч ва қудратингиз ўша электр энергияга боғлиқ бўлиб, унинг тугмаси ўша кучнинг қўлидадир.

Агар бу мисолга диққат билан назар солсак, кўрамизки, ҳайдовчининг айна озод қудратга эга пайтида уни бу озодлигидан маҳрум қила оладиган қудрат бордир. Бу икки куч бирга бўлиши ҳеч зиддиятга сабаб бўлмайди. Зероки, бири нисбий озод бўлса, бири эса мутлақо озоддир.

Бошқа бир мисол:

Фараз қилинг: Бирор бир шахс юз берган ёмон ҳодиса ёки хасталангани сабабли асаб тизими ишдан чиқиб қолиб, қўлини қимирлатиш қудратига эга бўлмаса, шунда агар бир мулозим ва энгил электр энергиясига улаб қўйиб, унинг асаби кучлантирилса, қўлини ҳаракатлантиришга қурби етади.

Мазкур шахс ўша кучга кирган қўли билан бирор бир жиноий ишга қўл урса, масалан, бирор кимсанинг юзига шапалоқ туширса,



ёки бегуноҳнинг қалбига пичоқ урса, шубҳасиз, қилган жиноятида жавобгарликка тортилади. Негаки, мазкур жиноятга ҳам кучи етган ва ҳам ўз ирода ва ихтиёри билан ушбу жиноятни амалга оширган. Шунинг учун куч-қудрат ва ирода-ихтиёрга эга бўлган ўша шахс амал ва кирдикорининг баробарида масъулдир.

Лекин шунга қарамасдан ўша шахсга электр энергия орқали қудрат ва куч яратган табиб унинг устидан ҳукмрон бўлиб, эркин ҳолатида ҳам табибнинг қудрати остида экани шубҳасиздир.

Энди эса асл масалага қайтсак. Аллоҳ бизга куч-қудрат, ақл-хуш ва жисмоний соғлиқни бериб, ҳар лаҳза бу неъматларни бизга етказиб беради. Агар Аллоҳ таоло ўз марҳаматини биздан бир лаҳзага бўлса-да, дариг тутса, шубҳасиз, биз нобуд бўламиз. Агар биз бирор ишни бажаришга қодир бўлсак, фақат Унинг қудрати туфайлидир. Ҳатто бизнинг ирода ва ихтиёримиз ҳам Унинг тарафидан берилган. Шундай экан, биз озод бўлишимиз билан айна пайтда Ундан қувват олиб, такомиллаша борамиз ва зинҳор Унинг ҳокимият чегарасидан четга чиқа олмаймиз.

Шу боис, ирода-ихтиёр ва эркинликка молик бўлишимиз билан Аллоҳнинг қудрати остида эканимиз ва Унинг ҳокимияти чегарасидан ташқарида эмаслигимиз ва куч-қудратимиз бўла туриб, Унга боғлиқлигимиз ва Унингсиз ҳеч нарса эмаслигимиз муқаррардир.

«Ал-амру байнал амрайн» деган сўзнинг маъноси ана шудир. Биз инсонни «*мутлақо озод*» демаймиз, зеро, ширк келтирган бўламиз ва инсонни бутун амалларида «*мажбур*», деб ҳам айтмаймиз, зеро, унга зулм қилган бўламиз.

Бу дарсни биз пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) ва у зотнинг «*Аҳли-Байтлари*»дан ўрганганмиз. Улардан «*жабр ва ихтиёр*» орасида йўл борми? - деб сўрашганда: «*Ҳа, ер ва осмон оралигидан ҳам ортиқроқ кенгликда йўл бор*» - деб жавоб берганлар.

### **3. Қуръонда жабр ва ихтиёр масаласи**

Инсоннинг иродаси озод эканлиги Қуръони Каримнинг юзлаб оятларида келган:

- Амр ва наҳий қилувчи, яъни яхшиликка буюрувчи ва ёмонликдан қайтарувчи оятларнинг ҳаммаси инсоннинг ирода-ихтиёри озод

эканлигига далолат қилади. Негаки, агар инсон мажбур бўлганида эди, уни яхшиликка буюриш ва ёмонликдан қайтариш беҳуда ва фойдасиз бўларди. Ҳолбуки, ҳикматли Тангридан беҳуда ва фойдасиз иш содир бўлмайди.

- Фосиқларни маломат ва солиҳларни мадҳ қилувчи оятлар барчаси инсон иродасининг озод эканига яққол далилдир. Чунки, инсон мажбур бўлган тақдирда ёмон амали учун уни койимоқ ёки солиҳ амали сабабли уни қадрламоқ маъносиз бўлади.
- Қиёматдаги савол-жавоб ва муҳокама қилиниши ҳақидаги оятлар ва шунингдек, жаннатда бериладиган ажр-мукофотлар ва жаҳаннамдаги азоблар ҳақидаги оятлар инсон ирода-ихтиёрининг озодлигига очиқ далилдир. Чунки, мажбур бўлган тақдирда буларнинг барчаси тушунарсиз бўлиб, ёмонларни жазолаш очиқ зулм ҳисобланади.
- Инсон қиладиган амалига яраша муомалада бўлиниши ҳақидаги оятлар инсоннинг ирода-ихтиёри озод эканига ёрқин далилдир. Мисол учун қуйидаги оятлар:

﴿كُلُّ نَفْسٍ بِمَا كَسَبَتْ رَهِينَةٌ﴾

«Ҳар бир шахс ўзи (ҳаёти дунёда) бажарган (яхши ва ёмон) амали билан гаровлидир (ушланувчидир).» (Муддассир сураси, 38 – оят)

﴿كُلُّ أَمْرٍ بِمَا كَسَبَ رَهِينٌ﴾

«Ҳар бир кимса ўзи касб қилган иши билан гаровга олинувчидир (ушланувчидир).» (Тур сураси, 21 – оят)

﴿إِنَّا هَدَيْنَاهُ السَّبِيلَ إِمَّا شَاكِرًا وَإِمَّا كَفُورًا﴾

«Дарҳақиқат, Биз унга (инсонга) хоҳ у шуқр қилувчи (мусулмон) бўлсин ва хоҳ ношуқр (кофир) бўлсин, йўл кўрсатдик.» (Даҳр сураси, 3 – оят)

Мазкур оятлар қилган даъвомизга очиқ далилдир.

Қуръони Каримнинг айрим оятларида келган иборалар, «Ал-амру байнал амрайн» таълимотига ёрқин далил бўлиб, гоҳида баъзи огоҳ бўлмаган шахслар ўша ибораларни «Жабр назарияси»га йўйишган. Масалан:

﴿وَمَا تَشَاءُونَ إِلَّا أَنْ يَشَاءَ اللَّهُ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلِيمًا حَكِيمًا﴾

«(Эй, инсонлар,) Аллоҳ хоҳласагина, сизлар ҳам хоҳларсиз. Шубҳасиз, Аллоҳ билувчи ва ҳикматли зотдир.» (Даҳр сураси, 30 – оят)

Маълумки, бу ва бунга ўхшаш оятлар инсон ирода ва ихтиёри соҳиби эмаслигини баён этмайди, балки «сиз инсонлар ирода ва ихтиёрингиз ўз қўлингизда бўла туриб, Аллоҳнинг фармони остидадирсиз» деган ҳақиқатни исботлайди. Бу хусусида юқорида батафсил изоҳ бердик.

Мазкур оятнинг мазмуни: «инсонлар ирода-истак соҳиби бўлишлари билан бир қаторда шу пайтнинг ўзида Аллоҳнинг изну иродаси остидадирлар» демақдир.

\*\*\*

### **Ўйлаб жавоб беринг:**

1. «Тафвиз» (ўз ҳолига қўйиб қўйиш) деганда нимани тушунасиз? Ва ушбу назарияда нима нуқсон бор?
2. Аҳли-Байтдан ўрганганимиз «Ал-амру байнал амрайн»ни мисоллар билан тушунтириб беринг.
3. Қуръон оятлари «жабр ва ихтиёр» масаласи хусусида нима дейди?
4. Агар жабрия ақидасини қабул қилсак, жаннат ва жаҳаннам, қиёмат ва савол-жавоб масалалари қандай бўлади?
5. «Фақат Аллоҳ истасагина, улар истай оладилар» қабилидаги оятлар жабрга далил бўла оладими?

## 9-ДАРС:

---

### Ҳидоят ва залолат Аллоҳнинг қўлида

---

#### 1. Ҳидоят ва залолат турлари;

Агар бирор мусофир сизнинг олдингизга келиб бир уй манзилини сиздан сўраса, у ҳолда сиз икки йўлдан бирини танлаб унга ёрдам беришингиз мумкин:

1- Уни истаган манзилигача олиб бориб қўясиз ва хайрихоҳлик вазифасини олий даражада ўтайсиз.

2- Ёки унга йўлни турган жойингиздан турли хил белги ва кўрсаткичларни айтиш билан истаган манзили сари йўллайсиз.

Шубҳасиз, ҳар иккала ҳолатда ҳам сиз унга йўлбошчилик қилган бўласиз, фақат фарқи шундаки, иккинчи ҳолатда сиз фақат йўл кўрсатиб берган бўласиз. Бу ҳолатга *«иробъатут-тарийқ»*, яъни йўл кўсатиш дейилади. Бироқ биринчи ҳолатда ўша мусофирни истаган манзилига етказиб қўясиз. Бу ҳолатга *«ийсолун илал матлуб»*, яъни мақсадга етказиб қўйиш деб айтилади.

Қуръони Карим ва ҳадис шарифларда ҳидоят сўзи ҳар икки маънода келгандир. Бошқа тарафдан қараганда, баъзан ҳидоят фақат ташриий, яъни маълум қонун-қоидалар дастури асосида бўлса, баъзан эса ҳидоят таквинийдир. Бунинг маъноси – яратилишга оид бўлган ҳидоят, масалан нутфанинг тўлиқ инсон бўлгунга қадар ҳаракатланишига ўхшаш ҳолатлар, қуёш ва ернинг ҳаракатлари ва бошқалардир. Ҳидоятнинг турларини кўриб чиққанимиздан кейин асл мақсадга ўтамыз.

Аслида биз ҳидоят деганда *«залолат»* қаршисидаги ҳидоятни тушунамыз. Кўп оятларда келишича, ҳидоят ва залолат Худонинг қўлидадир. Албатта, шаксиз, Аллоҳ тўғри йўлга ҳидоят қилувчи

пайғамбарларни юбориб ҳидоят бўлишга шароит яратади ва инсонларга тўғри йўлни кўрсатади (келтирган мисолимизнинг биринчи ҳолати).

Лекин мажбурий ҳолда мақсадга олиб бориб қўйиш эса (келтирган мисолимизнинг иккинчи ҳолати) бандаларнинг ирода-ихтиёри озодлигига тўсиқ бўлиш деганидир. Аллоҳ бизга тўғри йўлни кўрсатиб, бандаларнинг ўз ихтиёрлари билан ана шу йўлда юришларини истайди. Аллоҳ ҳидоятининг маъноси; инсонлар тўғри йўл топишлари учун керакли шарт-шароитларни уларга яратиш демақдир.

## 2. Муҳим бир савол

Муҳим бир савол шундан иборатки, Қуръон оятларида «Аллоҳ истаган бандаларини ҳидоят қилади ва истаганларини эса залолатга бошлайди», дейилган. Масалан;

﴿فَيُضِلُّ اللَّهُ مَن يَشَاءُ وَيَهْدِي مَن يَشَاءُ وَهُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ﴾

«Демак, Аллоҳ (Ўзи) хоҳлаган кимсани йўлдан оздирур ва (Ўзи) хоҳлаган кишини ҳидоят қилур. У қудратли ва ҳикматли зотдир.» (Иброҳим сураси; 4 – оят)

Баъзилар бошқа оятларни ва оятлар эса бир-бирини тафсирлашини назарга олмаган ҳолда, мазкур оятни кўришлари биланоқ, дарҳол эътироз қила бошлашади. Масалан бундай дейишади: «Агар Худо ўзи истаганини ҳидоят ёки гумроҳ қиладиган бўлса, бизнинг нима гуноҳимиз бор?»

Бу ўринда шу нарсани таъкидлаб ўтишимиз керакки, Қуръон оятларининг ҳақиқий маъносини қўлга киритиш учун уларни бир-бирига боғлиқ ҳолда кўздан кечиришимиз керак. Биз ҳидоят ва залолат ҳақидаги оятлардан бир нечта намуна келтирмоқчимиз. Бу оятларни юқоридаги оят билан таққослаб керакли хулосани ўзингиз чиқаринг:

﴿وَيُضِلُّ اللَّهُ الظَّالِمِينَ وَيَفْعَلُ اللَّهُ مَا يَشَاءُ﴾

«Золимларни эса Аллоҳ (ҳақ) йўлдан оздирур. Аллоҳ (Ўзи) хоҳлаган ишни қилур.» (Иброҳим сураси; 27 – оят)

﴿كَذَلِكَ يُضِلُّ اللَّهُ مَن هُوَ مُسْرِفٌ مُّرْتَابٌ﴾

«Ҳаддан ошувчи ва шак келтирувчи кимсаларни Аллоҳ мана шундай йўлдан оздириб қўюр.» (Ғофир сураси; 34 – оят)

﴿وَالَّذِينَ جَاهَدُوا فِينَا لَنَهْدِيَنَّهُمْ سُبُلَنَا وَإِنَّ اللَّهَ لَمَعَ الْمُحْسِنِينَ﴾

«Бизнинг (йўлимиз)да жиҳод қилганларни (тиришганларни), албатта, Ўз йўлларимизга ҳидоят қилурмиз. Шубҳасиз, Аллоҳ эзгу иш қилувчилар билан биргадир!» (Анкабут сураси; 68 – оят).

Кўриб турганимиздек, Аллоҳнинг ҳидоят қилиш иродаси шунчаки эмас, балки одамнинг ўз ирода-ихтиёрига ҳам узвий боғлиқ. Аллоҳ ҳеч кимга ҳисоб-китобсиз ҳидоят бўлишни насиб этмайди ва бирор кимсадан ҳисоб-китобсиз ҳидоят йўлидан боришни олиб қўймайди.

Аллоҳ йўлида ўз ҳавойи нафсига қарши курашиб, ташқи душманлар баробарида оёққа турувчиларга Тангрининг Ўзи ҳидоят бўлишларини насиб қилади ва бу айни адолатдир.

Аммо зулму зўравонликка асос солган ва инсонлар қалбида шак-шубҳа туғдириш йўлида саъй-ҳаракат қилган золим ва ситамгарларга Аллоҳ ҳидоят бўлиш тавфиқини насиб этмайди. Уларнинг қалблари қилган амаллари туфайли қорайиб, зулматга тўлиб тошади. Шу боис, «Аллоҳ уларни гумроҳ қилади» деган сўзнинг маъноси Аллоҳ уларнинг қилган амаллари натижасини руёбга чиқаради, демакдир. Кўриб турганимиздек, бу ҳам айни адолатдир.

### **3. Аллоҳнинг азалдан билиши итоатсизликка сабаб бўла оладими?**

«Жабр ва ихтиёр» масаласида яна айтишимиз лозим бўлган масала – жабрийларнинг баҳонаси бўлмиш Аллоҳнинг азалдан билиши ҳақидадир. Улар бундай дейдилар: Аллоҳ фалончининг фалон вақтда ўзини ўлдиришини ёки шароб ичишини билмайдими? Шунда «билмайди» десангиз, Аллоҳнинг азалдан билишини инкор қилган бўласиз, мабодо «билади» десангиз, «Аллоҳ айтгани албатта бўлиши керак» - дейишади.

Демак, Аллоҳнинг азалдан билиши натижасида гуноҳкорлар гуноҳ қилишга ва итоаткорлар бўйсунушга мажбурдирлар.

Улар ўз хато ва гуноҳларини яшириш мақсадида бундай баҳоналарни тўқиб чиқаришади. Шубҳасиз, улар бир ҳақиқатдан ғофилдирлар ва у эса, Аллоҳ таоло ўз ирода ва ихтиёримиз билан итоат ёки гуноҳ йўлини танлашимизни азалдан билади. Бунинг маъноси биз ўз ирода ва ихтиёримиз билан амал қилишимиз Аллоҳнинг азалий илмида ёзилган. Шу боис, агар биз қиладиган амалимизда мажбур бўлсак, Аллоҳнинг азалий илми ҳақиқатга хилоф бўлиб, жаҳолатга айланади.

Аниқроқ тушунишингиз учун рухсат беринг бир мисол келтирайлик: Айтайлик ўқитувчи ўз ўқувчисининг ялқов эканлигини билгани учун йил охирида имтиҳондан ўта олмаслигини олдиндан билади. Унинг бу хулосаси кўп йиллик тажрибасидан келиб чиққани учун юз фоиз амалга ошади.

Агар йил охирида ўқувчи имтиҳондан чиндан ҳам ўта олмаса, шунда у: *«Сиз олдиндан ўта олмаслигимни айтганингиз учун мен имтиҳондан ўтмадим»* – деб, устозини маломат қилиши тўғрими?

Ёки бирор авлиё гуноҳкор кишига: *«Агар фалон ишни тарк қилмасанг, оқибатда бундай бўласан»* – деб олдиндан ёмон оқибатга дучор бўлишини хабар берган бўлса, ўша хатокор авлиёнинг олдига келиб: *«Сен айтганинг учун шундай бўлди»*, – дея оладими? Олдиндан огоҳлантириш гуноҳкорнинг ирода-ихтиёрини олиб қўйиш эмас-ку, ахир!!

Турли хил ҳодисаларнинг юз беришидан бир неча соат олдин кўра оладиган янги асбоб ускуналар яратилса ва бирор шахс ўз ирода-ихтиёри билан фалон ишни муайян бир соатда бажариши асбоб ускуналар ёрдамида унга эълон қилинса, ўша шахс мазкур ишни қилишга мажбур бўладими?!

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Аллоҳнинг азалдан билиши баъдадан ихтиёрини олиб қўймайди ва бирор ишга мажбур қилмайди!

**Ўйлаб жавоб беринг:**

1. Неча хил ҳидоят бор? Шарҳлаб беринг.
2. Қуръондаги оятлардан Аллоҳнинг ҳидоят ва залолат қилиши ҳақидаги оятларни келтириб тушунтириб беринг.
3. Аллоҳнинг ҳидояти ва залолати маъно-мазмунини тушунтириб беринг.
4. Аллоҳнинг азалдан билиши нима маънодадир?
5. Аллоҳнинг азалдан билиши одамларни озодона ирода-ихтиёрга эга бўлишдан маҳрум қиладими? мисол билан тушунтириб беринг.



## 10-ДАРС:

### Аллоҳнинг адолати ва доимий азоб

Маълумки, Қуръонда кофирларнинг доимий азобда қолажаклари ҳақида очиқдан-очиқ айтилган:

﴿وَعَدَ اللَّهُ الْمُنَافِقِينَ وَالْمُنَافِقَاتِ وَالْكُفَّارَ نَارَ جَهَنَّمَ خَالِدِينَ فِيهَا﴾

«Аллоҳ мунофиқ ва мунофиқаларга ҳамда кофирларга; (улар) абадий қоладиган жаҳаннам оловини ваъда қилди.» (Тавба сураси; 68 – оят)

Худди шу оятнинг давомида иймонли эркак ва аёлларнинг жаннат боғларидаги абадий роҳатланишлари ҳақида шундай айтилган:

﴿وَعَدَ اللَّهُ الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا﴾

«Аллоҳ мўминлар ва мўминаларга остидан анҳорлар оқиб турадиган, мангу яшайдиган жаннат (боғ)ларидаги пок масканларни ваъда қилди.» (Тавба сураси; 71 – оят)

Бу ерда шундай савол туғилиши мумкин: Инсон ўзи етмиш, саксон ва юз йил умр кўрадими ёки йўқми, нима учун қилган гуноҳи деб, миллиард йиллаб ва ундан ҳам ортиқроқ азоб кўриши керак экан?

Албатта бу гап азоб ҳақида сўралади. Чунки, жаннатдаги роҳатнинг абадийлиги ҳақида Аллоҳнинг раҳмати кенгдир деб тушунтирилади. Ажру мукофот бандалар учун қанча зиёда бўлса, шу ҳолда Аллоҳнинг раҳмати ва Унинг фазлу карами чексиз эканидан далолат беради. Аллоҳ баъзи бандаларини қисқа умри давомида қилган гуноҳи сабабли мангу азоблаши адолатга тўғри келадими ва Аллоҳнинг одиллигини назарга олган ҳолда гуноҳкорларнинг мангу азобланишини қандай тушуниш мумкин? – деган савол туғилади.

**Бу саволга жавоб:**

Мазкур саволга аниқ жавоб бериш учун бир неча масалаларни кўриб чиқишимиз керак;

**Биринчидан,** охират дунёсининг жазоси, бу дунёнинг жазоларидан фарқ қилади. Масалан, агар бирор шахс ўғрилиқ қилса қўлини кесиш ёки зиндонга қамаш билан жазоланади. Лекин қиёмат жазоси, инсон амалининг таъсири ва хосиятидан келиб чиққан ҳолда бўлади. Очикроқ қилиб айтганда, гуноҳкорларнинг қиёматдаги чексиз дарду азоби уларнинг қилган амалининг натижаси сабабли бўлади.

Бу ҳақда Қуръони Каримда аниқ қилиб айтилган:

﴿فَالْيَوْمَ لَا تُظَلَمُ نَفْسٌ شَيْئًا وَلَا يُجْزَوْنَ إِلَّا مَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ﴾

«Мана бугун ҳеч бир жонга зулм қилинмас ва сизлар фақат ўзларингиз қилиб ўтган амалларингизга қараб тақдирланурсизлар.» (Ёсин сураси; 54 – оят)

Оддий бир мисол билан бу ҳақиқатни ойдинлаштиришимиз мумкин: Кимдир спиртли ичимлик ёки наркотик моддаларига одат қилган бўлса, ҳарчанд бу иши ёмон ва организмга зарарли эканлиги унга айтилгани билан, ўз билганидан қолмайди. Маълум муддатгача кайфу сафо қилиб юрган бу одам, барибир бир кун келиб, қилган ишининг зарарини кўради ва соғлиғидан айрилиб, ошқозон яраси, асаб бузилиши ва юрак санчиши каби балоларга гирифтор бўлади. Қилган қисқа муддатли хатоси туфайли умрининг охиригача зарари ва азобини тортади. Биз бу ўринда «*нима учун атиги бир неча ой ёки бир неча йил спиртли ичимлик ичиб ёки гиёҳвандликка берилиб, гуноҳ ишга қўл урган бўлса, умрининг охиригача азоб тортиши керак?*» - дея оламизми? Агар шундай савол сўралса, дарҳол ўзининг қилган ишининг натижаси ва таъсиридир деб айтаемиз!

Агар ичкилик ичувчининг умри ҳазрати Нуҳ (*алайҳис салом*) умри каби узоқ бўладиган бўлса-да, азоб чекишининг муддати ҳам узун бўлади ва бу аянчли ҳолат, билиб туриб ўзи танлагани сабабли юзага келади.

Қиёмат куни жазолари шунга ўхшаш бўлади. Шунинг учун Аллоҳнинг одиллиги хусусида ҳеч қандай танқидий мулоҳазалар қолмайди.

**Иккинчидан**, баъзилар фикрларида хатога йўл қўйиб шундай дейдилар: Жазонинг муддати гуноҳ қилинган муддат билан баробар бўлиши керак. Албатта бу фикр хатодир, чунки, гуноҳ ва жазо орасидаги боғлиқликни замон миқёсида ўлчаб бўлмайди, балки гуноҳнинг қанчалик ёмон таъсир қилганига боғлиқдир. Масалан, бир зумда бегуноҳ одамни ўлдириш мумкин ва баъзи давлатлар қонуни бўйича бу ишнинг жазоси зиндонга умрбод маҳкум этилишидир. Зероки, бу жиноий иш бир лаҳзада юз берган бўлса-да, аммо унинг жазоси бир неча йиллар давом этади. Бироқ ҳеч ким бу иш адолатдан эмас, демайди. Чунки, бу ўринда дақиқа, соат, ой ва йил деган гаплар ўртага келмайди.

**Учинчидан**, абадий азобда қолиш шундай гуноҳкорларга хоски, улар бутун нажот даричаларини ўзларига беркитиб қўйганлар ва билиб туриб, қасдан бузғунчилик, фасод, кўфр ва нифоққа шўнғиб кетганлар ва оқибат, гуноҳ қоронғилиги уларнинг бутун вужудини қамраб олгандир. Дарҳақиқат, улар гуноҳ ва кофирлик тусига кирганлар. Қуръони Каримда бу ҳақида шундай дейилади:

﴿بَلَىٰ مَنْ كَسَبَ سَيِّئَةً وَأَحَاطَتْ بِهِ خَطِيئَتُهُ فَأُولَٰئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ﴾

*«Йўқ, асло! Кимки, ёмонлик касб этса ва гуноҳлари унинг бутун вужудини қамраб олса, ана ўшалар дўзах аҳлидирлар ва улар у ерда абадий қолувчилардир.»* (Бақара сураси; 81 – оят)

Бундайлар Аллоҳ билан алоқаларини буткул узган бўлиб, нажот ва саодат йўлини ўзлари учун тўсиб қўйганлар. Улар ўз қанотларини атайин синдириб куйдирган қушга ўхшаб, ер юзида турғун бўлиб қолганлар, шу боис, осмонлар узра учишдан то абад махрумдирлар.

Юқорида айтилган уч масала ёғдусида, ушбу ҳақиқат маълум бўлади: Мунофиқ ва кофирларнинг хос гуруҳи учун назарда тутилган мангу азобланиш Аллоҳнинг адолатига зид эмас, балки бундай оғир жазо уларнинг қилган амалларидан келиб чиққан. Шубҳасиз, Аллоҳ томонидан йўлланган пайғамбарлар ва элчилар айрим гуноҳларнинг ёмон оқибати жаҳаннам азобида доимий қолиш эканини бутун башариятга етказган эдилар.

Агар мазкур шахслар жоҳил, яъни илмсиз бўлган бўлсалар ҳамда пайғамбарлар даъвати уларга етмаган бўлса ва билмаганлари сабабли оғир гуноҳга йўл қўйган бўлсалар, у ҳолда уларнинг жазолари бундай аянчли шаклда бўлмаган бўларди.

Қуръон оятлари ва ҳадиси шарифлардан олинган таълимотлар бўйича, Аллоҳнинг раҳмати шу даражада кенг ва терандирки, гуноҳкор ва хатокорларнинг қўпчилигини ўз ичига қамраб олади ва қуйидаги йўлларнинг бири орқали азобдан омон қолишади:

- ❖ Айримлар шафоат йўли билан;
- ❖ Бошқа тоифадагилар кечирилиш йўли орқали;
- ❖ Баъзи гуруҳ гуноҳкорлар қилган кичик солиҳ амаллари туфайли Аллоҳ таоло Ўзининг буюклиги билан уларга улкан мукофот ато этади.
- ❖ Қолган баъзилар эса дўзаҳда маълум муддат қолиб, гуноҳлари сабабли жазоланажаклар, кейин эса бутун гуноҳларидан покланиб, Аллоҳнинг раҳмати ва Унинг фазлу карами билан ундан чиқариладилар.
- ❖ Фақат ҳақ билан душманликда бўлган ва зулм-зўравонлик, фиску фасодга муккасидан кетган ҳамда бутун вужудини кофирлик ва иймонсизлик қуршаб олган ашаддий гуруҳгина мангу азобда қолажакдир.

\*\*\*

### Ўйлаб жавоб беринг:

1. Нима учун баъзилар; «*доимий азобда қолиш*»ни Аллоҳнинг адолатига зид деб айтишади?
2. Бу дунёдаги жазолар охират жазоларига ўхшайдими? Агар ўхшашлиги бўлмаса қандай эканини тушунтириб беринг.
3. Аллоҳнинг адолати гуноҳ ва жазо ўртасида замонга боғлиқ алоқа бўлиши кераклигини тақозо этадими?
4. Мангу азоб кимларга оид бўлади?
5. Аллоҳнинг авф этишига кимлар ва қандай йўл билан эришишлари мумкин?

---

---

**НУБУВВАТ-ПАЙҒАМБАРШУНОСЛИК  
ҲАҚИДА ЎН ДАРС**

---

---

## 1- ДАРС:

---

### Илоҳий раҳбарларга бўлган эҳтиёжимиз

---

#### **Илмимизнинг маҳдудлиги ҳақида;**

Баъзиларда; *«асосан пайғамбарларнинг Аллоҳ таоло томонидан инсонларга тўғри йўл кўрсатиш учун юборилишлари зарурми ёки йўқми?»* – деган савол туғилиши мумкин.

Уларнинг фикрича; инсон ақли ва онги воқелик ва ҳақиқатни англашга етарли эмасми? Башарият илм ва фанининг ривожланиши, сир-асрорларнинг кашф этилишига ва натижада бутун ҳақиқатларнинг ошкор бўлишига сабаб бўлмайдимиз?

Юқоридаги фикрларга биноан, Пайғамбарлар бизга ўргатишлари мумкин бўлган илмлар, икки ҳолдан холи эмас: Ё бизнинг ақл-идрокимиз ўша илмларни тушуниб ета олади, ёхуд англай ололмайди?

Биринчи ҳолатда, пайғамбарларнинг саъй-ҳаракатларига ҳеч қандай эҳтиёжимиз бўлмайди, аммо иккинчи ҳолатда эса ақл-идрокимизга зид бўлган масалаларда пайғамбарларга таслим бўла олмаимиз!

Бошқа томондан қараганда; инсон ўз ихтиёрини бировнинг қўлига топшириб қўйиб, сўзсиз унинг кўрсатган йўлини қабул қилиши тўғри бўладими? Пайғамбарлар ҳам бизлар каби инсон эмасларми? Биз қандай қилиб ўзимизни бизга ўхшаш инсонлар ихтиёрига топшира оламиз?

#### **Жавоблар:**

Қуйидаги бир нечта масалаларни назарга олиш билан юқоридаги саволларнинг жавоби ойдинлашиб, пайғамбарларнинг инсонлар ҳаёти тузумидаги ўрни маълум бўлади.

1. Билишимиз керакки, биз инсонларнинг қўлга киритган билим ва маълумотларимиз жуда ҳам чекланган бўлиб, бутун илм ва фанларда юксак тараққиётга эришиб, инсониятнинг илм-саноати анча ривожланган бўлишига қарамай, ҳали ҳам бизнинг биладиган нарсаларимиз билмайдиганларимиз олдида денгиздан бир қатрадир, холос ёки тоғ баробарида кўринмас бир сомондек, деб айтсак ҳам, янглишмаган бўламиз. Айрим йирик олимларнинг айтишларича; биз инсонлар эндиги замонда эгаллаган барча илмларимиз борлиқ оламнинг улкан китоби учун алифбо ҳисобланади, холос.

Бошқача қилиб айтганда; Бизнинг маълумотларимиз фақат ақлимизнинг қудрати етадиган тор доирада бўлиб, илм ва фан тараққиёти ўша миқдорни ёритган ва биз бу доирадан ташқаридаги маълумотлардан буткул беҳабардирмиз.

Аллоҳ томонидан йўлланган пайғамбарлар ўзларининг ваҳий асосидаги таълимлари билан бизнинг эҳтиёжимиз бўлган илм ва маърифатни келтириб, маълумотларимизнинг тор доирасини кенгайтирадилар. Дарҳақиқат, ақлимиз нур таратадиган ва ёритадиган кучли чироқ каби бўлса, бироқ пайғамбарларнинг келтирган ваҳийлари (илоҳий хабарлари ва кўрсатмалари) оламни ёритувчи қуёш кабидир. Ким кучли ёруғлик таратувчи чироққа ишора қилиб, менга бунинг нури етади ва қуёшга эҳтиёжим йўқдир, деб айта олади?

Аниқроқ тушунча киритмоқчи бўлсак; ҳаётдаги масалаларни уч қисмга бўла оламиз: «*Маъқул*», «*номаъқул*» ва «*номаълум*».

Пайғамбарларнинг ҳеч бири «*номаъқул*», ақлга зид нарсани айтмайдилар ва агар ақлга зид нарсани айтадиган бўлсалар, у ҳолда пайғамбар бўлишмайди, балки пайғамбарлар номаълум ва мажҳул нарсаларни англаб олишимизда, бизга ёрдам берадилар ва бу биз учун ўта муҳим масаладир.

Шунга биноан, ўтмишда Ҳиндистонда ва дунёнинг бошқа жойларида истиқомат қилувчи Браҳманлар: «*Инсон ақл-идрокка эга бўлгани учун пайғамбарларга эҳтиёжи йўқдир*», дейишган бўлса, бутунги кунда эса: «*Илм-фан тараққий этган, шунинг учун пайғамбарлар ва уларнинг биз инсонларга келтирадиган*

таълимотларининг кераги йўқ», дейдиганлар, на башарият қўлга киритган илм-фаннинг аҳволидан хабардордирлар ва на пайғамбарлар юборилишининг моҳиятини тўғри тушуна олганлар.

Уларни биринчи синфни тугатган гўдакка ўхшатиш мумкинки, «ҳарфларни ўрганиб олиб, энди менга ўқитувчининг кераги йўқ», деганидек. Ҳолбуки, унинг устозга бўлган эҳтиёжи ортиб турган бир пайтда, унинг бу сўзи асоссиз эмасми?

Шуни унутмаслик керакки, пайғамбарлар фақатгина башариятнинг муаллими бўлиб қолмай, уларни тўғри йўлга етакловчи раҳбар ва йўлбошчидирлар. Бу борада кейинчалик муфассал сўз юритгаймиз.

2. Ҳеч ким «инсон ўз ихтиёрини ўзига ўхшаган бирор шахснинг қўлига буткул топшириб қўйсин», деб айтмайди. Муҳим масала шундан иборатки, пайғамбарлар Аллоҳ таолонинг йўллаган ваҳийи ва Унинг чексиз илми билан алоқададирлар ва биз аввало қатъий далиллар билан уларнинг Аллоҳ билан алоқада бўлганларини ва уларнинг ҳақиқий пайғамбар эканликларини билиб олишимиз лозим. Шундагина ушбу илоҳий раҳбарларнинг сўзларига қулоқ тутиб, уларнинг қадрли таълимотларини жону дилимиз билан қабул қилгаймиз.

Агар тузалиб кетишимиз учун моҳир, тажрибали ва жонкуяр шифокорнинг айтганларига амал қилсак, ихтиёримизни қўлдан бериб қўйиб, ножўя иш қилган бўлашимизми?!

Шубҳасиз, пайғамбарлар инсониятнинг руҳий шифокорларидирлар. Агар мен устозимнинг онг-у фикримга монанд бўлган ҳикматли сўзларига қулоқ тутиб, айтганларини бажарсам, номаъқул иш қилган бўламанми?! Пайғамбарлар бутун инсониятнинг буюк устозидирлар.

Пайғамбарларнинг Аллоҳ томонидан юборилиши зарур эканлигига далиллар келтириб, бу масалани кўздан кечирсак, яхши ва муносиб иш бўлар эди.

Шунинг учун, пайғамбарлар юборилиши ва уларнинг кўрсатмалари нақадар зарур эканлигини билишимиз учун урта далилни кўриб чиқамиз:

1. Таълим-тарбия юзасидан бўлган эҳтиёжимиз



Бизлар агар нур тўлқинларидан ясалган афсонавий бир уловга минсак-да ва унинг тезлиги нур тезлигида (ҳар бир сонияда 300000 км) бўлса, бу бепоён фазода сайр қилишимиз учун шубҳасиз, ҳазрати Нух (*алайҳис салом*) умрларидан минглаб йил керак бўлади, то бу кенг жаҳоннинг фақатгина кичик бир қисмини томоша қила олсак.

Ақлни ҳайратлантирадиган ўта кенг бу олам ўзидан-ўзи беҳудага яратилмагани шубҳасиздир ва шунингдек, худошунослик дарсларида ўрганганимиздек, бу кенг оламнинг яратилиши Аллоҳ учун ҳеч қандай фойдаси йўқдир. Негаки, Аллоҳ ҳар жиҳатдан комил, ҳожатсиз ва чексиз зот бўлгани учун, Унда ҳеч қандай камчилик ва нуқсон йўқдир, токи, жаҳон ва башариятни яратиш орқали Ўзидаги камчилик ва нуқсонни бартараф этсин.

Шунга биноан, яратишдан мақсад; бу дунёдаги мавжудотларга марҳамат кўрсатиб, уларга фазл-карам билан назар солиб, уларни кўзланган камолотга етказиш бўлган. Чунончи, осмондаги қуёш бизлардан ҳожатсиз бўлган ҳолда, биз ердагиларга ўз нуруни сочади. Қуёшнинг нур сочиши фақат бизларнинг фойдамизгагина, холос ва акс ҳолда, бизнинг қуёшга қандай фойдамиз тегиши мумкин?

Бошқа томондан қарасак; бизнинг олган билим ва маълумотларимизнинг танҳо ўзи камолот сари етаклаб, ҳар томонлама комил инсон бўлишимиз учун етарлими?

Биз жаҳоннинг сир-асрорларидан қанчалик хабардормиз? Ҳаётнинг ҳақиқати ва моҳияти нимадир? Бу жаҳон қачон яралган? Ҳеч ким бу саволларнинг аниқ жавобини билмайди. Қачонгача бу жаҳон боқий қолажак? Яна ҳеч ким бунга ҳам жавоб бера олмайди.

Ижтимоий ва иқтисодий масалаларда ҳам, донишмандлар турлича назарияларни билдириб, ўзаро ихтилофга эгадирлар.

Масалан: Бир гуруҳ олимлар «*капитализм ва сармоядорлик тузуми*»ни тавсия этишса, бошқалар эса «*социализм ва коммунизм*»ни тавсия қилганлар. Учинчи тоифага мансуб олимлар эса ҳар иккала тузумни қоралаб, бу фикр-мулоҳазалар инсониятга зарар етказди деб бошқа тузумни тавсия этадилар.

Олимлар ўртасида ҳаётнинг бошқа масалаларида ҳам айнан шундай ихтилофлар мавжуддир. Инсон бу назариялар қаршисида ҳайратланиб, қайси бирига эргашиш кераклигига ақли етмай қолади.

Шу боис, инсоф юзасидан ушбу ҳақиқатни эътироф этишимиз лозимки, биз инсонларни яратилган кўзланган асл мақсад, яъни «инсоният ҳаётининг бутун тармоқларида такомил топиб, униб-ўсиш»га етишиш учун инсонни ҳаётнинг воқелик томонига етаклайдиган ва камолотга етказадиган ҳамда хато ва камчиликлардан холи бўлган тўғри таълимотлар тизимига эҳтиёжимиз бордир. Ушбу таълимотлар шундай хусусиятга эга бўлиши лозимки, инсонга бу узоқ йўлни босиб ўтиб, яратилишнинг асл мақсадига эришишда ёрдам бера олсин.

Бундай таълимотлар ёлғиз Аллоҳнинг пайғамбарларга йўллаган ваҳийи орқали башариятга етказилади. Ушбу далилга кўра; ҳидоят йўлидан бориш учун бизни яратган Аллоҳ таоло бундай илм-маърифатни бизга етказиши лозим.

\*\*\*

## 2. Ижтимоий ва ахлоқий масалаларда раҳбарга бўлган эҳтиёжимиз

Ҳаммамизга маълумки, вужудимизда ақл-идроқдан ташқари, «ғаризалар<sup>1</sup> ва табиий майллар», деб номланган кучли ҳис-туйғулар бордир. Чунончи; ўзни яхши кўришлик ғаризаси, ғазаб қилиш ғаризаси, шаҳватга келиш ғаризаси ва бошқа шунга ўхшаш кўплаб ғаризалар мавжуд.

Шубҳасиз, агар биз бу ғаризаларимизни жиловламасак, улар ақл-онгимиз устидан ҳукмрон бўлиб олишади ва натижада, ақл-идроқимиз уларнинг асирга айланиб, қамоққа олинади. Шунда инсон ўз ғаризаларини жиловламаган тарихнинг ситамгар ва золимлари каби ваҳший ва йиртқич бўрига айланиб, чўлда юрган бўрилардан ҳам бир қанча хатарлироқ бўлади.

Ахлоқий нуқтаи назардан тарбияланишимиз учун юксак

---

1. «Ғариза» сўзи арабча бўлиб, биология фанида «инстинкт», деб айтилади. Ушбу истилоҳнинг маъноси: «Тирик ораганизмнинг ташқи ва ички муҳит таъсирларига нисбатан онгсиз равишда, аммо туғма, мақсадли ҳаракатлар йиғиндиси» ёки бошқача айтганда: «Бир-бирига боғлиқ бўлган туғма ва ғайришуурий рефлекслар.» Ғариза сўзини ўзбек тилида: «Ҳис-туйғу, табиий майл ва интилиш», деб таржима қилиш мумкин. (Таржимон изоҳи)

мартабали мураббийга муҳтождирмиз, токи, уларнинг юриш-туришлари бизлар учун гўзал намуна бўлсин ва биз уларнинг хатти-ҳаракатларига ҳамда тутган йўлларига эргашайлик.

Бизларнинг фасод ва қоронгиликларга тўлиб-тошган бу дунёда қўлимиздан тутадиган, ғаризаларимиз (табiiй майлларимиз) тугён қилиб, ўз ҳаддидан ошишининг олдини олиш учун уларга қарши курашиш йўлларини бизга кўрсатадиган ва ўз амали ва сўзи билан ахлоқий фазилатларни бизнинг жону дилимизга сингдириб, шижоатли ва жасур бўлишни, инсонсеварликни, кечиримли ва мурувватли бўлишни, вафодорлик ва тўғрилиқни ҳамда омонатдор ва иффат-ҳаёли бўлишни ҳаётда кўрсатиб, ушбу олий хислатларни бизнинг руҳимизда парваришлайдиган, бизларни тўғри йўлга бошлайдиган ва ҳар томонлама тарбия топган юксак ва комил инсоннинг бўлиши зарурдир.

Ана шу айтилган оғир вазифаларни барча гуноҳлардан йироқ бўлган пайғамбарлардан ўзга ким ўташи мумкин?!

Шунинг учун, раҳмли, меҳрибон ва қодир бўлган Парвардигоримиз бизларни мана шундай илоҳий раҳбарлар, йўлбошчилар ва мураббийлардан маҳрум этиши мумкин бўлмаган ишдир.

Бу дарснинг давомини кейинги дарсда ўқийсиз.

\*\*\*

### **Ўйлаб жавоб беринг:**

1. Илм ва маълумотларингиз кўпайгани сари билмаган нарсаларингиз билганларингиздан жуда ҳам кўп эканлигини сезасизми? Мисол келтиринг.
2. Пайғамбарларга итоат қилиш билан, кўр-кўрона эргашишлик орасидаги фарқни тушунтириб бера оласизми?
3. Агар биз йўлбошчисиз танимаган йўлдан кетаверсак, қандай хатарларга дуч келишимиз мумкин?
4. Пайғамбарларга бўлган эҳтиёжимизнинг турли жиҳатларини ёритиб беринг.
5. Сизнинг фикрингизча, навбатдаги дарс учун бу хусусида айтилиши керак бўлган яна қандай масалалар қолдирилган?

## 2- ДАРС:

---

### Қонун чиқаришда пайғамбарларга эҳтиёжимиз

---

Олдинги дарсда башариятнинг пайғамбарларга бўлган эҳтиёжининг икки жиҳатини «*таълим*» ва «*тарбия*» масалалари юзасидан кўриб чиқдик. Энди эса пайғамбарларнинг ижтимоий ҳаёт учун қонун-қоидалар тузишдаги муҳим ўрнини ўрганиш вақти келди.

Биламизки, инсон ҳаётидаги ҳамма муваффақиятлари ва бутун соҳаларда қўлга киритган ютуқлари унинг такомил йўлидаги ижтимоий ҳаётдан келиб чиққан.

Агар инсонлар бир-бирлари билан алоқада бўлмай, тарқоқ ҳолда яшаганларида эди, фикрлаш ва маданийлашиш жиҳатидан «*тош асри*» одамларининг тафаккури каби саёз фикрлайдиган бўлар эдилар!

Бирлашиб қилинган фаолиятлар сабабли маданият ва тамаддун чироғи оламга нур таратмоқда, биргалашиб қилинган саъй-ҳаракатлар туфайли илмий кашфиётлар ва тараққиёт рўй бермоқда.

Масалан: Ойга қилинган парвозни кўриб чиқсак, бу иш бир ёки бир неча донишманднинг тафаккури натижасида амалга ошмаган, балки миллионлаб олим ва донишмандларнинг биргалашган ҳолда минглаб йиллар давомида қилган илмий тадқиқотлари ва қўлга киритган тажриба ва кашфиётлари ижтимоий ҳаёт кечирish сабабли бизларгача етиб келиб, бир ерга тўплангани учун ҳаётнинг бутун тармоқларида улкан ривожланишларга олиб келган.

Ёки бизнинг давримиздаги бир моҳир шифокор агар ҳануз ҳам фойдаланиш мумкин бўлган, ўлик одамнинг юрагини жарроҳлик амали билан тирик одамга ўтказиб, уни қатъий ўлимдан қутқазган бўлса, бу ўтмишдаги минглаб моҳир табибларнинг қўлга киритган

тажрибалари ва бу тажрибалар уларнинг шогирдлари орқали бизгача етиб келгани сабабдир.

Бироқ бу ижтимоий ҳаётнинг фойдалари қаршисида, унинг ўзига яраша камчиликлари ҳам бордир. У ҳам бўлса, одамлар манфаатлари ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқларининг бир-бири билан тўқнашуви бўлиб, гоҳида бир-бирларига тажовуз қилиш ва ҳатто қонли урушларгача борганлар.

Мана шу ерда қонун-қоидалар ва дастуриламаларга бўлган эҳтиёжимиз ошқор бўлади, нима учун деганда, қонун-қоидалар ҳаётдаги учта катта мушкулни бизга ҳал қилиб беради:

1. Қонун ҳар бир шахснинг жамият олдидаги вазифасини, жамиятнинг ҳар бир инсон баробаридаги вазифасини аниқлаб, инсонлар истеъдодининг гуллаб-яшнашига ва уларнинг саъй-ҳаракатларининг бир-бири билан уйғунлашишига сабаб бўлади.

2. Қонун одамларнинг ўз вазифаларини қанчалик бажаётганликлари устидан назорат қилишга йўл очиб беради.

3. Қонун инсонларнинг бир-бирларининг ҳақ-ҳуқуқларига тажовуз қилишларининг олдини олиб, тартибсизликка ва шахс ва гуруҳларнинг тўқнашувига барҳам беради. Керакли ўринларда эса қонундан бўйин товлаган тажовузкорларга қилмишига муносиб жазо беришни тайин этади.

\*\*\*

### **Энг яхши қонун чиқарувчи ким?**

Энди эса юқоридаги асосий уч талабга жавоб бера оладиган, яъни инсонлар ва жамиятнинг вазифаларини, ҳақ-ҳуқуқларини кўрсатиб берадиган ва улар устидан тўлақонли ва тўғри назорат қиладиган ҳамда қонунбузар тажовузкорларнинг олдини оладиган қонун-қоидаларни ким, ҳаммадан кўра яхшироқ туза олишини кўриб чиқамиз.

Ижозат беринг, масалани ёритиш учун аввало бу ерда содда бир мисол келтирайлик:

Инсонлар жамиятини улкан бир поездга ўхшатсак, ундаги ҳукмдор шахслар локомотив жиҳози каби ушбу буюк поездни муайян йўлда ҳаракатга келтирувчидирлар.

Қонун эса темир йўллар ўрнида бўлиб, ушбу поезднинг манзилга етиши учун унинг муайян йўналишини кўрсатади. Ушбу йўналиш поездни тепа-пастликлардан, тоғлар оралиғидан ва эгик ва букик йўллардан олиб боради. Шунинг учун бу темир йўлларнинг (рельсларнинг) мустаҳкам бўлиши ва шунингдек, поезд ўтадиган ерлар катта босимни кўтара оладиган бўлиши нақадар зарур эканлиги ҳаммага аён.

Бундан ташқари, темир йўлларнинг ўртасидаги оралик поезд гилдираklarига мос келиб, ўзаро мувозий (параллел) бўлиши лозим. Шунингдек, поезд тунеллардан ўтаётганда уларнинг баландлиги поезднинг баландлигига муносиб бўлмоғи шарт. Йўлнинг паст-баландлиги поезднинг тормозини ишдан чиқариб қўядиган даражада шиддатли бўлмаслиги лозим.

Шунингдек, атрофдаги тоғ-адирлар тошларининг қулаб тушиши, ёки сел келиши ва тоғ қорларининг силжиш хавфи аниқ ҳисобга олинishi керак, токи, поезд ҳар қандай шароитга дуч келганда ҳам эсон-омон йўллардан ўтиб, ўз манзилига етиб борсин ва шунга ўхшаш масалалар назарга олинмоғи даркордир.

Юқорида келтирган мисолимизни инобатга олган ҳолда инсонлар жамиятига қайтамыз:

Энг яхши қонун-қоидаларни инсонлар учун чиқармоқчи бўлган шахс қуйидаги сифатларга эга бўлиши лозим:

1. Инсоннинг қандай хусусиятга эгаллигини тўлиқ ва мукамал танимоғи, унинг ғаризалари (табиий майллари ва ҳистуйғуларидан ва эҳтиёжларидан ҳамда ҳаётдаги муаммоларидан тамоман огоҳ ва хабардор бўлмоғи лозим.

2. Инсонларда мавжуд бўлган барча истеъдодларини ва яроқли хусусиятларини назарга олиб, уларнинг юзага чиқиши учун қонун-қоидалар чиқармоғи даркор.

3. Келажакда инсон жамиятида рўй берадиган ҳодисаларни олдиндан кўра олиш қобилиятига эга бўлиб, бу ҳодисалар қаршида қандай чора-тадбирлар кўриш кераклигини билиши керак.

4. Қонун чиқарувчи шахс жамиятда ўз манфаати учун бирор нарсани кузламайдиган бўлмоғи лозим, токи қонун чиқараётганда ўзининг шахсий манфаатини ёки қавм-қариндошлари ёхуд ўз тоифасининг фойдасини назарга олмасин.

5. Қонун чиқарувчи инсонларнинг қўлга киритиши мумкин бўлган илмий ихтиролар ва ривожланишлардан ёки тубанликка юз тутишлар ва инсоний таназулга учрашлардан бохабар ва огоҳ бўлиши керак.

6. Қонун чиқарувчи унутувчанлик ва саҳв-хатога йўл қўйиш хусусиятидан юқори даражада сақланган ва дахлсиз бўлмоғи даркор.

7. Ниҳоят, қонун чиқарувчи шундай куч-қудратга эга бўлмоғи лозимки, жамиятдаги қудрат ва мақом соҳибларининг ҳеч биридан қўрқмайдиган, айнаи ҳолда инсонларга меҳрибон ва жонқуяр бўлиши керак.

\*\*\*

### **Юқорида санаб ўтилган шароитларнинг ҳаммаси кимда мавжуд?**

Инсон энг яхши қонун чиқарувчи бўла оладими?

- Шу пайтгача бирор ким одамзотни тўла-тўқис таний олганми? Асримизнинг буюк донишмандларидан бири инсон хусусида муфассал бир китоб ёзиб, унга «*Инсон танилмаган мавжудотдир*», деб ном берган. Шундай бир даврда инсонни яхши таниб олдик, дея оламизми?
- Инсонларнинг ҳамма руҳий хусусиятлари, табиий майллари, ғаризалари ва ҳис-туйғулари тўлиқ ўрганиб чиқилганми?
- Инсониятнинг жисмий ва руҳий эҳтиёжлари, яратган Тангридан бошқа бирор кимга маълум бўлганми?
- Жамиятда оддий инсонлар орасида маълум бир фойдаманфаатларга эга бўлмаган бирор шахсни топа оласизми?
- Ёки оддий инсонлар орасидан саҳв-хатога йўл қўймайдиган, ҳеч нарсани унутмайдиган ва инсонлар жамияти мубтало бўладиган турли-хил муаммолар ва масалаларга огоҳ шахсни танийсизми?

Шундай экан, Аллоҳдан ўзга ва Унинг йўллаган ваҳийи асосида жамиятни бошқарадиган пайғамбарлардан бошқа ҳеч ким инсонлар жамияти учун яхши, ҳар томонлама ва мукамал қонун чиқара олмайди!

Шунга асосланиб, қуйидаги хулосага келамиз: Башариятни такомил топиш йўлини тутиши учун яратган Аллоҳ таоло уларни

ҳидоятга бошлаш учун муайян инсонларни (пайғамбарларни) тайин этмоғи лозим, то улар инсонларнинг моддий ва маънавий манфаатларини таъминловчи Аллоҳнинг муфассал ва мукамал қонун-қоидаларини уларга етказсинлар.

Муҳаққақки, инсонлар ушбу қонун-қоидалар Аллоҳ таоло томонидан эканлигини билсалар, чуқур ишонч ва эътиқод билан уларни ҳаётга татбиқ этадилар. Бошқа сўз билан айтганда; инсонларнинг огоҳ бўлиши ушбу илоҳий қонун-қоидалар улар орасида жорий бўлишининг гаровидир.

\*\*\*

### **Яккахудолик ва пайғамбарлик ўртасидаги боғлиқлик**

Шунингдек, диққатга сазовор бўлган ингичка бир масалани қайд этишни зарур, деб биламиз: Яратилишдаги тартиб-интизомнинг ўзи Аллоҳнинг юборган элчилари ва пайғамбарларининг мавжудлигига ва улар ўз рисолатлари (вазифалари)ни тўлиқ бажарганликларига очиқ бир гувоҳ ва шохиддир.

**Масаланинг изоҳи:** Борлиқнинг ҳайратланарли тузумига қисқача бир назар солсак, бу ҳақиқатнинг шохиди бўламиз: Аллоҳ таоло жаҳондаги барча мавжудотларни яратиши билан бирга уларнинг зарурий эҳтиёжлари Унинг марҳаматли назари ва фазл-карамидан четда қолмаган. Чунончи, Аллоҳ таоло бизнинг кўришимиз учун кўзни яратган бўлса, бу кўзни турли-хил офатлардан муҳофаза этиб, нурнинг унга киришини тартибга солиш учун қовоқ ва киприклар билан ҳам таъминлаган.

Кўзлар бурчагида жойлашган безлар эса кўз ёши ишлаб чиқариб, кўз юзасини нам ва ҳўл ҳолда сақлайди ва шу туфайли уни қуриб қолишдан сақлайди. Нега деганда, кўзнинг қуриб қолиши, унинг нобуд бўлишига сабаб бўлади.

Шунингдек, мазкур безлар яна кўз бурчагида ўта кичик каналлар яратади ва кўзнинг ортиқча ёшлари ўша каналлар орқали бурун ичига тўкилади ва агар бу кичик каналлар бўлмаганида эди, кўз ёшларимиз юзимизга оқиб тушган бўлур эди.

Аллоҳ таоло инсоннинг кўз қорачиғида шундай бир сезувчанлик хусусиятини яратганки, қоронғилиқда ва заиф нурлар баробарида



кенгайди ва ёруғликда ва кучли нурларга қарши тораяди, то кўзга тушадиган нур керакли миқдорда уюштирилиб, нурнинг кўзга етказадиган зарарининг олдини олади.

Аллоҳ таоло кўз соққалари атроф-теварагида турли-хил мушакчалар билан ўраб қўйган бўлиб, улар орқали кўзларимизни хоҳлаган томонга айлантира оламиз ва бошни у ён-бу ёнга бурмай туриб, бизга ён-атрофни кўриш имконини беради.

Энди айтингни, инсон кўзини керакли жиҳозлар билан таъминлаган буюк Зот бўлмиш Аллоҳ- бутун бошли башариятни Ўзининг йўллаган ваҳийи билан алоқадор, бутун гуноҳлардан йироқ (маъсум) ва ишончли бир раҳбар ва йўлбошчисиз қолдириши мумкинми?!

Машхур файласуф ва табиб Абу Али Ибн Сино ўзининг «Ал-шифо» номли китобида бу борада шундай дейди:

*«Инсоннинг кўз киприклари, қошга ёки оёқ кафтининг чуқурлиги ва товонига бўлган эҳтиёждан кўра, инсоният туркумининг сақланиб қолиниши ва камолотга эришиши учун Аллоҳ томонидан юбориладиган пайгамбарларга бўлган эҳтиёжи кўпроқ ва шиддатлироқдир. Шунинг учун, Аллоҳ таоло инсоннинг бундай эҳтиёжини азалий илми ва инояти билан била туриб, бошқа эҳтиёжларини таъминлаганидек, инсонни унинг билан таъминламаслиги асло мумкин эмас!»*

\*\*\*

### **Ўйлаб жавоб беринг:**

1. Инсоният ҳаётининг энг буюк устунлиги нимада?
2. Нима учун инсонлар қонунсиз яшай олмайдилар?
3. Одамлар ҳаётида қонуннинг ўрин ва аҳамиятини ойдинлаштириш учун жонли мисол келтиринг.
4. Энг яхши қонун чиқарувчи қандай хусусиятларга эга бўлмоғи лозим?
5. Сизнингча нима учун пайгамбарлар инсон наслидан бўлмоғи даркор?

### 3-ДАРС:

---

#### Нимага пайғамбарлар маъсумдирлар?

---

##### Гуноҳ ва саҳв-хатолардан пок бўлиш

Шак-шубҳасиз, ҳар бир пайғамбар ўз вазифасини ўташдан олдин инсонлар ишончини қозонган бўлмоғи лозим, токи одамлар унинг сўзлари ёлғон ёки саҳв-хато эканига бормай туриб, унинг ростгўйлигига иқрор бўлсинлар. Акс ҳолда, унинг раҳбарлигига путур етади.

Агар Аллоҳнинг танлаган пайғамбарлари маъсум (беғуноҳ) бўлмасалар, у ҳолда баҳона қидирувчилар *«пайғамбарлар янглишаяптилар»*, деб узр ва баҳона келтирсалар, ҳақиқатни изловчилар эса, *«пайғамбарлар даъватининг мазмун ва моҳиятига бўлган ишончлари сусайиб»*, пайғамбарларнинг даъватини қабул қилишдан бош тортган бўлар эдилар ёки ҳеч бўлмаса, уларнинг даъватини жон ва диллари билан қабул қила олмаган бўлардилар.

*«Ишонч ва эътимодга сазовор бўлиш»*, деб номлай олиш мумкин бўлган юқоридаги масала пайғамбарлар барча гуноҳлардан йироқ (маъсум) эканликларига далолат қилувчи энг муҳим далиллардан биридир.

Бошқа таъбир билан айтганда; қандай қилиб Аллоҳ таоло инсонларга саҳв-хатога ёки гуноҳга йўл қўйиши мумкин бўлган бир инсонга сўзсиз итоат этишни буюради? Мазкур ҳолда агар одамлар гуноҳкор ва хатокор шахсга итоат қиладиган бўлсалар, шунда улар саҳв-хато ва гуноҳ сари боришларига тўғри келади. Аммо агар саҳв-хато ва гуноҳга йўл қўядиган пайғамбарга бўйин сунмасалар, ушбу ҳолда уларнинг раҳбарлик мақоми хатар остида қолади, айниқса пайғамбарларнинг раҳбарлик ва йўлбошчилик мартабаси бошқалар

билан мутлақо фарқли эканини назарга олсак, ушбу масала янада аниқроқ бўлади. Нега деганда, инсонлар ўзларининг бутун эътиқод ва дунёқарашларини ва ҳаётларининг барча дастуриламал ва йўл-йўриқларини пайғамбарлардан ўрганиб оладилар.

Мазкур далилга кўра, буюк тафсирчи олимлар Нисо сурасининг 59 – ояти

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُوْبِي الْأَمْرِ مِنْكُمْ﴾

«Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга итоат қилингиз ва Пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган йўлбошчиларга итоат этингиз.» тафсирига келганларида қуйидаги тушунчани билдирганлар:

Бу оятдаги итоат қилиш фармони Аллоҳ таоло томонидан ҳеч бир қайд-шартсиз (шарт-шароитсиз) содир этилгани ҳам Пайғамбар (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ва ҳам пайғамбарнинг йўлини давом эттирувчи бошлиқлар барча гуноҳлардан йироқ бўлган маъсум зотлар эканига ёрқин далилдир. Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) йўлларини давом эттирувчи бошлиқлардан мурод, ўн икки маъсум имомлар бўлиб, ушбу ояти карима уларнинг гуноҳсиз ва маъсум эканликларига далолат қилади, акс ҳолда Аллоҳ таоло мўъминларга ҳеч бир қайд-шартсиз (шарт-шароитсиз) ўша зотларга итоат этишни буюрмаган бўларди.

**Иккинчи далил:** Пайғамбарлар гуноҳсиз-маъсум бўлишларининг яна бир сабаби, «уларнинг вужудларида гуноҳга бошловчи омилнинг йўқлигидир.»

**Изоҳ:** Биз ўзимизнинг ҳолимизга назар ташлаб, ҳолатимизни кўздан кечирсак, айрим гуноҳ, нопок ва қабиҳ амаллардан тақрибан пок ва маъсум эканимизга амин бўламиз.

Қуйидаги мисолларга эътиборингизни қаратамиз:

Ақл ва ҳуши ўз жойида бўлган қайси бир одамни оловни ейдиган ёки супуринди, ахлат ва ифлос нарсаларни ютаётган ҳолда кўргансиз?

Ёки фаҳм ва фаросатли бирор инсонни онадан туғилган пайтидек, қип-яланғоч бўлган ҳолда кўча ва бозорни кезиб юрганини кўрганмисиз?

Албатта «йўқ» деб, жавоб берамиз. Агар юқорида зикр қилинган амаллардан бирор бирини бажарган шахсни кўриб қолсак, табиий

қолдан чиққан рухий бемор эканига ишончимиз комил бўлади, акс ҳолда одатда ақл ва ҳуши ўз жойида бўлган шахс бундай ишларга қўл урмайди.

Агар бундай иш ва ҳолатларни «синчиклаб кўздан кечирсак», ушбу амаллар ақл ва ҳушли инсон назарида ўта кетган даражада қабиҳ ва жирканч экани ошкор бўлгани учун ҳеч бир инсон улар томон бормади.

Бу ерда шу ҳулосага келамизки, ҳар бир ақл ва ҳушли соғлом инсон айрим қабиҳ ва жирканч амаллардан йироқ ва покдир. Бошқа сўз билан айтганда; мазкур амаллар баробарида маъсумлик хусусиятига эгадир.

Агар назаримизни бир оз юқорироққа қадасак, маълум бўладики, баъзи етукли инсонлар қолган бошқа амалларнинг нопок ва қабиҳлигини айнан ҳис қилган ҳолда, уларни тарк этадилар ва ушбу амаллар баробарида маъсумлик даражасига эгадирлар, ҳолбуки, қолган оддий инсонлар бундай хусусиятга эга эмаслар.

Чунончи; моҳир ва огоҳ шифокор микробларнинг юзлаб хилларини яхши танигани учун ҳеч қачон юқумли касалликка дучор бўлган беморларнинг ювилган кийимидан тўпланган ифлос сувни ичмайди. Лекин саводи йўқ одам бу сувни ҳеч иккиланмай ичиши мумкин.

Шундай қилиб одам қанчалик «қилинадиган амаллар оқибати» ҳақида кўпроқ ва чуқурроқ маълумотга эга бўлса ва унинг илм ва маърифати бу хусусида ошиб борса, шунчалик унда қабиҳ ва жирканч амаллар баробарида дахлсизлик ва поклик хусусияти вужудга келиб, саҳв-хато ва гуноҳ ишларга йўл қўймай, пок ва маъсум ҳолда қолади.

Ушбу таҳлилга биноан, ҳар кимнинг «иймон ва билим даражаси» ортиб борса, Аллоҳга ва Унинг қиёмат кунидаги адолатли муҳокамасига бўлган иймон-эътиқоди шу даражада комил бўлсаки, гуё буларнинг ҳаммаси ўзининг кўз ўнгида гавдаланиб тургандек бўлади. Бундай одам ҳар қандай гуноҳ ва саҳв-хатога йўл қўйишдан сақланади ва ҳар бир қабиҳ амал унинг назарида онадан туғилган вақтдаги каби яланғоч ҳолда бўлиб, кўча-кўйда кезиб юргандек бўлиб кўринади.

Бундай улуғвор зотлар учун ҳаром молни ейиш ёниб ётган олов чуғини оғзига қўйиш билан баробардир. Бизлар ёниб ётган олов чуғини оғзимизга қўя ололмаганимиз каби улар ҳам, ҳаром молни оғизларига яқинлаштирамайдилар!

Ўтган суҳбатларимиздан хулоса чиқариб айтадиган бўлсак, пайғамбарларнинг илм ва маърифатлари ҳамда уларнинг иймонлари юқори даражада бўлганлиги учун, гуноҳга бўлган мойилликни жиловлаб, ўз нафсларини гуноҳ томонга йўналишдан сақлай оладилар ва натижада гуноҳ қилишга ундайдиган омиллар уларнинг ақл ва иймонлари устидан ғолиб кела олмайди ва шунинг учун оддий гуноҳга ҳам, қўл урмайдилар. Ушбу мантиққа асосланиб шундай хулосага келамиз: Пайғамбарларнинг ҳаммаси, маъсум ва барча гуноҳлардан покдирлар ва улар гуноҳлар қаршисида муҳофаза этилганлар.

### **Маъсумлик даражаси фахрланишга арзийдими?**

Баъзилар маъсумлик тушунчаси ва гуноҳлардан сақланиш омиллари ҳақида тўғри маълумотга эга бўлмаганликлари учун: *«Агар Тангри таолонинг Ўзи бирор шахсни гуноҳ қилишдан қайтариб, гуноҳга мойил бўлиш омилларини ундан бартараф этса, бундай покликка эга бўлиш фахрланишга арзимайди, нимага деганда, бундай поклик мажбурий бир ҳолат бўлиб, инсоний фазилат ҳисобланмайди!»* – деб шубҳа туғдирганлар.

Юқорида бу хусусида батафсил келтирган далилимизга таяниб, ушбу шубҳага жавобан шуни айтишимиз лозим:

Пайғамбарларнинг барча гуноҳлардан пок бўлишлари мажбурий ҳолатда бўлмай, балки уларнинг гуноҳлардан узоқлашиб, маъсум ва пок инсонлар бўлишлари уларнинг кучли иймони, юқори савиядаги огоҳлик ва илму маърифатидан келиб чиққан. Шу боис, маъсумлик хусусияти улар учун энг юқори ифтихор ва фазилат ҳисобланади.

Масалан: Агар юқори даражали билимга эга бўлган табиб касаллик тарқатувчи нарсалардан сақланса, бу унинг мажбур эканига далил бўла оладими? Агар шундай бир шахс тозалик ва гигиенага риоя қилса, унинг учун фазилат ҳисобланмайдими?

Ёки хавfli жиноятнинг ёмон оқибатидан хабардор бўлган ҳуқуқшунос ўзини, ушбу жиноятдан қаттиқ кўриқласа, «бу

*жиноятни қилмасликка мажбур бўлган, шунинг учун, унинг бу иши фазилят эмас», дея оламизми?*

Шунга қўра, қуйидаги хулосага келамиз: пайғамбарларнинг гуноҳлардан йироқ-маъсум бўлишлари уларнинг ўз ирода-ихтиёрларига боғлиқ бўлиб, маъсумлик улар учун фазилят ҳисобланади.

\*\*\*

**Ўйлаб жавоб беринг:**

1. Маъсум бўлишнинг неча поғонаси бор?
2. Агар пайғамбарлар маъсум бўлмасалар эди, қандай оқибатларга олиб келиши мумкин эди?
3. Пок ва бегуноҳ, маъсум бўлишнинг сир-асрори нимада?
4. Дарсда келтирилган мисоллардан ташқари ҳамма ёки айрим тоифа инсонларнинг баъзи гуноҳлардан пок бўлишларига яна қандай мисолларни келтира оласиз?
5. Пайғамбарларнинг маъсум бўлишлари ихтиёрий ҳолатми ёки мажбурий? Қандай далил келтира оласиз?

## 4- ДАРС:

---

### Пайғамбарларни танишнинг энг яхши йўли

---

Шубҳасиз, ҳар бир даъвогарнинг иддаосини исботламасдан қабул қилиш ақл ва мантиққа зид бўлган ишдир. «Аллоҳ тарафидан юборилган пайғамбарман», деб даъво қилувчи кимса ростгўй ва тўғри сўз бўлиши мумкин, аммо ўзини ҳақиқий пайғамбарлардек қилиб кўрсатиб, қулай вазиятдан фойдаланиб, одамлар ишончини суиистеъмом қилувчи, ёлғончи, фирибгар ва сохта бир шахс ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун, пайғамбарликни даъво қилувчиларнинг қайси бири рост ва Аллоҳнинг ҳақиқий элчиси эканини ва қайси бири ёлғончи ва фирибгар эканлигини аниқлаш учун қатъий меъёрларга таянмоғимиз зарур.

Ушбу мақсадга эришиш учун бир неча меъёрлар мавжуд бўлиб, ҳаммадан муҳимроқ бўлган икки меъёрни бу ерда келтирамиз:

1. Пайғамбарлар даъватининг мазмун-моҳиятини ўрганиб чиқиб, даъватнинг қанчалик вақеликка мувофиқлиги хусусида белги ва нишонлар тўплаш;

2. Мўъжизалар ва инсониятнинг қўлидан келмайдиган ғайритабиий ишларни бажара олиш;

Аввал мўъжиза ҳақида сўз юритишни муҳим деб, билганимиз учун мўъжизага доир бир қатор масалаларни кўриб чиқамиз:

Мўъжиза калимасидан тажжубланиб, уни афсоналар қаторида кўрадиган шахслар ҳам топилади. Ҳолбуки, агар мўъжизанинг мазмун-моҳиятига илмий жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, бундай фикр-мулоҳазалар мутлақо нотўғри экани маълум бўлади.

Мўъжиза сабабсиз вужудга келган ғайримумкин бир иш эмас, балки содда бир сўз билан айтганда; оддий одамларнинг қўлидан

келмайдиган одатдан ташқарида бўлган ва табиат оламидан юқори бўлган куч-қудратга таянган ишларга «*мўъжиза*» дейилади.

Шунга биноан, «*мўъжиза*» қуйидаги шартларга эга бўлмоғи лозим:

- Бажариш мумкин ва қабул қилинадиган ишлардандир.
- Оддий одамлар ҳатто ақл-идрок эгаси бўлган етукли ва даҳо шахслар ҳам инсоний куч-қудратга таяниб, мўъжиза яратишдан ожиздирлар.
- Мўъжиза кўрсатаётган шахс ўз амалига шу даражада ишончи комил бўлиши керакки, инкор этувчиларни кўрқмасдан бундай ишда баҳс-мунозарага чақира олсин.
- Ҳеч ким мўъжизага ўхшаш амални кўрсата олмаслиги лозим, «*мўъжиза*» деб, аталганинг сабаби ҳам, ҳамма инсонлар унинг баробарида ожиз эканликларини англатади.
- Мўъжиза келтираётган одам албатта пайғамбарлик ёки имомлик даъвосини қилмоғи зарур. Шунинг учун, пайғамбар ва имом бўлмаган шахслар томонидан содир этилган ғайритабиий ишларга «*мўъжиза*» деб, айтилмайди, балки «*каромат*» деб, номланади.

### **Бир неча ёрқин намуналар:**

Ҳаммамизга маълумки, ҳазрати Исо (*алайҳис салом*)нинг қилган мўъжизаларидан бири, ўликларни тириштириш ва даволаш мумкин бўлмаган беморларни муолажа қилиш бўлган. Шу ерда бир неча савол илгари сурилади:

Инсон организми ишдан чиқиб, ўлганидан сўнг, қайта тирила олиши мумкин эмаслигига илмий ва ақлий далилларимиз борми?!

Ёки саратон касалини бутунга қадар табиблар ва шифокорлар даволай ололмаганликларига қарамай, уни даволаш йўли йўқлигига илмий ва ақлий далил борми?!

Шубҳасиз, ҳозирги шароитда инсон ўзининг бор куч-қудрати билан ўликларни тириштиришга ёки саратон каби айрим оғир касалликларни даволашга қодир эмас. Ҳарчанд жаҳондаги бутун табиб олимлар бу йўлда бир-бирларига кўмаклашиб, тўплаган тажриба ва маълумотларини ишга солсалар-да, ҳеч бир натижага эришмагайлар.

Бироқ Аллоҳ танлаган инсон (пайғамбар) Худонинг чексиз илм



уммонидан баҳраманд бўлган ҳолда илоҳий куч билан жонсиз жасадга жумбоқли ишора этиб, унга руҳни қайтара олишининг ёки дарди давосиз бўлган беморга шифо беришининг нима айби бор?!

Башариятнинг қўлга киритган илми «мен бундай ишларни билмайман ва уларни бажаришга қодир эмасман» - деб айтади, аммо «ҳеч қачон бу ишлар мумкин эмас ва тасаввур қилиб бўлмайди» - деб айтмайди.

Бошқа мисол; Ой сайёрасига сафар қилиш космик кемасиз, сунбий йўлдошсиз ва ойга қўнар кемасиз ҳеч бир инсон учун асло мумкин эмас, лекин шунга қарамай, кимдир биз инсонларнинг оддий кучимиздан юқорида турадиган илоҳий куч-қудратдан фойдаланиб, башарият ихтиро қилган учоқ ва ракеталардан устун бўлган жумбоқли бир улов ёрдамида ҳеч бир космик кемасиз, ойга қўнар кемасиз ва ракетасиз ойга ёки юқорироқ сайёраларга борадиган бўлса, бунга нима тўсқинлик қила олади?!

Агар бирор бир шахс чиндан ҳам юқорида айтиб ўтилган одатдан ташқари бўлган ғайритабиий ишларни бажарса, шунинг билан бирга пайғамбарликни даъво қиладиган бўлса, бошқаларни ҳам қўрқмай шундай ишни бажаришга даъват этиб, уларни беллашишга чақирса ва ҳамма инсонлар унинг қаршисида ожиз бўлиб қолсалар, у ҳолда тўлиқ ва комил ишонч билан: «*Бу одам Аллоҳ таоло тарафидан юборилган Пайғамбардир*» - деб айта оламиз.

Зероки, Аллоҳ ҳеч қачон бундай қудратни ёлғончи кимсаларнинг қўлига топшириб, Ўз бандаларининг гумроҳ бўлишига йўл қўймайди. (диққат қилинг!)

\*\*\*

### **Мўъжизаларни хурофот билан аралаштирмаслик ҳақида**

Ҳар бир ишда «*ҳаддидан ошиб, чегарадан чиқиб кетмоқ*» ёки «*сустлик қилиш*» икки омил сифатида ҳамиша фасод ва бузғунликнинг пайдо бўлишига сабаб бўлиб, ҳақиқат чехрасини қора қилиб кўрсатиб келган.

Мўъжиза масаласида ҳам худди шундайдир. Айрим «*ўзини зиёли қилиб кўрсатадиганлар*» очиқ-ойдин ёки ишора билан ҳар қандай

мўъжизаларни инкор этсалар, бошқа бировлар эса ҳар нарсани мўъжизага чиқариб, бўрттирадилар. Иккинчи тоифадагилар эса, заиф ҳадислар ва хурофий афсоналарни бўрттириб, ҳақиқий мўъжизалар билан қориштирадилар ва натижада улар пайғамбарлар мўъжизасининг ўзига хос жозибасини йўқ қилиб, ҳақиқий мўъжизаларнинг илмий чеҳрасини сохта афсоналар ва асоссиз хаёллар билан беркитадилар. Албатта бундай ишларда ислом душманларининг ҳам ҳиссаси бордир.

Модомики, ҳақиқий мўъжизалар ана шундай ёт унсурлар ва тўқима афсоналардан тозаланмас экан, мўъжизаларнинг асл чеҳраси ошкор бўлмайди.

Шунинг учун, ислом оламининг буюк уламолари доимо мўъжиза ҳақидаги ҳадисларнинг саҳиҳ бўлишига ва бундай тўқима афсоналардан йироқлаштиришга алоҳида аҳамият бериб келишган.

Шунга кўра, саҳиҳ ҳадисларни заифларидан ажратиб, асоссиз, хаёлий масалаларни ҳақиқий таълимотлар билан аралашмаслиги учун, ҳадис ривоят қилувчи ровийларни яхши ўрганиб чиқиш мақсадида «*илми рижол*» юзага келган.

Бугунги кунда мустамлакачилик ва худосизлик сиёсати вакиллари бекор ўтирганлари йўқ, улар диндорларнинг пок қалбларига асоси бўлмаган тушунчаларни ҳақиқий-диний эътиқод билан аралаштириб, талқин қилмоқдалар. Улар шу йўл билан «*мўъжизаларнинг ҳеч қандай илмий асоси йўқ*», деб кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар. Шунинг учун бундай шум режаларнинг олдини олиш учун биз етарли даражада илм ва маърифатга молик бўлмоғимиз зарур.

\*\*\*

### **Мўъжиза ва ғайриоддий ишлар ўртасидаги фарқлар**

Қулоғингизга чалинган бўлса керак Ҳиндистонда яшайдиган риёзатчи шахслар ўз устиларида ишлаб, оғир риёзатлар чекканликлари учун нотабий ишларни қила оладилар ва бундай ғалати ишларни кўрган шахсларнинг сони оз эмас, бу афсона эмас, балки бир ҳақиқатдир.

Шунинг учун қуйидаги савол туғилиши мумкин: «*Пайғамбарлар мўъжизаси билан, ана шундай ғайриоддий ишларнинг орасида қандай*

*фарқ бор? Биз қайси метёр ва мезон билан пайғамбарлар келтирган мўъжизаларни бундай ғайриоддий ишлардан ажрата оламиз?»*

Бу саволга бир неча жавоб бера олиш мумкин, аммо улар орасидан икки ечимни устун деб, биламиз:

1. Ғайриоддий ишларни бажарадиган риёзатчилар ҳамиша маълум бир чекланган ишларни амалга ошира оладилар, бошқача айтганда; ҳеч бир риёзатчи шахс сиз таклиф қилган ишни бажаришга рози бўлмайди. Балки улар фақат ўзлари машқ қилиб, мукаммал ўрганган ғайритабiiй ишларинигина бажара олишади, холос. Бунинг сабаби маълумдир, нимага деганда ҳар бир инсоннинг қудрати чегараланган ва шу боис, маълум бир ишни бажаришга қурби етади.

Аммо пайғамбарларнинг мўъжизалари бирор бир ишга чекланиб қолмай, ҳеч қандай қайд-шартларга боғлиқ эмас, пайғамбарлар зарур бўлган тақдирда, улардан талаб қилинган ҳар қандай мўъжизани кўрсата оладилар. Негаки, пайғамбарлар мўъжизаларининг барчаси Алоҳнинг чексиз ва туганмас куч-қудратига таянган, ҳолбуки, инсон қудрати маълум бир чегарада чекланган.

2. Бир риёзатчининг ғайриоддий ишларини бошқа бир риёзатчи ҳам қила олади. Чунки, уларнинг ишлари инсон қудратининг чегарасидан четга чиқмайди.

Шунинг учун, ғайриоддий ишларни бажарадиган риёзатчи шахс бошқа риёзатчиларни шунга ўхшаш ишни қилишда беллашув ва мусобақага таклиф этмайди. Чунки, у биладикки, унинг яшайдиган шахрининг бирор ерида ёхуд бошқа шахрларда яшовчилар орасидан ўзига ўхшайдиган бирор шахс худди шундай ишни қила олиши мумкин.

Лекин пайғамбарлар эса комил ишонч ва иймон билан ўзлари келтирган мўъжизага ўхшаш ишни бажаришда бошқаларни беллашувга чақириб: *«Агар ер юзидаги жами инсонларни йигиб, биз қилган ишга ўхшаган бирор ишни бажаришга уринсалар-да, асло уддасидан чиқа олмаслар»*, деб айта оладилар.

Биз юқорида қайд этган икки тафовутни *«сеҳр»* масаласида ҳам айта оламиз. Ушбу икки фарқ асосида Сеҳр ва жоду билан мўъжизанинг ўртасидаги чегара маълум бўлади. (диққат қилинг!)

**Ўйлаб жавоб беринг:**

1. Нима учун «*мўъжиза*» мўъзижа деб, номланган?
2. Мўъжиза кўрсатиш «*сабабият қонунидан*» ташқари ҳодиса ҳисобланадими?
3. Риёзатчилар амалини ва сеҳрни мўъжизадан ажрата олиш учун неча хил йўл бор?
4. Мўъжиза кўрсатишнинг асл шарти нимадир?
5. Умрингизда мўъжизага ўхшаган ҳодисани кўрганмисиз?

## 5-ДАРС:

---

### Ислом пайғамбарининг энг буюк мўъжизаси

---

#### **Мангу қолажак мўъжиза;**

Барча ислом уламолари бирдамлик ва ҳамжиҳатлик билан: «Қуръони Карим ислом Пайғамбарининг энг буюк мўъжизасидир», деб эътиқод қилганлар. Бунинг сабаби:

**Биринчидан;** Қуръон инсонларнинг руҳи ва ақлига уйғун келадиган ақлий мўъжижадир.

**Иккинчидан;** ҳамиша сақланиб келган мангу ва абадий мўъжижадир.

**Учинчидан; ўн тўрт асрдан буён:** «Агар бу самовий Китоб Аллоҳ томонидан нозил этилмаган десангизлар, худди унга ўхшаганини келтирингиз», деб бутун оламни даъват этиб келмоқда.

«Беллашувга чақирмоқ» деб, номланган ушбу даъват Қуръони Каримнинг бир неча жойларида очик-ойдин келган, жумладан бир ерда шундай буюради:

﴿قُلْ لَّيْنِ اجْتَمَعَتِ الْإِنْسُ وَالْحِيْنُ عَلَيَّ أَنْ يَأْتُوا بِمِثْلِ هَذَا الْقُرْآنِ لَا يَأْتُونَ بِمِثْلِهِ وَلَوْ كَانَ بَعْضُهُمْ لِبَعْضٍ ظَهِيرًا﴾

«Айтинг: «Шубҳасиз, агар бутун инсонлар-у жинлар (калима ва маъно жиҳатидан) бу Қуръонга ўхшашини келтириш йўлида жамлансалар, унга ўхшашини келтира олмаслар, агарчи бу ишда уларнинг баъзилари баъзиларга мададкор бўлсалар-да.» (Исро сураси; 88 – оят)

Қуръоннинг бошқа оятида ушбу беллашишнинг шартини энгилроқ этиб, шундай марҳамат қилади:

﴿أَمْ يَقُولُونَ افْتَرَاهُ قُلْ فَأْتُوا بِعَشْرِ سُوْرٍ مِّثْلِهِ مُفْتَرِيَاتٍ وَاذْعُوا مِنِّي اسْتَطَعْتُمْ مِّنْ دُونِ اللَّهِ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ﴾

Ёки: «Уни (Қуръонни Муҳаммад) тўқиб чиқарган», - дейдиларми? Айтинг: «Шунда, агар ростгўй бўлсаларингиз, шунга ўхшаш ўнта тўқилган сура келтиринг ва Аллоҳдан ўзга кучингиз етган кимсани (ёрдамга ёки гувоҳликка) чақирингиз!» (Худ сураси; 13 – оят)

Бундан сўнг шундай қўшимча қилади: Агар ушбу даъватни ижобат қилмасалар, шунда билингизки, бу оятлар Аллоҳ таоло томонидан тушурилган.

﴿فَإِن لَّمْ يَسْتَجِيبُوا لَكُمْ فَاعْلَمُوا أَنَّمَا أُنزِلَ بِعِلْمِ اللَّهِ وَأَن لَّا إِلَهَ إِلَّا هُوَ فَهَلْ أَنْتُمْ مُّسْلِمُونَ﴾

«Демак, агар (улар) сизларнинг даъватингизни ижобат қилмасалар, у ҳолда билингизким, у (Қуръон) шубҳасиз, Аллоҳнинг илми билан нозил қилинган ва Ундан ўзга ҳеч бир илоҳ йўқдир. Демак, энди сизлар ҳақиқатга таслим бўлурмисиз?!» (Худ сураси; 14 – оят)

Яна бир карра беллашиш шароитини энг кам миқдорда баён этиб, шундай буюради:

﴿وَإِن كُنْتُمْ فِي رَيْبٍ مِّمَّا نَزَّلْنَا عَلَيَّ عَبْدًا فَأْتُوا بِسُورَةٍ مِّثْلِهِ وَادْعُوا شُهَدَاءَكُمْ مِّنْ دُونِ اللَّهِ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ﴾

«Ва агар бандамизга туширган нарсамиздан шубҳада бўлсангиз, агар рост сўзловчилар бўлсангиз, унга ўхшаш бир сура келтиринг ва Аллоҳдан ўзга ёрдамчиларингизни ёрдамга чақиринг.» (Бақара сураси; 23 – оят)

Аллоҳ таоло мазкур ояти кариманинг давомида ошкора шундай буюради:

﴿فَإِن لَّمْ تَفْعَلُوا وَلَئِن تَفْعَلُوا فَاتَّقُوا النَّارَ الَّتِي وَقُودُهَا النَّاسُ وَالْحِجَارَةُ أُعِدَّتْ لِلْكَافِرِينَ﴾

«Демак, агар қилмасангиз ва ҳаргиз қила олмайсиз ҳам, шунда ёқилгиси одамлар ва тош [бут ва санам]лар бўлган ва кофирлар учун ҳозирлаб қўйилган оловдан сақланингиз.» (Бақара сураси; 24 – оят)

Юқоридаги маънода нозил бўлган оятлар Қуръони Каримнинг Аллоҳ тарафидан нозил бўлганлигига ва Қуръон Пайғамбаримизнинг буюк мўъжизаси эканлигига энг ёрқин далилдир. Тарих китобларида келтирилганидек, ҳарчанд Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) бошқа кўплаб мўъжизаларни ҳам келтирган бўлсалар-да, аммо Қуръоннинг мўъжиза эканлигига кўпроқ таянардилар.

Қуръони Карим ҳамманинг ихтиёрида бўлган жонли мўъжиза бўлгани сабабли биз кўпроқ Қуръоннинг мўъжиза экани хусусида сўз юритмоқчимиз.

### **Қандайига Қуръоннинг даъвати қаршисида ожиз қолдилар?**

Қизиғи шундаки, Қуръони Карим ўз мухолифларини ўта кучли даражада беллашишга чақириб, ҳеч кимга узр ва баҳона қолмасин деган мақсадда уларни қўзғатувчан иборалар билан кураш майдонига даъват этган.

*«Агар ростгўй бўлсангиз, қани Қуръон оятига ўхшаш бирор нарса келтиринг-чи», «Ҳаргиз бу ишнинг уддасидан чиқа олмайсизлар», «Бу ишда бутун оламлардан ёрдам сўрасангиз», «Ҳеч бўлмаса шунга ўхшаган биргина сура келтиринг», «Агар юз ўгириб кофир бўлсангиз, оловда ёнгайсизлар» ва...сингари иборалар ушбу ҳақиқатни тасдиқлайди.*

Буларнинг ҳаммаси бир томон, бошқа тарафдан эса пайғамбаримизнинг дин душманларига қарши курашиш-лари оддий бир курашиш бўлмаган, чунки, ислом нафақат уларнинг юрак боғлаб тутган йўлларини хатар остига қўярди, балки, уларнинг иқтисодий, сиёсий нуфузларига ва қолаверса, уларнинг ҳаётига жиддий хавф туғдирар эди.

Бошқа сўз билан айтганда; исломнинг ривож топиб тарқалиши ислом душманларининг бутун ҳаётини таг-томири билан куриитарди. Шунинг учун, душманлар бор куч-қудратлари билан исломга қарши курашишга бел боғлаган эдилар.

Улар Расулуллоҳ (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) ни мағлуб қилиш учун нима бўлганида ҳам Қуръон оятига ўхшаш бирор нарса келтиришга уринар эдилар ва бу йўл билан ислом нуфузини тўхтатиб, ўзларини инқирозга юз тутишдан сақлаб қолмоқчи бўлганлар. Шунинг учун, улар Арабларнинг гапга чечан ва уста бўлган буюк нотик ва шоирларининг барчасидан ёрдам сўраб, улардан Қуръонга ўхшаш бирор оят битишни сўраганлар. Лекин уларнинг ҳаммаси Қуръонга юзма-юз келганларида енгилиб, унинг олдида ожиз ва нотавон қолганлар ва шу боис, зудлик билан орқага чекинганлар. Бу ҳақда тарихда кўп маълумотлар ёзиб қолдирилган.

### Валид бин Муғайра достони

Қуръонга қарши курашишга даъват этилганларнинг бири «Валид бин Муғайра» эди. У «бани Махзум» қабиласидан бўлиб, ўша замонда араблар орасида иш кўзини биладиган, фикри ўткир шахс сифатида танилган эди.

Шунинг учун, ислом душманлари ундан Қуръони Карим ҳақида бирор чора-тадбир кўриб, Қуръоннинг ғаройиб оятлари ва унинг фавкулотда таъсири тўғрисида ўз фикрини билдиришни сўрадилар.

Валид ислом пайғамбарининг ҳузурларига келиб, ул ҳазратдан Қуръондан бир неча оятни унга ўқиб беришларини сўрайди. Ҳазрати Муҳаммад (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) унга «Ҳамим сажда» сурасидан қисман тиловат қилиб берадилар.

Бу оятларни эшитган Валид жуда қаттиқ таъсирланади ва у беихтиёр ўрнидан туриб, «Бани Махзум» қабиласи томонидан уюштирилган йиғилишга келиб шундай дейди: Худога онг бўлсинки, ҳозиргина мен Муҳаммад (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)дан шундай сўзларни эшитдимки, на инсонларнинг сўзига ўхшайди ва на жинларникига... давомида шундай деди:

«وَأَنَّ لَهُ لِحَاوَةً وَأَنَّ عَلَيْهِ لَطَاوَةٌ وَأَنَّ أَعْلَاهُ لِمَثْمُرٍ وَأَنَّ أَسْفَلَهُ لِمَغْدُقٍ وَأَنَّهُ يَعْلُو وَلَا يَعْلى عَلَيْهِ»

«Унинг айтганлари қалбга ҳаловат беради ва ўзгача гўзалликка эгадир, унинг юқориси бамисоли баланд дарахт каби, шохларида этилган мўл-кул мевалар бор, унинг илдизи эса баракотли озуқага эга бўлиб, у ҳар нарса устидан золиб келади ва ҳеч нарса ундан устун бўла олмайди.»

Бу хабар Қурайш орасида тез тарқалди ва одамлар «Валид Муҳаммаднинг ошигига айланибди», деб айтишар эди! «Абу Жаҳл» бу гаплардан огоҳ бўлиши биланоқ, ҳовлиққан ҳолда шошилиб, Валиднинг уйига келди-да, ушбу хабар Қурайш орасида тез тарқалганини унга етказди ва уни ўзларининг маслисига даъват этди.

«Валид» уларнинг мажлисига келиб шундай деди: Сизлар Муҳаммад (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)ни мажнун, деб ўйлайсизми? Ҳаргиз унда мажнунлик белгиларини кўрдингизми?!

Мажлисда ўтирганлар: «Йўқ» - деб жавоб беришди.



Шунда Валид: Сизлар уни ёлғончи, деб биласизларми? Шу пайтгача орангизда ростгўй ва омонатдор бўлиб, танилмаганмиди ва уни ишончли, тўғри сўз номи билан чақирмасмидингиз?! – деб сўради.

Қурайш бошлиқларининг айримлари, *«Муҳаммад (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)ни нима деб, айблашимиз мумкин?»* – дейишди.

Валид бир оз ўйловга бориб: *«У сеҳргардир!»* - деб айтишлар, деди.

Гарчи ислом душманлари Қуръондан таъсирланиб, унинг ошиги бўлган одамларни ислом пайғамбарини сеҳргарликда айблаб, ул зотдан узоқлаштирмоқчи бўлган бўлсалар-да, аммо *«сеҳр»* сўзининг ўзи Қуръоннинг фавқилодда жозигага молик бўлган оддий бир калом эмаслигини яққол кўрсатар ва одамларни Қуръон тарафига кўпроқ жалб қилар эди. Улар бу жозибанинг номини сеҳр деб қўйган эдилар. Ҳолбуки, Қуръон ва сеҳр орасида ҳеч қандай алоқа йўқ эди.

Қурайш зодагонлари халқ орасида юриб: *«Муҳаммад (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) моҳир сеҳргардир ва бу оятлар унинг сеҳридир, демак, ундан узоқлашинглар ва унинг суҳбатларига қулоқ берманглар, у сизларни ҳам сеҳрлаб қўяди!»* – деб ҳар ерда овоза қила бошладилар.

Бироқ уларнинг бу уринишлари фойда бермади ва уларнинг тузган режаси амалга ошмади. Ҳамма ёқда покиза қалбга эга бўлган ҳақиқат изловчи ташна инсонлар, тўп-тўп бўлган ҳолда, Қуръони Карим томон кела бошладилар ва бу самовий Китобнинг зилол маърифатидан баҳраманд бўлдилар ва ахир-оқибат, мағлубиятга учраган душманлар ортга чекиндилар.

Бизнинг давримизда ҳам, Қуръони Карим бутун оламларга бўлган ўз хитобини ўзгартиргани йўқ ва ҳануз ҳам шак-шубҳа қилувчиларни беллашувга чақириб: *«Агар Қуръон оятларининг тўғри ва ҳақ эканлигида шак қилиб, уни башариятнинг фикридан келиб чиққан, дейдиган бўлсангизлар, лоақал биргина унга ўхшаш сура келтиринг-чи, эй донишмандлар, файласуфлар, шоир-у ёзувчилар, ҳар қандай миллат ва элатлардан бўлишдан қатъий назар!»* – деб мурожаат қилмоқда.

Бироқ ҳамма Қуръони Карим қаршисида ожиз қолиб келмоқда. Айниқса ислом душманлари бўлган масиҳий динининг руҳонийлари ислом динини олий маъно-мазмунга эга бўлган инқилобчи дин сифатида ўзларининг ашаддий ва хавфли рақиби деб, билганлари учун ҳар йил миллионлаб доллар пулларни сарфлаб, исломга қарши тарғибот йўлида тиришиб келмоқдалар ва улар ўн тўрт асрдан буён бир лаҳза ҳам тинч ўтирганлари йўқ. Улар маданий, илмий, инсон ҳуқуқлари, демократия ва соғлиқни сақлаш каби турли хил ниқоблар остида, чиройли шиорлар билан фаолият кўрсатиб, қўлларидан келганча исломни ёмон қилиб кўрсатишга уриниб келмоқдалар. Нега улар ҳозиргача араб тилида сўзлашадиган олим, шоир, ёзувчи ва файласуф насронийлардан фойдаланиб, Қуръон сураларига ўхшаганини битиб, ислом ва мусулмонлар чироғини сўндириш учун уни бутун инсонлар орасида тарқатмайдилар?!

Шубҳасиз, агар бундай ишнинг амалга ошиши мумкин бўлганида эди, ҳар қандай ҳолатда ҳам, уни юзага келтирган бўлардилар.

Уларнинг Қуръони Карим баробарида ожиз бўлиб қолишлари ушбу илоҳий Китоб буюк мўъжиза эканлигига очиқ-ойдин далилдир.

\*\*\*

### **Ўйлаб жавоб беринг:**

1. Нима учун Қуръони Карим азиз Пайғамбаримизнинг энг буюк ва юксак мўъжизалари ҳисобланади?
2. Қуръон қай услубда беллашувга чақиради?
3. Нимага душманлар Қуръонни сеҳр деб, атаганлар?
4. Нима учун насронийлар исломни ўзларининг ашаддий рақиби деб, ҳисоблайдилар?
5. Валид бин Махзумнинг достонини айтиб беринг.

## 6-ДАРС:

---

### Қуръон мўъжизасига яна бир назар

---

#### Муқаттаъа ҳарфлари ҳақида;

Биз биламизки, Қуръони Каримнинг баъзи суралари муқаттаъа ҳарфлари билан бошланади: Масалан; «*алиф лом мим*», «*алиф лом мим ро*», «*ёсин*» ва бошқалар.

Сураларнинг бундай муқаттаъа ҳарфлари билан бошланишининг ҳикмат ва сир-асрорлари ҳақида турли хил назариялар мавжуддир. Шулардан бири ҳадисларга кўра, Аллоҳ таоло қандайга буюк ва мангу қолажак мўъжиза бўлмиш Қуръони Каримни «*алифбо*»нинг оддий ҳарфларидан юзага келтирганини барчага намоён этган. Ахир Аллоҳнинг мўъжизали буюк каломи қандай қилиб содда «*алифбо*» ҳарфларидан ташкил топгани чиндан ҳам ажабланарлидир. Нимага деганда «*алифбо*»нинг бундай оддий ҳарфларини ҳатто кичкина бола ҳам айта олганда, Аллоҳнинг каломи улардан юзага келгани ҳақиқатан энг юксак мўъжиза экани яққол аён бўлади.

Энди шундай савол туғилиши мумкин: Қуръони Карим қайси жиҳатдан мўъжиза ҳисобланади? Фақат тилнинг мукамаллиги ҳисобланмиш фасоҳат ва балоғат жиҳатиданми? Бошқа таъбир билан айтганда: Қуръони Карим ибораларининг тушунарли ва жозибаторлиги ва унинг фавқулодда таъсири жиҳатиданми ёки бошқа жиҳатлар ҳам борми?

Аслида Қуръонга қайси томондан назар солмайлик, унинг мўъжизавий қирраларини кўришимиз мумкин. Жумладан:

**1. Фасоҳат ва балоғат;** (адабий нуқтаи назардан баркамоллиги) Қуръон иборалари ва унинг маъноларининг ғоят даражада етуклиги ва жозибаторлиги.

**2. Қуръоннинг ҳар жиҳатдан юқори ва юксак маъно ва мазмунга эга бўлиши;** айниқса ҳар қандай хурофотлардан пок бўлган эътиқодга асосланганлиги.

**3. Илмий мўъжизалари;** яъни ўша пайтгача инсонларга номаълум бўлган илмий масалаларни фош этиши.

**4. Ғайбий илмлардан хабардорлиги;** яъни келажакда рўй берадиган ҳодисаларни олдиндан аниқ ва равшан шаклда айтиб берганлиги

**5. Қуръон оятларида ўзаро зиддият ва ихтилофнинг йўқлиги;** бошқача айтганда; Қуръоннинг яхлитлиги... ва бошқа мўъжизавий томонлари.

Бу беш жиҳатлар хусусида сўз юритиш узоқ давом этади, аммо биз кейинги дарсларда уларнинг қизиқарли томонларини кўздан кечирамиз:

### **1. Фасоҳат ва балоғат**

Маълумки, ҳар каломнинг икки жиҳати бўлади; бири-«сўзлар» бўлса, иккинчиси - унинг «*маъно-мазмунлари*»дир.

Ҳар вақт содир этиладиган каломнинг сўзлари гўзал ва муносиб шаклда уйғун ва тароватли бўлиб, мураккаблик ҳолатидан холи бўлса ва шунингдек, жумлаларнинг тузулиши маъно ва мақсадни тўлиқ ва мукамал етказадиган жозибали бўлиб, эшитувчини ўзига ром этадиган бўлса, бундай каломга; «*фасоҳатли ва балоғатли калом*» дейилади.

Қуръон ушбу икки хусусиятга энг юқори даражадаэга бўлган калом бўлиб, ҳозиргача ҳеч ким худди Қуръон оятлари ва суралари каби ўзига жалб қиладиган тароватли, гўзал ва ўзига хос ёқимли оҳангга эга бўлган бир каломни келтира олмаган.

Олдинги дарсда кўриб ўтганимиздек, мушрик арабларнинг танлаган вакили «*Валид бин Муғайра*» Қуръон оятларини эшитиши биланок, ҳаяжонланган ҳолда қаттиқ таъсирланиб кетади ва маълум бир муддат қандай қилиб Қуръонга қарши курашиш кераклиги тўғрисида фикрга боради ва ахир-оқибат, Қуръонни «*сеҳр*» ва ҳазрати Муҳаммад (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)ни эса «*сеҳргар*» деб, аташни ҳамма Қурайш раҳбарларига буюради!

Шундан сўнг, жуда кўп мартаба ул зотни сеҳргарликда айблашади. Гарчи мушриклар пайғамбаримизни шу йўл билан койимоқчи бўлсалар-да, лекин аслида ул зот қаршиларида ожиз эканликларини тан олиб, бу билан ҳазратга катта хизмат қилдилар.

Дарҳақиқат, мушрикларнинг бундай айблаши Қуръоннинг фавқуллодда таъсири баробарида ожиз қолганликларини тан олиш эди. Негаки, оддий равишда бу юксак каломни таҳлил қилиш мумкин эмас эди ва уни «жумбоқли ва номтаълум жозиба» деб, номлашдан ўзга чора йўқ эди.

Бироқ улар ушбу ҳақиқатни қабул қилиб, Аллоҳнинг каломи мўъжиза эканлигини эътироф этиб иймон келтиргилари келмасди. Унинг ўрнига «сеҳр» деб, туриб оддилар-да, гумроҳлик йўлини тутдилар ва ислом пайғамбарига «сеҳргар» деб, ном қўйдилар!

Ислом тарихда бу ҳақиқат кўплаб юз берган; баджаҳл, кўпол ва жоҳил одамлар ҳазрати Пайғамбаримиз (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)нинг ҳузурларига шарафёб бўлиб, Қуръон оятларининг тиловатини эшитишлари биланоқ, қалблари юмшаб, ислом нури қалбларига йўл топган ва шу билан яшаш тарзларини ҳам ўзгартирганлар. Бунинг ўзи Қуръоннинг жозибадор эканлиги, унинг фасоҳат ва балоғати «*ёрқин мўъжиза*» эканидан далолат беради.

Узоққа бормайлик, ҳозирги кунда ҳам араб тили ва унинг адабиётини ўрганганлар; Қуръони Каримнинг ҳайратга солувчи адабий камолоти ҳақида айтадилар ва Қуръони Каримни қайта-қайта ўқиб, ундан лаззатланадилар ва уни ўқишдан туймай, толиқиб ҳам қолмайдилар.

Қуръон иборалари жуда аниқ, маълум ўлчов ва ҳисобга эга бўлиб, бир вақтнинг ўзида ҳаё билан, вазмин ва матонатли баён этилиб, очиқ-ойдин, шаффоф ва аниқ ҳолда бўлиб, керакли ўринда эса қатъий ва кесувчандир.

Шуни ҳам қўшимча қилмоқ лозимки, жоҳилият даврида араб тили адабиёт нуқтаи назаридан жуда ривожланган эди, ҳаттоки ҳозирги кунда ҳам жоҳилият давридаги араб шеърлари етуклиги жиҳатидан машхур бўлиб, улар араб тили шеърларининг энг яхши намуналаридан саналадилар.

Қуръон нозил бўлишидан олдин ҳар йили арабларнинг энг

буюк ва машхур шоирлари йиғилишиб, ўзларининг энг олий даражали шеърларини «Адабий тижорат маркази» деб номланган Уккоз бозорида ўқиб беришар эди ва уларнинг энг яхши асарлари «йилнинг энг яхши шеъри» унвонини олар эди, кейин ана шу танланган шеърларни ёзиб Каъбага илиб қўйишар эди. Ҳазрати Расулуллоҳ (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) пайғамбар этиб танланган даврда намуна сифатида еттита шундай шеър мавжуд эди, уларни «Муаллақотус -сабъа» деб, аташар эди.

Аммо Қуръон нозил бўлгач, бу шеърлар Қуръон фасохати ва балоғати қаршисида ўз жозибасини қўлдан бой берди. Шунинг учун, мушрик араблар, бу шеърларни бирин-кетин Каъбадан олиб ташлашди ва ахир-оқибат, уларнинг онгидан мутлақо унутилиб кетди.

Исломнинг буюк тафсирчи уламолари қўлларидан келганча Қуръон оятларининг ажойиб ингичка томонлари ҳақида кўплаб китоблар битганлар. Агар истасангиз бу китобларга мурожаат қилиб, биз юқорида айтиб ўтган Қуръони Каримга оид бўлган маълумотлар ҳақида ўз билим савиянгизни оширишингиз мумкин.

Қуръони Карим билан танишсак, Пайғамбаримиз (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)нинг Қуръон ҳақида жуда аниқ таъриф билан буюрган қуйидаги сўзлари муболаға эмаслигига ишонч ҳосил қиламиз:

«ظَاهِرُهُ أُنِيقٌ وَبَاطِنُهُ عَمِيقٌ لَا تُحْصِي عَجَائِبَهُ وَلَا تَبْلِي غُرَائِبَهُ»

«Қуръоннинг ташқи кўриниши ораста ва гўзалдир, ички олами эса чуқур, теран бўлиб, фикру андишага тўлиқдир ва Қуръоннинг ажабланарли томонларини ҳисоблаб бўлмас ва Қуръоннинг гаройиблиги ҳаргиз эскирмас.»

Қуръони Карим мактабининг буюк шогирди бўлмиш ҳазрати Али (*алайҳис салом*) ҳам, ўзларининг «Наҳжул балоға» номли китобларида Қуръони Карим ҳақида шундай дейдилар:

«وَفِيهِ رِبْعُ الْقَلْبِ، وَبِنَايِعِ الْعِلْمِ، وَمَا لِلْقَلْبِ جَلَاءَ غَيْرَهُ»

«Қалблар баҳори Қуръондадир, илм булоқлари унинг бағридан қайнаб чиқади, одамзот қалбу жонининг сайқалланиши учун Қуръондан юксакроқ нарса йўқдир!» (Наҳжул балоға; 175 – Хутба).

\*\*\*

**Ўйлаб жавоб беринг:**

1. Қуръондаги муқаттаъа ҳарфларининг ҳикмати ҳақида нима биласиз?
2. Қуръоннинг мўъжизалиги фақат бир тарафламами ёки бир неча жиҳатданми?
3. Нима учун душманлар ислом пайғамбари (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)га «*Сехргар*» деб ном қўйгандилар?
4. Фасоҳат ва балоғат ўртасидаги фарқ нимадир?
5. «*Муаллақотус- сабъа*» нима маънони англатади? У қайси замонга тегишлидир?

## 7-ДАРС:

### Қуръон ғояси

Бу дарсни яхши тушуниш учун аввало Қуръони Карим нозил бўлган даврдаги муҳитнинг фикрий ва маданий вазиятини кўриб чиқиш керак бўлади.

Барча тарихчи олимларининг фикрича, Ҳижоз сарзамини (Арабистон ярим ороли) ўша даврда дунёнинг энг қолоқ ва жоҳил минтақаси бўлиб, бошқа минтақа одамари ўша жоҳилият асрида яшаган арабларни ваҳший ёки ярим ваҳший халқ деб аташар эди.

Жоҳилият асрнинг араблари ақида ва ғоя жиҳатидан шиддатли даражада бутпарастликка кўнгил боғлаган эдилар. Шу боис, улар тош ва ёғочдан турли шаклдаги бут-санамларни ясаб, уларга сиғинишар ва бу бутпарастлик эътиқоди уларнинг бутун маданиятига ва турмуш тарзидаги хулқ-атворларига кенг кўламда ўзининг манфий таъсирини ўтказган эди. Ҳатто баъзан хурмо меваларидан бутлар ясаб, унинг баробарида тиз чўкиб унга сажда қилар эдилар. Бироқ қаҳатчилик бўлганда, бу «*бутларини*» еб қўйишар эди!

Улар қиз болалардан ўта кетган даражада нафратланиб, уларни тириклайин гўрга кўмсалар-да, аммо фаришталарни Худонинг қизлари деб ҳисоблаб, Аллоҳни инсон даражасигача тушириб қўйган эдилар!

Мушрик араблар тавҳид ва яккахудоликдан қаттиқ таажубланар эдилар. Расулуллоҳ (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) уларни ягона Аллоҳга сиғинишга даъват қилганларида ниҳоятда ҳайратланиб шундай дердилар:

﴿أَجَعَلَ الْآلِهَةَ إِلَهًا وَاحِدًا إِنَّ هَذَا لَشَيْءٌ عَجَابٌ﴾

«(Шунча) илоҳларни битта илоҳ қилиб олибдими?! Ҳақиқатан, бу жуда қизиқ нарса!» (Сод сураси; 5 – оят)



Кимки, уларнинг хурофотга асосланган афсонавий ва хаёлий эътиқодларига қаршилик қиладиган бўлса, албатта уни ёмон қоралаб, девонага чиқаришар эди.

Улар қабила-қабила бўлиб яшаганлари сабаб, қабилалар ўртасида пайдо бўладиган низо ва келишмовчиликлар ҳамиша улар орасида уруш оловини ёқиб қон тўкиш даражасигача олиб келар эди ва бир неча марта ер юзини бир-бирларининг қони билан алвон қилиб, кўп қон тўкардилар. Бировнинг молини ғорат қилиш уларнинг ҳар кунлик оддий ишларидан бўлиб, улар ўз қилмишларидан фахрланардилар ҳам.

Арабларнинг энг муҳим маркази бўлмиш Макка шаҳри бўйлаб ўқиш ва ёзишни биладиган саводли одамлар бармоқ билан санарли даражада кам эди, олим ва донишманд инсонлар эса улар орасида жуда ҳам кам ҳолларда топилар эдилар.

Мана шундай қолоқ бир муҳитдан чиққан, устоз ва мактаб кўрмаган, ўқиш ва ёзишни билмайдиган бир одам ҳикматга тўлиб тошган буюк бир китобни инсонларга келтирди ва бу улдуғ китоб ўн тўрт асрдан буён ўзининг жозибасини заррачалик йўқотгани йўқ, балки донишмандлар ҳозиргача уни тафсир қилиш билан шуғулланиб келмоқдалар ва илм тараққий этган сари бу китобнинг янги қирралари башарият учун очилмоқда.

Қуръоннинг яратилиш олами ва унинг тузилмаси ҳақидаги тасвири ҳайратланарли даражада аниқ ва ҳисоб-китоблидир. Қуръони Карим тавҳид ва яккахудолик ғоясини энг мукамал ва энг юқори даражада тасвирлайди. Қуръони Карим ер ва осмонлар яратилишининг сир-асрорларини, кеча-кундуз ва қуёш, ой ва ўсимликлар олами ва инсон яратилишининг сир-асрорларини турли оятларда ва хилма-хил услублар билан баён этиб, улар ягона Аллоҳнинг мавжудлигига далолат қилувчи ёрқин белги-нишонлар эканлигини уқтиради.

Гоҳида эса инсон қалбининг тубидаги ички ҳиссиётлардан сўз очиб одамзот фитратидаги яккахудолик туйғуси ҳақида хабар беради:

﴿فَإِذَا رَكِبُوا فِي الْفُلِكِ دَعَوْا اللَّهَ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ فَلَمَّا نَجَّاهُمْ إِلَى الْبَرِّ إِذَا هُمْ يُشْرِكُونَ﴾

«Қачонки, улар кемага минсалар (хайқираётган тошқин денгиз тўлқинларига дуч келиб зарқ бўлишдан қўрққанларидан) Аллоҳга чин ихлос билан илтижо қилурлар. Демак, қачонки, (Аллоҳ уларни

қуруқликка чиқариб,) нажот бергач, баногоҳ улар (Аллоҳга яна) ширк келтирурлар.» (Анкабут сураси; 65 – оят)

Баъзан эса ақл юргизишга ундаб, яккахудоликни далил билан исботлашга киришади ва шу аснода оламнинг яратилиши ва инсон жонининг яратилишига таяниб: Еру осмонлар, ҳайвонлар ва тоғу денгизлар яратилишининг сир-асрорларини ва ёмғир ёгиши ва шамол эсишининг сир-асрорларини ва шунингдек, инсон жисми ва руҳининг ингичка қирралини айтиб беради.

Аллоҳнинг сифатларини баён қилаётганда, энг чуқур ва жозибали услубни танлайди. Бир оятда шундай марҳамат қилади:

﴿فَاطِرُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ جَعَلَ لَكُمْ مِّنْ أَنْفُسِكُمْ أَزْوَاجًا وَمِنَ الْأَنْعَامِ أَزْوَاجًا يَذُرُّكُمْ فِيهِ لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ وَهُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ﴾

«(Аллоҳ) осмонлар ва ернинг илк яратувчидир. У сизлар учун ўзларингиздан бўлмиш жуфтларни яратди ва чорва ҳайвонларидан ҳам жуфт-жуфт (яратди). У сизларни ўшанда (жуфтликда) кўпайтирур. Ҳеч бир нарса Унга ўхшаш эмасдир. У эшитувчи ва кўрувчидир.» (Шўро сураси; 11 – оят)

Қуръони Карим Аллоҳнинг сифатларини баён қилиб шундай буюради:

﴿هُوَ اللَّهُ الَّذِي لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ عَالِمُ الْغَيْبِ وَالشَّهَادَةِ هُوَ الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ \* هُوَ اللَّهُ الَّذِي لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْمَلِكُ الْقُدُّوسُ السَّلَامُ الْمُؤْمِنُ الْمُهَيْمِنُ الْعَزِيزُ الْجَبَّارُ الْمُتَكَبِّرُ شَبَّحَانَ اللَّهُ عَمَّا يُشْرِكُونَ \* هُوَ اللَّهُ الْخَالِقُ الْبَارِئُ الْمُصَوِّرُ لَهُ الْأَسْمَاءُ الْحُسْنَىٰ يَسْتَبِيحُ لَهُ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَهُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ﴾

«У - Аллоҳ, шундай зотдирки, Ундан ўзга илоҳийўқдир. (У) яширин ва ошкора сир-асрорларни билувчидир. У меҳрибон ва раҳмлидир.»

«У - Аллоҳ, шундай зотдирки, Ундан ўзга илоҳ йўқдир. (У) Малик-ҳақиқий подшоҳ ва ҳукмдордир. (У) Қуддус- (барча айб-нуқсонлардан) холи ва нолейиқ сифатлардан покдир. (У) Салом-нуқсонлардан саломат, ва Ўз (бандаларига) тинчлик-хотиржамлик, роҳат ва омонликберувчидир. (У) Мўъмин-иймон ва омонлик берувчидир. (У) Муҳаймин-(бандаларини кузатиб турувчи ва ҳамма нарсаларни қамраб олувчи)дир. (У) Азиз-қудрат соҳиби ва барчанинг устидан голибдир. (У) Жаббор- бўйин сундирувчидир. (У) Мутакаббир -

бағоят кибриёли ва улуг мартабали Зотдир. Аллоҳ уларнинг (муширикларнинг) келтирадиган ширкларидан поку муназзаҳдир.»

«У - Аллоҳ, яратувчи, йўқдан бор қилувчи, (барча нарсага) сурат ва шакл берувчидир. Барча гўзал исмлар Уникидир. Осмонлар ва Ердаги (бор) нарсалар Унга тасбеҳ айтурлар. У енгилмас ва ҳикмат соҳибидир.» (Ҳашр сураси; 22 – оятдан 24 – оятларгача.)

Қуръони Карим Аллоҳ таолонинг чексиз илм соҳиби эканлигини айтиб бу ҳақиқатни жуда чиройли ибора билан тасвирлайди:

﴿وَلَوْ أَنَّمَا فِي الْأَرْضِ مِنْ شَجَرَةٍ أَقْلَامٌ وَالْبَحْرُ يَمُدُّهُ مِنْ بَعْدِهِ سَبْعَةُ أَبْحُرٍ مَّا نَفِدَتْ كَلِمَاتُ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ﴾

«Агар ер юзидаги дарахтнинг барчаси қаламлар бўлиб, денгиз (сиёҳ бўлса ва) ундан сўнг яна етти денгиз унга ёрдам бериб турса, Аллоҳнинг калималари тугаб битмас. Албатта, Аллоҳ қудрат ва ҳикмат эгасидир.» (Луқмон сураси; 27 – оят)

Қуръони Карим Аллоҳнинг ҳамма нарсаларни ихота қилганини<sup>1</sup> ва У оламнинг ҳамма ерида ҳозир ва нозир эканлигини олий даражали таъбирлар билан баён этади ва бундай баён услуби Қуръонгагина хосдир:

﴿وَلِلَّهِ الْمَشْرِقُ وَالْمَغْرِبُ فَأَيْنَمَا تُولَّوْا فَتَمَّ وَجْهُ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ وَاسِعٌ عَلِيمٌ﴾

«Маширик ҳам, Мағриб ҳам ёлғиз Аллоҳникидир. Демак, қайси томонга юзлансангиз, ўша жой Аллоҳнинг тарафидир. Албатта, Аллоҳ (ҳамма томонни) қамраб олувчи, доно зотдир.» (Бақара сураси; 115 – оят)

Бандаларига қарата: Аллоҳ ҳар ерда ҳозир ва нозир эканлигини таъкидлайди:

﴿وَهُوَ مَعَكُمْ أَيْنَ مَا كُنْتُمْ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ﴾

«Сизлар қаерда бўлсангизлар, У сизлар билан биргадир. Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўриб турувчидир.» (Ҳадид сураси; 4 – оят).

Қуръони Карим қайта тирилиш ва Қиёмат кунидан сўз очганда, муширикларнинг таажжубланиши ва уларнинг инкор этиши баробарида шундай дейди:

1. Ихота қилмоқнинг маъноси, «қамраб олмақ» ва «қуршаб олмақ», демакдир.

﴿وَصَرَبَ لَنَا مَثَلًا وَنَسِيَ خَلْقَهُ قَالَ مَنْ يَحْيِي الْعِظَامَ وَهِيَ رَمِيمٌ \* قُلْ يَحْيِيهَا الَّذِي أَنْشَأَهَا أَوَّلَ مَرَّةٍ وَهُوَ بِكُلِّ خَلْقٍ عَلِيمٌ \* الَّذِي جَعَلَ لَكُم مِّنَ الشَّجَرِ الْأَخْضَرِ نَارًا فَإِذَا أَنْتُمْ مِنْهُ تُوقَدُونَ \* أَوَلَيْسَ الَّذِي خَلَقَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ بِقَادِرٍ عَلَىٰ أَنْ يَخْلُقَ مِثْلَهُمْ بَلَىٰ وَهُوَ الْخَلَّاقُ الْعَلِيمُ \* إِنَّمَا أَمْرُهُ إِذَا أَرَادَ شَيْئًا أَنْ يَقُولَ لَهُ كُنْ فَيَكُونُ﴾

«У (муширик шахс) Бизга: «Чириб кетган суякларни ким ҳам тирилтира олур?» - деб, мисол келтирди-ю, (аммо) ўзининг (бир томчи сувдан) яралганини унутиб қўйди!

(Эй Бизнинг Расулимиз уларга) айтинг: «Уларни илк марта йўқдан бор қилган зотнинг Ўзи қайта тирилтирур ва У ҳар бир яратилган нарсани билгувчидир»

«У зот сизларга ям-яшил дарахтдан олов пайдо қилиб қўйгандир. Энди эса, сиз ундан олов ёқмоқдасиз.» (Сувнинг ёнида олов шуғласини пайдо қилган Аллоҳ таоло ўлимдан сўнг қайта ҳаёт яратишга қодир экани шубҳасиздир.)

«Осмонлару ер (каби ўта буюк сайёралар)ни яратган зот уларга ўхшашини яратишга қодир эмасми?! Йўқ, (албатта қодирдир) У ўта яратгувчи, ўта билгувчи зотдир.»

«Қачон бирор нарсани (яратишни) ирода қилса, Унинг иши фақат: «Бўл» - демоқликдир, холос. Шунда, у эса вужудга келур.» (Шундай буюк қудрат учун инсонларни қайтадан ҳаётга қайтариш осон ишдир.) (Ёсин сураси; 78 – оятдан 82 – оятларгача).

Расмга тушириш ва товуш ва сўзларни ёзиб олиш имкони бўлмаган даврда Қуръони Карим инсонларнинг амаллари борасида шундай деган:

﴿يَوْمَئِذٍ تُحَدِّثُ أَخْبَارَهَا \* بِأَنَّ رَبَّكَ أَوْحَىٰ لَهَا﴾

«Ана ўша кунда Парвардигорингиз ерга ваҳий (илҳом) қилгани сабабли ер ўз хабарларини сўзлагай.» (Зилзила сураси; 4 ва 5 – оятлар).

Қуръони Карим инсонларнинг қилган амалларига унинг бадан аъзолари шаҳодат бериб тилга кириши ҳақида шундай дейди:

﴿الْيَوْمَ نَخْتِمُ عَلَىٰ أَفْوَاهِهِمْ وَتُكَلِّمُنَا أَيْدِيهِمْ وَنَنصِتُهُمْ أَرْجُلُهُمْ بِمَا كَانُوا يَكْسِبُونَ﴾

«Бу Кунда Биз уларнинг оғизларини муҳрлаб қўюрмиз. Бизга уларнинг қилиб ўтган ишлари ҳақида уларнинг қўллари сўзлагай ва оёқлари эса гувоҳлик бергай.» (Ёсин сураси; 65 – оят).

﴿وَقَالُوا لَوْلَا جُؤْدِهِمْ لِمَ شَهِدْتُمْ عَلَيْنَا قَالُوا أَنْطَقَنَا اللَّهُ الَّذِي أَنْطَقَ كُلَّ شَيْءٍ وَهُوَ خَلَقَكُمْ أَوَّلَ مَرَّةٍ وَإِلَيْهِ تُرْجَعُونَ﴾

«Улар териларига: «Нима учун бизга қарши гувоҳлик бердинглар?» - дерлар, У (тери)лар: «Барча нарсани сўзлатган зот - Аллоҳ бизларни ҳам сўзлатди. Сизларни илк бор У яратган ва сизлар яна Унинг Ўзигагина қайтарилмоқдасизлар» - дегайлар.» (Фуссилат сураси; 21 - оят.)

Қуръоннинг чуқур мазмунга эга эканлиги ва унинг берадиган илм-маърифатининг кадр-қиммати маълум бўлиши учун ва шунингдек, Қуръони Карим ҳар қандай ўзгартирилишлардан пок сақланиб қолганлигини билишимиз учун, Қуръондан илгари нозил бўлган «*ҳозирги кунда ўзгартирилган Таврот ва Инжил китоблари*» билан таққослаганда яққол намоён бўлади. Маълум мавзуларни мазкур китоблардан олиб, ўзаро қиёслаш мумкин, масалан: Одамнинг яратилиши ҳақида Тавротда нима дейилгани билан Қуръонда нима дейилганини таққослашимиз мумкин.

Таврот пайғамбарлар ҳаёти ҳақида қандай воқеаларни нақл қилган ва Қуръон ушбу мавзуга қандай ёндашганини муқояса қилишимиз мумкин. Ёки Таврот ва Инжил Аллоҳни қандай тавсиф этган ва Қуръоннинг бу хусусидаги тавсифини кўриб чиқишимиз мумкин.

Шунда бу иккала китобнинг ўртасидаги фарқи яққол намоён бўлади.

\*\*\*

### Ўйлаб жавоб беринг:

1. Қуръон нозил бўлган пайтда Арабистон ярим ороли қандай аҳволда эди?
2. Бутпарастлик араб мушрикларининг ҳаётларига қанчалик таъсир қилган эди?
3. Фитратдаги яккахудолик билан, далиллар асосида исботланган яккахудоликнинг ўртасидаги фарқ нимада?
4. Қуръоннинг Аллоҳ ва Унинг сифатларини таниттириш услуби ва мантиғи қандайдир? Бир неча мисоллар келтиринг.
5. Қай йўсинда Қуръони Каримнинг маъно-мазмунини чуқурроқ англаш мумкин?

## 8-ДАРС:

---

### Қуръон ва бугунги илмий кашфиётлар!

---

Шубҳасиз, Қуръони Карим – бу табиёт, тиббиёт, руҳшунослик ёки риёзиёт (математика) китоби эмас. Қуръони Карим – бу инсониятни ҳидоятга бошлайдиган ва уни камолотга етаклайдиган китобдир ва шу йўлда керакли бўладиган зарурий илмлардан кўз юммаган.

Биз Қуръонни фақатгина турли хил илмларни ўз ичига олган ва ҳамма фанларни баён этган қомус китоби сифатида қабул қилсак, тўғри бўлмайди. Балки биз Қуръондан иймон ва ҳидоят нурини, тақво ва парҳезкорликни, инсониятни камолотга етакловчи одоб ва ахлоқ тузумини ҳамда ҳаёт учун зарур бўлган керакли қонун-қоидаларни баён қилишни талаб қилишимиз даркор ва Қуръон буларнинг барчасини ўз ичига олган.

Бироқ Қуръон баъзан мазкур мақсадга эришиш учун табиётга оид илмларни, яратилиш сир-асрорларини ва борлиқ оламнинг ҳайратланарли томонларини қисман ёритиб беради. Алалхусус, тавҳид (яккахудолик)ни исботлаш учун жаҳондаги ўзаро боғлиқлик ва назму тартибга асосланиб, яратилиш оламининг сир-асрорларини яққол ёритиб берган. Қуръонда баён этилган бундай масалалар ўша даврнинг ҳатто донишмандларига ҳам номаълум эди.

Қуръони Каримнинг баён этган мазкур масалалари тўпламига «*Қуръоннинг илмий мўъжизалари*» деб, номлаймиз.

Бу ерда ушбу мўъжизаларнинг бир нечасини кўриб чиқамиз:

Қуръон ва Тортишиш қонуни

Машҳур физика олими «*Ньютон*»дан олдин ҳеч ким бутун олам тортишиш қонунини ёки умумий нисбийлик назариясини кашф этмаган эди.

Айтилишича, Ньютон олма дарахтининг тагида ўтирган чоғида дарахтдаги олма узилиб ерга тушади. Бу бир қарашда кичик ва оддий бўлган ҳодиса, Ньютоннинг фикрини бир неча йил ўзига жалб этиб: «*Нима учун олма айнан ерга тушиши керак экан? Қандай куч олмани ўзи томон тортди экан? Нимага олма дарахтдан узилгач, осмон томонга кўтарилмади?*» – деган саволлар қамровида қолади. Кейинчалик эса Тортишиш қонунини (Гравитация қонунини) кашф этади: «*Ҳар иккала жисм бир-бирини моддаларнинг тўғридан-тўғри бўлган ўзаро алоқадорлиги ва улар ўртасидаги оралиқларнинг қарама-қарши итариш кучига асосан жазб этади.*»

Ушбу қонун кашф этилиш натижасида, Коинотдаги сайёралар системасининг яхлитлиги ва бу сайёралар ҳам ана шу қонунга бўйсунуши кашф этилди. Нима учун ушбу сайёралар Қуёш атрофида айланишади? Нима учун улар бир-бири ўртасида маълум масофани сақлаб турадилар, урилиб ҳам кетмайдилар, ёки бир-биридан қочиб, ҳар ёққа тарқалиб ҳам кетмайдилар? Қандай куч уларни бундай чексиз фазода аниқ тартиб ва мадорда айлантирган ҳолда сақлаб туради ва заррачалик ундан четга чиқишмайди?

Ҳа, Ньютоннинг кашфиётига биноан; бир жисмнинг доиравий ва айлана шаклдаги ҳаракати унинг марказдан қочишига сабаб бўлади ва тортишиш қонуни эса уни марказ томон жазб қилади. Қачонки, бу икки куч (тортишиш ва итариш кучи) мувозанатга келса, яъни «*моддалар*» ва «*масофалар*» томонидан юзага келган «*тортишиш кучи*» ва доиравий ҳаракат тезлиги натижасида пайдо бўлган «*марказдан қочиш*» ва «*итариш кучи*» ўзаро тенглашса, икки кучнинг мувозанати сайёраларнинг бир-бирига урилиб ажралиб кетишларининг олдини олади, уларни доим ўз ўқи ва мадорида сақлаб қолади.

Бироқ ушбу тортишиш қонуни кашф этилишидан минг йил олдин Қуръони Карим бу ҳақда бундай деган эди:

﴿اللَّهُ الَّذِي رَفَعَ السَّمَاوَاتِ بِغَيْرِ عَمَدٍ تَرَوْنَهَا ثُمَّ اسْتَوَىٰ عَلَى الْعَرْشِ وَسَخَّرَ الشَّمْسَ وَالْقَمَرَ كُلٌّ يَجْرِي لِأَجَلٍ مُّسَمًّى يُدَبِّرُ الْأَمْرَ يُفَصِّلُ الْآيَاتِ لَعَلَّكُمْ بِلِقَاءِ رَبِّكُمْ تُوقِنُونَ﴾

«Аллоҳ осмонлар (самовий сайёралар)ни сиз кўрмайдиган устунлар билан кўтариб қўйган, сўнгра Аршни (борлиқ олам мажмуи)ни

эгаллаган ҳамда қуёш ва ойни (Ўз амрига) бўйин сундирган Зотдир. Ҳар бири муайян муддатгача (яъни, қиёмат қойим бўлгунича) жараёнда бўлув. (Аллоҳ жаҳоннинг барча) ишларини бошқаради, шояд сизлар (қиёмат кунндаги) Раббингиз мулоқотига ишонч ҳосил қилсангиз, деб оятларни муфассал баён қилади.» (Раъд сураси; 2 – оят)

Ушбу оятнинг тафсирида имом Ризо (алайҳис салом)дан ривоят қилинган ҳадисда шундай баён этилган:

«أليس الله يقول: «بِعَبْرِ عَمَدٍ تَرَوْنَهَا»؟ قلت: بلى، قال: ثُمَّ عَمَدٌ لَكِنْ لَا تَرَوْنَهَا!»

«Аллоҳ Қуръонда (кўринмас) устунлар билан кўтариб қўйган, демайдими? - деб сўрадилар, ровий деди:

-Ҳа, деб жавоб бердим.

-Шунда имом дедилар: Бинобарин, унинг устунни бор. Лекин сизлар уни кўра олмайсизлар.»

Бугун олам тортишиш қонунини умумхалққа баён қилиш учун, ўша даврдаги араб тилида; «Кўринмас устунлар»дан кўра яхшироқ ва равшанроқ ибора топиш мумкин бўлмас эди. Зероки, ўша даврда инсониятнинг ақли шунга яраша эди.

Бошқа бир ҳадисда ҳазрати Али (алайҳис салом) шундай деган эдилар:

«هذا النجوم التي في السماء مدائن مثل المدائن التي في الأرض مربوطة كل مدينة إلى عمود من نور»

«Осмондаги бу юлдузлар ер юзидаги шаҳарлар каби шаҳарлардир, зеро, ҳар бир шаҳар бошқа шаҳар билан (ҳар бир юлдуз бошқа юлдуз билан) нурдан бўлган устун билан ўзаро боғлиқ ва алоқададирлар.»

Бугунги кунга келиб донишмандлар биз кўраётган осмондаги юлдузлар орасида миллионлаб бошқа юлдузлар ҳам мавжудлиги ва шунингдек, у ерда тирик ва ақл-идрокли мавжудотлар борлигини айтяптилар. Ҳарчанд бу ҳақиқатнинг тафсилоти ҳақида батафсил маълумот қўлга киритилмаган.

### **Ернинг ўз ўқи ва қуёш атрофида айланиши**

Маълумки, ернинг ўз ўқи атрофида айланишини машҳур италялик олим Галилей тахминан бундан тўрт аср олдин кашф этган эди. Бундан олдин дунёнинг бутун олимлари Мисрлик



фалакиёт (астрономия) олими Птоломей қонунига ва унинг фарзиясига ишонар эдилар. Унинг назариясига кўра; ер коинот маркази бўлиб, ҳамма сайёралар унинг атрофида айланади.

Бироқ Галилей ер коинотлар маркази эмас, балки у «ўз ўқи атрофида ва шунингдек, қуёш атрофида айланади» – деган назарияни илгари сурди. Унинг бу илмий кашфиёти учун черков ҳомийлари ва насроний руҳонийлари уни кофирга чиқаришади. Шунинг учун, ночор ҳолда қолган Галилей ўз ҳаётини сақлаб қолиш учун, «изҳор қилган илмий кашфиёти» учун тавба қилади. Лекин ахир-оқибат, кейинчалик бошқа олимлар унинг назарияси устида тадқиқот қила бошладилар. Ҳозирги кунда эса Галилейнинг ушбу назарияси шубҳасиз ва аниқ бўлган бир илмий масалага айланган. Ҳатто ҳиссий равишда қилинган тажрибалар орқали ҳам ер ўз ўқи атрофида айланиши исботланган. Фазода қилинган парвозлардан сўнг, ушбу масала яққол намоён бўлди.

Мухтасар қилиб айтганда; ернинг бошқа сайёралар учун марказ эканлиги инкор қилинди ва маълум бўлдики, ернинг марказлиги фақатгина биз инсонларнинг ҳиссий хатомиз бўлиб, ер ҳаракатини сайёралар мажмуи ҳаракати билан қориштириб хатога йўл қўйганмиз.

Ҳар ҳолда Птоломей назарияси қарийб бир минг беш юз йил ўз кучини сақлаб турган ва олимлар онгига синган эди. Қуръон нозил бўлган вақтда ҳеч ким бу назарияга хилоф бирор бир сўзни айтишга журъат қилолмас эди.

Бироқ Қуръони Каримга диққат қиладиган бўлсак, Намл сурасининг 88-оятда бундай дейилади:

﴿وَتَرَى الْجِبَالَ تَحْسَبُهَا جَامِدًا وَهِيَ تَمْرٌ مَرَّ السَّحَابِ صُنْعَ اللَّهِ الَّذِي أَتَقَنَ كُلُّ شَيْءٍ إِنَّهُ خَبِيرٌ بِمَا تَفْعَلُونَ﴾

«Сиз тоғларни кўриб қимирламай қотиб турувчи, деб ўйларсиз. Ҳолбуки, улар худди булутлар ҳаракатланаётгани-дек ҳаракатдадирлар. (Бу) ҳар бир нарсани мустаҳкам қилган Аллоҳнинг яратишидир. Албатта, У зот сизлар нима қилаётганингиздан огоҳдир!» (Намл сураси; 88 – оят).

Юқоридаги оятда тоғларнинг ҳаракатига ишора қилиниб, бу ҳаракат булутлар ҳаракатига ўхшатишган. Ҳолбуки, биз тоғларни қимирламай сокин турибди, деб ўйлаймиз. Негаки, тоғлар

ҳаракати булутлар ҳаракатига ўхшатилиши тезлик, мулойимлик, оҳиста ва сокинлик жиҳатидан назарга олинган.

Бошқа тарафдан; «*ернинг ҳаракати*» ўрнига «*тоғлар ҳаракати*», деб айтилиши эса, ушбу муҳим масала (ер ҳаракат)нинг ниҳоятда чуқур ва теран эканини билдириш учундир. Маълумки, тоғлар фақат ер ҳаракатлансагина ҳаракатлана оладилар ва уларнинг ҳаракати Ернинг ҳаракатсиз амалга ошмайди. «*Ернинг ҳаракати*» деганда, унинг ўз ўқи атрофида ёки қуёш атрофида ёхуд ҳар иккиси назарда тугилади.

Энди ўзингиз бир ўйлаб кўрингизчи, ахир жаҳоннинг ҳамма илмий даргоҳларида ер ҳар қандай ҳаракатдан холи, тинч ва сокиндир, аксинча, қуёш ва коинотдаги барча сайёралар ер атрофида айланади, деган тушунча расмий равишда қабул қилинган бир даврда, Қуръонда ернинг ҳаракат қилиши ҳақида очиқ-ойдин хабар берилиши илмий мўъжиза эмасми?!

Устига устак, бу хабар ёзиш ва ўқишни билмайдиган ва асосан илм ва маданиятдан йироқ ва жоҳилият ботқоғига ботиб, орқада қолиб кетган бир муҳитдан чиққан бир одам томонидан берилган бўлса-чи? Мана шуларнинг бариси Қуръони Карим ҳақиқатдан ҳам, Аллоҳ томонидан нозил бўлган илоҳий ва мўъжизавий китоб эканлигига далолат қилмайдими?!

\*\*\*

### **Ўйлаб жавоб беринг:**

1. Қуроннинг илмий мўъжизалари деганда нима назарда тугилади?
2. Ернинг тортишиш қонунини биринчи бўлиб қайси олим кашф этган ва қайси асрда яшаб ўтган?
3. Қуръоннинг қайси ояти ва қандай таъбир билан тортишиш қонуни ҳақида хабар беради?
4. Ернинг ҳаракатсиз туриши ҳақидаги назария кимга тегишли эди? Бу назария неча йил олимлар орасида ўз эътиборини йўқотмай давом этди? Шунингдек, илк марта ер ҳаракатини кашф этган олим ким эди?
5. Қуръони Каримнинг қайси оятида ва қай тарзда ернинг ҳаракати ҳақида хабар берилган?

## 9- ДАРС:

### Пайғамбаримизнинг ҳақ эканликларига яна бир ҳужжат

Пайғамбарликни даъво қиладиган инсоннинг ҳаққонийлигини ёки ёлғончилигини билиб олиш учун, мўъжиза келтиришни талаб қилишдан ташқари, яна бир йўл мавжуд ва у йўл ҳам, бизни мақсадга эришишимиз учун қўл келиб, жонли далил ҳисобланади. Ушбу йўл; қуйидаги белги ва нишонларни ўрганиб чиқиб, уларни бир жойда тўплашимиз билан амалга ошади:

1. Пайғамбарлик даъвосини қилувчи шахснинг ахлоқий хусусиялари ва унинг жамият орасидаги ўрни;
2. Даъват қиладиган инсоннинг яшаш муҳити;
3. Даъват қиладиган инсоннинг яшаш замони вазияти;
4. Қиладиган даъватининг маъноси ва моҳияти;
5. Мақсадга етиш учун қўллайдиган ижроий дастурлари ва амалий воситалари;
6. Қилган даъватининг яшаётган муҳитига кўрсатган таъсирининг миқдори;
7. Даъват қилувчи одамнинг кўзлаган мақсадига нисбатан бўлган иймони ва фидокорлиги;
8. Даъват йўлида ҳақдан оғдирувчи омиллардан таъсирланмай, улар билан муроса қилмаслик;
9. Даъватининг жамоатчилик фикрига тез таъсир кўрсатиши;
10. Унга иймон келтирган одамларнинг қайси тоифага мансуб эканлигини аниқлаш;

Агар биз юқорида айтиб ўтилган ўнта масалани алоҳида ва бирма-бир диққат билан ўрганиб чиқсак ҳамда уларни пайғамбарликни иддао қилувчи ҳар бир шахс хусусида кўриб чиқсак ва ушбу ўн масалани ўзимиз учун меъёр қилиб олиб, улар асосида хулоса

чиқаридаган бўлсақ, ҳар бир даъвогарнинг ростгўй ёки ёлғончи эканлигини осонлик билан англаб олишимиз мумкин.

\*\*\*

Юқоридаги ҳамма масалаларни қисқартирилган ва ихчам шаклда ислом пайғамбарига нисбатан татбиқ этиб уларни кўздан кечириб чиқамиз. Нега деганда, улар борасида муфассал сўз юритадиган бўлсақ, кўплаб китобларни таълиф этишга зарурат туғилади.

1. Ислום пайғамбарининг ахлоқий хусусиятлари ҳақида ул зотнинг ижтимоий фаолиятлари асносида қўлга киритилган, дўст ва душман ёзиб қолдирган аниқ ва қатъий маълумотларга қараганда, ул ҳазрат пок ва тўғрисўз инсон бўлганлар. Шунинг учун, ҳатто жоҳилият даврида ҳам Пайғамбаримизга «*Муҳаммад амин*»<sup>1</sup> унвонини беришган эди. Тарихда айтилишича, ул зот Мадинага ҳижрат қилмоқчи бўлганларида ҳазрати Алига ҳамма омонатларни ўз эгаларига қайтариб беришни буюриб кетган эдилар.

Ул зотнинг шижоат, довюраклик, гўзал хулқлик, бағри кенглик, мардлик ва кечиримли бўлиш каби олий сифатларини жангда бўладиларми ё тинчликда мушоҳада қилишимиз мумкин. Айниқса Маккани фатҳ этганларидан ва қонхўр душманларнинг ислом баробарида таслим бўлганидан сўнг ул ҳазратнинг Макка аҳолисига нисбатан оммавий афв ва кечирим эълон қилганлари айтганларимизнинг яққол мисолидир.

\*\*\*

2. Ҳаммамизга яхши маълумки, ҳар қандай одам ҳатто жамиятнинг истеъдодли, етук ва даҳо шахслари ҳам яшаётган муҳитидан истар-истамас озми ёки кўпми таъсирланмай илож йўқ. Албатта таъсирланишда инсонлар ўртасида фарқ бор, айримлар кўпроқ ва баъзилар камроқ таъсирланадилар.

Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, қирқ йил бутпарастлар орасида жоҳилият зулмати ичра кун кечириб ўша вазиятда униб ўсган ҳазрати пайғамбаримиз қандайига холис тавҳид (яккахудолик)дан сўз очиб, бутпарастликнинг бутун кўринишига қарши оёққа тура

---

1. «Ишончли ва омонатдор» демақдир.

олишлари мумкин?! Негаки, ўша замон ширк, бутпарастлик ва хурофотларга ишониш Макка шаҳри халқининг қон ва жонига сингиб, уларнинг маданиятига айланган эди.

Қандай қилиб жоҳиллар орасидан тараққий этган илмий ғоялар оламга таралиши мумкин?! Ахир Яратувчининг ёрдамисиз ва Унинг қўллаб-қувватлаши бўлмай туриб, шундай ғаройиб ҳодиса рўй беришига ишониш мумкинми?

\*\*\*

3. Энди эса Пайғамбаримиз (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) қайси замон ва маконда юзага келганларини кўриб чиқмоғимиз лозим. Бу асрда жаҳон ўрта аср тарихи даврини бошидан кечираётган эди. Зулам ва истибдод, миллатлар ўртасида фарқ қўйиб, уларни бир-биридан ажратиш, баъзи ирқларни бошқалардан устун қўйиб, уларга юқори даражали имтиёзларни белгилаш ва оқибат, инсонлар орасида табақаланиш каби кескин жоҳилият зулмати даври эди. Ислом юзага келишидан олдинги ва ундан кейинги даврларнинг шоҳиди бўлган ҳазрати Али (*алайҳис салом*)нинг ушбу жоҳилият даври ҳақида айтган сўзларини эшитиш жуда муносибдир. Ул ҳазрат ўзларининг Наҳжул Балоға номли китобларида бу даврни тасвирлаб шундай деганлар:

«أَنْتَسَلَهُ عَلِيٌّ حِينَ فَتْرَةٍ مِنَ الرُّسُلِ، وَطُولِ هَجْعَةٍ مِنَ الْأُمَمِ، وَاعْتِرَازٍ مِنَ الْفِتَنِ، وَائْتِشَارٍ مِنَ الْأُمُورِ، وَتَلَقُّظٍ مِنَ الْحُرُوبِ، وَالذُّنْيَا كَأَسْفَعُ النَّوْرِ، ظَاهِرَةُ الْغُرُورِ»

«Аллоҳ ул ҳазратни шундай даврда пайғамбарликка танладики, олдинги пайғамбарлардан анча вақт ўтган эди, халойиқ жаҳолат ва гумроҳлик водийсида ҳайрон, ақллар шаҳватга таслим бўлган замон эди. Кибр ва ўзини катта туттиш одамларни ҳалокатга йўлиқтирган эди. Жоҳилият зулмати уларни йўлдан оздирган, нодонлик ва изтироб орасида саргардон эдилар.» (Наҳжул Балоға; 91 – Хутба)

Энди ўйлаб кўринг-чи, шундай аянчли даврда пайғамбаримиз инсонлар тенг ҳуқуқли экани ҳақида сўзлаб, миллатлар ўртасида фарқ қўйишга, уларни бир-биридан ажратишга ва уларнинг табақаланишига барҳам бериб, мўъмин мўъминга биродардир,

деган шиорни ўртага келтиришлари ўша замоннинг вазиятига қандай мос кела олади?

4. Расулulloҳ (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) даъватининг маъно ва моҳияти; инсон ҳаётининг барча тармоқларида тавҳид (яккахудолик)га чақириш, золиймона имтиёз ва устунликларни йўқ қилиш, бутун жаҳон инсонларини бирлаштириш, зулм ва истибдодга қарши курашиш, оламда адолатли ҳокимият яратиш, заиф ва кучсиз саналган инсонларни ҳимоя этиш ва тақводорлик, поклик, тўғрилик ва омонатдорлик хусусиятларини инсониятнинг қадр-қийматини белгиловчи энг муҳим меъёр сифатида ёйиш эди.

\*\*\*

5. Ислом пайғамбари ўзлари кўзлаган дастурларни ижро этиш учун, «*мақсадга эришиш йўлида ҳар қандай воситадан фойдаланиш мумкин*» деган ғояга амал қилишга рухсат бермаганлар. Ул зотнинг таълимоти бўйича, муқаддас мақсадга етиш учун фақат муқаддас воситалардан фойдаланиш кераклигини таъкидлаб, амалда ҳам ўзлари шундай иш тутганлар. Моида сурасининг 8 – оятида бу хусусида шундай айтилган:

﴿وَلَا يَجْرِمَنَّكُمْ شَنَاٰنُ قَوْمٍ عَلٰٓى اَلَّا تَعْدِلُوْا﴾

«*Бирор қавмни ёмон кўришингиз сизларни уларга нисбатан адолатсизлик қилишга олиб бормасин.*»

Пайғамбаримиз ўз саҳоба ва ёронларига ҳатто жанг майдонида ҳам ахлоқий фазилатларга риоя қилиб, ҳарбийсизларга хужум қилмасликка, жанг пайти дарахтларни йўқ қилмасликка, душман сувларини ифлослантирмасликка, қўлга тушган ҳарбий асирлар билан яхши муомалада бўлишга ва шунга ўхшаш ўнлаб дастурларга бўйин суннишни буюрардилар ва ул ҳазратнинг ўзлари биринчи бўлиб ушбу йўл-йўриқларга амал қилар эдилар.

\*\*\*

6. Ҳазратнинг қилган даъватлари муҳитга шу даражада кучли таъсир ўтказган эдики, душманлар инсонларнинг у зотга яқинлашишидан қаттиқ кўрқишар ва бошқаларга ҳам яқинлашманглр, деб айтишар эди. Негаки, ул ҳазратнинг

жозибалари фавқуллода ва ўта таъсирли эди. Шу боис, ул зот маъруза қилганларида, мабодо одамлар ҳазратнинг сўзларини эшитиб, ундан таъсирланиб қолишмасин ва ул зотнинг жозибадор нутқлари ташна қалбларда таассурот қолдирмасин, деб душманлар атайлаб бақириб шовқин-сурон кўтаришар эди. Шунинг учун, душманлар ислом пайғамбарининг мўъжизаомуз нуфузининг олдини олиб, даъватларига тўғаноқ солиш мақсадида у ҳазратни сеҳргар ва сўзларини сеҳр, деб айтишар эди. Уларнинг бундай хатти-ҳаракатлари сарвари оламнинг даъватлари ҳайратланарли даражада куч ва таъсирга эга эканини шунчаки эътироф этиш эди.

\*\*\*

7. Ислом пайғамбарининг тутган йўллари ва қилган фидокорликларидан маълум бўладики, ул зот ҳаммадан кўра, ўзлари келтирган динга ишонувчан, содиқ ва вафодорроқ эдилар.

Баъзи жанг майдонларида янгитдан исломга кирган айрим саҳобалар қочиб кетганларида у ҳазрат устивор турардилар, душманлар турли йўллар билан, баъзан тамагир қилмоқ, гоҳида таҳдид этмоқ ва баъзида ҳийла-найранг каби ҳар қандай услублардан фойдаланишмасин, ул зот уларнинг қаршисида асло ортга чекинмай, иккиланмаган ҳолда ўз иймон ва эътиқодларида мустаҳкам ва устивор бўлдилар ва ҳаргиз заррачалик кучсизланиб қолмадилар.

\*\*\*

8. Бир неча мартаба ул ҳазратни душманлар муроса йўлини тутишга ва ҳақ йўлдан оғдирувчилар билан ўзаро келишувли муносабатда бўлишга ундаб, кўп ҳаракат қилишди, бироқ Пайғамбаримиз (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) уларнинг таклифини рад этиб, таслим бўлмаган ҳолда: «*Агар бир қўлимга қуёшни ва бошқа қўлимга ойни қўйсангиз ҳам, ҳаргиз бу йўлдан қайтмайман*<sup>1</sup>» – деб жавоб бердилар.

\*\*\*

---

1. Ушбу ҳадис шарифнинг маъноси; агар бутун коинот ва борлиқни менга бўйин сундириб, уларни менинг ихтиёримга топширсангиз ва бунинг эвазига мени тутган йўлимдан ва кўзлаган мақсадимдан ортга чекинишимни сурайдиган бўлсангиз, шуни билингизки, мен ҳаргиз бу йўлдан қайтмайман.

9. Пайғамбаримиз даъватлари нафақат жамоатчилик фикрига таажжубланарли ҳолда таъсир қилган эди, балки ушбу таъсирнинг тезлик билан ёйилиши ҳам фавқулодда ва ғайритабиий эди. Ғарблик шарқшунос олимларнинг бу ҳақда битган асарларини мутолаа қилиб чиқсак, улар исломнинг пайдо бўлиши ва тезлик билан бутун жаҳонга ёйилишидан ҳайрон қолганликларининг шохиди бўламиз. Мисол тариқасида; таниқли бўлган ушбу ғарблик олимлардан уч нафари «*Араб дунёси тамаддуни ва унинг шарқдаги асослари*» номли китобларида ушбу ҳақиқатни очиқ-ойдин тан олиб, шундай дейдилар:

*«Биз исломни тезлик билан бутун оламга ёйилганининг сабабини ўрганиш учун қилган барча саъю ҳаракатимизга қарамасдан ислом қандайига бир асрдан озроқ вақт ичида дунёнинг тамаддун соҳиби бўлган катта қисмига нуфуз қилиб, уларни эгаллаб олганининг сабабини била олмадик. Бу масала биз учун ҳанузгача муаммо бўлиб қолган.»*

Чиндан ҳам қандай қилиб, ислом ўша замондаги алоқа воситалари орқали ҳайратланарли суръатда миллионлаб инсонлар қалбининг тубидан чуқур ўрин эгаллаб, жаҳондаги мавжуд тамаддунларни емириб ўрнига янги тамаддун яратган экан? деган саволга жавоб бериш бутунги кунга қадар муаммо бўлиб келмоқда.

\*\*\*

10. Охири шундай хулосага келамизки, пайғамбаримиз Муҳаммад (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) билан душманлик қилган шахслар, кофирлар ва мушрикларнинг бошлиқлари, кибр-ҳавога берилган золим ва мустабид, худбин бойлар тоифасидан бўлишган эди. Ҳолбуки, ул зотга иймон келтирганлар эса кўпинча қалби пок ёшлар, ҳақиқатни изловчи фақир-муҳтож ва маҳрум инсонлар бўлишган, ҳатто улар орасида куллар ҳам бор эди. Уларнинг қалбида поклик, софлик, оқ кўнгиллик ва ҳақиқатга ташналиқдан бошқа сармоялари бўлмаган инсонлар эди.

Қилинган қисқа таҳлиллардан кўришиб турганидек, Пайғамбаримиз (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)нинг



даъватлари илоҳий даъват бўлган бўлиб, ул ҳазратнинг даъватлари ғайб оламидан келаётган ҳидоят нури эди. Сарвари олам бутун башариятни ширк, фасод, бузғунлик, зулм ва адолатсизлик ҳамда жаҳолат зулматидан чиқариб, ёруғ оламга ва абадий бахт-саодатга етаклаш учун коинотларни яратувчи зот бўлмиш Аллоҳ таоло томонидан юборилган эдилар.

\*\*\*

### **Ўйлаб жавоб беринг:**

1. Пайғамбаримизнинг ҳаққонийликларини исбот қилиш учун мўъжиза келтиришдан бошқа йўли ҳам бормиди? Ва у қандай йўлдир?
2. Белги ва нишоналарни кўздан кечириб уларни бир жойда тўплаш керак, деганда қандай белги ва нишоналар назарда тутилади? қандай масалалар устида кўпроқ фикр юритмоқ даркор?
3. Арабларнинг исломдан олдинги ва кейинги вазиятларини муқояса этиш билан бу борада бирор нарсани англай оламизми?
4. Арабларга ёки бутун жаҳонга доир жоҳилият даври ҳақида нималарни биласиз? қисқача баён қилиб беринг.
5. Нима учун ислом душманлари Пайғамбаримиз (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)ни сеҳргарликда айблашар эди?

## 10- ДАРС:

---

### Ислом пайғамбари - Аллоҳ юборган пайғамбарларнинг сўнггиси

---

Хотамият (сўнгги юборилганлик)нинг аниқ маноси;

Ислом пайғамбари ҳазрати Муҳаммад Мустафо (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) Аллоҳ йўллаган пайғамбарларнинг сўнггиси бўлиб, пайғамбарлик сулоласи ул зот билан якунланади. Ушбу масала ислом динининг зарурий шартларидан бири ҳисобланади.

Зарурий шартлардан бири деганимизнинг маъноси ўзини мусулмон, деб билган ҳар бир инсон истисносиз ислом пайғамбари «*пайғамбарларнинг охиригиси*» эканига эътиқод қилиб, ушбу ҳақиқатга тўла ишонади ва бу уларнинг назарида ойдин ва қатъий масаладир. Мусулмонлар билан алоқада бўлган ҳар бир шахс уларнинг диний эътиқодига кўра, «*тавҳид (яккахудолик)*» асл ва асос эканини билганидек, шунингдек, «*Ислом пайғамбари Аллоҳ юборган пайғамбарларнинг сўнггиси*» эканлигига барча мусулмонлар яқдиллик билан ишонишларини ва мусулмонларнинг ҳеч бир гуруҳи янги пайғамбар келишининг интизорида бўлмаганини яхши билади.

Дарҳақиқат, башариятнинг такомиллашиши учун, ҳидоятчи қилиб йўлланган пайғамбарлар орқали инсоният ўзининг такомил топиш йўлида турли босқичларни босиб ўтиб, ўзини тутиб ололадиган даражада тараққиёт ва камолот поғонасига етишган ва ислом динининг кенг қамровли таълимоти ва дастурларидан фойдаланиб, ўз муаммо ва мушкулларини ҳал эта олади.

Бошқа сўз билан айтганда: Ҳазрати Расулulloҳ (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) нинг набийлик даврларига келиб, умуман

башариятнинг нисбатан ривожланган даври бўлгани учун, ислом динининг ўзи охирги марра, яъни камолотгача инсонни етаклаш қудратига эга ва бошқа янги динга эҳтиёж йўқ эди. Зероки, ислом ҳар тарафлама баркамол ва етук дин бўлиб, унинг қонун-қоида ва дастурлари ҳаётнинг бутун қирраларини назарга олган ва башариятнинг улғайиши ва баркамол бўлиши учун кенг қўламли йўл-йўриқларни баён этган юксак бир диндир. Эътиқодий ва мафкуравий нуқтаи назардан бағоят теран мазмунга эга бўлган энг мукамал таълимотларни, амал жиҳатидан эса инсониятнинг ҳамма давр ва асрда ҳаёт кечириши учун муносиб келадиган ва унинг барча эҳтиёжини қондира оладиган кўрсатмаларни кўрсатган. Шунинг учун, ислом дини инсон тараққиётининг ҳамма жиҳатларини назарда тутган комил дин саналади.

### **Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.о) Аллоҳнинг сўнги пайғамбари эканлигига далиллар;**

Бу мавзунини исботлаш учун кўп далилларимиз мавжуд. Шулар орасидан энг ёрқин бўлган уч далилни келтирамиз:

1. Хотамият, яъни охирги пайғамбарлик ёки сўнги юборилганлик масаласи ислом динида зарур ҳисобланган масалалардан биридир. Айтиб ўтганимиздек, жаҳондаги ҳамма мусулмонлар бу ақидага ҳамфикр ва ҳамжиҳат бўлиб ёндашадилар. Шунга биноан, кимки ислом динини ақл ва мантиққа таянган ҳолда етарли далиллар билан қабул қилган бўлса, хотамиятни ҳам қабул қилишидан ўзга иложи йўқдир. Негаки, ўтган дарсларда ислом динининг ҳаққонийлигини етарли далиллар билан исботлаган эдик. Шу боис, хотамиятни ҳам ислом динининг ажралмас зарур бир бўлаги каби қабул қилишимиз шарт.

2. Қуръони Каримнинг оятлари ҳам хотамиятга далолат қиладиган равшан далиллардандир:

﴿مَا كَانَ مُحَمَّدٌ أَبَا أَحَدٍ مِّن رِّجَالِكُمْ وَلَكِن رَّسُولَ اللَّهِ وَخَاتَمَ النَّبِيِّينَ وَكَانَ اللَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمًا﴾

*«Муҳаммад сизларнинг эркакларингиздан бирортасининг отаси эмасдир, балки у Аллоҳнинг элчиси ва пайғамбарларнинг сўнгисидир. Аллоҳ ҳар бир нарсани ўта билгувчидир.»* (Аҳзоб сураси; 40 – оят).

Қуръони Каримнинг ушбу таъбири шундай бир замонда айтилган

эдики, араблар орасида ўтай ўғил масаласи кенг ривожланган бўлиб, бировнинг боласини ўзининг ўғли сифатида танлаб уни қабул қилиб олишар эди. Бундай «ўғиллар» оиланинг ҳақиқий фарзанди каби бемалол ўша оилага кириб келар ва оила азоси учун маҳрам ҳисобланар ва ҳатто уларнинг меросхўри ҳам бўлар эдилар.

Бироқ, ислом дини келиб, бу жоҳилият урф-одатини бекор қилиб деди: *«Ўғил қилиб олинганлар ҳаргиз шарият қонунига биноан, ҳақиқий фарзанд ҳуқуқига эга эмасдирлар.»* Жумладан Зайд Пайғамбаримизнинг ўғиллари ўрнида қабул қилинган эди ва ҳамма уни Зайд бин Муҳаммад деб чақиришар эди. Аммо нозил бўлган юқоридаги ояти карималар Зайдни Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг ўғли эмаслигини уқтириб, бизларга икки муҳим хабарни етказди: *«Бири- бировнинг боласини ҳақиқий фарзанд ўрнида қабул қилиб олмай, ислом пайғамбарини ўзингиздан бўлган бирор кишининг отаси, деб билмангиз. Иккинчиси эса ул зотни унга хос бўлган икки ҳақиқий сифат билан тилга олингиз; Бири «Аллоҳнинг элчиси» бўлса, бошқаси «Аллоҳ йўллаган пайғамбарларнинг сўнггиси»дир.»*

Қуръоннинг ушбу таъбиридан маълум бўладики, ислом пайғамбари Аллоҳ юборган пайғамбарларнинг сўнггиси эканликлари ул ҳазратнинг набийлик ва расулликлари каби ҳаммага аён ва сўзсиз бир масала бўлган.

Бу ерда юзага келадиган биргина савол шундан иборатки, «хотам» сўзининг ҳақиқий маъно-мазмуни нимадир?

Араб тилида «хотам» сўзи «хатм» ўзагидан олинган бўлиб, тугатувчи ёки якунловчи маъносини ифодалайди ва шунинг учун «хотам»ни муҳр, деб ҳам таржима қилиш мумкин. Нега деганда, ёзиб битилган мактуб сўнггида босиладиган асбобга «муҳр» деб, айтишган. Қадимда бирор нома ёки муҳим бир ҳужжат ёзиладиган бўлса, унинг охирида ёзган одам имзо ўрнига узугининг кўзига битилган нақшлар билан муҳр босган ва бу билан мактуб тугалланганини билдирган. Шунинг учун, араб тилида узукка «хотам» дейилган. Асосан ҳар бир шахс узугининг қошига ўзига хос бўлган нақш ва тасвирлар ёки ўз исмини ўйиб туширган бўлиб,

ёзган мактубининг сўнггида узугининг қоши билан муҳр босар эди.

Ривоятларда келтирилишича, Расулulloҳ (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) ўша замон подшоҳлари ва ҳукмдорларига мактуб ёзиб, уларни исломга чақирмоқчи бўлганларида, саҳобалар ул ҳазратга дедилар: Ажам тоифасидан бўлган подшоҳлар одатда муҳр босилмаган мактубни қабул қилишмайди. Ўша вақтгача ёзган номалари муҳрсиз ва содда бўлган Пайғамбаримиз узукларининг қошига **ЛО ИЛОҲА ИЛЛАЛЛОҲ МУҲАММАДУР РАСУЛУЛЛОҲ** иборасини ўйиб тушуришга буюрдилар. Шундан сўнг, ул жаноб ўз мактубларининг остига ушбу ибора битилган узуклари билан муҳр босар эдилар.

Ушбу таҳлилга биноан, «хотам» сўзининг асл маъноси ишни поёнига етказувчи ёки тутатувчи деганидир.

3. Кўпгина ривоят қилинган ҳадисларда Пайғамбаримиз Аллоҳнинг сўнгги элчиси ва набийси эканлиги очиқ-ойдин исботланган. Жумладан қуйидаги ҳадисларни эътиборингизга ҳавола этамиз:

Жобир бин Абдуллоҳ Ансорий Пайғамбаримиздан ривоят қилган мўътабар ҳадисда, ул зот шундай деб, марҳамат қилдилар: «*Мен пайғамбарлар ичида худди қурилайётган бинонинг сўнгги гишти кабидирман. Ҳар ким бу бинога боққанда; «қандай гўзал бино экан, лекин бир дона тирқиши очиқ қолиб, бу ернинг кўринишини бузиб тургандек» – дейди. Мен эса ана шу улкан бинони тўлиқ ва комил қилиш учун қўйилган охирги гишт бўлиб, барча пайғамбарлар менга келиб тугаган.*» (Мажмаъул Баён тафсиридан нақл қилинди)

Имом Содиқ (*алайҳис салом*) айтадилар:

«*حَلَالٌ مُحَمَّدٍ 7 حَلَالٌ أَبَدًا إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ وَحَرَامٌ أَبَدًا إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ*»

«*Ҳазрати Муҳаммад (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) нинг ҳалоли то қиёматгача ҳалол ва унинг ҳароми то қиёматгача ҳаромдир.*»<sup>1</sup>

Шиа ва суннийларнинг мўътабар китобларида ҳазрати Али (*алайҳис салом*) ҳақларида ривоят қилинган машҳур ҳадисда Пайғамбаримиз Алига қараб:

1. Усули кофи, 1-жилд, 58-бет.

«أَنْتَ مَنِّي بِمَنْزِلَةِ هَارُونَ مِنْ مُوسَى إِلَّا أَنَّهُ لَا نَبِيَّ بَعْدِي»

«Сенинг меним наздимдаги мартабанг Хоруннинг Мусо наздидаги манзилати сингаридир, фақат фарқи шундаки, мендан сўнг, ҳеч бир пайгамбар келмас», деб марҳамат қиладилар ва бошқа ўнлаб ҳадислар даъвомизга далил бўла олади.

Ислом пайгамбари Аллоҳнинг сўнги пайгамбари экани ҳақида кўплаб саволлар туғилган; уларнинг айримларига таважжух (диққат) қилмоқ лозимдир:

1. Агар пайгамбарларнинг Аллоҳ томонидан йўлланиши улкан илоҳий бир файз бўлиб, башариятнинг рушду ҳидояти учун бўладиган бўлса, нимага бизнинг замонимиз бундай буюк файзу неъматдан маҳрум ва бебаҳра бўлиши керак экан? Нега биз яшаётган аср халқининг ҳидояти учун яна бошқа бир янги пайгамбар келмас экан?

Бу саволни илгари сурганлар дарҳақиқат, бир масалани назарга олмаганлар. У ҳам бўлса, бу замон одамларининг уларга пайгамбар келишидан бебаҳра ва маҳрумликлари, уларнинг лаёқатсизликлари туфайли эмас, балки бунинг далили шундан иборатки, башарият карвони маърифат ва огоҳлик йўлида тараққиётнинг юксак даражасига етишган бўлиб, ислом пайгамбарининг ҳаётбахш таълимотларига амал қилсалар, рушду ҳидоят йўлини топа оладилар. Шунинг учун, инсонлар янги пайгамбар келиши ва янги шариат келтиришига асло эҳтиёж сезишмайди.

Шу ўринда бир мисол келтирмоқчимиз: Аллоҳ таоло инсонлар ҳидояти учун юборган «Улул азм» пайгамбарлар, яъни янги самовий ва илоҳий китобга эга, янги шариат ва кўрсатмалар келтирувчи пайгамбарлар беш нафардан иборат. Улар ҳазрати Нуҳ (*алайҳис салом*), ҳазрати Иброҳим (*алайҳис салом*), ҳазрати Мусо (*алайҳис салом*), ҳазрати Исо (*алайҳис салом*) ва ҳазрати Муҳаммад Мустафо (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)лар бўлиб, бирин-кетин ҳидоят байроғини қўлга олиб, тарихнинг хос бир босқичида инсонларнинг ҳидоят ва такомил топиши учун саъй-ҳаракат қилганлар ва башарият тўдасини бир босқичдан олиб ўтиб, кейинги босқичда уларни сўнги «Улул азм» пайгамбарга топширганлар. Охирги пайгамбарга келганда, бу давр инсоният карвони маърифат

нуқтаи назардан мақсадга анча яқинлашиб қолган эди ва шунингдек, йўлни давом эттиришга қодир эди, шу боис, Пайғамбаримиз келтирган сўнги шариатдан бошқа бир янги шариатнинг келишига эҳтиёжи йўқ эди. Масалан; башариатни таҳсил олувчи бир шахсга ўхшатадиган бўлсақ, ўқиш ва таҳсил олишнинг беш босқичини босиб ўтиб, битирувчилик поғонасига етишади.

Аввал ўрта мактаб таълими, сўнгра ўрта махсус таълим, кейин магистрлик, ундан сўнг аспирантлик ва сўнги босқич эса докторликдир. (Таъкидламоқ лозимки, ўқиш ва таҳсил олишдан фориғ бўлиб, битирувчилик даражасига ноил бўлишнинг маъно-мафхуми йўқдир, балки бундан кўзланган мақсад ўзи мустақил равишда йўлни давом эттира олишидир.)

Агар бирор шахс докторлик диссертасиясини ёқлаб, профессорлик даражасигача ета олса, бундан кейин бу олим таҳсил олиш учун олий ўқув юртларига бормайди ва бунинг маъноси таҳсил олишга лаёқатсиз ва яроқсиз дегани эмас, балки бундай шахс етарли маълумотга эга бўлиб, қўлга киритган маълумотлар ёрдамида илмий муаммо ва масалаларни ечишга қурби етади ва мустақил равишда мутолаа ва тадқиқот ишларини давом эттириб, билимини кундан кунга юксалтира олади дегани.

Ислом дини келиши билан одамлар ана шундай етуклик даражасига эришганлар ва улар ҳидоят йўлида бўлишлари учун фақат келтирилган сўнги дин, яъни ислом таълимотларига амал қилсалар, кифоядир. Ҳақиқатга ноил бўладилар.

2. Агар инсоният жамияти кун сайин тараққий этаётган бўлса, қандайига ислом динининг ўзгармас, турғун қонун-қоидалари ва таълимотларига таяниб, янги муаммолар ва ўзгаришларга жавоб бера олиш мумкин?! деган савол туғилади.

Мазкур саволга жавобан шуни айтишимиз лозимки, ислом динида икки хил қонун-қоидалар мажмуи мавжуддир. Бири инсоннинг хос хислатлари сингари ўзгармас ва қатъий қонунлар бўлиб, тавҳид ва яккаҳудоликка эътиқод қилишнинг лозимлиги, адолат асосида иш кўриш, зулм-ситам ва инсонлар ҳуқуқини оёқ ости қилишга қарши курашмоқ ва бошқаларни ўз ичига олади.

Иккинчиси эса кенг қамровли ва умумлашма қонун-қоидалар тизмаси бўлиб, кишилиқ ҳаётига оид мавзулар-нинг ўзгаришига

қараб янги тус олади ва ўзининг умумий назариясига асосланиб, ҳар бир замоннинг ўзгарувчан масалаларини ҳал қилиб, ўша даврга хос эҳтиёжларни бартараф қила олади.

Мисол тариқасида; *أَوْفُوا بِالْعُقُودِ* «Аҳдингизга вафо қилинг» деган маънодаги қонун, Ислондаги кенг қамровли ва умумий қонунлар жумласидандир.

Шубҳасиз, замон ўтиши билан ижтимоий, тижорий ва сиёсий соҳаларда янги турдаги фойдали битим ва шартномалар юзага кела бошлайди ва юқоридаги умумлашма ва кенг қамровли қонунни назарга олиб ушбу янги масалаларга жавоб бера оламиз.

Ва шунингдек, ислонда яна шундай умумий ва кенг қамровли қонунлардан бири «قاعدة لاضرر» «Ислонда зарар йўқдир» қонунидир. Ушбу қонунга кўра, бирор инсонга ёки жамиятга зарар етказадиган ҳукм ва қонун чекланмоғи ва тақиқланмоғи лозим.

Кўриб турганимиздек, ислондаги бундай умумлашма ва кенг қўламли қонунлар қанчалик ишни ҳал қилувчи ва мушкулларни бартараф этувчидир. Бу турдаги қонун-қоидалар ислон динида жуда кўп бўлиб, мана шундай умумлашма ва кенг қўламли қонун ва аҳкомлардан фойдаланиб, ислон ҳукуматидаги мураккаб муаммо ва мушкулларни ҳал қила оламиз.

\*\*\*

3. Шубҳасиз, биз мусулмонлар ислон оламида рўй берадиган турли масалаларга дуч келганимизда илоҳий раҳбар ва йўлбошчига муҳтождирмиз. Пайғамбаримизнинг йўқликлари ва ул зот ворисларининг ғойиблиги чоғида мусулмонлар раҳбарсиз ва йўлбошчисиз қолишади. Хотамият (сўнги пайғамбарлик) масаласини назарга оладиган бўлсак, демак, бошқа пайғамбар келишини кутмоқлик маъносиздир. Шунга биноан, ислон уммати-нинг раҳбарсиз қолиши масаласини қандай ҳал қилиш мумкин?

Ушбу саволнинг ечими ислон динида олдиндан назарда тутилган бўлиб, пайғамбар ва унинг вориси бўлмаган вақтда ҳам ислон уммати раҳбарсиз қолмаслиги учун «*Вилояти фақиҳ*» деган назария илгари сурилган. «*Вилояти фақиҳ*» деб, белгиланган барча шарт-шароитларга эга бўлган, илм ва тақво ҳамда сиёсий огоҳлик



даражаси жуда ҳам юқори бўлган фақиҳ ва мужтаҳид олимнинг мусулмонлар жамиятига раҳбарлик ва йўлбошчилик қилишига айтилади. Бундай шахсни таниб олиш учун исломда очиқ-ойдин йўл-йўриқлар кўрсатилган. Бинобарин, энг муносиб ва лойиқ фақиҳ ва мужтаҳид олим ислом уммати учун раҳбар этиб сайланади. Шунинг учун, бу масала борасида, яъни мусулмонлар жамиятига диний раҳбар танлашда ҳавотирланишга ўрин йўқдир.

Демак, «*Вилояти фақиҳ*» бу – пайгамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) ва ул зотнинг ворислари бўлмиш имомларнинг йўлини давом эттирувчи чуқур асоста эга бўлган буюк тузим бўлиб, мусулмонларни ғайбат асрида<sup>1</sup> раҳбарсиз қолиш мусибатидан нажот беради. Шунинг учун, бутун шарт-шароитларга молик бўлган етукли фақиҳ ва мужтаҳиднинг ислом умматига раҳбарлик қилиши мусулмонлар жамиятининг раҳбарсиз ва йўлбошчисиз ўз ҳолига ташлаб қўйилмаганидан дарак беради<sup>2</sup>.

\*\*\*

### **Ўйлаб жавоб беринг:**

1. Хотамиятнинг аниқ маъноси нимадир?
2. Қуръон оятларидан хотамиятни қандай қўлга киритиш мумкин?
3. Нимага бизнинг замонимиз халқи Аллоҳ томонидан пайгамбар юборилишидан маҳрумдирлар?
4. Ислom қонунлари неча қисмдан иборат? Қандайига ислом дини бизнинг замонимиз эҳтиёжларига ҳам жавоб бера олиш қудратига эгадир?
5. Ислom жамияти диний раҳбарсиз ҳаёт кечира оладими? Бизнинг замонимизда раҳбарлик масаласини қандай қилиб ҳал қила олиш мумкин?

---

1. Ислom умматининг ўн иккинчи имоми ва йўлбошчиси бўлмиш ҳазрат Маҳдий (*ажжалаллоҳу фаражаҳу*)нинг кўзлардан ғойиб бўлган даврга «*ғайбат асри*» дейилади.  
 2. Батафсил маълумот учун ушбу муаллифнинг «*Ислom ҳукумати назарияси*» номли китобига мурожаат қила оласиз.



---

---

## ИМОМШУНОСЛИК ҲАҚИДА ЎН ДАРС

---

---

## 1- ДАРС:

### Имомат мавзусида баҳслашиш қачондан бошланган?

Ҳазрати пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)дан сўнг, мусулмонлар икки гуруҳга бўлиниб кетганини биламиз:

Бир гуруҳ Пайғамбаримиз ўзларидан кейин ўринбосар ва ворис тайинламай, бу ишни умматнинг зиммасига топширганлар ва улар ўз ораларидан ўзлари учун раҳбар сайлаб олишлари лозим деб, эътиқод қиладилар. Ушбу гуруҳга «*аҳли суннат*» деб, айтилади.

Иккинчи гуруҳ эса Пайғамбаримизнинг халифа ва ворислари ул зотнинг ўзларидек, гуноҳ ва саҳв-хатолардан маъсум ва пок, умматга «*маънавий ва моддий*» жиҳатдан раҳбарлик қила оладиган ҳамда исломнинг пойдеворини сақлаб қолиб, уни давом эттира оладиган даражада теран илмга эга бўлмоғи зарур деб, эътиқод қиладилар.

Уларнинг эътиқодича, бундай хусусиятларга эга бўлган шахсни раҳбар ва йўлбошчи этиб тайинлаш фақат Аллоҳ тарафидан ва Пайғамбаримизнинг тилларидангина амалга ошиши мумкиндир, холос. Пайғамбаримиз бу ўта муҳим ишни амалга ошириб, ҳазрати Али (*алайҳис салом*)ни ўзларининг ўринбосар ва ворислари этиб тайинлаганлар. Бу гуруҳ эса «*имомия*» ёки «*шиа*» деб, ном олган.

Бизнинг ушбу мавзуда кўзлаган мақсадимиз – имомат масаласини ақлий, тарихий ва Қуръоний далилларга таяниб ҳамда Пайғамбаримизнинг суннатларига асосланиб исботлашдан иборат. Ушбу масалага киришишдан олдин бир неча нукталарни<sup>1</sup> айтиб ўтишни зарур топдик:

---

1. Нозик ва ингичка масалалар.

## 1. Имомат масаласи ихтилоф келтириб чиқарадими?

Баъзилар имомат мавзусида сўз очилиши биланок, дарҳол бугунги кунда бу ҳақда баҳслашадиган замон эмас деб айтадилар! Улар «бугунги кун мусулмонларнинг бирлашиш кунидир ва биз шу ҳақда сўз юритишимиз керак, *Пайгамбаримизнинг ворислари ва ўринбосарларидан сўз очмоқ ихтилоф ва парокандалик келтириб чиқаради. Ислом душманлари бўлмиш бизнинг муштарак душманимиз, сионистлар, шарқ ва ғарб мустамлакачи-ларидан иборат. Улар эндиликда бизга ҳар тарафлама таҳдид қилаётганда имомат масаласини чекага чиқариб, улар ҳақида сўзламаслигимиз лозим*» - деб айтишади. Бироқ бу тарзда фикр юритмоқ нотўғри ва хатодир, зеро:

**Биринчидан;** Ихтилоф ва тарқоқликни келтириб чиқарувчи омиллар; таассубомуз ва ғайримантиқий тортишув, низолар ҳамда душманлик ва адоват юзасидан қилинадиган қўпол муомалалардир. Аммо агар мантиқий равишда фикрлаб илмий далиллар келтириб, мутаассиблик, ўжарлик ва қўполликдан йироқлашиб, холисона ва самимий ҳолда суҳбат қилинса, имомат масаласи нафақат ихтилоф ва тафриқа келтирувчи эмас, балки қайтанга мусулмонларнинг ўртасидаги масофани озайтириб, уларнинг бирлашувини кучайтиришда хизмат қилади.

Мен ҳам Ҳижозга қилган қўплаб сафарларимда аҳли суннат уламолари билан имомат ҳақида баҳслашганман. Шунда ҳам сунний олимлари ва бизлар ҳам бу масала нафақат бизнинг ўзаро алоқа сақлашимизга салбий таъсир кўрсатмайди, балки ўзаро тушунишга ва бир-биримизга яхши фикрда бўлишга олиб келиб, ўртамиздаги оралиқларни озайтириб, нотўғри тушунчадан ҳосил бўладиган гинакудуратларга барҳам беради, деган хулосага келганмиз.

Муҳим нарса шундан иборатки, имомат масаласини кўпроқ ёритиш билан биз ва аҳли суннатнинг ўртасида қўплаб муштарак нуқтаи назарлар борлиги ойдинлашади ва шунинг билан бирга, биз исломнинг муштарак душманлари қаршисида бирлашишимизга ёрдам беради.

Аҳли суннатнинг ўзи ҳам тўрт мазҳабга бўлинган (ҳанафий,

шофеий, ханбалий, моликий). Аммо бу тўрт мазҳабнинг борлиги уларнинг ўртасига ихтилоф ва тафриқа тушишига сабаб бўлмаган. Агар улар ҳеч бўлмаганда шиаларни ҳам фикҳий жиҳатдан бешинчиси мазҳаб ўрнида кўриб уни қабул қилишса эди, кўпгина тафриқа, ихтилоф ва ажратишларнинг олди олинган бўлар эди. Шунингдек, бу охириги йилларда аҳли суннатнинг буюк муфтиси ва Мисрнинг «*Ал-азҳар*» номли олий ўқув юрти раиси «*Шайх Шалтут*» ҳазратлари улкан бир ишга асос солиб, шиа мазҳабининг фикҳини исломий бир мазҳаб деб расмий равишда тан олди ва шу орқали исломий гуруҳларнинг ўзаро бир-бирларини тушунишларига ижобий таъсир кўрсатди. Бу ўринда марҳум оятулоҳ «*Буружердий*» (шиаларнинг йирик уламолари ва мужтаҳидларидан бири)нинг ҳиссаси ҳам жуда каттадир. Бу икки буюк шиа ва сунний олимлари орасида эса дўстона алоқа тузилди.

**Иккинчидан;** Бизнинг эътиқодимизча, шиа мазҳаби исломнинг асл тўғри йўли бўлиб, бошқа мазҳабларга қараганда исломни яхшироқ намоён эта олади. Айни пайтда биз барча ислом мазҳабларига эҳтиром кўзи билан қараймиз, бироқ шиа мазҳаби ҳақиқий исломнинг бутун қирраларини тўлақонли ва баркамол шаклда таниттира олади ва исломий ҳукумат қуришга оид масалаларни яхши еча олади, деб эътиқод қиламиз.

Нега энди биз ўз фарзандларимизга шиа мазҳаби моҳиятини мантиқ ва далилга асосланиб, таълим бермас эканмиз?! Агар бу ишни қилмасак, шак-шубҳасиз, уларга хиёнат қилган бўламиз.

Биз қатъият билан айтамикки, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) ўзларидан сўнг ўринбосар, халифа ва ворис тайинлаб кетганлар ва шунинг учун, бу ҳақда мантиқий равишда далиллар келтириш билан баҳс юритадиган бўлсак, бунинг нима айби бор?

Лекин бу суҳбатларда эҳтиёт билан иш кўришимиз керак бўлади, токи бошқа мазҳабдагиларнинг ҳиссиётига тўқиниб, уларнинг қалбини жароҳатлантириб қўймайлик.

**Учинчидан;** Ислом душманлари мусулмонлар бирлиги-нинг асосига барҳам бериш учун шиалар ҳақида суннийларга ва

шунингдек, суннийлар ҳақида шиаларга шунчалик ёлғон-яшиқ сўзлар, тухматлар ва уйдирма гаплар тўқиганларки, айрим ислом ўлкаларида уларни буткул бир-биридан узоқлаштириб қўйганлар.

Агар бу икки гуруҳ ўтириб имомат каби масалалар устида биргаликда очиқ-ойдин сўз юритсалар ва шиа эътиқод қиладиган масалаларни Қуръон ва суннатдан далиллар келтириб, ёритиб берсак, шунда душманнинг тарғиботи ёлғон экани ва муштарак душманмиз заҳар сочаётгани маълум бўлади.

Мисол тариқасида; Арабистонга қилган сафарларимдан бирида Саудия мамлакатининг биринчи даражали диний олими билан мулоқотда бўлиб, унинг билан илмий баҳс юритганимда менга қараб: «*Эшитишимча, сиз шиаларнинг Қуръонингиз бизникидан фарқ қилиб, бошқача Қуръонин-гиз бор экан*» – деб айтса бўладими?!

Мен унинг бу сўзидан жуда ажабланиб, унга шундай дедим: Биродар, бу масалани аниқлай олиш жуда ҳам осон!

Биринчидан; биз фойдаланадиган Қуръонларнинг кўпи Хижоз, Миср ва бошқа Ислом ўлкаларида чоп этилган. Иккинчидан эса, сиз шиалар истиқомат қиладиган хонадонларга ва уларнинг масжидларига борсангиз, шунга гувоҳ бўласизки, у ердаги Қуръони Каримлар билан сизнинг ўлкангиздаги Қуръонлар ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқдир. Балки бундай уйдирмалар, шиалар ва суннийларнинг ўртасига раҳна соладиган Ислом душманларининг ҳийла-найрангидир, холос.

Шубҳасиз, бу дўстона суҳбатимиз таниқли буюк олимнинг онгида бўлган ана шундай катта тухмат ва шубҳанинг олдини олиб, ҳақиқатни ойдинлаштиради. Шунинг учун бизнинг фикримизча, юқорида айтиб ўтганимиздек, имоматга оид холис илмий баҳслар юритмоқлик, мусулмонлар ўртасидаги бирдамлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлайди ҳамда ҳақиқат маълум бўлишига ва ўртадаги масофалар озайишига қўмаклашади.

\*\*\*

## 2. Имомат нима?

«Имом» сўзи мусулмонлар пешвоси ва раҳбари маъносини англатади. Шиалар ақоидининг асосида эса, «*маъсум имом*» деб,

ҳар жиҳатдан ва ҳамма нарсада Пайғамбаримизнинг ўринбосари ва ворисига айтилади. Фақат фарқи шундаки, Пайғамбар янги таълимотнинг асосчиси бўлса, имом ушбу таълимотни асровчи ва давом эттирувчидир. Пайғамбаримиз (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)га ваҳий нозил бўлади, аммо имомга эса ваҳий нозил бўлмайди ҳамда имом илмини Пайғамбар (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)дан ўрганиб олади ва шунинг учун, имом фавқулодда чуқур ва теран илм соҳибидир.

Шиаларнинг эътиқодича, маъсум имом фақат ислом ҳукуматининг раҳбари бўлмай, балки ислом жамиятининг маънавий ва моддий, зоҳирий ва ботиний ҳамда сиёсий ва иқтисодий, ҳуллас ҳар тарафлама етакчиси ва йўлбошчисидир ва ислом умматини ҳар томонлама бошқариш ва уларга раҳнамолик қилиш имомнинг зиммасига юкланган. Ақоид таълимотларини ва шариати исломия ҳукмларини – ҳеч бир саҳв-хато ва оғишларга йўл қўймай – муҳофазат этиш вазифаси имомнинг зиммасига юкланган бўлиб, у Аллоҳ тарафидан танланган, Унинг холис ва пок бандасидир.

Бироқ аҳли суннат имоматни бундай таъриф ва тафсир қилмайдилар. Улар имомни фақат ислом умматига ҳукмронлик қилувчи ҳукуматнинг раиси деб, биладилар, холос. Бошқача таъбир билан айтганда; суннийлар ҳар бир аср ва замондаги ҳукмдорларни Пайғамбаримиз (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)нинг халифа ва ўринбосарлари ҳамда мусулмонларнинг имоми ва раҳбари деб, ҳисоблайдилар!

Биз келгуси баҳсларимизда ҳар бир аср ва замонда ҳақ динни сақлаб қолувчи ва ҳақиқатни изловчиларга раҳнамолик қилувчи Аллоҳнинг намояндаси бўлмиш пайғамбар ёки маъсум имом ер юзида мавжуд бўлиши зарур эканини исботлагаймиз, иншо Аллоҳ. Агар бир кунни ҳар қандай сабабларга кўра, бундай илоҳий инсон халойиқ кўзидан ғойиб бўлса, унинг томонидан тайин этилган вакиллар (фақиҳ ва мужтаҳид олимлар) ислом аҳкомини тарғиб этиш ва ислом ҳукуматини қуриш ишларини кўрадилар.



**Ўйлаб жавоб беринг:**

1. Бугунги кунда имомат ҳақида баҳс юритмаслик керак дейдиганларнинг бу ҳақдаги мантиқ ва далиллари нима?
2. Бу мантиқ ва фикрга зид ўлароқ, ушбу масаланинг зарурлигини исботлаш учун далилларга асосланган неча жавоб бера олишимиз мумкин?
3. Ислон душманлари қандай йўллар билан мусулмонлар орасига тафриқа ва ихтилоф соладилар? Бунга жавобан мусулмонлар нима қилишлари керак?
4. Сиз ҳам душманларнинг ёвуз қилмишларидан бирини айта оласизми?
5. Шиа ва суннийлар «*имомат*» масаласида қандай тафовутга эгадирлар?

## 2- ДАРС:

---

### Имом мавжудлигининг ҳикмати

---

Пайғамбарларнинг юборилиши зарурлиги хусусида қилган суҳбатларимиздан имомга бўлган эҳтиёжимизни ҳам тушунишимиз мумкин. Чунки, айнан ўша суҳбатимиздаги далилларни имомат масаласида ҳам келтиришимиз мумкин. Негаки, кўп ўринларда уларнинг кўрсатадиган йўл-йўриқлари ва дастуриламаллари айнан бир хил бўлади. Бироқ имомат масаласида бошқа суҳбатлар ҳам бор бўлиб, улар борасида сўз юритишни лозим деб биламиз:

\*\*\*

#### 1. Илоҳий раҳбарлар етакчилигида маънавий камолотга эришиш

Аввало; борлиқ оламнинг гавҳари бўлмиш инсоннинг яратилишидан мақсад нима эканлиги ҳақида сўз юритамиз.

Инсон чексиз камолот бўлмиш ягона Аллоҳ сари ва маънавий камол томон паст-баланд ва узоқ йўлни босиб ўтиши керак.

Шубҳасиз, бу йўлни маъсум раҳбар ва йўлбошчининг раҳнамолигисиз амалга ошириб, самовий ва илоҳий муаллимнинг пешволигисиз бу босқични босиб ўтиш ҳамда кўзланган мақсадга етиб бориш мумкин эмас. Негаки, *«дунё қоронгиликдир, йўлдан озиш хатаридан қўрқиш керак.»*

Тўғри Аллоҳ таоло инсонни ақл ва идрок қудрати билан жиҳозлантирган, унга кучли ва мустаҳкам виждон берган ҳамда унинг ҳидояти учун самовий китоблар йўллаган. Аммо инсон ушбу таквиний<sup>1</sup> ва ташриий<sup>1</sup> имкониятларга эга бўлишга қарамай,

---

1. «Таквиний ирода» деганда, борлиқ оламнинг яратилишига оид бўлган Аллоҳнинг ирода-истаги тушунилади.

тўғри йўлни аниқлаб олишда иккиланиб, қайси томонга йўл олишини билмай, саҳв-хатога йўл қўяди. Шубҳасиз, илоҳий ва маъсум раҳбарнинг бўлиши йўлдан оғиш ва гумроҳлик хатарини бартараф этади. Шунга биноан, *«имомнинг мавжудлигини инсоннинг яратилишидан кўзланган мақсадни такомиллаштириб, ўша мақсадга яқинлаштирувчи ва адашишлардан сақловчи»*, деб билмоқ лозим.

Ақоид китобларида ҳидоятчи имомлар билан таъмин-лаш қоидасига, *«Қоидаи лутф»* дейилади. *«Қоидаи лутф»* -нинг маъноси шундан иборатки, ҳикматли Аллоҳ инсоннинг яратилишдан кўзланган мақсадга эришиши учун керакли бўлган барча имкониятларни унинг ихтиёрида қўйган, жумладан пайғамбарларни йўлламоқ, маъсум имомни тайин этмоқлик лутф қоидаси асосидадир. Акс ҳолда мақсадга хилоф иш кўрган бўлади.

\*\*\*

## 2. Самовий шариатни сақлаш вазифаси

Илоҳий динлар, анбиёлар (пайғамбарлар) қалбига нозил бўлган вақтда, ёмғирнинг қатралари каби тиниқ, шаффоф, зилол, ҳаётбахш ва руҳни парваришловчи бўлади. Аммо булганган қалбларга, кучсиз ёки нопок онларга кириб боргач, тадрижан<sup>2</sup> вақт ўтиши билан ўзгариб хурофот ва бидъатлар билан аралашиб кетади. Шунинг учун, ўзининг аввалги жозибаси ва таъсир кучини қўлдан бой беради ва оқибат, на тарбиявий таъсири бўлади, на ҳақиқатга интилувчиларнинг ташналигини қондиради, на инсоний фазилат уруғини ундира олади.

Шунга биноан, бу ўринда маъсум раҳнамо ва йўлбошчининг тутган йўли беқиёс бўлиб, у ҳамиша дин таълимотларининг кўриқловчиси сифатида дин дастуриламалларининг холис ва мусаффолигини сақлаб қолишда хизмат қилади ҳамда йўлдан оғишлар, адашишлар, ёт ва ноўрин қарашлар, асоссиз ва хурофот

- 
1. Аммо Аллоҳнинг намоз, рўза, закот, хумс, ҳаж ва ... лар каби бизлардан истаган вожиб кўрсатмалари ва шунингдек, гуноҳ ва ҳаромдан сақланишга оид бўлган бўйруқлари, Аллоҳнинг *«Ташриий иродаси»* деб, айтилади.
  2. Аста-секинлик билан, изчиллик билан, даража-бадаража, тадрижий равишда.

ақийдаларнинг олдини олади. Агар дин мана шундай раҳбар ва пешвога эга бўлмаса, қисқа муддат ичида ўзининг аса моҳияти ва холислигини қўлдан бериб қўяди.

Ҳазрати Али (*алайҳис салом*) ўзларининг Наҳжул Балоға номли китобларида бу ҳақда қуйидагича айтганлар:

«اللَّهُمَّ بَلِي لَا تَخْلُو الْأَرْضَ مِنْ قَائِمٍ لِلَّهِ حُجَّةٌ - إِمَامًا ظَاهِرًا مَشْهُورًا وَإِمَامًا خَائِفًا مَعْمُورًا - لِيَلَّا تَبْطُلَ حُجُجُ اللَّهِ وَبَيِّنَاتُهُ»

*«Ҳа шубҳасиз, Аллоҳнинг ҳужжатлари ва очиқ-ойдин белгилари пучга чиқмаслиги учун ҳеч вақт ер юзи Аллоҳнинг ҳужжатини барно этувчи шахсдан; хоҳ ошкор ва зоҳир ҳолда кўзга кўринсин ёки хавфли ҳолда (Аллоҳ изни ила) пинҳон бўлсин, холи бўлмайди.»* (Наҳжул Балоға; 147 – Ҳикмат).

Дарҳақиқат, бу жиҳатдан имомнинг қалби қимматли ҳужжатларни сақловчи ишончли сандиққа ўхшаш бўлиб, унинг ичидаги қимматли ашёлар ўғриларнинг ҳужумидан ва турли ҳодисалардан сақлаб қолинади. Ва бу эса имом мавжудлигининг ҳикматларидан бири ҳисобланади.

\*\*\*

### 3. Умнатга сиёсий ва ижтимоий раҳбарлик қилмоқ

Шак – шубҳасиз, ҳеч бир жамият ва ҳеч бир гуруҳ ижтимоий тузимсиз ва уни бошқарадиган раҳбарсиз ва йўлбошчисиз яшай олмайди. Шунинг учун, қадим замонлардан барча қавм-қабилалар, миллат ва элатлар ўзларига бирор шахсни раҳбар ва бошлиқ қилиб тайинлашар эди. Гоҳида ушбу раҳбарлар солиҳ инсонлар бўлсалар, аксари ҳолларда эса носолиҳ одамлар бўлишган. Кўпинча инсонларнинг раҳбар ва йўлбошчига бўлган эҳтиёжларидан фойдаланиб, амалпараст ҳукмдорлар зўравонлик ва макр-ҳийла йўли билан ўз ҳокимиятларини одамларга мажбуран сингдиришар ва ҳукуматни қўлга киритиш ва салтанатга эришиш учун турли хил зулм – зўравонлик қилишдан ҳам қайтмас эдилар... Бу бир томондан.

Бошқа томондан эса инсон маънавий камолотга етиши учун ёлғиз эмас, балки жамият билан бирга ҳаракат қилмоғи лозим, чунки, ҳар бир шахснинг кучи танҳоликда фикрий, жисмоний,

моддий ва маънавий нуқтаи назардан жуда оз ва ожиздир, бироқ жамиятнинг кучи эса юқори даражададир.

Шундай экан, бутун жамият биргаликда камолот сари йўналиши керак ва бу йўлда тўғри тузим ва қонунчиликка асосланган жамият қурилмоғи лозим. Мазкур жамиятда инсонларнинг истеъдоди гуллаб-яшнамоғи, бузғунчилик ва оғишларга қарши кураш олиб борилмоғи, ҳамманинг ҳақ-ҳуқуқи ҳимоя қилинмоғи ва улкан мақсадларга эришиш учун режалар ва дастуриламалар тузилмоғи ҳамда ҳаракатланиш ва тараққийлашишни озод ва эркин муҳитда ҳамма одамларга сингдирилмоғи лозим.

Бироқ хатокор одамзот бундай буюк вазифани амалга ошириш қудратига эга бўлмагани учун – ўз кўзимиз билан доимо дунёнинг сиёсий раҳбарлари ва ҳукмдорларининг тўғри йўлдан оғиб, катта хатоларга йўл қўйганларининг шоҳиди бўлганимиздек, – Аллоҳ тарафидан вакил қилиб танланган маъсум ва бегуноҳ раҳнамо ва йўлбошчининг бу муҳим ишларга назорат қилмоғи даркордир ва у инсонлар кучидан ва донишмандларнинг илму фикридан фойдаланиш билан бирга, бузғунликлар ва адашишларнинг олдини олмоғи лозим бўлади.

Бу эса имом мавжудлигининг ҳикматларидан бири бўлиб, «Қоидаи лутф»нинг ҳиссаларидан бири ҳисобланади. Яна бир бора айтиб ўтамикки, маълум бир сабабларга кўра, маъсум имом кўздан ғойиб бўлган махсус замонларда инсонларнинг вазифаси маълум бўлиб, биз Аллоҳнинг иродаси ва мадади билан ислом ҳукуматига доир масалаларда бу борада муфассал сўз юритгаймиз.

\*\*\*

#### **4. Ҳужжатни яқунлаш (етказиб қўйиш) зарурлиги ҳақида**

Нафақат тўғри йўлга интилувчи ва ҳидоят бўлишга тайёр инсонлар имом вужудининг ёғдусида, ҳидоят йўлини топиб чексиз камолот сари ҳаракатланишлари керак, балки тўғри йўлдан адашган ва қасддан ҳидоят йўлидан бўйин товлайдиганларга ҳам етказиб қўйиб, ҳужжат ўз ниҳоясига етказилиши лозим бўлади. Шунга асосан, агар уларга жазолаш ваъдаси берилса далил ва ҳужжатсиз бўлмай, улардан бирор кимса қиёматда: «Агар

қўлимиздан тутиб, бизни ҳақ йўлга бошловчи илоҳий раҳбар ва йўлбошчи бўлганида эди, ҳаргиз биз йўлдан озмаган бўлув эдик» - деган узр-баҳона келтира олмасинлар.

Хулоса қилиб айтганда; узр-баҳона келтиришга йўл қолмаслик учун ҳаммага ҳақ йўл далиллари аниқ ва етарли миқдорда кўрсатилиши ва баён этилиши керак бўлади. Билувчиларнинг ирода ва иймонлари комилроқ бўлиши учун ва билмаганлар билиб қўйишлари учун ҳужжат бўлмиш имомнинг ўрни беқиёсдир.

\*\*\*

### **5. Имом- Аллоҳнинг буюк файзи воситаси**

Уламоларнинг аксари – исломий ҳадисларга тобе ўлароқ, – пайғамбар ва имомнинг мавжудлигини инсонлар жамиятида ёки бутун борлиқ оламда инсон организмдаги юракка ўхшатадилар.

Биламизки, агар юрак урса бутун баданга қон етказиб беради ва баданнинг бутун ҳужайраларини озиқлантиради. Маъсум раҳбар инсоният карвонининг бошида кетаётган комил инсон бўлиб, Аллоҳ тарафидан файз-раҳмат нозил бўлишига сабаб бўлади ва ҳар бир шахс нақадар пайғамбар ёки имом бўлмиш илоҳий йўлбошчи билан яқин алоқада бўлса, бу файздан ҳам кўпроқ баҳраманд бўлади. Айтганимиздек, инсон учун юрак зарур бўлгани каби инсоният оламининг танида ҳам бу илоҳий файз воситаси бўлмиш маъсум раҳбар ва йўлбошчининг мавжуд бўлиши зарурдир. (диққат қилинг!)

Албатта, шуни билиб қўйиш керакки, имом ва пайғамбарлар бошқаларга бирор нима ато этиш учун ўзларидан эмас, балки ҳар нимани одамларга берсалар, ёлғиз Тангри таоло тарафидангина уларга ато этилади. Инсон юраги унинг бадани учун илоҳий файз воситаси бўлганидек, пайғамбар ва имом ҳам инсониятнинг ҳар бир гуруҳи, табақаси ва қатлами учун Аллоҳнинг файз воситаси бўлиб, сув ва ҳаводек зарур ҳисобланадилар.

\*\*\*

**Ўйлаб жавоб беринг:**

1. Имомнинг инсоният маънавий камолот топишидаги ўрни ҳақида айтиб беринг.
2. Имом шариатни муҳофаза этишда қандай ўринга эга?
3. Имомнинг ҳокимият қуриб, жамиятга раҳбарлик қилишдаги аҳамияти ва ўрни қай даражада?
4. Ҳужжатни яқунлаш ёки етказиб қўйиш зарурлиги нима маънони англатади ва имомнинг бу борадаги вазифаси нима?
5. Файз воситаси нима дегани? Олимлар пайғамбар ва имомнинг жамиятдаги тутган мавқеини нимага ўхшатишади?

### 3- ДАРС:

---

#### Имомнинг махсус шароит ва сифатлари

---

Энг аввало ушбу масалада ўта муҳим нуктага таважжух (диққат) қилмоқлик зарурдир, у эса қуйидагидан иборат:

Қуръони Карим таълимоти бўйича, «имомлик мартабаси» бир инсон ега олиши мумкин бўлган энг юқори ва улуғ мақомдир. Ҳаттоки, «имомлик мартабаси» «расуллик» ва «набийлик» мақомидан ҳам юксакроқдир. Зеро, ҳазрати Иброҳим (алайҳис салом) ҳақларида нозил бўлган оятда ушбу ҳақиқат яққол намоён:

﴿وَإِذِ ابْتَلَىٰ إِبْرَاهِيمَ رَبُّهُ بِكَلِمَاتٍ فَأَتَمَّهُنَّ قَالَ إِنِّي جَاعِلُكَ لِلنَّاسِ إِمَامًا قَالَ وَمِن ذُرِّيَّتِي قَالَ لَا يَنَالُ عَهْدِي الظَّالِمِينَ﴾

«Иброҳимни Парвардигори бир неча сўзлар билан имтиҳон қилган ва у уларни мукамал ва батамом адо этган замонни эсланг. Шунда [Аллоҳ]: «Мен албатта, сени одамларга имом [пешво ва йўлбошчи] қилгувчидирман» - деди. [Иброҳим] «Зурриётимдан ҳамми? [Менинг зурриётимдан ҳам бундай улуг ва юксак мақомга эришадиганлар бўладими?]-» - деб сўради. [Аллоҳ]: «Менинг бу аҳдим золимларга етмайди» - деди. [Сенинг зурриётинг орасидаги золим кимсалар Менинг имомат аҳдимга эриша олмаслар.] (Бақара сураси, 124 – оят).

Ширк ва гуноҳга йўл қўйган шахслар золим саналиб, бундай юксак ва олий мақомга ҳеч қачон эриша олмайдилар. Шунга биноан, ояти кариманинг маъно –мазмунидан қуйидагича хулоса чиқариш мумкин: Имомлик мансаби юқори лавозимлардан бўлиб, ҳазрати Иброҳим (алайҳис салом) нубувват ва рисолат мартабасига эришгач, оғир ва мушқул имтиҳон ва синовлардан аъло даражада муваффақиятли



ўтгандан сўнг, ушбу шарафли, ардоқли ва юксак мақомга, яъни халққа зоҳирий ва ботиний ҳамда моддий ва маънавий раҳбарлик ва пешволик қилиш мартабасига кўтарилганлар.

Демак, ҳазрати Иброҳим (*алайҳис салом*) набий ва расул бўлган ҳолларида оғир ва мушкул имтиҳонлар билан синалганлар. Бу синовлардан муваффақият билан ўтган ҳазрат Иброҳимга Аллоҳ таоло иноят қилиб «*имомлик мансаби*»ни ато этди.

Бизнинг азиз ва севиқли пайғамбаримиз ҳазрати Муҳаммад Мустафо (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) набий ва расул бўлиш билан бирга «*имомлик ва пешволик мартабаси*»га ҳам эга эдилар. Баъзи пайғамбарлар ҳам шундай юксак мақом соҳиби бўлганлар, бу масала бир томондан.

Бошқа томондан эса маълумки, бирор шахс ҳар бир мақом ва мансабни қабул қилиб олиши учун керакли шарт-шароит ва хусусиятларга эга бўлиб, ўша мансабга оид вазифалар ва масъулиятларга муносиб ва лойиқ бўлмоғи лозим ва ўша шахс мазкур мансабни ўз зиммасига олгач, вазифа ва масъулиятларни амалга ошириш учун керакли бўлган шароит ва хусусиятларга эга бўлмоғи даркор. Демак, мақом ва мансаб юқорилашган сари масъулият ва вазифа ҳам оғирроқ бўлади ва ўшанга қараб керакли бўлган шароит ва хусусиятлар шиддатлашади.

Масалан; Ислом таълимотида қозилик ва муҳокама қилиш мансабини зиммасига олган шахс ёки намозга имомлик қилувчи одам, ҳатто маҳкамада шаҳодат берувчи оддий шахс ҳам, одил бўлиши шарт қилинган. Шундай экан, шаҳодат бериш учун ёки ҳамд ва сура ўқиб намозга имомлик қилиш учун одиллик шарт бўладиган бўлса, маълумки, ўта муҳим ва фавқулодда аҳамиятга эга бўлган имом ва пешво бўлишдек юқори мартабага эга бўлмоқ учун ҳам маълум шарт-шароитлар кераклиги шубҳасиздир.

Қуйидаги шароитлар тамомила имомда мавжуд бўлмоғи зарур:

\*\*\*

### **1. Саҳв-хато ва гуноҳдан пок ва маъсум бўлмоқ**

Имом ҳам пайғамбар каби маъсумлик даражасига эга бўлиши шарт, яъни саҳв-хато ва гуноҳлардан йироқ ва пок бўлмоғи лозим.

Акс ҳолда умматга раҳбар, йўлбошчи, намуна ва ўрнак бўла олмай, халқнинг ишончи ва эътимодини қозона олмайди.

Имом инсонларнинг бутун вужудини, руҳ ва қалбини забт этган бўлиши керак ва одамлар унинг ҳар бир фармонига сўзсиз бўйин сунтишлари лозимдир. Агар имомнинг ўзи саҳв-хато ва гуноҳга йўл қўядиган бўлса, ҳеч қачон одамларнинг ишончи ва эътимодини ҳар жиҳатдан қўлга кирита олмай, уларни ҳидоят сари бошлай олмаяжак.

Ўзининг қундалик ҳаётида саҳв-хато ва адашишларга дучор бўладиган шахсни қандайига бошлиқ ва йўлбошчи қилиб олиб, жамиятга назорат қилиш ва уни бошқаришни унга топшириб, унинг буйруқларини сўзсиз бажариш мумкин?

Шубҳасиз, пайғамбарлар маъсум бўлишлари шарт ва шунингдек, имомлар ҳам юқорида келтирган далилимизга кўра, маъсум (барча хато ва гуноҳлардан пок ва йироқ) бўлишлари лозим.

Ушбу масалани бошқа йўл билан ҳам исботлаш мумкин, у эса «*Лутф қоидаси*» бўлиб, пайғамбар ва имом мавжуд бўлишининг зарурлиги ушбу қоидага асосланганидек, имомнинг маъсумлиги ҳам мазкур қоидага биноан, исботланади. Негаки, пайғамбар ва имомнинг мавжуд бўлишидан кўзланган мақсадлар маъсумлик даражасига эришмай туриб, амалга ошмайди. Олдинги дарсда айтганимиз ҳикматлар маъсумлик хусусиятисиз тугаллан-май ноқис ва чала бўлиб қолади.

\*\*\*

## **2. Улкан илму маърифатга эга бўлмоқ**

Имом ҳам пайғамбар сингари умматнинг илмий паноҳтоҳидир. У ақоид ва аҳкомдан иборат диннинг барча таълимотидан, Қуръоннинг зоҳир ва ботинидан ва пайғамбар суннатлари ҳамда ислом дини билан боғлиқ ҳамма масалалардан хабардор бўлмоғи лозим. Чунки, у ҳам шариятни муҳофаза қилувчи ва ҳам умматга раҳнамолик қилувчидир.

Ҳаётда учрайдиган мураккаб масалаларга дуч келганда саросимага тушадиган ёки бошқаларга муҳтожлик қўлини узатадиган ва ислом жамиятининг талабларига жавоб бера оладиган илм ва билимга эга бўлмаган шахслар ҳеч қачон умматга

йўлбошчилик ва раҳнамолик қилиш масъулияти-ни зиммаларига қабул қилиб ололмайдилар.

Хулоса қилиб айтганда, имом – Аллоҳнинг динини билишда умматнинг энг билимдони ва энг доноси бўлмоғи лозим ва бу илмий етуклиги билан Пайғамбаримиз (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)нинг бўш қолган ўринларини дарҳол тўлдириб, ҳар қандай оғиш ва саҳв-хатодан йироқ бўлган ҳақиқий исломни илдам олиб бориб, умматни залолатга учрашдан сақлаб қолиши керак.

\*\*\*

### 3. Шижоат

Имом ислом жамиятида энг қўрқмас ва шижоатли шахс бўлиши керак. Зеро, ҳаётнинг турли қийинчиликларида ва оғир ҳодисалар рўй берганда, умматни олға сари етакловчи раҳбар шижоатли бўлмай иложи йўқ. Золим ва зўравонлар, бўйин товловчи қайсарлар ҳамда ислом умматининг ички ва ташқи душманлари қаршисида қўрқмай жасурлик ва шижоат билан жавоб қайтара олиш имомнинг хусусият-ларидан биридир.

\*\*\*

### 4. Зоҳидлик ва дунёга рағбатсизлик

Бизга маълумки, дунёга ва унинг зебу зийнатига ўч ва асир одамлар дунёга тез алданиб, ҳақ ва адолат йўлидан оғиб кетишларининг эҳтимоли жуда каттадир. Гоҳида тамагирлик йўли билан ва баъзан эса таҳдид орқали бу дунё асирларини асл тўғри йўлдан оғдириш мумкин.

Лекин имом дунё ва унинг неъматлари ва имкониятлари қаршисида *«асир»* эмас, балки *«амир»* бўлиши керак.

У моддий жаҳоннинг турли хил жилваларидан қутилган ҳамда ҳавойи нафсга тобе бўлмай, молу давлат ва мансаб-амалга боғланмаган озод инсон бўлмоғи лозим. Токи, ҳеч ким уни бу нарсалар билан алдай олмасин, унга ўз нуфузини ўтказиб, таслим ва мурасачилик ҳолатига келтиролмасин.

\*\*\*

## 5. Жозибадорлик ва юксак ахлоқ соҳиби бўлмоқлик

Қурони Карим ҳазрати Пайғамбаримизнинг юксак ахлоқлари ҳақида бундай дейди:

﴿فَبِمَا رَحْمَةٍ مِّنَ اللَّهِ لِنْتَ لَهُمْ وَلَوْ كُنْتَ فَظًّا غَلِيظَ الْقَلْبِ لَانفَضُّوا مِنْ حَوْلِكَ فَاعْفُ عَنْهُمْ وَاسْتَغْفِرْ لَهُمْ وَشَاوِرْهُمْ فِي الْأَمْرِ فَإِذَا عَزَمْتَ فَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُتَوَكِّلِينَ﴾

«Аллоҳнинг раҳмати сабабли (Сиз, эй, Мухаммад,) уларга (саҳобаларга) мулойим бўлдингиз. Агар дагал, тошбагир бўлганингизда эди, албатта, (улар) атрофингиздан тарқалиб кетган бўлур эдилар. Демак, уларни афв этинг, (гуноҳлари сабабли) улар учун Аллоҳдан мағфират сўранг ва улар билан маслаҳатлашиб иш қилинг! (Бирор ишга) азму қарор қилсангиз, Аллоҳга таваккул қилинг! Аллоҳ таваккул қилувчиларни севар.» (Оли Имрон сураси; 159 – оят)

Юксак ахлоққа эга бўлмоқ нафақат Пайғамбаримиз учун, балки имом учун ҳам, зарурдир. Зеро, имом ҳам умматнинг раҳбари сифатида одамларни ўзи томон жалб эта олиш қудратига эга бўлмоғи лозим. Одамларни эса яхши хулқ-атвордан ўзга ҳеч бир нарса бунчалик ўзига жалб қилиш қудратига эга эмасдир.

Шубҳасиз, инсонларни тарқоқликка дучор этиб, уларни нафратлантирадиган одобсизлик, қўпполлик ва сержаҳдлик хусусиятлари пайғамбар ва имом учун буюк айб-нуқсон ҳисобланади ва улар бундай нуқсон ва камчиликдан муназзаҳ (пок)дирлар. Акс ҳолда улар мавжудлигининг кўпгина ҳикматлари натижасиз ва маъносиз бўлиб қолади.

Имом учун айтиб ўтилган шарт-шароит ва сифатлар буюк уламолар тарафидан энг муҳим ва зарурий деб, уқтирилган.

Албатта юқорида баён этилган беш сифатдан ташқари бошқа сифатлар ҳам имомда мавжуд бўлиши шарт, аммо айтиб ўтганларимиз асосий шартлардан эди.

\*\*\*

**Ўйлаб жавоб беринг:**

1. Қайси далилга асосланиб, «*имомлик мартабаси*» инсоннинг энг юқори мақомларидан ҳисобланади?
2. Ислom пайғамбари ва бошқа пайғамбарлар ҳам «*имомлик мақоми*»га молик бўлишган эдими?
3. Агар маъсум имом бўлмаса, қандай мушкул яралади?
4. Нимага имом улкан илм ва маърифат соҳиби бўлмоғи лозим?
5. Қайси далилга кўра, имом энг шижоатли, энг зоҳид ва одоб-ахлоқ нуқтаи назаридан энг хуш муомалали инсон бўлиши керак?

## 4- ДАРС:

---

### Имом ким томонидан тайинланади?

---

Аҳли суннат деб, аталмиш бир гуруҳ мусулмонларнинг эътиқодича, ислом пайғамбари (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) дунёдан риҳлат қилаётганларида ҳеч кимни ўзларидан сўнг халифа, ворис ва раҳбар этиб тайинламаганлар. Уларнинг айтишларича, бу вазифа, яъни умматга халифа ва раҳбар тайин қилмоқ мусулмонларнинг зиммасига юкланган ва умматнинг ўзи раҳбар ва йўлбошчини сайлаб олиши керак. Бунинг учун улар шариат далилларидан бири бўлмиш «*мусулмонлар ижмоси*<sup>1</sup>» деган ғояни илгари суришди.

Суннийлар эътиқодича, худди шу тарзда амал қилиниб, биринчи халифа «*умматнинг ижмоси*» билан халифалик мансабига сайланди. Ўз навбатида биринчи халифа ҳам, шахсан ўзи иккинчи халифани ушбу мансабга тайинлади. Ва иккинчи халифа эса учинчи халифани сайлаш учун олти кишидан иборат шўро (кенгаш) тайинлади.

Ушбу шўро (кенгаш) қуйидаги саҳобалардан ташкил топган эди: Али (*алайҳис салом*), Усмон ибн Аффон, Абдураҳмон бин Авф, Талҳа ибн Убайдуллоҳ, Зубайр ибн Авом, Саъд бин Аби Ваққос.

Бу шўронинг уч нафари – Саъд бин Аби Ваққос, Абдураҳмон ва Талҳа Усмонга овоз беришди. Зеро, иккинчи халифанинг буйруғига кўра, ушбу олти киши икки гуруҳга бўлиниб, уч киши бир тарафда ва қолган уч нафар бошқа томонда бўлса, Усмоннинг куёви бўлмиш Абдураҳмон тарафидаги учликнинг раъйи инобатга олиниб, шунга биноан, халифа сайланаши керак эди!

---

1. «*Мусулмонлар ижмоси*» деб, мусулмонлар ўзаро ҳамжиҳатлик ва яқдиллик билан қилган қарори ва танловига айтилади.

Усмон халифалик даврининг охирига келиб, маълум сабабларга кўра, мусулмонлар халифага қарши бош кўтаришди ва Усмон ўзидан кейинги халифани шахсан ўзи ёки шўро (кенгаш) ташкил этиш орқали тайинла олмай ўлдирилди.

Шундан сўнг, мусулмонларнинг аксари ҳазрати Али (*алайҳис салом*)нинг ёнига бориб ул зотга халифа ва раҳбар бўлишни таклиф этиб, Расулulloҳ (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)нинг халифаси ва вориси сифатида ул ҳазратга байъат этишди. Аммо Шом диёрининг ҳукмдори бўлмиш Муовия ибн Абу Суфён эса ҳазрати Али (*алайҳис салом*)га байъат қилишдан бўйин товлади. Зеро, у яхши билар эдики, агар Али (*алайҳис салом*) ҳукумат тепасига келса, Муовияни ўз лавозимидан четлаштиради.

Шунинг учун, Муовия халифага қарши чиқиб, очиқдан очиқ муҳолифат қилди ва ислом тарихида оғир ва ўлимли ҳодисаларни келтириб чиқариб, минглаб бегуноҳ инсон-ларнинг қони ноҳақ тўкилишига сабаб бўлди.

Бу ўринда кўплаб илмий ва тарихий масалалар мавжуд бўлиб, уларни ёритиш мақсадида, айрим муҳим саволларни илгари суриб, уларга жавобларимизни берамиз:

\*\*\*

## **1. Уммат Пайғамбарнинг ўринбосари ва ворисини тайинлашга қодирми?**

Бу саволга жавоб бермоқ унчалик қийин эмас. Агар «*имом*» ва «*халифа*» деганда ислом умматига зоҳирий ва ташқи томондан раҳбарлик ва йўлбошчилик қилишни назарда тутсақ, у ҳолда халқнинг берган овозига таяниб, бирор шахсни халифа ва раҳбар қилиб тайинлаш мумкин ва бу услуб дунёда кенг тарқалган.

Аммо имомат ва хилофатга олдинги дарсда Қуръони Карим оятига асосланиб, изоҳлаганимиз маънода қарайди-ган бўлсақ, у ҳолда шак-шубҳасиз, Аллоҳдан бошқа ҳеч ким «*имом*» ва «*халифа*»ни тайинлашга қодир эмас, ҳатто Пайғамбаримиз (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) ҳам Аллоҳнинг йўллаган ваҳий асосидагина ўзларидан кейинги «*имом*» ва «*халифа*»ни эълон қила оладилар.

Зеро, мазкур маънога биноан, «имом» ва «халифа» ақоид ва аҳкомдан иборат барча ислом таълимотини чуқур ва юксак даражада билиши шарт. Унинг илми самовий ва илоҳий манбадан илҳом олиб, Пайғамбар (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)нинг илмларига таянган бўлмоғи лозим, то шарияти исломияни қўриқлай олиш қувватига эга бўлсин.

Яна бошқа шарт шундан иборатки, «имом» ва «халифа» Аллоҳнинг мадади билан барча гуноҳ ва саҳв-хатолардан пок ва маъсум бўлмоғи даркор. То умматга моддий ва маънавий, зоҳирий ва ботиний жиҳатдан раҳбарлик ва йўлбошчилик қилиш вазифасини олий даражада шарафли ўтай олсин. Ва шунингдек, раҳбарлик ва йўлбошчилик масъулияти учун зарур бўлган соҳидлик (дунёга рағбатсизлик), тақводорлик, парҳизкорлик, шижоат ва довюраклик хусусиятларига эга бўлмоғи лозим.

Ушбу шароит ва хусусиятлар кимда бор ёки йўқлигини аниқлай олиш фақат Аллоҳ ва Пайғамбарнинг воситаси билангина мумкиндир ва бу ҳақиқат улардан бошқасига аён эмас. Шунга биноан, Аллоҳнинг Ўзигина кимнинг ботинида маъсумлик нури ва ҳақиқати борлигини билади ва Унинг Ўзигина раҳбарлик ва имомлик мансабини эгаллаш учун зарур бўлган улкан илм, соҳидлик, тақводорлик, шижоат ва жасурлик хусусиятлари кимда мавжудлигини ва ким бу мақомни эгаллашга лойиқ эканини билади ва бундай инсонни Ўзи йўллаган сўнги пайғамбари Муҳаммад Мустафо (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) орқали бошқаларга эълон қилади.

«Имом» ва пайғамбарнинг «халифа ва ворис»ини умматнинг ўзи тайинлаши керак дейдиганлар, аслида Қуръони Каримда келган «имом» тушунчасини ўзгартиришган. Улар «имом» ва «халифалик» мақомини одатдаги дунёвий ишлар бўйича, ҳукмронлик қилиб, халқнинг дунёвий ишларини бошқариш даражасига тушуриб, шу миқдорга чекаб қўйишган. Акс ҳолда, имом ва халифаликнинг шарт-шароити ва хусусиятлари тўла-тўқис ҳолда фақат Аллоҳ таоло воситаси билангина аниқлай олиш мумкинлиги шубҳасиздир.

Пайғамбарни инсонларнинг овоз бериши орқали танлаш мумкин бўлмай, балки Аллоҳ таоло томонидан танланиши зарур бўлгани каби имомни ҳам одамларнинг назарига таяниб, танлаш мумкин



бўлмаган ишдир. Зеро, ҳам пайғамбарда ҳам имомда керакли бўлган сифатларни Аллоҳдан бошқа ҳеч ким белгила олмайди.

\*\*\*

## **2. Наҳотки, Пайғамбаримиз ўзларидан кейин ҳеч кимни халифа ва пешво этиб тайинламаган бўлсалар?**

Шубҳасиз, Ислом дини «*жаҳоний*» ва «*мангу*» диндир, Қуръони Карим оятларининг очиқ-ойдин таълимотига кўра, ислом дини маълум бир макон ва замонга ёки бирор бир миллатга хос эмас. Шу нарса ҳам маълумки, Пайғамбаримиз (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) вафот этган чоғларида ислом дини Арабистон ярим оролидан ташқарига чиқмаган эди.

Бошқа тарафдан эса Пайғамбаримиз (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) муборак умрларининг 13 йили Маккада мушриклар эътиқодига қарши кураш олиб бориш билан ўтган бўлса, ул зотнинг қолган 10 йил умрлари эса ҳижратдан кейин Мадинада Ислом ҳукуматини барпо этиш ҳамда мушрикларга қарши «*газотлар*» ва жанглар ташкил қилиш билан сарф бўлган эди. Шу боис, Мадинада кўпинча душманларга қарши жанглар рўй берар ва шунинг учун, кўп вақтлар динни мудофаа қилиш учун сарфланар эди.

Гарчи Пайғамбаримиз (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) кеча-ю кундуз умматга ислом дини таълимотларини ўргатиш ва тарғиб этиш билан машғул бўлиб, эндигина юзага келган исломни кенг қамровли таништирган бўлсалар-да, бироқ у пайтда исломнинг кўпгина масалаларини таҳлил қилиб ёритиб бериш учун, кўпроқ вақт лозим эди. Мана шунинг учун ҳам, пайғамбардан кейин ул зотнинг ўзлари сингари бу оғир масъулиятни ўз зиммасига ололадиган, пайғамбарнинг илмларини мукаммал ўзлаштирган ва умматнинг келажақда юзага келадиган савол ва масалаларини еча оладиган инсон бўлмоғи лозим.

Булардан ташқари, келажақда юз берадиган ҳолат ва вазиятларни олдиндан кўра олиш қобилияти ҳамда ўз мафкура ва ғояси давом этиши учун шароит ва замин яратиш ҳам раҳбар ва етакчи учун зарур ва муҳим ҳисобланади. Ҳар бир раҳбар ва

йўлбошчи ушбу масала хусусида фикр юритади ва бу ўта муҳим ва асосий масала унутилишига йўл қўймайди.

Булардан кўз юмадиган бўлсақ, ҳаётнинг ҳар бир оддий ва содда масалаларга аҳамият бериб, уларга хос ҳукмларни баён этган Пайғамбаримиз (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) наҳотки, мусулмонларга халифа, раҳбар, йўлбошчи тайинлаш масаласига келганда ҳеч қандай йўл-йўриқ ва дастуриламал кўрсатмаган бўлсалар-а?!

Юқорида айтилган муҳим масалалар ушбу ҳақиқатга, яъни Пайғамбаримиз ўзларининг ўринбосарлари ва ворисларини тайинлаш масаласида, чора-тадбир кўрганликлари, шубҳасиз эканлигига ёрқин далил бўлади. Бу ҳақда ворид бўлган қатъий ҳадисларни Худо хоҳласа, келгуси дарсларда кўриб чиқамиз. Шунда маълум бўладики, ҳаргиз Пайғамбаримиз бутун умрлари давомида халифалик ва раҳбарлик масаласига нисбатан ғафлатда бўлмаганлар ва ҳамиша бу ҳаётий масалага чуқур аҳамият берганлар. Бироқ афсуски, ул зотнинг вафотларидан сўнг, сиёсий мухолиф жараён бу ҳақиқатни беркитиб, Пайғамбар (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) ўзларидан кейинги халифа ва раҳбарни тайин этмаганлар, деган тушунчани ислом умматининг онига сингдиришга ҳаракат қилишган.

Табук ғазоти<sup>1</sup> каби бир неча кунлик «газотлар»га борган Пайғамбаримиз (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) шу қисқа муддат учун Мадина раҳбарсиз ва йўлбошчисиз қолмасин, деб ўринбосар ва раҳбар тайин қилган бўлсалар-у, аммо рихлатлари яқинлашганида йирик умматни турли ихтилоф ва келишмовчиликлар орасида раҳбарсиз ва йўлбошчисиз ўз ҳолига ташлаб қўйиб, ислом дини йўли келажақда давом этишини таъминлаш учун халифа, ворис ва йўлбошчи тайинламай кетишлари мумкинми?! Шу нарсага қандай қилиб ишона оламиз? Қандайига Пайғамбаримиз (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) ўз умматларининг бахт-саодатини кафолатламай, тарк этиб кетишлари мумкин?!

---

1. Пайғамбаримизнинг ўзлари қатнашган урушга «газот» деб айтилади.

Шубҳасиз, ислом умматига раҳбар ва йўлбошчи тайин қилмаслик, эндигина оёққа турган ислом учун буюк хатар ва таҳдид ҳисобланар эди, шунинг учун, Пайғамбаримиз (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) бундай хатога йўл қўйишлари мумкин эмаслигини ақл ва мантиққа асосланиб айтишимиз мумкин.

Пайғамбаримиз (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) ҳеч кимни халифа ва ворис этиб тайинламаганлар ва бу ишни умматнинг ўзига ташлаб қўйганлар, деб айтадиганлар ҳеч бўлмаса гапларига далил ва ҳужжат келтирсинлар. Ваҳоланки, уларнинг иддаоларини тасдиқловчи ҳеч қандай далил ва ҳужжат йўқдир.

\*\*\*

### 3. Ижмо ва шўро (кенгаш)

Фараз қилайлик, Пайғамбаримиз (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) халифа ва ўринбосар тайинлаш масаласи хусусида ҳеч нарса демай ва бу ҳаётий масалани эътиборга олмай, умматнинг ўзига ҳавола қилганлар ва «ижмо»<sup>1</sup> йўли билан халифа ва раҳбар танламоқ мусулмонларнинг зиммасидаги вазифадир деб билган бўлсинлар. Аммо шундай бўлган тақдирда ҳам биринчи халифанинг сайланишида мусулмонлар ижмосига мувофиқ иш қўрилмади. Зеро, мусулмонлар ижмосининг маъноси уларнинг қилган иттифоқи, ҳамжиҳатлик ва яқдиллик билан қилган қарори ва танлови демақдир. Биринчи халифанинг сайланишида фақат Мадинада ҳозир бўлган бир гуруҳ саҳобаларгина бу «сайловда» қатнашишди ва уларнинг қилган қарорига кўра, Абу Бакр биринчи халифа этиб сайланди. Аммо бошқа шаҳардаги мусулмонлар бу «сайловда» қатнашмадилар. Бошқа шаҳарларни қўяверинг, ҳатто Мадинада бўлган ҳазрати Али (*алайҳис салом*) ва ул ҳазратнинг бошчилигидаги бир тоифа буюк саҳобалар ҳамда бани Ҳошим тоифаси бу «сайловда» асло қатнашмаганлар. Шундай экан, қандай қилиб бундай сайловни «мусулмонлар ижмоси», деб айта оламиз?

1. «Мусулмонлар ижмоси» деб, мусулмонлар ўзаро ҳамжиҳатлик ва яқдиллик билан қилган қарори ва танловига айтилади.

Агар «сайлов» йўли билан халифа, ўринбосар ва раҳбар танлаш саҳиҳ ва тўғри бўлса, нимага биринчи халифа ўзидан кейинги халифани тайинлаш учун, бу услубдан фойдаланмай, ўзи шахсан иккинчи халифани тайинлаб кетди? Агар халифа танлаш бир одамнинг хоҳиши ва истагига кўра амалга ошадиган ҳамда унинг танлови халифани тайинлаш учун кифоя қиладиган бўлса, Пайғамбаримиз (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) бу ишга (халифа ва ворис тайин этишга) ҳаммадан кўра ҳақлироқ ва устунроқ эмасмидилар? Агар мабода халифа тайинланишидан сўнг, мусулмонларнинг унга қилган байъат-қасамёдлари, бу муаммо ва мушкулни ҳал қиладди, дейдиган бўлсалар, Пайғамбаримиз ҳақларида бу мушкул ва муаммо яхшироқ ҳал бўларди-ку! Яъни Ғадийри Хумда сарвари олам ҳазрати Али (*алайҳис салом*)ни ўзларидан сўнг халифа ва ворис этиб танлашлари билан у ерда тўпланган барча мусулмонлар ул зотга байъат этишгач, ҳазрати Али (*алайҳис салом*)ни халифа ва пешво деб тан олиш ҳаммага вожиб эди. Аммо афсуски, сарвари коинотнинг вафотларидан сўнг айрим нопок режалар асосида кўпчилик саҳобалар ғафлатда қолиб, ҳазрати Али (*алайҳис салом*)га қилган байъатларини унутадилар.

Бундан ташқари учинчи халифани танлашда яна бир муаммо ва мушкул юзага келади. У ҳам бўлса, нега иккинчи халифа Умар ибн Хаттоб ўзидан кейинги халифа ва раҳбарни танлашда на биринчи халифа сайланган йўлдан, яъни мусулмонлар сайлови ва ижмоси йўлидан ва на ўзи сайланган йўлдан, яъни бир шахснинг хоҳиши ва танлови йўлидан фойдаланмай, олти кишилик шўро (кенгаш) тузишни ихтиёр қилди, олдинги икки йўл ва услубни четга суриб қўйди?

Асосан, агар шўро йўли билан халифа ва раҳбар танлаш тўғри бўлса, нима учун бу шўро фақат олти кишидан иборат бўлиши керак экан? Ва нимага энди бу олти кишидан уч кишининг берган овози етарли бўлар экан?

Бу саволлар, ислом тарихини мутолаа қилиб, рўй берган воқеаларни кўздан кечирадиган ҳар бир тадқиқотчи учун туғилади. Бу саволларнинг жавобсиз қолганлиги эса имом ва халифани тайинлаш

умматнинг қўлида эмаслигини, ҳамда қўлланилган йўллар ва услубларнинг ҳаммаси нотўғри ва нодуруст эканлигини англатади.

\*\*\*

#### **4. Али (алайҳис салом) ҳаммадан кўра лойиқроқ эди**

Фараз қилайлик, Пайғамбаримиз (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) ўзларидан кейин ҳеч кимни халифа, ўринбосар ва раҳбар этиб тайинламаганлар ва бу ўта мушкул иш ислом умматининг зиммасига юкланган, у ҳолда уммат ўзи учун раҳбар ва йўлбошчи танлаётганда илм, тақво ва бошқа устунликларда ҳаммадан юқорироқ мартабада бўлган инсонни четлаб ўтиб, ундан анча куйироқ мартабада бўлган шахсларни етакчи ва раҳнамо этиб тайинлаши тўғри иш ҳисобланадими?!

Уламоларнинг аксарияти ҳатто аҳли суннатдан бўлганлари ҳам ҳазрати Али (*алайҳис салом*)нинг ислом дини илмлари ва таълимотларини билишда саҳобалар орасида энг билимдон ва ҳаммадан кўра олимроқ, деб эътироф этишади. Ул зотдан қолган илмий ривоятлар ва тарихий воқеаларнинг гувоҳлик беришича, Али (*алайҳис салом*) илмда ҳаммадан кўра афзал ва устун эди. Ислом тарихида айтилишича; қачонки, ислом уммати ва саҳобалар илмий мушкуллар ва муаммоларга дучор бўлишса, ул ҳазрат уларнинг паноҳгоҳи бўлиб, мазкур муаммоларни уларга ҳал қилиб берувчи эди. Ҳатто халифалардан илмий мураккаб масалалар сўралганда, улар Али (*алайҳис салом*)га юзланар эдилар.

Али (*алайҳис салом*)нинг шижоати, довюраклиги, тақвosi, зоҳидлиги ва қолган юксак сифатлари уни бошқалардан ажратиб турувчи хусусиятлар бўлиб, мазкур сифатларга эга бўлишда ҳаммадан устун эди. Шунинг учун, уммат ўзига халифа, раҳнамо ва етакчи танлаб олиши керак бўлган тақдирда ҳам Али (*алайҳис салом*)ни танлаш зарур бўлар эди. Негаки, ул зот бу мақомга ҳаммадан кўра, лойиқроқ ва сазоворроқ эди. Албатта, бу даъвомизга жуда кўплаб далил ва ҳужжатлар мавжуд бўлиб, бу мухтасар баён этилаётган ўринда уларнинг ҳаммасини келтира олмаймиз.

\*\*\*

**Ўйлаб жавоб беринг:**

1. Нима учун одамларнинг ўзи пайғамбарнинг халифаси ва имомни танлашга қодир эмаслар?
2. Ақл ва мантиқнинг айтишича, Пайғамбаримиз ўзларидан кейин умматга халифа ва раҳбар тайин қилганларми ёки йўқми?
3. Аввалги уч халифанинг сайланиш йўллари айтиб беринг.
4. Халифаларнинг сайланиш йўллари илмий ва исломий меъёрларга мувофиқ ҳолда бўлган эдими?
5. Қайси далилларга кўра, Али (*алайҳис салом*) ҳаммадан ҳам раҳбарликка лойиқроқ ва ҳақлироқ эди?

## 5- ДАРС:

### Қуръон ва Имомат

Қуръон бу биз мусулмонларнинг буюк самовий ва илоҳий китобимиз бўлиб, ҳар тарафлама ҳидоятга бошловчи ва ҳар қандай мушкул ва муаммони ҳал қиладиган бебаҳо манбадир. Қуръони Карим имомат масаласида ҳам чуқур маъно-мафҳумни баён айлаб, имоматнинг турли қирраларини изоҳлаган. Биз бу буюк китобга мурожаат қилиб, имоматга оид турли-туман шубҳаларни ҳал қила оламиз.

\*\*\*

#### 1. Қуръон имоматни Аллоҳ тарафидан деб билади:

Олдинги баҳсларда бут синдирувчи ва қаҳрамон бўлмиш ҳазрати Иброҳим (*алайҳис салом*) қиссаларини кўриб чиққан эдик. Қуръони Карим ҳазрати Иброҳим (*алайҳис салом*)нинг имомат ва пешволик мартабасига эришишларини расул ва набийлик мақомига ноил бўлгач, оғир ва қийин имтиҳон ва синовлардан яхши ўтганларидан сўнг, деб уқтиради, яъни ул зот расул ва набий бўлганларидан сўнг, буюк ва оғир имтиҳон ва синовлардан олий ва шарафли ўтганларидан кейин, имомлик мартабасига кўтарилган эдилар. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда бу ҳақда шундай марҳамат қилади:

﴿وَإِذِ ابْتَلَىٰ إِبْرَاهِيمَ رَبُّهُ بِكَلِمَاتٍ فَأَتَمَّهُنَّ قَالَ إِنِّي جَاعِلُكَ لِلنَّاسِ إِمَامًا قَالَ وَمِنْ ذُرِّيَّتِي قَالَ لَا يَنَالُ عَهْدِي الظَّالِمِينَ﴾

«Эсланг: Иброҳимни Парвардигори бир неча сўзлар билан имтиҳон қилганида, у уларни мукамал ва батамом адо этди. Шунда (Аллоҳ): «Мен албатта, сени одамларга имом (пешво) қилгувчидирман» - деди. (Иброҳим) «Зурриётимдан ҳамми? (Менинг зурриётимдан ҳам бундай улуг ва юксак мақомга

эришадиганлар бўладими?)» - деб сўради. (Аллоҳ) айтди: «Золимлар Менинг аҳдимга ҳаргиз эриша олмаслар. (сенинг зурриётинг орасидаги золим кимсалар Менинг имомат аҳдимга эриша олмаслар.)» (Бақара сураси; 124 – оят)

Турли Қуръоний ва тарихий ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, ҳазрати Иброҳим (алайҳис салом) Бобул бутпарастларига қарши курашиш, Шом диёрига ҳижрат қилиш, Каъба уйини қурмоқ ҳамда ўз ўғиллари ҳазрати Исмоил (алайҳис салом)ни қурбонгоҳга элтиб, қурбон қилиш ишларини ўта мукамал ва шарафли бажарганларидан сўнг ушбу имомат ва пешволик мартабасига эришдилар.

Набийлик ва расуллик мақоми Худо тарафидан тайинланадиган бўлса, халқни ҳар томонлама бошқариш ва раҳнамолик қилиш бўлган раҳбарликнинг энг такомил топган чўққиси ҳисобланмиш имомлик ва пешволик мартабаси ҳам, Аллоҳ тарафидан тайинланишга сазоворқдир ва бу юксак масъулият одамлар сайлаши билан аниқланиши мумкин эмасдир.

Қуръон имомат мақоми тайин этилиши борасида шундай дейди: *إِنِّي جَاعِلُكَ لِلنَّاسِ إِمَامًا* «Мен сени одамларга имом (пешво) қилувчиман», яъни Аллоҳнинг ўзи ҳазрати Иброҳим (алайҳис салом)ни имом ва пешво этиб танлади.

Ва шунингдек, Қуръони Каримнинг Анбиё сурасида Аллоҳнинг буюк пайғамбарлари ҳақида уларнинг имом ва пешво қилинганликлари айтилади:

*﴿وَوَهَبْنَا لَهُ إِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ نَافِلَةً ۗ وَكُلًّا جَعَلْنَا صَالِحِينَ ۗ وَجَعَلْنَاهُمْ أَئِمَّةً يَهْدُونَ بِأَمْرِنَا وَأَوْحَيْنَا إِلَيْهِمْ فِعْلَ الْخَيْرَاتِ وَإِقَامَ الصَّلَاةِ وَإِيتَاءَ الزَّكَاةِ وَكَانُوا لَنَا عَابِدِينَ﴾*

«Биз (Иброҳимга) Исҳоқни ҳадя этдик ва Яъқубни ҳам (набира қилиб) қўшиб бердик ҳамда барчаларини солиҳ кишилар қилдик.» (Анбиё сураси; 72 – оят.)

«Ва уларни Бизнинг амримиз билан (одамларни) ҳидоят этадиган имомлар ва пешволар қилдик ва уларга яхши амаллар қилишни, намозни тўла адо этишни ва закот беришни ваҳий қилдик. Улар Бизгагина ибодат қилувчи бўлдилар.» (Анбиё сураси; 73 – оят.)



Юқорида келтирилганимиз оятлардан ва шу оятларга ўхшашлардан маълум бўлишича, имомлик ва пешволик мартабаси фақат Аллоҳ таоло тарафидан тайин этилиши лозим.

Бундан ташқари, ҳазрати Иброҳим (*алайҳис салом*) имом ва пешво бўлганликлари ҳақидаги ояти кариманинг давомида ул зот ўз насллари ва зурриётларидан бўлган айрим инсонларнинг ҳам ушбу юксак мартабага ноил бўлишларини Тангри таолодан сўрайдилар. Аллоҳ таоло ҳазрати Иброҳим (*алайҳис салом*)га жавобан шундай буюради: *لَا يَنَالُ عَهْدِي الظَّالِمِينَ* «Золимлар Менинг аҳдимга ҳаргиз эриша олмаслар», Яъни сенинг дуо ва тилагинг Аллоҳнинг даргоҳида мустажоб бўлди. Аммо сенинг зурриётинг орасидаги гуноҳ ва зулмга йўл қўйган кимсалар Менинг имомат аҳдимга (бу юксак ва юқори мақомга) эриша олмаслар. Демак, бу мартаба ва мақом зулм қилмаганларга ато этилиши айтилади. Бу ерда зулм дейилганда, турли гуноҳлар назарда тутилиб, имом ҳар қандай гуноҳлардан пок ва маъсум эканлигига ишора этилади.

Ушбу ояти кариманинг маъно-мазмунини чуқурроқ тушуниб етиш учун асримизнинг буюк тафсирчи олими Аллома Таботабойнинг мазкур оят тафсирига доир фикрларини ўрганиб чиқамиз.

У кишининг баёнига кўра, ҳазрати Иброҳим (*алайҳис салом*) нинг зурриётларини тўрт тоифага бўлиш мумкин:

1. Ҳаётининг аввалидан охирига қадар гуноҳкор бўлганлар, яъни Қуръон таъбири бўйича, бутун умри давомида золим бўлиб ўтганлар.
2. Бутун умри бўйлаб пок ва маъсум ҳолда яшаган ва ҳеч қачон бирор гуноҳга қўл урмаган кишилар.
3. Ҳаётининг аввалида гуноҳкор ва золим бўлган, лекин умрининг охирида тавба қилиб пок бўлган кишилар.
4. Ҳаётининг аввалида пок бўлган, бироқ умрининг охирларида гуноҳга йўл қўйган кишилар, яъни аввалида солиҳ кишилар бўлиб, кейинчалик золим ва гуноҳкор бўлганлар.

Шубҳасиз, ҳазрати Иброҳим (*алайҳис салом*) Аллоҳ таолодан имомат мақомини биринчи ва тўртинчи тоифадаги зурриётларига ато этишни сўрамаганлар. Зеро, бундай нарсани Аллоҳ таолодан сўраш ул зотнинг набийлик шаънларига тўғри келмайди ва асосан

ул ҳазратнинг шаън ва манзилатлари бундай нарсани сўрашдан пок ва юсакдир. Демак, қатъиян ҳазрати Иброҳим (*алайҳис салом*)нинг Аллоҳдан сўраган хоҳишлари бу икки тоифани ўз ичига қамраб олмайди.

Шунинг учун, фақат ул ҳазратнинг иккинчи ва учинчи тоифадаги насларигина имомат мақомига ета оладиганлар сирасига киради; ё бутун умри давомида пок яшаб, ҳеч бир зулм ва гуноҳга йўл қўймаган кишилар ёки умрининг аввалида зулм ва гуноҳ қилган, аммо охирига келиб тавба қилиш билан пок бўлган кишилар.

Ҳазрати Иброҳим (*алайҳис салом*) Аллоҳ таолодан бу икки тоифа насларига имомат мақомини ато этишини сўрадилар ва Аллоҳ таоло эса уларнинг фақат бир тоифасигагина имомат мақомини ато этишни ижобат қилди. Бу тоифа бутун умри бўйлаб ҳеч бир гуноҳ ва маъсиятга йўл қўймаган маъсум зотлардир.

Аммо Аллоҳ таоло юқоридаги ояти каримада: «*Золимлар Менинг аҳдимга ҳаргиз эриша олмаслар*» деб ҳаётининг аввалида гуноҳкор ва золим бўлган, бироқ сўнгра тавба қилиб пок бўлган кишиларнинг имомат мақомига етишини рад этган.<sup>1</sup>

Луғатда ва шунингдек, Қуръон мантиғида золим сўзининг маъноси кенг қамровли бўлиб, бутун гуноҳларни хоҳ ошкора ширк бўлсин, хоҳ махфий ва яширин ширк бўлсин ёки ўзига ё бошқаларга раво кўрадиган ҳар қандай зулм-ситама бўлишидан қатъий назар, ҳаммасини ўз ичига олади ва бу ҳақиқатни Аллоҳдан ўзга ҳеч ким тўлиқ била олмаслигини назарда тутган ҳолда шу хулосага келамизки, имомлик ва халифалик мартабасини фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигина тайинлай олади. Негаки, фақат Унинг Ўзигина инсонларнинг ниятидан ва уларнинг ботинидан хабардордир.

\*\*\*

## 2. Таблиғ ояти

Моида сурасининг қуйидаги оятига эътиборингизни жалб этамиз:

---

1. Аллома Саййид Муҳаммад Ҳусайн Ат-Таботабойи, Ал-Мийзон фий тафсийри Ал-Қуръон, 1 – жилд, 270 – бет, нашр маркази: Байрут, Муассасатул аъламию лил-маърифату нашриёти.

﴿يَا أَيُّهَا الرَّسُولُ بَلِّغْ مَا أُنزِلَ إِلَيْكَ مِنْ رَبِّكَ وَإِنْ لَمْ تَفْعَلْ فَمَا بَلَّغْتَ رِسَالَتَهُ وَاللَّهُ يَعْصِمُكَ مِنَ النَّاسِ إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْكَافِرِينَ﴾

«Эй, Расул! Раббингиздан Сизга нозил қилинган нарсани (одамларга) етказинг! Агар (бу ишни) қилмасангиз, Унинг рисолатини (пайғамбарлик вазифасини) охирига етказмаган бўлурсиз. Аллоҳ Сизни одамлар(нинг муҳтамал хатари ва зарари)дан сақлагай. Албатта, Аллоҳ кофирлар қавмини ҳидоят сари йўлламагай.» (Одамларнинг душманликларидан қўрқманг, Аллоҳ ўзи ҳимоя қилувчидир. Борди-ю, эълон қилмасангиз, рисолатни, яъни пайғамбарлик вазифасини охирига етказмаган бўлурсиз.) (Моида сураси; 67 – оят)

Оятнинг таҳдид оҳангидан муҳим ва оғир бир иш ва маъмурият ҳақида суҳбат кетаётганлигини ҳамда бу оғир маъмурият Пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг зиммаларига юкланганлигини тушуниш мумкин. Зеро, агар бу маъмурият амалга оширилмаса, Пайғамбаримиз шунча йиллик чеккан азоблари ва машаққатлари бефойда бўлиб қолар эди. Шу боис, маълум бир хавотирланишлар ул ҳазратни ҳар томондан қамраб олган бир пайтда, бу шундай хабар эдики, уни одамларга етказиш осон иш эмас эди. Негаки, бир тоифа мусулмонлар ушбу хабарни эшитишлари биланоқ, ошкора қаршилик кўрсатишлари мумкин эди. Шунинг учун, Аллоҳ таоло мазкур ояти каримада, Пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)га ушбу маъмуриятни етказишларини таъкидлаган ҳолда буюради ва ул ҳазратга муҳтамал хавф-хатарлар ва хавотирланишлар баробарида ишонч бағишлайди.

Аниқки, бу муҳим масала ширк ва тавҳид ёки яҳуд ва мунофиқлар каби душманларга қарши курашиш ҳақида эмас эди, негаки, ўша вақтга қадар, яъни Моида сураси нозил бўлган пайтда бу масала бутунлай ҳал бўлган эди.

Ислом динининг оддий ва содда аҳкомини етказиш эса, бу қадар хавотирланиш ва аҳамиятга эга эмас эди. Зероки, юқоридаги оятнинг маъносига қараганда, ушбу масаланинг аҳамияти рисолат ва пайғамбарликка тенг ва баробар келадиган бўлиб, уни етказмаслик пайғамбарлик вазифаси ва ҳаққини адо этмаслик

билан баробар бўлар эди. Айтган сўзларимизни инобатга олган ҳолда мана шу ўта муҳим масала, Пайғамбаримиз (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)нинг халифа ва ворисларини тайин этишдан бошқа нарса бўла оладими?

Алалхусус, ушбу ояти карима Расулуллоҳ (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) ҳаётларининг охирларида нозил бўлганини ва халифалик масаласи пайғамбарликка монанд ва уйғун эканлигини назарга олсак, Пайғамбаримиз (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)нинг набийлик ва расуллик мартабаларининг давоми бўлмиш халифалик ва ўринбосарликдан ўзга масала бўлиши мумкинми?

Бунга илова, яна бу ҳақда кўплаб ҳадислар Пайғамбаримиз (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)нинг кўпгина саҳобалари тарафидан ривоят қилинганини ҳисобга олсак, ҳеч бир шак-шубҳага ўрин қолмайди. Жумладан; Зайд бин Арқам, Абу Саид Худрий, Ибн Аббос, Жобир ибн Абдуллоҳ Ансорий, Абу Хурайра, Ҳузайфа ва Абдуллоҳ ибн Масъудларни санаб ўтишимиз мумкин. Ушбу ҳадислардан баъзилари ўн бир санад ва услубда бизга етиб келган бўлиб тафсирчи, ҳадисчи ва тарихчи олимлардан иборат аҳли суннат уламоларидан буюк бир гуруҳ мазкур ҳадисларни ривоят қилиб, юқоридаги ояти карима Ғадийр кунида ҳазрати Али (*алайҳис салом*)нинг халифа ва пешволиклари ҳақида нозил бўлганини таъкидлашган.<sup>1</sup>

Демак, жуда кўп сондаги ҳадисларга асосан, юқоридаги ояти карима ҳажжатул видо (сўнгги видолашув ҳажи)дан қайтиб келаётганда, Пайғамбаримиз (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)га «Ғадийри Хум»<sup>2</sup> номли маконда ҳазрати Али (*алайҳис салом*)нинг хилофат ва имоматлари ҳақида нозил бўлган.

Биз «Ғадийр» ҳақидаги воқеани Аллоҳнинг изну иродаси билан, «ҳадислар ва суннат» ҳақида баҳс юритганимизда, айтиб ўтамыз. Бу

- 
1. Бу борада чуқурроқ маълумот олиш учун «Иҳқоқул Ҳақ», «Ал-Ғадийр», «Ал-Мурожаот» ва «Далоилус-сидқ» китобларига муурожаат қилишингиз мумкин.
  2. «Ғадийр» сўзи арабчада «кўл» маъносини англатади. «Ғадийри Хум»нинг маъноси Хум номли кўл бўлиб, ҳожилар ҳаж сафаридан қайтаётганларида ўша ерда тўхтаб дам олганлар.

ерда фақат шу нарсани эслатиб ўтамизки, юқоридаги ояти карима сарвари олам Муҳаммад Мустафо (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) муборак умрларининг охирида сўнги ҳаждан қайтиб, келаётганларида, ҳаммага Али (*алайҳис салом*)ни расмий равишда ўзларидан кейинги халифа ва раҳбар сифатида таништириб, тайинлашга маъмур этилганликларига очиқ далилдир.

\*\*\*

### 3. «Бошлиқларга итоат қилинг» ояти

Нисо сурасининг 59-оятида бундай дейилади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِي الْأَمْرِ مِنْكُمْ فَإِن تَنَازَعْتُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ إِن كُنتُمْ تُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ ذَلِكَ خَيْرٌ وَأَحْسَنُ تَأْوِيلًا﴾

«Эй, мўминлар, Аллоҳга итоат этингиз, Пайгамбарга ва ўзларингиздан бўлмиш иш эгалари (раҳбарлар ва бошлиқлар)га итоат этингиз! Борди-ю, бирор нарсада келиша олмай қолсангиз, уни Аллоҳга ва Расулга ҳавола қилингиз, агар Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлсангиз. Мана шу яхшироқ ва ечими чиройлироқ (иш)дир.» (Нисо сураси, 59 – оят)

Ушбу ояти каримада иш эгалари бўлмиш бошлиқларга итоат қилмоқ, мутлақ ва ҳеч бир қайд-шартсиз, Аллоҳ ва Унинг Расулига итоат қилиш билан ёнма-ён келган.

Бу оятда айтилган бошлиқлар ва раҳбарлар кимлардир? Яъни ҳар бир замон ва шароитда ҳукумат тепасига келган ҳар қандай ҳукмдор ва раҳбарлар назарда тутилганми? Ундай бўлса, бугунги кунда бизнинг асримиздаги ҳар бир ўлканинг мусулмонлари ўз юртларидаги барча ҳокимларга сўзсиз итоат қилиб, уларга бўйин эгишлари керак эканлиги келиб чиқмайдими? (Бундай тушунчани Аҳли суннатнинг бир тоифа тафсирчи уламолари билдирганлар.)

Аммо бу тушунча ҳеч бир ақл ва мантикқа тўғри келмайди. Зеро, бу ҳақиқат ҳеч кимга сир эмаски, турли макон ва замонларда ҳукмронлик қилганларнинг аксари фосиқ, бузғунчи, йўлдан оғишган, қарам ва золим бўлиб ўтишган.

Ёки юқоридаги ояти каримадан кўзланган маъно-мафҳум;

шариати исломия ҳукмларига қарши ва хилоф иш кўрмайдиган ҳукмдорларга бўйин эгиб итоат қилмоқликми? Бу тушунча ҳам оятнинг қайд-шартсиз ва мутлақ келганига уйғун ва муносиб эмас.

Ёхуд ушбу ояти каримада махсусан, пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)нинг саҳобаларига итоат қилмоқлик назарда тутилганми? Бу эҳтимол ҳам оятнинг бутун аср ва замонларни қамраб олувчи кенг қўламли маъно-маҳфумига муносиб ва уйғун эмас.

Бинобарин, ошкора тушуниб етамизки, юқоридаги ояти каримадан ҳар бир аср ва замонда мавжуд бўлган маъсум имом ва пешволарга эргашиб, уларга бўйин суниш назарда тутилган. Маъсум имом ва пешволарга итоат қилмоқ қайд-шартсиз вожиб бўлиб, уларнинг фармони Аллоҳ ва Расулulloҳ (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)нинг фармони сингари итоат қилиниши фарз ва лозимдир.

Ислом манбаларида бу хусусда етишган кўплаб ҳадисларда оятдаги «бошлиқлар» ва «раҳбарлар» ҳазрати Али (*алайҳис салом*) ва ул зотнинг зурриётидан бўлган маъсум имомлар эканлиги ошкора айтилган.<sup>1</sup>

Демак, кўпгина ҳадисларга ва ақлий далилларга таянган ҳолда оятдаги итоат қилиниши фарз ва вожиб бўлган бошлиқлар – бу маъсум имомлар эканлиги яққол маълум бўлади.

\*\*\*

#### **4. Раҳнамо ва йўлбошчи ҳақидаги оят ёхуд Вилоят ояти;**

Моида сурасининг 55 – оятида бундай дейилган:

﴿إِنَّمَا وَلِيُّكُمُ اللَّهُ وَرَسُولُهُ وَالَّذِينَ آمَنُوا الَّذِينَ يُقِيمُونَ الصَّلَاةَ وَيُؤْتُونَ الزَّكَاةَ وَهُمْ رَاكِعُونَ﴾

«Дарвоқе, сизларнинг валийингиз (раҳбар ва йўлбошчингиз) фақатгина Аллоҳ, Унинг Расули ва иймон келтирганлардир, улар намозни тўкис адо этадиган ва рукуъ қилган ҳолларида закот берадиган зотлардир.» (Моида сураси; 55 – оят).

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда араб тилида таъкидлаш ва чеклаб

1. Турли тафсир китобларида ушбу ояти карима остида келтирилган ҳадисларни кўриб чиқишингиз мумкин.

қўйиш маъносини ифодаловчи *إِنَّمَا* «*фақатгина*» сўзини келтириш билан мусулмонларнинг валийси, раҳнамоси ва йўлбошчиси фақат уч шахсдан иборат эканлигини уқтиради. Улар: Тангри таоло, Унинг йўллаган элчиси (Пайғамбаримиз) ва иймон келтирганлардир. Бу учунчи гуруҳ рукуъ қилган ҳолларида закот берурлар.

Юқоридаги ояти кариманинг ҳазрати Али (*алайҳис салом*) шаънига нозил бўлганлиги ҳақида ҳеч қандай шак-шубҳа йўқдир ва Қуръон муфассирларининг аксари бу ҳақиқатни тан олишган. Ва шунингдек, ҳеч бир шак-шубҳага ўрин йўқки, мазкур оятдаги «*валий*» сўзининг маъноси мусулмонларнинг ўзаро «*дўст*» эканликлари эмас. Баъзилар оятдаги «*валий*» сўзини «*дўст*» деб, таржима қилишлари тўғри иш бўлмаган. Негаки, ҳамма мусулмонлар бир-бирларига дўстдирлар ва уларнинг оммавий дўстликларини баён этиш учун, таъкидлаш ва ҳаср (чеклаб қўйиш) калимасидан фойдаланишга ва рукуъ қилган ҳолда, закот беришни айтишга ҳеч қандай ҳожат йўқдир. Чунки, мусулмонлар, агарчи рукуъ қилган ҳолларида закот бермасалар-да, бир-бирлари билан дўстдирлар.

Бундан ташқари, мазкур оятни ҳазрати Али (*алайҳис салом*) шаънларига нозил бўлганини назарга олсак, қандайига ояти каримада «*фақатгина*» Аллоҳ, Унинг Пайғамбари ва имом Али сизларнинг «*дўстингиз*», деб айтилган, дея оламиз?<sup>1</sup> Демак, бундан аён бўладики, бу ояти каримадаги «*валий*» сўзи «*йўлбошчи*», «*пешво*» ва «*раҳнамо*» маъносида келган. Айниқса, Худо ва Унинг Расулининг валийликлари билан бир қаторда ҳазрати Али (*алайҳис салом*)нинг валийлиги келганлиги фикримизни тасдиқлайди.

Яна бир масала бу ҳақда яққол маълумки, ушбу ояти каримада зикр этилган хусусиятлар рукуъ қилувчи ҳолда закот берган муайян шахсга ишора қилмоқда. Акс ҳолда инсон намознинг рукусида закот бериши зарур ва вожиб эмас. Дарҳақиқат, бу ерда раҳбарнинг сифати ва хусусияти эмас, балки раҳбарнинг аломати ва белгиси зикр қилинган. Яъни «*валий ва йўлбошчингиз рукуъ қилаётганда*

1. Мўъмин ва мусулмонлар бир-бирлари билан дўст эканликларига ушбу ояти карима далолат қилади: «*وَالْمُؤْمِنُونَ وَالْمُؤْمِنَاتُ بَعْضُهُمْ أَوْلِيَاءُ بَعْضٍ*» *Мўъмин эркаклар ва мўъмина аёллар бир-бирларига дўстдирлар.*» (Тавба сураси, 71 – оят)

ҳам закот тўлайдилар» эмас, балки «*рукуъ қилаётиб, закотини берган инсон (ҳазрати Али (алайҳис салом)) сизнинг валий ва йўлбошчингиз*» деганидир.

Айтилган белги-нишонлар тўпламининг кўрсатишича, мазкур ояти карима ҳазрати Али (*алайҳис салом*) ҳақларида нозил қилинган бўлиб, ул зотнинг тўғриларида рўй берган воқеага маъноли ишорадир. Ҳазрати Али (*алайҳис салом*) ва мусулмонлар масжидда намоз ўқиётганларида, бир йўқсил тиланчи келиб: «*эй мусулмонлар, мен муҳтож ва мискинман, менга ёрдам беринглар*» – деди. Ҳеч ким унга ёрдам қўлини чўзмади. Шунда ҳазрати Али (*алайҳис салом*) рукуъда турган ҳолларида, кичик бармоқларидаги узукларига ишора қилдилар ва тиланчи яқин келиб, бармоқларидаги қимматли узукни олиб чиқиб кетди. Намозда турган Расулulloҳ (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) воқеанинг қай тарзда юз берганини пайқадилар. Намоздан сўнг, ул ҳазрат муборак юзларини самога тутиб, шундай дедилар:

*«Аллоҳим, ҳазрати Мусо (алайҳис салом) Сендан қалбини кенгайтиришингни, ишлари ўнгидан келиб осонлашиши-ни, тилидаги тугунини кетказишингни ва биродари Ҳорунни унга вазир ва ёрдамчи қилиб беришингни сўради... Эй Тангрим, Мен Муҳаммад пайгамбаринг ва Сенинг танлаган бандангман, менинг ҳам қалбимни кенгайтир, ишларимни осон қил ва хонадоним аҳлидан бўлган Алини менга вазир қилгин, токи, у билан белимни қувватлантириб маҳкамлантиргин...»*

Ҳали ул ҳазратнинг дуолари тугамасдан ҳазрати Жаброил (*алайҳис салом*) тушиб, юқоридаги ояти каримани Расулulloҳ (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)га келтирдилар.

Қизиғи шундаки, аҳли суннатнинг йирик муфассирлари, буюк тарихчи ва муҳаддис олимларининг аксарияти, ушбу оятнинг ҳазрати Али (*алайҳис салом*) ҳақларида нозил бўлганлигини айтганлар ва сонлари ўн нафардан ортиқ саҳобалардан бир тоифа шахсан ўзлари ушбу ҳадисни Пайғамбаримиздан ривоят қилганлар.<sup>1</sup>

1. Кўпроқ маълумот олиш учун қимматли Ал-Мурожаот китобига мурожаат қилинг.



Имомат ва вилоят (пешволик) ҳақида қўплаб оятлар мавжуд, аммо биз бу мухтасар баёнимизда фақат юқоридаги тўрт оятга кифояландик.

\*\*\*

**Ўйлаб жавоб беринг:**

1. Қуръон нуқтаи назаридан имомни тайинлаш кимнинг қўлидадир?
2. Таблиғ ояти қандай шароитда нозил бўлган ва унинг мазмуни нима ҳақидадир?
3. Кимнинг буйруғига ҳеч бир қайд-шартсиз ва сўзсиз бўйсунуш маъқул ва тўғридир?
4. Қайси далилга кўра, «إِنَّمَا وَلِيُّكُمُ اللَّهُ...» ояти имомат ва пешволик ҳақидадир?
5. Қуръондаги ҳамма имомат ва вилоят (пешволик) ҳақидаги оятлардан қандай натижага келиш мумкин?

## 6- ДАРС:

---

### Имомат Пайғамбаримиз суннатларида

---

Ҳазрати Расулulloҳ (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)нинг муборак ҳадисларига оид китобларни хусусан, «*Аҳли суннат*» биродарларимизнинг ҳадис манбаларини кўздан кечириб, мутолаа қилсак, ул ҳазратнинг Али (*алайҳис салом*) халифа ва пешво эканлиги ҳақидаги ҳадисларининг нақадар кўплигини ошкора кўрамиз.

Айниқса, «*Аҳли суннат*»нинг ҳадис китобларида бу мавзунинг жуда кўп ҳадислар билан кенг ёритилганини ва бу борада ҳеч бир шак-шубҳага ўрин йўқлигини кўриб, шунча нарсаларни ўқиб туриб, ҳазрати Али (*алайҳис салом*)нинг халифа, имом ва пешво эканликларини қабул қилмасликларига ҳайрон бўлмай, иложимиз йўқ. Ахир шунча ҳадисларни ёзиб битган «*Аҳли суннат*» биродарларимиз нима учун «*Аҳли-Байт*»нинг йўлидан эмас, бошқа йўлдан кетганларига нима дейиш мумкин?!

Ғадийр ҳадиси сингари баъзи ҳадислар юзлаб санадга эга, баъзи ҳадислар ўнлаб санад билан, баъзилари эса ўнлаб машҳур китобларда ривоят қилинган. Агар у ёки бу шахсларнинг сўзларини эътиборга олмай, кўр-кўрона тақлид ва эргашишларни четга суриб қўйсак, имомат ва хилофат масаласи шу қадар ойдин ва ошкорки, бошқа далилларга сира ҳожат қолмайди.

Биз бу ўринда бу масаланинг нақадар очиқ баён қилинганлигини исботлаш учун жўда кўп ҳадислар орасидан айрим машҳур ҳадисларни намуна сифатида келтирамиз. Бу мавзуда чуқурроқ маълумотга эга бўлишни истаганлар учун, батафсил сўз юритган манбаларни таништириб ўтамиз.<sup>1</sup>

---

1. Муфассал маълумот олиш учун Ал-Мурожаот, Ал-Ғадийр, Далоилус- сидқ китобларига муурожаат қилинг.

\*\*\*

### 1. Ғадийр ҳадиси

Кўплаб ислом тарихчи олимларнинг ёзишларича, ҳазрати Пайғамбаримиз (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) муборак умрларининг охирида, ўз саҳобалари билан биргаликда сўнги ҳаж маросимини бажарадилар. Ул ҳазрат ҳаж маросимидан сўнг, жуда кўп сонли қадимги ва янги саҳобалар ҳамда ҳаж амалларини бажариш учун бутун Ҳижоз минтақасидан келган ошиқ мусулмонлар билан бирга қайтаётганларида, Макка ва Мадина шаҳарлари орасида жойлашган «*Жухфа*» диёри яқинидаги қуруқ ва жазирама иссиқ биёбондаги «*Ғадийри Хум*» номли ерга етиб келадилар.

Ушбу макон ҳаждан қайтаётган мусулмонларнинг турли тарафга бўлиниб кетадиган айрилиқ йўли ҳисобланарди. Бу ерга етиб келган Пайғамбаримиз (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) ҳамма мусулмонларга тўхташни буюрдилар. Олдинга ўтиб кетган карвонлар орқага қайтишга чақирилди ва орқада қолиб кетганлари эса етиб келишди. Кун жуда иссиқ эди ва саҳрода ҳеч бир соябон кўзга кўринмасди. Мусулмонлар Пайғамбаримизга иқтидо қилиб зуҳр (пешин) намозини ўқишди, улар иссиқдан тоқатсизланиб, чодирларининг ичига кириб, кетмоқчи бўлганларида Пайғамбаримиз (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) янги ва ўта муҳим бир хабарни муфассал маъруза қилиш билан етказмоқчи эканликларини билдирдилар.

Туяларнинг жиҳози ва тўқимидан дарҳол бир минбар ясаб олдилар. Пайғамбаримиз (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) ушбу минбарга чиқиб, хутба ўқий бошладилар.<sup>1</sup> Аввало, яратувчи Тангрига ҳамду санолар айтиб, сўнгра эса халойиққа қараб шундай марҳамат қилдилар:

*«Мен тез орада Роббимнинг даъватини ижобат қилиб, сизларнинг орангиздан кетажакман. Мен масъулдирман ва сизларнинг ҳар бирингиз ҳам масъулдирсизлар. Мен ҳақимда қандай шаҳодат бергайсизлар?»*

1. Бу хутба жуда мукамал ва муфассал бўлиб, турли китобларда «*Ҳажжатул видо хутбаси*» номи билан машҳурдир.

Шунда халойиқ баланд овоз билан:

«نَشْهُدُ اَنَّكَ قَدْ بَلَّغْتَ وَ نَصَحْتَ وَ جَهَدْتَ فَجَزَاكَ اللهُ خَيْرًا!»

«Шаҳодат берамизки, сиз Аллоҳнинг рисолатини (Алоҳнинг йўллаган ваҳйини) бизга етказдингиз, хайрхоҳларча насиҳат қилдингиз ва бизларни Аллоҳ сари ҳидоят қилишда тиришдингиз. Аллоҳ Ўзи ажрингизни берсин» – деб жавоб беришди.»

Шунда Пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) сўрадилар: «Сизлар Аллоҳнинг ягоналигига, Менинг пайғамбарлигимга, қиймат кунининг ҳақ эканлигига ва ўша кунда ўлганларнинг қайта тирилишига гувоҳлик берасизларми?» Ҳамма халойиқ бир сўз билан: «Ҳа, гувоҳлик берамиз» – дейишди. Шу пайт Пайғамбаримиз: «Аллоҳим! Ўзинг гувоҳ бўл...» – дедилар.

Сўнгра сарвари олам: «Эй халойиқ! Овозимни эшитяп-сизларми?» деб, марҳамат қилдилар. Улар: «Ҳа, эшитаяпмиз» – деб жавоб беришди. Шундан сўнг, бутун биёбонни жимжитлик ва сокинлик қамраб олди ва елнинг эсишидан ўзга товуш қулоққа эшитилмас эди. Ҳазрат хутбаларини давом эттириб буюрдилар:

«Энди айтинглари, Мен сизларга қўйиб кетаётган бу икки арзигулик ва қимматбаҳо нарса билан қандай муносабатда бўласизлар?»

Шунда одамлар орасидан бир киши баланд товуш билан: «Қайси қимматбаҳо икки нарса, ё Расулуллоҳ?» – деб сўради. Пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) жавоб бердилар:

«Биринчиси – оғирроқ ва қимматроқ бўлиб, Аллоҳнинг китоби – Қуръондир. Ундан узоқлашманг. Акс ҳолда, залолатга учрагайсиз. Иккинчи қимматбаҳо нарса- бу, Менинг хонадоним аҳлидир. Меҳрибон ва огоҳ зот бўлмиш Аллоҳ Менга берган хабарга кўра, бу икки қимматбаҳо нарса жаннатда, Менинг ҳузуримга кириб келгунга қадар бир-биридан ажралмаслар. Бу иккисидан олдинга ошиб ўтмангизким, оқибат ҳалок бўлгайсиз ва бу иккисидан орқада ҳам қолиб кетмангиз, у ҳолда ҳам ҳалок бўлгайсиз.»

Шунда Пайғамбаримиз (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) атроф-теварақларига назар солиб, кимнидир қидирардилар ва кўзлари Али (*алайҳис салом*)га тушиши биланок, эгилиб унинг кўлидан тутиб, юқорига кўтардилар. Ҳаттоки, ҳар иккаларининг кўлатиқ ости оқдиги кўринди ва барча халойиқ уни кўриб танидилар.

Шу ўринда, Пайғамбаримиз (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) баландроқ овоз билан:

«أَيُّهَا النَّاسُ! مَنْ أَوْلَى النَّاسِ بِالْمُؤْمِنِينَ مِنْ أَنْفُسِهِمْ؟»

«Эй халойиқ! Мўъминлар учун ўзларидан ҳам, ким ҳаққлироқ ва сазоворроқдир?» – деб сўрадилар.

Улар: «Аллоҳ ва Унинг Расули билгувчироқдир» – деб, жавоб беришди.

Шунда Сарвари олам буюрдилар: «Аллоҳ менинг мавлоим ва раҳбаримдир. Мен эса мўминларнинг мавлоси ва раҳбариман ва уларга ўзларидан ҳам, ҳаққлироқ ва сазоворроқдирман.» Сўнгра ул ҳазрат шундай марҳамат қилдилар:

«فَمَنْ كُنْتُ مَوْلَاهُ فَعَلَيْ مَوْلَاهُ»

«Мен кимнинг мавлоси ва раҳбари бўлсам, демак, бу Али унинг мавлоси ва раҳбаридир.» Бу жумлани, Пайғамбаримиз (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) уч марта ва баъзи ровийларнинг айтишича, тўрт маротаба такрорладилар. Сўнгра кўкка юзланиб:

«اللَّهُمَّ وَالِ مَنْ وَالَاهُ، وَعَادِ مَنْ عَادَاهُ، وَ أَحَبَّ مَنْ أَحَبَّهٗ، وَ أَبْغَضْ مَنْ أَبْغَضَهُ، وَ انصُرْ مَنْ نَصَرَهُ، وَ اخْذِلْ

مَنْ خَذَلَهُ، وَ أَدِرِ الْحَقَّ مَعَهُ حَيْثُ دَا»

«Аллоҳим, ҳар ким Алини яхши кўрса, Сен ҳам уни яхши кўр, ҳар ким унга адоватли бўлса, Сен ҳам унга душман бўл! Уни севганларни Сен севгин, кимки, ундан аразлаб, қалбида гинакудурат сақласа, ундан аразлаб газаб қилгин, унга ёрдам берганларга, Ўзинг мададкор бўлгин, ундан мададини дариг тутиб уни тарк этганларни Сен ҳам тарк айла! Али қаерда бўлса, Ҳақни унинг билан бирга ҳамроҳ қилгин!» – деб дуо қилдилар.

Кейин одамларга юзланиб: «Бу ерда ҳозир бўлганлар, зойибларга менинг айтган сўзларимни етказсинлар» – деб, буюрдилар.

Шу пайт йиғилган халойиқ ҳануз тарқалиб кетмасдан Аллоҳнинг амин ва ишончли ваҳий элчиси бўлмиш ҳазрати Жаброил (*алайҳис салом*) Расулуллоҳ (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)нинг ҳузурларига келиб, ушбу ояти каримани туширди:

﴿... أَلْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَتَمَمْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضِيتُ لَكُمُ الْإِسْلَامَ دِينًا...﴾

«Бугун мен сизлар учун динингизни комил қилдим ва сизларга неъматимни тўла-тўкис қилиб бердим ва сизлар учун ислом дин бўлишига рози бўлдим.» (Моида сураси, 3 – оят).

Ушбу ояти шарифа нозил бўлгач, Расулуллоҳ (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) буюрдилар:

﴿اللَّهُ أَكْبَرُ عَلَىٰ إِكْمَالِ الدِّينِ وَاتِّمَامِ التَّعَمَّةِ وَرِضَا الرَّبِّ بِرِسَالَتِي وَالْوَلَايَةِ لِعَلِيٍّ مِنْ بَعْدِي﴾

«Аллоҳ динни комил қилишида ва неъматни тўкис қилиб беришида ҳамда Парвардигор менинг пайгамбарлигимга ва мендан сўнг, Алининг валий, раҳнамо ва пешволигига рози-хушнуд бўлишида буюк Зотдир.»

Шу вақт одамлар орасида шов-шув кўтарилди. Ҳамма саҳобалар, жумладан Абу Бакр ва Умар, ҳазрати Али (*алайҳис салом*)нинг олдида бориб, халифалик ва раҳбарлик мақоми билан уни табриклашди. Умар тўпланган халойиқ ҳузурда имом Алини ушбу ибора билан табриклади:

﴿بَخَّ بَخٍ لَكَ، يَا بَنِي أَبِي طَالِبٍ أَضْبَحْتَ وَأَمْسَيْتَ مَوْلَايَ وَمَوْلِي كُلِّ مُؤْمِنٍ وَمُؤْمِنَةٍ﴾

«Эй Абу Толиб ўгли хилофат ва пешволик мансаби сизга муборак бўлсин! Сиз менинг мавлоим ва раҳбарим ҳамда ҳар бир мўъмин ва мўъминанинг мавлоси ва раҳбари бўлдингиз!»<sup>1</sup>

\*\*\*

1. Мазкур сўзнинг манбаи:

1. Аҳмад ибн Ҳанбал, «Муснаду Аҳмад ибн Ҳанбал», 2 – жилд, 281 – бет.
2. Ҳофиз Ҳасканий, «Шавоҳиддуд танзил», 1 – жилд, 157 ва 158 – бетлар.

Юқорида келтирилган Ғадийр ҳадисини турли иборалар билан баъзан муфассал ва баъзан эса қисқартириб мухтасар шаклда буюк тоифадаги ислом уламоларининг кўпчилиги ўз китобларида келтириб, ривоят қилишган. Бу ҳадис мутавотир<sup>1</sup> ҳадислар қаторидан жой олган бўлиб, ҳеч ким бу ҳадиснинг Пайғамбаримиздан содир этилгани ҳақида шак-шубҳага бора олмаган. Аллома Амийнӣ ўзининг «Ғадийр» номли китобларида бу ҳадисни бир юз ўн саҳоба ривоят қилганлигини ва шунингдек, ушбу ҳадис уч юз олтмиш нафар ислом уламолари (уларнинг аксарияти Аҳли суннатга мансуб бўлган уламолар) тарафидан турли китобларда келтирилганлигини баён қилганлар. Ушбу ҳадис Аҳли суннат олимларининг тафсир, тарих ва ҳадис китобларининг кўпларида келтирилган. Ҳатто буюк бир гуруҳдан иборат ислом уламолари мазкур «Ғадийр ҳадиси» ҳақида мустақил китоб битганлар. Жумладан қимматли, арзирли ва нодир китобнинг муаллифи бўлмиш аллома Амийнӣ ушбу китобида «Ғадийр ҳадиси» ҳақида алоҳида китоб ёзган ислом уламоларидан йигирма олти нафарнинг номини келтирган.

\*\*\*

Ҳадиснинг санадини инкор қилиб бўлмаслигини кўрган баъзилар мазкур «Ғадийр ҳадиси»нинг имом Али (*алайҳис салом*) халифа, пешво ва раҳбар эканликларига далолат қилишида шак-шубҳа туғдириб, ҳадисдаги «мавлó» сўзининг маъносини ўзгартириб, «раҳбар» ва «йўлбошчи» эмас, балки «дўст» деган маънони англатишини айтиб, ўзларича саъй-ҳаракат қилганлар. Ҳолбуки, ҳадиснинг маъно-мазмунига, айtilган вақти ва маконига, содир этилган ҳолат ва шароитига ҳамда қолган белги ва нишонларга диққат билан назар ташласак, ушбу хутба ва ҳадисдан кўзланган мақсад; имомат ва вилоят (пешволик) масаласи эканлиги ва бутун мусулмонларга Сарвари оламдан сўнг ҳар томонлама раҳнамолик қилиш мавзуси эканлиги яққол ошкор ва намоён бўлади:

---

1. Агар бирор ҳадис бутун асрлар давомида ишончли ровийлар тарафидан шу даражада кўп ривоят қилинган бўлсаки, ўша ҳадис Пайғамбаримиз (с.а.о) томонларидан айtilганига ҳеч қандай шак-шубҳа қолмаса, ҳадисчи олимлар бундай ҳадисни «мутавотир» деб аташади. (Таржимон изоҳи)

1. Олдинги дарсда кўриб чиққанимиз Таблиғ оятининг Ғадийр воқеасидан олдин нозил бўлиши, ушбу оятдаги таҳдид оҳанги ва бошқа белги-нишонлар оддий бир дўстлик масаласи эмас, балки муҳимроқ масала ҳақида суҳбат кетаётганлигини билдиради. Негаки, дўстлик масаласида Пайғамбаримизнинг хавотирланишларига ўрин бўлмай, бу даражада аҳамият бериб, таъкидлашларига ҳожат йўқ эди. Шунингдек, бунинг устига, диннинг комил бўлиши ҳақидаги ояти кариманинг Ғадийр воқеасидан сўнг нозил бўлиши Пайғамбаримиз (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)дан кейинги халифалик ва раҳбарлик масаласи каби ўта муҳим ва фавқулодда бир хабар етказилганлигидан далолат беради.

2. Ҳадиснинг одамларга етказилиш услуби; чўл ва биёбоннинг жазирама иссиқ ҳавосида турли чора-тадбирлар билан узун ва муфассал хутба ўқиб, халифалик ва раҳнамолик хабари юқори даражали аҳамият билан айтилгани ҳамда замон ва макон жиҳатидан ўта қалтис шароитда халойиқдан иқрор ва эътироф олинишининг ҳаммаси, бизнинг фикримиз тўғри ва ҳақлигига очиқ-ойдин ва қатъий далилдир.

3. Турли шахслар ва гуруҳларнинг ҳазрати Али (*алайҳис салом*)га «*мўмин ва мусулмонларнинг мавлоси ва пешвоси*» сифатида билдирган табриклари ва шунингдек, ўша куни Ғадийр воқеасидан сўнг ҳазрати Али (*алайҳис салом*)нинг халифа ва пешво бўлишлари муносабати билан шоирларнинг айтган шеърлари ва шунга ўхшаш ҳодисаларнинг барчаси Али (*алайҳис салом*)нинг юксак имомлик ва раҳбарлик мақомига тайин этилганлигидан ошқора далолат беради.

\*\*\*



**Ўйлаб жавоб беринг:**

1. Ғадийр воқеасини айтиб беринг.
2. Ғадийр ҳадиси неча санад билан Пайғамбаримиздан ривоят қилинган? Ва бу воқеа неча сонли машҳур исломий китобларда келтирилган?
3. Нима учун Ғадийр ҳадисдаги «мавло» сўзининг маъноси «раҳбар» ва «имом» деганидир? Нега «дўст» маъносида эмас?
4. Ҳазрати Расулуллоҳ (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) хутбаларини тугатгандан сўнг, Али (*алайҳис салом*)нинг ҳаққига нима деб, дуо қилдилар?
5. «Ғадийр» ва «Жухфа» қаерда жойлашган?

## 7- ДАРС:

---

### Манзилат ва явмуд-дор ҳадислари

---

«Манзилат» ҳадисини шиа ва сунний олимлари Аъроф сурасининг 142 – ояти тафсирида ривоят қилишган. Бу ояти каримада ҳазрати Мусо (*алайҳис салом*) қирқ кун давомида Парвардигори карим мулоқотига боргани ва Ҳоруннинг бани Исроил қавми орасида Мусо тарафидан ўринбосар этилиши ҳақида сўз юритилган. Ҳадис қуйидагича ривоят қилинган:

Ҳазрати Расулуллоҳ (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)га шарқий рум империяси катта қўшин тўплаб, Ҳижоз, Макка ва Мадинага ҳамла қилиш нияти борлигининг хабари етиб келди. Рум императори ислом дини ўзининг махсус инсонпарвар дастуриламалларини ва эрк талаблик таълимотларини ушбу минтақага ёйишдан олдин, уни илк дамларидаёқ, йўқ қилиб юбориш ниятида эди. Шу боис, сарвари олам йирик қўшин билан «*Табук*»<sup>1</sup> номли жанг майдони томон отландилар ва ўзларининг ўринларига ҳазрати Али (*алайҳис салом*)ни Мадинага ҳоким ва бошлиқ қилиб қўйдилар.

Расулуллоҳ (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) билан бирга жангга боришни истаган Али (*алайҳис салом*) ранжиган ҳолда ул зотга: «*Ё Расулуллоҳ, мени румликларга қарши бўладиган жиҳодга олиб бормасдан аёллар ва болалар орасига қўйиб кетаяписизми?*» – дедилар.

---

1. Табук минтақаси Арабистон ярим оролининг шимолий томонида жойлашган бўлиб, шарқий рум империяси билан чегарадош эди.

Шунда сарвари олам буюрдилар:

أَلَا تَرْضَىٰ أَنْ تَكُونَ مِنِّي بِمَنْزِلَةِ هَارُونَ مِنْ مُوسَىٰ إِلَّا أَنَّهُ لَيْسَ نَبِيًّا بَعْدِي؟

«Менинг наздимдаги манзилатинг (ўрнинг) Ҳоруннинг Мусо наздидаги манзилати каби бўлишидан рози эмасмисан? Фақат фарқи шундаки, мендан сўнг пайгамбар бўлмас.»

Юқоридаги ҳадис Аҳли суннатнинг энг машҳур ҳадис китобларида, яъни Саҳиҳул Бухорий ва Саҳиҳул Муслимда ривоят қилинган. Фақат Бухорийнинг китобида ҳадис тўлиқ келтирилган бўлса, Саҳиҳул Муслимда эса бир марта тўлиқ ва бир марта эса бир қисмигина:

«أَنْتَ مِنِّي بِمَنْزِلَةِ هَارُونَ مِنْ مُوسَىٰ إِلَّا أَنَّهُ لَا نَبِيًّا بَعْدِي»

«Сен менга худди Ҳорун Мусога бўлганидек. Илло мендан кейин пайгамбар бўлмас» умумий шаклда ривоят қилинган<sup>1</sup>.

1. Ушбу ҳадис Аҳли суннатнинг жуда кўп манбаларида зикр этилган бўлиб, бу ерда уларнинг баъзиларини келтирамиз:

1. «Саҳиҳул Бухорий», 6 – жилд, 3 – бет, Миср чопи, «Газвату Табук» боби.
2. Муслим, «Саҳиҳи Муслим», китабу фазоилус саҳаба, мин фазоили Алий ибн Аби Толиб (разияллоху анху) боби, 2404 – рақамли ҳадис.
3. Али ибн Булбулон ибн Ҳиббон Ал-Форсий, «Саҳиҳ ибн Ҳиббон», 60 – китоб: Ихбааруху ʻан манаақибис – саҳаба, 73 – боб, ҳадис рақами: 1/6927 ҳамда 72 – боб, ҳадис рақами: 1/6926.
4. «Сунани Ибн Можа», 1 – жилд, 55 – бет, биринчи чоп, Миср чопи, «Фазоилу асҳобин- Набий (с. а.о)» боби.
5. «Мустадраки Ҳоким Нишобурий», 3 – жилд, 109 – бет, Байрут чопи.
6. «Муснади Аҳмад ибн Ҳанбал», 1 – жилд, 170, 177, 179, 182, 184 ва 185 – бетлар ҳамда 3 – жилд, 32 – бет.
7. «Сунани Термизий», 5 – жилд, 21 – бет, Байрут нашри, «Маноқибу Али ибн Абу Толиб» боби.
8. Абул Улоъ Ал-Муборакфурий, «Тухфатул аҳвазий бишарҳи жаамиъит-Тирмизий», 10 – жилд, 178 – бет, абваабул манаақиб, 20 – боб, ҳадис рақами: 3740 ва 3739.
9. Ибн Абдул Барр Ал-Қуртубий, «Ал-истийʻоб фий маърифатил асҳоб», 3 – жилд, 1097 ва 1098 – бетлар, дорул жайл нашрида, аммо дорул кутубил илмийях нашрида эса 3 – жилд, 201 ва 202 – бетлар.
10. «Маноқибу ибн Мағозилий», 27 – бет, Байрут чопи, 1403 – ҳижрий сана.
11. «Канзул фавоид», 2 – жилд, 168 – бет, Байрут нашри, 1405 – ҳижрий сана.

«Манзилат» ҳадиси Аҳли суннатнинг кўплаб ҳадис китобларида жумладан, «Сунани ибн Можа», «Сунани Термизий», «Муснади Аҳмад ибн Ҳанбал» ва бошқа кўпгина китобларда ривоят қилинган. Ушбу ҳадисни йигирмадан ортиқ саҳобалар, жумладан: *Жобир ибн Абдуллоҳ Ансорий, Абу Саид Худрий, Абдуллоҳ бин Масъуд, Муовия ибн Абу Суфён* ва бошқалар ривоят қилишган.

Абу Бакр Бағдодий ўзининг «Бағдод тарихи» китобида Умар бин Хаттобдан ривоят қилади: Бир кишини кўрдимки, Али ҳақида нораво ва ҳақоратли сўзларни айтар эди. Умар унга қараб шундай деди: Менимча сен мунофиқлардан бўлсанг керак. Зеро, Пайғамбаримиз (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) Али борасида шундай марҳамат қилгандилар:

«إِنَّمَا عَلِيٌّ مِنِّي بِمَنْزِلَةِ هَارُونَ مِنْ مُوسَى إِلَّا أَنَّهُ لَا نَبِيَّ بَعْدِي»

«Алининг менинг ёнимдаги ўрни ва манзилати Хоруннинг Мусога бўлган манзилати кабидир. Илло фарқи шундаки, мендан сўнг набий бўлмас<sup>1</sup>.»

\*\*\*

Муҳими шундаки, мўътабар ҳадис манбаларидан маълум бўлишича, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) «Манзилат» ҳадисини фақат Табук ғазотидагина<sup>2</sup> марҳамат қилмай, балки бошқа турли муносабатлар билан етти ўринда буюрган эдилар. Бу эса ушбу ҳадиснинг умумлашма ва кенг қамровли маъно-мафҳумга эга эканига ёрқин далилдир. Бу ерда ушбу ҳадис баён этилган ўринлар ва замонларни санаб ўтаемиз:

12. Муттақий Ал-Ҳиндий, «Канзул уммол», 11 – жилд, 599 – бет, ҳадис рақами: 32880 ва 32882.

13. Шайх Сулаймон Қундузий Ҳанафий, «Янобийъул маваддаҳ», 56 – боб, 2 – жилд, 242 – бет.

14. Аҳмад ибн Ҳанбал, «Фазоилус саҳаба», Аҳбаару амийрил мўъминин Али ибн Абу Толиб (*алайҳимас салом*) 2 – жилд, 699, 700 ва 701 – бетлар, 954, 956 ва 957 – рақамли ҳадислар.

1. «Бағдод тарихи», 7 – жилд, 452 – бет.

2. Пайғамбаримизнинг ўзлари қатнашган урушга «ғазот» деб айтилади.

Пайғамбаримиз сарвари олам (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) Маккада илк дафъа «*биродарлик аҳд-паймони*»ни ансорлар ва муҳожирлар орасида боғлаганларида, ушбу аҳдлашувда Али (*алайҳис салом*)ни ўзлари учун танлаб, юқоридаги «*Манзилат*» ҳадисини марҳамат қилган эдилар.

Расудуллоҳ иккинчи мартаба «*биродарлик аҳд-паймони*»ни ансорлар ва муҳожирлар ўртасида жорий қилганларида ҳам «*Манзилат*» ҳадисини яна бир бора тақрорлаган эдилар.

Ҳазрати Расудуллоҳ (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)нинг буюк масжидлари томон очиладиган саҳобаларнинг барча эшикларини уларга ёптириб, фақат Али (*алайҳис салом*)нинг эшиги масжид томон очиқ қолишини буюриб, бу борада ушбу «*Манзилат*» ҳадисини марҳамат қилдилар.

Шунингдек, сарвари олам «*Табук*» ғазоти (жанги)да ва бошқа яна уч ўринда мазкур «*Манзилат*» ҳадисини буюрганлар. Барча ўринларда айтилган ушбу ҳадис аҳли суннатнинг кўпгина муҳим манбаларида келтирилган. Бинобарин, санад жиҳатидан «*Манзилат*» ҳадисидан ҳеч бир шак-шубҳага ўрин қолмай, маъно-мафҳум нуқтаи назаридан ҳам ушбу ҳадис кенг қамровли хусусиятга эгадир.

### **Манзилат ҳадисидан келиб чиқадиган хулосалар:**

Агар «*Манзилат*» ҳадисини ўз фикр-мулоҳазаларимизни четга суриб, бетарафна ва холислик билан кўриб чиқадиган бўлсак, шу хулосага келамизки, Бани Исроил қавмида Ҳорун Мусо (*алайҳис салом*)га нисбатан қанақа ўрин, мартаба ва мақомга эга бўлсалар, ҳазрати Али (*алайҳис салом*) ҳам, ўша мартаба ва мақомларнинг ҳаммасига эгадирлар, илло Ҳорун (*алайҳис салом*) каби набий эмаслар. Чунки, ҳадисда фақат «*набийлик*» истисно қилинган, холос. Ушбу ҳадисда ҳеч бир қайд-шарт (шарт-шароит) зикр қилинмай, мутлақ ҳолда келганлиги фикримизнинг далилидир.

Демак, ҳадисдан қуйидаги хулосаларни чиқара оламиз:

1. Али (*алайҳис салом*) Пайғамбаримиздан сўнг умматнинг энг афзали эди. Зеро, Ҳорун ҳам умматнинг энг афзали эди.

2. Али (*алайҳис салом*) пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо

(саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг вазир, ворис ва ўринбосарлари ҳамда раҳбарлик ва йўлбошчилик қилишда Сарвари оламнинг хос шериклари эди. Чунки, Қуръони Каримда ушбу мансаб ва мақомларнинг ҳаммаси Ҳорун (*алайҳис салом*)га нисбатан айтилган. (Тоҳо сураси; 29 – оятдан 32 – оятларгача)

3. Али (*алайҳис салом*) пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)нинг халифа, ворис ва ўринбосарлари эди. Ҳазрати Али (*алайҳис салом*) борлигида ундан бошқа ҳеч ким халифалик ва раҳнамолик мансабини эгаллашга ҳаққи йўқ эди. Зеро, Ҳорун ҳам Мусо (*алайҳис салом*)га нисбатан худди шундай мақом ва мансабга эга эди.

\*\*\*

### 3. Явмуд-дор ҳадиси

Ислом тарихининг гувоҳлик беришича, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) даъватларининг учинчи йили Аллоҳнинг амри билан хуфёна даъватларини ошкор этишга буюрилдилар. Шуаро сурасининг 214 – оятига биноан; «وَأَنْذِرْ عَشِيرَتَكَ الْأَقْرَبِينَ» «Ўз яқин қариндош-уруғларингни (исломга даъват қилиб, Аллоҳнинг азобидан) огоҳлантиргин» деб Пайғамбаримиз ошқора даъват қилишга амр қилиндилар.

Шунда Сарвари олам ўз яқин қариндошларини амакилари ҳазрати Абу Толибнинг уйларига таклиф этдилар. Таомланиб бўлишгач, шундай деб, марҳамат қилдилар: «Эй Абдул Муталлиб авлодлари! Аллоҳга қасамёд этиб айтаманки, араблар орасида ўз қавми учун мен сизларга келтирган нарсдан яхширогини келтирган бирор бир шахсни танимайман. Мен сизлар учун дунё ва охиратнинг хайр-саодатини келтирдим. Аллоҳ менга сизларни бу динга даъват этишимни буюрди. Демак, қайси бирингиз менга бу ишда ёрдам бергайсиз, токи, менинг биродарим, ворисим ва ўринбосарим бўлингиз?»

Ҳеч ким бу даъватга жавоб бермади, шу ерда фақат ҳаммадан ёши кичик бўлган Али ўрнидан туриб: «Ё Расулаллоҳ! Мен бу

ишингизда сизга ёрдамчи ва ёру ёварингиздирман» – деди. Шунда пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) муборак қўлларини Алининг бўйнига қўйиб:

«إِنَّ هَذَا أَخِي وَوَصِيِّي وَ خَلِيفَتِي فِيكُمْ، فَاسْمَعُوا لَهُ وَأَطِيعُوهُ»

«Бу (Али) сизларнинг орангизда менинг биродарим, ворисим ва ўринбосаримдир. Унинг айтганларини эшитингиз ва фармонига бўйин сунингиз» – деб буюрдилар. Аммо нодон ва гумроҳ одамлар нафақат сарвари оламнинг сўзларини қабул қилишмади, балки ул зотни масхара ҳам қилишди.

Юқоридаги «Явмуд-дор» (уйда қилинган даъват куни) номи билан машхур бўлган ушбу ҳадис маъно-мафҳум нуқтаи назаридан етарли миқдорда тушунарли ва аниқ бўлиб, санад жиҳатидан ҳам, бу ҳадисни Аҳли суннатнинг кўпгина уламолари, жумладан Ибн Абу Жарийр, Ибн Абу Хотам, Ибн Мардавайҳ, Абу Наим, Байҳақий, Саълабий, Табарий, Ибн Асир, Абул Фидо ва бошқалар ривоят қилишган.<sup>1</sup>

Қачонки, юқоридаги ҳадисни ҳам бетарафона ва холислик билан кўздан кечирсак, имом Али (алайҳис салом)нинг хилофати ва вилояти (пешволиги)га оид ҳаққоният бизга ошкора аён бўлади. Негаки, ушбу ҳадисда Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан сўнг имом Али (алайҳис салом)нинг бевосита халифа, ворис ва ўринбосар эканликлари ёрқин тарзда баён этилган.

\*\*\*

1. Батафсил маълумот олиш учун Ал-Мурожаот китобининг 130-бетидан у ёнига ва Ихкокул ҳақ китобининг 4-жилди, 62-бетидан у ёнига муурожаат қилинг.

**Ўйлаб жавоб беринг:**

1. Манзилат ҳадисини айтиб беринг. Неча ўринда бу ҳадис Пайғамбаримиз тарафларидан айтилган эди?
2. Манзилат ҳадисининг маъно-мазмунига биноан, қанақа мансаб ва мақомлар Али (*алайҳис салом*) учун исботланади.
3. Қуръоннинг айтишига кўра, Ҳорун Мусо (*алайҳис салом*)га нисбатан қандай мансаб ва мақомга эга эди?
4. Манзилат ҳадисини қайси олимлар ривоят қилишган?
5. «*Явмуд-дор*» ҳадисининг маъно-мазмуни, санади ва ундан келиб чиқадиган хулоса ҳақида айтиб беринг.



## 8- ДАРС:

---

### Сақалайн ва Нуҳ (а с) нинг кемаси ҳадислари

---

#### Сақалайн ҳадисининг санади;

Шиа ва сунний уламолари ўртасидаги яна бир машҳур ва таниқли ҳадислардан бири «Сақалайн ҳадиси»дир. Кўплаб саҳобалар бу ҳадисни бевосита ҳазрати Расулуллоҳ (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)дан ривоят қилишган бўлиб, айрим буюк уламоларнинг айтишича, ушбу ҳадисни ривоят қилган саҳобаларнинг сони ўттиздан ортиқдир.<sup>1</sup>

«Сақалайн ҳадиси»ни буюк бир тоифа муфассир, муҳаддис ва тарихчи олимлар ўз китобларида келтирганлар ва ушбу ҳадиснинг мутавотир<sup>2</sup> даражасига етганлигида шак-шубҳа йўқдир.

Йирик олим Саййид Ҳошим Баҳроний ўзининг «*Ғоятул маром*» номли китобида мазкур ҳадисни 39 санад билан Аҳли суннат уламоларидан ва 80 санад билан шиа олимларидан ривоят қилган. Аллома Мир Ҳомид Ҳусайн Ҳиндий эса «Сақалайн ҳадиси» хусусида чуқурроқ изланиб тадқиқот олиб бориб, қарийб Аҳли суннатнинг 200 нафар олимларидан бу ҳадис ривоят қилганлигини баён этиб, ушбу ҳадисга доир илмий татаббусини<sup>3</sup> кенг кўламда амалга ошириб, ўзининг олти жилдлик улкан китобини мазкур мавзуга бағишлаган.

Ушбу ҳадисни ривоят қилган машҳур саҳобалардан айримлари қуйидагилардан иборат: Абу Саид Худрий, Абу Зар Ғифорий, Зайд бин

---

1. Сийраи Ҳалабий, 33 – жилд, 308 – бет.

2. Ушбу сўзга китобнинг 275 – бетида изоҳ берилган.

3. Татаббунинг маъноси; текшириш, ўрганиш, тадқиқот ва таҳлил демакдир.

Арқам, Зайд бин Собит, Абу Рофеъ, Жубайр бин Мутъам, Хузайфа, Замра Асламий, Жобир бин Абдуллоҳ Ансорий ва Умму Салама.

Абу Зар Ал-Ғифорийнинг айтиши бўйича, асл ҳадис қуйидагича баён қилинган: У Каъбанинг эшигини тутган ҳолда халойиққа юзланиб, шундай деди: Мен Пайғамбаримиздан ушбу ҳадисни марҳамат қилаётган-ларини эшитдим:

«إِنِّي تَارِكٌ فِيكُمْ الثَّقَلَيْنِ كِتَابَ اللَّهِ وَعَثْرَتِي وَإِنَّهُمَا لَنْ يَفْتَرَقَا حَتَّىٰ يَرِدَا عَلَيَّ الْحَوْضَ»

«Мен сизларнинг орангизга икки арзирли ва қимматбаҳо нарсани қўйиб кетаяпман. Бири – Аллоҳнинг китоби ва иккинчиси эса – менинг Аҳли-Байтимдир. Бу иккиси ҳавзи кавсарда менинг ҳузуримга кириб келгунга қадар ҳаргиз бир-биридан ажралмас.<sup>1</sup>»

«Сақалайн ҳадиси» Аҳли суннатнинг мўътабар ва мўътамад манбаларида жумладан, «Сунани Термизий», «Сунани Нисоий», «Муснади Аҳмад ибн Ҳанбал», «Канзул уммол», «Мустадраки Ҳоким» ва бошқаларда ривоят қилинган.

Мазкур ҳадис кўпгина манбаларда «Сақалайн» (икки қимматбаҳо нарса) таъбири билан, айрим матнларда эса «халифатайн» (икки ворис ва ўринбосар) сўзи билан ривоят қилинган. Аммо бу билан ҳадиснинг маъно-мазмунни ўзгармайди.

Шуни айтиш лозимки, турли исломий ҳадислардан маълум бўлишича, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) «Сақалайн ҳадиси»ни бир неча ўринларда, турли муносабатлар билан марҳамат қилганлар ва мусулмонларни бу борада огоҳлантириб келганлар.

Масалан, «Жобир бин Абдуллоҳ Ансорий» Пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) бу ҳадисни Ҳаж маросимида Арафа куни буюрганликларини ривоят қилган.

«Абдуллоҳ бин Хантаб» эса ушбу ҳадисни Пайғамбаримиздан Макка ва Мадина орасида жойлашган Жухфа (ҳожилар эҳром боғлайдиган жойда) ривоят қилган.

1. Жомеъ Термизийдан нақл қилиниб, Янобийбул Маваддаҳ китобига мувофиқ келтирилди, 37 – бет.

Онамиз «Умму Салама» ривоятларига биноан, сарвари олам «Сақалайн ҳадиси»ни Ғадийр Хумда буюрганлар.

Баъзи ҳадисларда айтилишича, ҳазрати Расулуллоҳ (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) муборак умрларининг охирги кунларида беморлик чоғларида, ушбу ҳадисни марҳамат қилганлар.

Баъзи ҳадисларга кўра, Мадинада минбар устида айтганлар.<sup>1</sup>

Аҳли суннатнинг машҳур ва таниқли олими бўлмиш «Ибн Ҳажар»нинг «Савоъиқул муҳриқа» номли китобида Пайғамбаримиздан ривоят қилишича, Пайғамбаримиз «Сақалайн ҳадиси»ни марҳамат қилганларидан сўнг, Алининг қўлини юқорига кўтариб: «Бу Али Қуръон билан биргадир ва Қуръон ҳам Али билан биргадир, бу иккаласи Ҳавзи Кавсар ёнида менга кириб келгунча ҳаргиз бир-биридан ажралмас<sup>2</sup>», деб буюрдилар.

Шундай қилиб, айтилган ҳадислардан маълум бўладики, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) турли ерларда ва турли хил муносабатларда ҳар доим ҳазрати Али (*алайҳис салом*)нинг халифалик, ворислик ва раҳбарлик масаласини ўз саҳобаларига уқтириб, бу ғоят муҳим масалага аҳамият берганлар, ушбу тақдирни белгиловчи ҳақиқатни баён этиш учун ҳар бир фурсатдан фойдаланиб, умматни ушбу масалага эътибор беришига чақирганлар. Токи, ҳеч қачон унутилмай, онларда сақлаб қолинсин деб.

\*\*\*

### **Сақалайн ҳадисидан келиб чиқадиган худосалар**

Ҳадисдан келиб чиқадиган бир неча нукталар<sup>3</sup> мавжуд:

1. Қуръон ва итрат (Аҳли-Байт)ни «*икки халифа*» ёки «*икки қимматбахо нарса*» сифатида таништириш мусулмонларга бу иккисидан зинҳор ажралмаслик кераклигини ошқора англатади. Хусусан, ҳадиснинг кўплаб ўринларида айтилган ушбу ибораси:

1. Ал-Мурожаот, 42 – бет.

2. Савоъиқул муҳриқа, 75 – бет.

3. Ўта ингичка ва нозик масалалар.

«Агар бу иккисини маҳкам тутсангиз, ҳаргиз залолатга учрамайсизлар» фикримизни тасдиқлайди.

2. «Сақалайн ҳадиси»да Қуръон ва итрат (Аҳли-Байт)нинг бир-бири билан ёнма-ён келиши; Қуръон ҳар қандай хато ва камчиликлардан йироқ ва маҳфуз бўлгани каби, Пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг Аҳли-Байтлари ҳам ҳар қандай саҳв-хато ва адашишлардан пок ва маъсум эканликларига ёрқин далилдир.

3. Баъзи ҳадисларда Пайғамбаримиз очиқ – ойдин «*Мен қиёмат кунда бу иккаласи билан қандай муносабатда бўлганларингиз ҳақида сизлардан сўрагайман*», деб марҳамат қилганлар.

4. Шак-шубҳасиз, «*Итрат ва Аҳли-Байт*»ни ҳар қандай тафсир ва баён қилсак ҳам, Али (алайҳис салом) «*Аҳли-Байт*»нинг ёрқин намунасидирлар. Ислом тарихининг ва кўплаб ривоятларнинг гувоҳлик беришича, ҳазрати Али (алайҳис салом) ҳеч вақт Қуръондан ажралмадилар ва Қуръон ҳам ул зотдан ажралмади.

Кўшимча қилиб айтамикки, кўпгина ҳадисларда айтилишича, «*Мубоҳала*» ояти нозил бўлганида, Пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Али, Фотима, Ҳасан ва Ҳусайнларни ҳузурларига чақириб, «*Булар менинг Аҳли-Байтимдирлар*», деб марҳамат қилдилар.<sup>1</sup>

5. Гарчи охират ҳақидаги маълумотларимиз моддий дунё бизни қуршаб олганлиги сабабли чегараланган бўлса-да, бироқ ҳадислардан маълум бўлишича, «*Ҳавзи Кавсар*» номли жуда кўп имтиёз ва устунликга эга бир ҳовуз жаннатда мавжуд бўлиб, Пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам), ул зотнинг Аҳли-Байтлари ва уларга эргашувчи ҳақиқий мўъминлар бу ҳовуздан баҳраманда бўлгайлар.

Юритган суҳбатларимиздан яққол маълум бўладикки, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан сўнг мусулмонларнинг раҳнамоси, йўлбошчиси ва пешвоси ҳазрати Али (алайҳис салом) бўлиб, ул зотдан сўнг эса,

1. Мишкотул масобих, Даҳли чопи, 568 – бет ва Риёзун назира, 2 – жилд, 248 – бет (Муслим ва Термизий ривоятига биноан.)

Аҳли-Байтдан бўлган маъсум имомлар Ислом умматининг раҳнамоси ва йўлбошчисидирлар.

\*\*\*

Нух (*алайҳис салом*)нинг кемаси ҳадиси

Ҳазрати Расулulloҳ (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)дан Аҳли суннат ва шиаларнинг китобларида ривоят қилинган мароқли таъбирлардан бири, «Нух кемаси»га ўхшатиш ҳадисларидир.

Ушбу ҳадис сунний ва шиаларнинг машҳур китобларида зикр қилинган бўлиб, Абу Зар (*разияллоҳу анҳу*) ҳадиснинг матнини Пайғамбаримиздан қуйидагича ривоят қилади: Сарвари олам ўз Аҳли-Байтлари борасида шундай деб марҳамат қилдилар:

«أَلَا إِنَّ مَثَلِ أَهْلِ بَيْتِي فِيكُمْ كَمَثَلِ سَفِينَةِ نُوحٍ، مَنْ رَكِبَهَا نَجِيَ وَمَنْ تَخَلَّفَ عَنْهَا غَرِقَ»

«Менинг хонадоним ва Аҳли-Байтим мисоли сизларнинг орангизда Нухнинг кемасига ўхшайди. Кимки, унга минса, нажот топувчи ва кимки, ундан ажралса гарқ бўлувчи.<sup>1</sup>»

Юқоридаги «Нух кемаси» ҳадиси машҳур ҳадислардан саналиб, инсонлар Расулulloҳ (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) нинг вафотларидан сўнг, ҳазрати Али (*алайҳис салом*)га ва Пайғамбаримиз хонадонларидан бўлган ўн бир маъсум имомларга эргашишлари зарур эканлигини ёрқин тарзда баён қилади.

Агар ҳазрати Нух (*алайҳис салом*)нинг кемаси бутун оламни қамраб олган улкан тўфон рўй берганда, мўминларнинг ягона паноҳгоҳи ва нажот топувчи воситаси бўлганлигини назарда тутсак, ушбу ҳақиқат яққол маълум бўладики, ислом уммати пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)дан сўнг, хилофат ва раҳбарлик масаласи устида юзага келган фитналар тўфонида, фақат ул зотнинг Аҳли-Байтларига эргашиш ва уларга бўйин сунуш билан-гина нажот топа оладилар.

\*\*\*

1. Мустадраки Ҳоким, 3 – жилд, 151 – бет.

**Ўйлаб жавоб беринг:**

1. «Сақалайн ҳадиси»нинг маъно-мазмуни ҳақида сўзлаб беринг. Бу ҳадисда Аҳли-Байтнинг қандай имтиёз ва устунликлари зикр қилинган?
2. «Сақалайн ҳадиси»ни кимлар ривоят қилишган?
3. «Сақалайн» сўзининг маъноси нимадир? Ҳадисда унинг ўрнига бошқача таъбир ҳам айтилганми?
4. Пайғамбаримиз сақалайн ҳадисини қайси ўринларда марҳамат қилганлар?
5. «Нухнинг кемаси» ҳадисининг санади ва маъно-мазмуни ҳақида айтиб беринг.

## 9- ДАРС:

---

### Ўн икки имом

---

#### Ўн икки имом ҳақидаги ҳадислар

Мўъминлар амири Али (*алайҳис салом*)нинг пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)дан сўнг, бевосита халифа, ворис ва раҳнамолигини ҳамда бошқалардан афзаллигини исботлаганимиздан кейин, қолган имомларнинг имомати ва вилояти (пешволиги ва раҳнамолиги) хусусида сўз юритишни лозим топдик.

Бу борада қисқа ва лўнда қилиб, қуйидаги баҳсга диққатингизни қаратамиз:

**Биринчидан;** ҳозирги кунда Аҳли суннат ва шиаларнинг китобларида кўплаб ҳадислар мавжуд бўлиб, уларда Пайғамбаримиздан сўнг, «ўн икки имом» ёки «ўн икки халифа» пешволиги ва раҳнамолиги борасида умумий шаклда сўз юритилган.

Бундай ҳадислар Аҳли суннатнинг машҳур ва таниқли манбалари бўлмиш Саҳиҳул Бухорий, Саҳиҳул Муслим, Сунани Термизий, Сунани Аби Довуд, Муснади Аҳмад ва бошқаларда ривоят қилинган.

«*Мунтахабул асар*» китобида икки юз етмиш бир ҳадис шу мазмунда ривоят қилинган бўлиб, уларнинг аксарияти Аҳли суннат уламолари тарафидан ва озгина қисми эса шиа манбаларидан ривоят қилинган.

Мисол тариқасида Аҳли суннатнинг энг машҳур китоби бўлмиш «*Саҳиҳул Бухорий*»да келтирилган ҳадисни кўздан кечирамиз:

حدثني محمد بن المثني حدثنا غندر حدثنا شعبة عن عبد الملك سمعت جابر بن سمرة قال سمعت النبي ﷺ يقول: «يَكُونُ إِثْنَا عَشَرَ أَمِيرًا - فَقَالَ كَلِمَةً لَمْ أَسْمَعْهَا - فَقَالَ أَبِي إِنَّهُ قَالَ كُلُّهُمْ مِنْ قُرَيْشٍ»

Жобир бин Самура (*разияллоҳу анҳумо*) айтади: Пайғамбаримиз (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) «Мендан кейин ўн икки амир бўлажакдир.» Сўнгра яна бир сўз дедилар, мен уни эшитолмадим. Шунда отам деди: Ул зот: «Уларнинг ҳаммаси Қурайшдандир<sup>1</sup>», деб марҳамат қилдилар.

«Саҳиҳи Муслим»да ушбу ҳадис қуйидагича ривоят қилинган: Жобир айтади: Расулуллоҳ (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)дан шундай деб марҳамат қилганларини эшитдим:

سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يَقُولُ: «لَا يَزَالُ الْإِسْلَامُ عَزِيْزًا إِلَيَّ إِثْنَا عَشَرَ خَلِيْفَةً ثُمَّ قَالَ كَلِمَةً لَمْ أَفْهَمْهَا، فَقُلْتُ لِأَبِي: مَا قَالَ؟ فَقَالَ كُلُّهُمْ مِنْ قُرَيْشٍ»

«Модомики, ўн икки халифа ва ворис бор экан, ислом азиз ва юксак қолажакдир.» Сўнгра яна бир сўз дедилар, мен уни англай олмадим. Бу ҳақда отамдан сўраганимда, отам: Ул ҳазрат: «Уларнинг ҳаммаси Қурайшдандир<sup>2</sup>», деб марҳамат қилдилар, деди.

Шунингдек, Муслим ибн Ҳажжож Расулуллоҳ (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)дан мазкур ҳадисни қуйидагича ҳам ривоят қилади:

«لَا يَزَالُ أَمْرُ النَّاسِ مَا ضِيَاءَ مَا وَلِيَهُمْ إِثْنَا عَشَرَ رَجُلًا»

«Модомики, ўн икки киши (халифа) одамларга раҳнамолик қилар экан, уларнинг иши ўнгидан келади.»<sup>3</sup>

Муснади Аҳмад ибн Ҳанбал китобида машҳур саҳоба Абдуллоҳ ибн Масъуддан ушбу ҳадис қуйидагича ривоят қилинган: Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)дан ул зотнинг халифалари ва ворислари ҳақида сўралганда, ул ҳазрат:

1. Бухорий, «Саҳиҳи Бухорий», Китобул аҳком, бобул истихлоф, 6796 – рақамли ҳадис.

2. Муслим, «Саҳиҳи Муслим», китобул умаро, *Ан-носу табаун лиҚурайиш вал-хилофату фий Қурайиш* боби, ҳадис рақами: 1821/4598.

3. Олдинги манба.



«إِنَّا عَشَرَ كِعْدَةٍ تُقْبَاءُ بَنِي إِسْرَائِيلَ»

«Уларнинг сони бани Исроил нақиблари (бошлиқлари)нинг сони сингари ўн иккитадир<sup>1</sup>», деб марҳамат қилдилар.

### Ушбу ҳадисларнинг маъно-мазмуни ҳақида

Исломнинг иззат ва юксаклигини таъминловчи ўн икки халифа ва йўлбошчи ҳақидаги ҳадислар ва айрим таъбирларда ислом динининг ҳаёти бу ўн икки халифа ва раҳнамога боғлиқ ҳамда «уларнинг ҳаммаси Қурайшдан» ёки айрим таъбирларда «уларнинг ҳаммаси бани Ҳошимдан» деб, келган ҳадислар исломдаги мазҳаблардан фақатгина шиа мазҳаби эътиқодига мувофиқдир, холос. Негаки, шиа мазҳаби эътиқодига биноан, ушбу ҳадисларнинг маъно-мазмуни тамомила ошкор ва аёндыр. Ҳолбуки, аҳли суннат уламолари мазкур ҳадислар кимга тегишли эканлигини аниқлаб олишда боши берк кўчага кириб қолишган.

Зеро, агар дастлабки тўрт халифани ва уларга бани Умайя ва бани Аббос халифаларини қўшиб ҳисоблайдиган бўлсалар, уларнинг сони ўн иккитадан ошиб кетади. Агар бани Аббос халифаларини назарда тутадиган бўлсалар ҳам уларнинг сони ўн иккига тўғри келмайди.

Демак, на дастлабки халифаларнинг сони ўн икки нафар бўлган, на бани Умайя ва бани Аббос халифаларини қўшиб ҳисобласак, ўн икки нафарга тўғри келади ҳамда ҳар қайси алоҳида ҳисобга олинса-да, ўн икки ададга мувофиқ эмасдир ва бу ўн икки адад ҳеч бир ҳисоб-китобга тўғри келмайди.

Устига устак, бани Умайя халифалари орасида Язид бин Муовия каби ва Бани Аббос халифалари орасида Мансур Давониқий ва Ҳорун Ар-Рашид сингари қонхўр ва золим халифалар бўлган. Уларнинг содир этган бағоят оғир зулм ва жиноятлари борасида ҳеч бир шак-шубҳага ўрин йўқдир. Шунинг учун, уларни қандайига Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг халифалари, ворислари ва исломга иззат ва юксаклик бағишловчи раҳнамолар деб ҳисоблаш мумкин?! Ҳар қанча халифа, ворис ва йўлбошчи

1. Аҳмади ибн Ҳанбал, «Муснад Аҳмад», 1 – жилд, 398 – бет.

бўлиш меъёрларини оддий ва содда шаклда баён қилсак ҳам, бундай шахслар доирадан ташқаридадирлар.

Шундай қилиб, ўн икки сонини фақат шиалар эътиқод қиладиган ўн икки имомга татбиқ этишдан бошқа тўғри ечим топиб бўлмайди.

Сўзимизнинг тасдиғи ўлароқ, Аҳли суннатнинг икки нафар буюк алломалари назарини кўздан кечирамиз:

Саҳиҳи Муслимга шарҳ ёзган имом Нававий мазкур ҳадисларнинг маъно-мазмуни ҳақида айтади:

ويحتمل أوجهًا آخر والله أعلم بمراد نبيّه ﷺ

«Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) (ушбу ҳадисдан) бошқа маъноларни назарда тутгандирлар. Аллоҳ таоло Ўз Пайгамбарининг кўзлаган мақсадидан огоҳдир.»<sup>1</sup>

Саҳиҳи Бухорийга шарҳ ёзган Ҳофиз Ибн Ҳажар Асқалоний бу борада ёзади:

والعلم عند الله تعالى بعد ذكر أقوالٍ مختلفةٍ حوّل عدد الخلفاء والأئمّة الذين لا بُدَّ أن يكونوا من قریش ولم ينته إلى التّبيحة.

«Қурайш қабиласидан бўлиши шарт бўлган халифалар ва имомлар сони хусусида турли қавлларни (назарларни) зикр қилиб (муайян) натижага эриша олмагач, унинг илми Аллоҳ таоло наздидадир, деймиз»<sup>2</sup>

Бу ҳақда Аҳли суннатнинг буюк ва машҳур олими фикрларини диққат ила мутолаа қилсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шайх Сулаймон ибн Иброҳим Қундузий Ҳанафий (ҳанафий мазҳаби уламоларидан) ўзининг «Янобиъул маваддаҳ» номли китобида шундай ёзади:

1. Имом Нававий, «Саҳиҳи Муслим бишарҳин-Нававий», Байрут-Ливан чопи, дорул китобил-арабий нашриёти, 12-жилд, 201-бетдан 203-бетларгача ва шунингдек, имом Нававий, «Шарҳи Саҳиҳи Муслим» Байрут-Ливан чопи, дорул қалам нашриёти, 33-китобул имаарах, 12-жилд, 443-бетдан 445-бетларгача.
2. Ҳофиз Ибн Ҳажар Асқалоний, «Фатҳул-Борий шарҳи Саҳиҳи Бухорий», Байрут-Ливан чопи, дорул кутубил илмийя нашриёти, Китобул аҳком, 2-бобул умароҳ мин Қурайш, 13-жилд, 147-бетдан 150-бетларгача.

«Айрим тадқиқотчиларнинг айтишича, Пайгамбардан кейинги халифа ва ворисларнинг сони ўн икки нафар эканлиги хусусидаги ҳадислар машҳур бўлиб, кўп санадлар билан ривоят қилинган. Бироқ вақт ўтиши билан ушбу ҳақиқат аён бўлмоқдаки, Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг бу ҳадислардан кўзлаган мақсадлари ўз хонадонлари ва Аҳли-Байтларидан бўлган ўн икки халифа ва имомлардир. Зеро, мазкур ҳадисларни дастлабки халифаларга тегишли, деб айта олмаймиз, негаки, уларнинг сони тўрт нафардан ортиқ эмас эди. Бани Умайяга ҳам тегишли, дея олмаймиз, зеро, уларнинг сони ўн икки нафардан зиёд эди ва Умар бин Абдулазиздан ташқари уларнинг ҳаммаси золим ва ситамкор эдилар. Устига устак, улар бани Ҳошимдан эмас эдилар, ҳолбуки, «Абдулмалик бин Умар» «Жобир бин Саҳара»дан қилган ривоятига кўра, Пайгамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам): «Халифаларнинг ҳаммаси бани Ҳошимдан бўлади», деб марҳамат қилганлар. Пайгамбаримизнинг бу ўн икки нафар қайси тоифаданлигини секин ва оҳиста айтганлари, ушбу фикримизнинг далилидир. Зеро, кўпчилик бани Ҳошим халифа бўлишига мувофиқ эмас эди. Ва шунингдек, мазкур ҳадисдаги ўн икки халифани Бани Аббос тоифасидаги ҳукмдорларга ҳам татбиқ эта олмаймиз. Зеро, уларнинг сони ҳам ўн икки нафардан ортиқ эди ва бундан ташқари, улар қуйидаги:

﴿قُلْ لَا أَسْأَلُكُمْ عَلَيْهِ أَجْرًا إِلَّا الْمَوَدَّةَ فِي الْقُرْبَىٰ﴾

(Эй, Мухаммад,) айтгинг: «Мен сизлардан бу (чеккан заҳматим) эвазига ажр-мукофот эмас, фақат қариндошлик меҳринигина сўрайман, холос» (Шўро сураси, 23 – оят). «Маваддат ояти»га ва «Касо» ҳадисига нибатан бепарво бўлиб, унга амал қилмадилар.

Шу боис, ушбу ҳадисни фақат пайгамбаримиз Мухаммад Мустафо (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг Аҳли-Байтларидан бўлган ўн икки имомгагина татбиқ этишимиз мумкин. Зероки, улар илм ва маърифатда ўз замоналаридаги шахсларнинг ҳаммасидан кўра, доно, зуҳд ва тақвода барчадан афзал,

асл ва насабда эса ҳаммадан юқоридадирлар. Уларнинг билимлари, Аллоҳ тамонидан ато этилган илми ладунний бўлиб, уни ўз боболари Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан мерос қилиб олганлар.

Ушбу фикр-мулоҳазамизни Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан Аҳли-Байт борасида ривоят қилинган Сақалайн ва шу каби кўплаб ҳадислар тасдиқлайди.»<sup>1</sup>

Қизиғи шундаки, мен (китоб муаллифи) Маккага қилган сафаримда Ҳижозлик Аҳли суннат уламолари билан бу ҳадис борасида суҳбатлашганимизда, улар «ажойиб» бир ечим топибдилар. Улар юқоридаги ўн икки амир ва халифа ҳақидаги ҳадисни бошқача тафсир ва таҳлил қилиш чораларини кўриб, қўйидаги фикр-мулоҳазани билдиришди:

«Ўн икки халифа ва ворисдан назарда тутилган шахслар, гуё исломнинг илк давридаги дастлабки тўрт халифа (хулафои рошидин) бўлиб, қолган саккиз халифа эса ҳалигача вужудга келмаган ва келажакда келар эмиш!»

Уларнинг юқоридаги қилган тафсир ва таҳлиллари асосида топган ушбу ечимларидан боши берк кўчага кириб қолганликлари яққол маълум бўлади.

Улар ҳадисдаги ўн икки халифа ва амир бир-биридан узилмай кетма-кет келишларини ҳисобга олмаган ҳолда, ўзлари учун юзаки ва сатҳий бир ечимни топиб олгандек кўринадилар.

Аммо бизнинг очиқ-ойдин сўзимиз шундан иборатки, ушбу ҳадисдан фақат шиаларнинг ўн икки имомигина назарда тутилгани хусусидаги ёрқин тафсир ва таҳлил ҳамда аниқ далил ва исботлар бўла туриб, нима учун бошқа ечимлар кетидан изланиб, боши берк кўчага кириб қолган шахс каби ўзимизни қийнаб қўйишимиз керак экан?!

\*\*\*

---

1. Шайх Сулаймон ибн Иброҳим Қундузий Ҳанафий, «Янобиъул маваддаҳ», 3 – жилд, 77 – боб, 504 – бет.

**Имомларнинг исмлари билан тайин этилганликлари ҳақида** Дикқатга сазовор бўлган нарсга шундан иборатки, Аҳли суннат уламоларининг қилган ривоятлари орқали азиз пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан бизга етиб келган баъзи ҳадисларда ўн икки имомнинг исмлари очиқ-ойдин зикр қилиниб, уларга хос хусусиятлар ва белгилар ҳам айтиб ўтилган!

Аҳли суннатнинг таниқли олими бўлмиш Шайх Сулаймон Қундузий Ҳанафий ҳазратлари юқорида айтганимиз «Янобиъул маваддаҳ» номли китобда шундай ривоят қилиб айтадилар:

*Наъсал исмли бир яҳудий Пайғамбаримизнинг ҳузурларига келиб, ул зотга бир неча саволлар бергач, ул ҳазратдан кейинги халифа ва ворислар борасида сўрайди. Шунда Сарвари олам уларни таништириш учун шундай марҳамат қиладилар:*

إِنَّ وَصِيَّ عَلِيٍّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ، وَبَعْدَهُ سِبْطَايِ الْحَسَنِ وَالْحُسَيْنِ، تَثْلُوهُ تِسْعَةَ أَيْمَةٍ مِنْ صُلْبِ الْحُسَيْنِ. قَالَ: يَا مُحَمَّدٌ فَسَمَّهُمْ لِي. قَالَ ﷺ: إِذَا مَضَى الْحُسَيْنُ فَأَبْنُهُ عَلِيٌّ، فَإِذَا مَضَى عَلِيٌّ فَأَبْنُهُ مُحَمَّدٌ، فَإِذَا مَضَى مُحَمَّدٌ فَأَبْنُهُ جَعْفَرٌ، فَإِذَا مَضَى جَعْفَرٌ فَأَبْنُهُ مُوسَى، فَإِذَا مَضَى مُوسَى فَأَبْنُهُ عَلِيٌّ، فَإِذَا مَضَى عَلِيٌّ فَأَبْنُهُ مُحَمَّدٌ، فَإِذَا مَضَى مُحَمَّدٌ فَأَبْنُهُ عَلِيٌّ، فَإِذَا مَضَى عَلِيٌّ فَأَبْنُهُ الْحُسَيْنُ، فَإِذَا مَضَى الْحُسَيْنُ فَأَبْنُهُ الْحُجَّةُ مُحَمَّدٌ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ الْمَهْدِيُّ فَهَؤُلَاءِ اثْنَتَا عَشْرَةَ...

«Менинг ворисим ва ўринбосарим (халифам) Али ибн Аби Толиб ва ундан сўнг икки набирам Ҳасан ва Ҳусайндир ва (имом) Ҳусайндан сўнг, Ҳусайннинг зурриётидан бўлган тўққиз имом келурлар.

*Яҳудий киши яна деди: Ана ўша тўққиз имомнинг номларини менга айтиб беринг! Шунда Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) марҳамат қилдилар:*

Ҳусайннинг (пешво, раҳбар, ва бошлиқлик) замони тугагач, унинг ўғли Али (имом Зайнул обидийн)дир, Али (ибн Ҳусайн, Зайнул обидийн)нинг пешволик ва бошлиқлик замони тугагач, унинг ўғли Муҳаммад (ибн Али, имом Боқир)дир, имом Муҳаммаднинг пешволик замони тугагач, унинг ўғли Жаъфар (ибн Муҳаммад, имом Содиқ)дир, имом Жаъфар Содиқнинг пешволик замони тугагач, унинг ўғли Мусо (имом Козим)дир, имом Мусои Козимнинг пешволик замони тугагач, унинг ўғли Али (имом

*Ризо)дир, имом Али Ризонинг пешволик замони поёнига етгач, унинг ўғли Муҳаммад (имом Жавод)дир, имом Муҳаммаднинг пешволик замони ниҳоясига етгач, унинг ўғли Али (имом Ҳодий ёки имом Нақий)дир, имом Алининг пешволик замони якунига етгач, унинг ўғли Ҳасан (имом Ҳасан Аскарӣ)дир, имом Ҳасан Аскарӣнинг пешволик замони тугагач, унинг ўғли Хужжат Муҳаммад Маҳдий пешво, раҳбар, бошлиқ ва йўлбошчи бўлур. Булар ўн икки халифа бўлиб, менадан сўнг менинг ворисларимдир.»<sup>1</sup>*

Ва шунингдек, юқоридаги «Янобийъул маваддаҳ» китобида «Маноқиб» номли китобдан бошқа бир ҳадис ривоят қилган. Ушбу ҳадисда ўн икки имом ва пешволар исм ва хусусиятлар билан баён қилиниб, охириги имом ва халифа ҳазрати Маҳдий (алайҳис салом)нинг кўзлардан ғойиб бўлишлари, сўнгра зуҳур ва инқилоб қилишлари ва ер юзини зулм ва зўравонлик, фасод-бузғунликка тўлиб тошгач, адолат ва яхшиликка тўлдиришлари айтилган.<sup>2</sup>

Айтиб ўтиш лозимки, шиалар тарафидан ушбу мавзу ҳақида ривоят қилинган ҳадисларнинг сони жуда кўп бўлиб, мутавотир<sup>3</sup> даражасидан ҳам ошади.

\*\*\*

### **Кимки бу дунёдан кўз юмса-ю, ўз замонасининг имомини танимаса...**

Қизиқарлиси шундаки, Аҳли суннатнинг мўътабар китобларида ҳам, Пайғамбаримиздан қуйидаги ҳадис ривоят қилинган:

مَنْ مَاتَ بِغَيْرِ إِمَامٍ مَاتَ مَيْتَةً جَاهِلِيَّةً

*«Кимда ким ўз замонасининг имомисиз (яъни уни танимай) дунёдан ўтса, жаҳолат ўлими билан ўлган бўлади.»<sup>4</sup>*

Худди шу ҳадис шиа манбаларида қуйидагича ривоят қилинган:

- 
1. Шайх Сулаймон ибн Иброҳим Қундузий Ҳанафий, «Янобийъул маваддаҳ», 3 – жилд, 76 – боб, 499 – бет.
  2. Юқоридаги манба, 3 – жилд, 76 – боб, 500 – бет.
  3. Ушбу сўзга китобнинг 275 – бетида изоҳ берилган.
  4. Ал-Муъжамул муфаҳрис лиалфозил аҳодисин-набавий, 6 – жилд, 302 – бет.

مَنْ مَاتَ وَلَا يَعْرِفُ إِمَامَهُ مَاتَ مِيتَةً جَاهِلِيَّةً

«Кимда ким ўлса-ю, ўз замонасининг имоми ва пешвосини танитай ўтса, жаҳолат ўлими билан ўлган бўлади.»<sup>1</sup>

Ушбу ҳадиснинг ёрқин тарзда гувоҳлик беришича, ҳар бир аср ва замонда барча гуноҳ ва хатолардан пок ва йироқ бўлган маъсум имом мавжуд бўлиб, ушбу имомни таниш вожиб ва зарурдир. Уни танимаслик эса шу даражада зарар ва зиён ҳисобланганки, жоҳилият давридаги кофирлик ҳолатига мубтало бўлган ҳолда, оламдан ўтиш билан баробар экани айтилган.

Бу ҳадисда назарда тутилган имом ва пешво Чингизхон, Ҳорун Ар-Рашид ва ўзгаларга қарам бўлган золим шахслар каби ҳукумат тепасига келган ҳукмдорлармикан?

Шак-шубҳасиз, ушбу саволга салбий жавоб бергаймиз. Негаки, кўпинча ҳукмдорлар ва юртбошилар нолайик, золим, зўравон, гуноҳкор ва баъзан Шарқ ёки Ғарб давлатларига тобе ва қарам бўлиб, ажнабий ва ётларнинг сиёсатини амалга оширувчи шахслардир. Шубҳасиз, бундайларни «имом» ва «пешво» деб билиб, қабул қиладиган бўлсак, улар одамни ҳалокат сари олиб бориб, жаҳаннамга жўнатишлари аниқдир.

Демак, ҳар бир аср ва замонда маъсум имом ва пешво бор бўлиб, уни топиб танимоқ, унинг пешволик ва раҳбарлигини қабул этмоқ лозим ва зарурдир.

Шуни таъкидлаш ҳам лозимки, маъсум имомларнинг пешволикларини бирма-бир исботлаш йўли юқоридаги услубдан ташқари, олдинги ҳар бир имомдан кейинги имом ва пешво ҳақида ривоят қилинган ҳадислар ёрдамида ва шунингдек, имомларнинг кўрсатган мўъжизалари орқали амалга ошади.

\*\*\*

1. Биҳорул анвор, 6 – жилд, 16 – бет (эски чоп).

**Ўйлаб жавоб беринг:**

1. Ўн икки имом ва халифа ҳақидаги ҳадислар қайси китобларда келтирилган?
2. Ушбу ҳадисларнинг маъно-мазмунини айтиб беринг.
3. Аҳли суннатнинг бу ҳадисни тўғри тафсирлаб, уни татбиқ этишдаги қийинчиликларини изоҳланг.
4. Аҳли суннат ҳадисларида ҳам имомларнинг исмлари зикр қилинганми?
5. Ўн икки имомларнинг имомат ва пешволикларини исботлаш учун қандай йўллар мавжуд?



## 10- ДАРС:

---

### Имом Маҳдий – ўн иккинчи имом ва оламнинг буюк ислоҳотчиси

---

#### **Қора туннинг якуни;**

Ҳозирги кундаги жаҳоннинг вазиятига, жиноят, қонхўрликлар, қирғинлар, ноҳақ қон тўкишлар, халқаро саҳналардаги тортишувлар, келишмовчиликлар ва сиёсий зўравонликларнинг кундан кунга ортиб боришига ҳамда ахлоқсизликлар, фасод ва бузғунликларнинг кўпайишига назар солиб, кузатадиган бўлсак, беихтиёр ўзимиздан; *«Қачонгача бу вазият давом этади? Наҳотки, бундай жиноят ва бузғунликларнинг чегараси бўлмай, уларнинг доирасининг қамрови кенгайиб боради ва оқибат, бутун инсоният жамияти доимий бир жанг ва урушга шўнгиб кетиб, нобуд бўлишса-я? Ёки мафкуравий ва эътиқодий оғишлар ва ахлоқий бузғунликлар ботқоғи башариятни ўзига тортиб чўктириб юборадими?»*

*«Ва ёхуд нажот топиш ва тузалиб кетишга умид борми?»* деб сўраймиз.

Бу каби саволларга икки жавоб мавжуд:

**Биринчи жавоб:** Бадбин моддийончи<sup>1</sup>лар томонидан берилган жавоб шундан иборатки, жаҳоннинг келажаги қоронғи бўлиб, ҳар он ва замонда хавфли ҳодиса юз беришининг эҳтимоли бор.

**Иккинчи жавоб:** Аммо самовий динларнинг таълимотига эътиқод қиладиганлар, айниқса мусулмонлар, махсусан шиаларнинг ушбу саволларга берадиган жавоби ва дунёқараши эса ўзгачадир.

---

1. Ушбу сўзга китобнинг 20 – бетида изоҳ берилган.

Уларнинг эътиқодича, бу қоронғи ва буткул фасодга тўла кунларнинг кетидан ёруғ ва умидбахш келажак бордир. Бу қора булутлар, бало ва ўлим келтирувчи тўфонлар ва вайрон қилувчи селлар ахир-оқибат, барҳам топажак ва унинг ўрнига мусаффо осмон, ёруғ қуёш ва оромбахш кунлар келажак.

Бу даҳшатли гирдоблар кўз ўнгимизда ниҳоясиз бўлмай, балки олис бўлмаган уфқда нажот соҳилининг белгилари кўзга кўрина бошланажак.

Бутун олам буюк бир ислоҳотчининг интизоридадир, у ўзининг улкан инқилоби билан бутун ер юзини ҳақ-ҳақиқат ва адолатга тўлдиражак. Албатта турли динларда бу буюк ислоҳотчини турли-туман номлар билан келтирганлар. Араб шоирининг айтишича;

عباراتنا سُنِّي وَحُسْنُكَ وَاحِدٌ وَكُلُّ إِلَى ذَاكَ الْجَمَالِ يُشِير

«Сўз ва ибораларимиз ҳар хил, аммо сенинг гўзаллигинг бир ва ягонадир. Ва айтадиган барча сўз-ибораларимиз ўша гўзалликка ишора қилур!»

### **Илоҳий фитрат ва буюк ислоҳотчининг зоҳир бўлиши**

Инсоннинг ички ҳиссиёти ва ботиний илҳомлари гоҳида ақл-идрокнинг муҳокамасидан кўра, кучлироқ бўлиб, нафақат Аллоҳни танишда, балки барча эътиқодий масалаларда бизга йўл кўрсатади ва ушбу масалада ҳам бизни етаклаб ўз таъсирига эгадир.

Ушбу ички ҳиссиётнинг белгилари:

**Биринчидан;** Ҳамма инсонларнинг жаҳон миқёсидаги кенг қамровли адолатга нисбатан муҳаббати бордир. Зеро, бутун халойиқ ҳар қандай хулқ-атвор ва қарашларга эга бўлишидан қатъий назар, адолат ва сулҳни севадилар ва бутун вужудлари билан жаҳон миқёсидаги адолат ва сулҳни талаб қиладилар. Бутун инсонларнинг жаҳоний адолат ва сулҳни исташлари, буюк ислоҳотчи зоҳир бўлиши фитрий эканлигига энг яхши далилдир. Негаки, қайси масалада ҳамма одамларнинг умумий истак ва муҳаббатлари бор бўлса, ўша масала фитрий эканлигига энг яхши далил бўла олади (диққат қилинг!).

Ҳар бир ҳақиқий ва фитрий ишқ-муҳаббат ташқи оламда бир маъшук ва маҳбуб борлигидан ва унинг жозибасидан дарак беради.

Шундай экан, қандайига Аллоҳ инсон қалбида бу ишқ-муҳаббатни яратиб қўйган бўлса-ю, аммо унинг амалга ошишини эса таъминламаса?

Шу ерда адолатни талаб қилувчи инсониятнинг виждони ва фитратига мувофиқ ўлароқ, дунё бир куни келиб, адолат ва сулҳ-тинчликка тўлиб, адолат бутун жаҳонни қамраб олажак, зулм-ситам ва зўравонлик таг-томири билан йўқотилажак. Бу ишни амалга оширадиган буюк ислоҳотчи эса, бутун башариятни ягона бир ўлка ва ҳокимиятга айлантириб, адолат асосида уларга ҳукмронлик қилажак ва улар бир байроқ ва бир давлат остида бирлашиб, бир-бирларини тушунган ҳолда сулҳ, сафо ва самимият билан ҳаёт кечиражаклар.

**Иккинчидан;** Жаҳондаги бутун динлар ва мазҳаблар умумий шаклда буюк ислоҳотчининг келишини интизорлик билан кутмоқдалар. Тақрибан ҳамма динларда бу хусусида эътиқод мавжудлиги кўзга ташланади ва уларнинг ҳаммаси буюк халоскор келиб, башариятни оғир аҳвoldан қутқаришига ишонишади. Мавжуд бўлган санад ва ҳужжатларнинг кўрсатишича, ушбу эътиқод умумий ва қадимдан бор бўлиб, шарқ ва ғарбдаги барча миллат-элатлар ва динлар келажакда, одил ҳукмрон ва подшоҳ келишига эътиқод қиладилар. Аммо ислом дини комил ўлароқ, бу масала унда тўла-тўқис ва муфассалроқ баён этилган.

\*\*\*

Зардуштийларнинг машҳур китоби бўлмиш «Занд»да Ийзадон (яхшилик ва адолат худоси) ва Аҳриманон (зулм ва ёмонлик худоси)нинг ўзаро доимий курашуви баён қилинган, шундай дейилади: *«У вақт Ийзадон Аҳриманон устидан галаба қозонади ва уни ер юзидан йўқотади... Бутун олам ҳақиқий саодатга эришажак ва одамизот яхшилик ва саодат тахтига ўтиражак!»*

Зардуштийларнинг бошқа бир китоби бўлмиш «Жомосб нома»да эса Зардуштнинг тарафидан бундай нақл қилинади: *«Арабларнинг сарзаминидан катта бошли, йирик танали ва бақувват бир киши чиқиб, ўзининг бобокалонининг динини қайта*

жонлантириш учун кўп сонли сипоҳлари билан бутун ер юзини эгаллайди ва унда адолат билан ҳукмронлик қилажак.»

Ҳиндуларнинг «Вашен жавак» номли китобида шундай ёзилган: «Ахир-оқибат, бутун ер юзи Худонинг севиқли бандасининг қўлига ўтажакдир ва у Худонинг хос бандаларидандир.»

Ҳиндуларнинг «Босак» номли китобида эса шундай ёзилган: «Дунёнинг ҳозирги даври тугаб, охир замонда бир одил подшоҳ ер юзини эгаллайди. Ва у фаришталарнинг, париларнинг ва одамларнинг пешвоси ва раҳбари бўлажакдир. Шубҳасиз, ҳақ унинг тарафида бўлғусидир. У денгизлар, тоғлар ва ер остидаги пинҳон бўлган нарсаларни қўлга киритажак. Кўк ва ердаги барча нарсалардан хабар беражак ва ундан буюкроқ ҳеч ким дунёга келмас!»

Аҳди қадим (Таврот ва унинг иловалари)дан бўлган ҳазрати Довуд пайғамбарнинг «Мазомир» номли китобида ёзилишича: «Ёмонларнинг илдизи қурийди, аммо Худога таваккул қилувчи солиҳ бандалар эса ернинг вориси бўлажаклар.» Худди шу китобда ёзилишича: «Сиддиқ ва ростгўйлар ер юзини эгаллайдилар ва ҳамиша ер юзида қолажаклар.» Тавротнинг «Ашъиёи набий» номли китобида шунга ўхшаш иборалар битилган. «Матто» Инжилининг йигирма тўртинчи фаслида эса бундай дейилган: «Яшин шарқда пайдо бўлиб, то гарбга қадар кўринганидек, бир кун келиб инсон боласи ҳам худди шундай ҳайбат билан ҳукуматга келажак...»

«Луқо» Инжилининг ўн иккинчи фаслида бундай ёзилган: «Белларингизни маҳкам боғлаб, ўз чироқларингизни ёндирган ҳолда сақланглар. Ўз сарвари ва пешвосини интизорлик билан кутаётган кимсадек бўлинглар. Қачонки, келиб эшигингизни тақиллатса, дарров унинг олдига тайёр ҳолда пешвоз чиқинглар!»

«Алоим зуҳур» (зуҳурнинг белгилари) номли китобда ёзилишича; «Хитойликларнинг қадимги китобларида, ҳиндуларнинг ақидаларида, Скандинавия ороллари аҳолиси ўртасида, ҳатто қадимги мисрликларнинг орасида ва Мексиканинг маҳаллий қабилалари ичида ҳам бутун ер юзида адолат яратувчи одил ва ислоҳотчи ҳукмдор келишига эътиқод қилинганлигини мушоҳада қилиш мумкин.»

\*\*\*

## Ақлий далиллар

**1. Дунёнинг яратилиши бизга берадиган сабоққа кўра,** башарият ўзининг ҳаётининг охирида адлолатли қонунга бўйин эгиб, адолат асосида қурилган тузумга ва устувор сулҳ-тинчликка таслим бўлиши керак.

Батафсилроқ изоҳлайдиган бўлсак, бизга маълум бўлишича, борлиқ оламнинг қурилмаси ва ундаги ҳамма нарсалар муайян қонун-қоидалар асосида яхлит бир назму тартибга эга бўлиши ўзаро боғлиқ ва ягона тузум мавжудлигидан далолат беради.

Тартиб ва интизом, қонун ва қоида, ҳисоб ва китоб ҳамда дастуриламал асосида иш юритилиши ушбу жаҳоннинг энг асосий ва муҳим хусусиятларидан ҳисобланади.

Буюк сайёралардан бошлаб, то игнанинг учига бир неча миллион сонда сиғдирса бўладиган атом заррачасигача бўлган бутун мавжудот аниқ ва муайян назму тартибга тобедир. Инсон организмидаги турли аъзолар, ажойиб тузилган кичик бир хужайрадан бошлаб, то инсон миясини ишлаш тарзи, асаб тизмаси, юрак ва ўпканинг тузилмаси -гача бўлган аъзоларнинг ҳаммаси ўта ингичка, аниқ ва муайян назм-тартибга эгадир. Ушбу соҳа донишмандлари -нинг айтишича, инсон организмидаги аъзоларнинг ҳар бири жуда ҳам аниқ ва тўшпа-тўғри ишлайдиган соат сингари инсон баданида ишлайди ва ўта аниқ ва муайян тартибда қурилган компьютер тузуми уларнинг қаршисида аҳамиятсиз ва арзимас кўринади. Бундан ташқари, дарёлар ортидаги тирик жонзотлар ва осмонлардаги сайёралар ва хуллас бутун мавжудот, ягона бир системани ташкил этиши ва ўзаро тартиб ва боғлиқликка эга эканини кузатишимиз мумкин.

Шундай экан, қандайига ана шу улкан тизимнинг бир бўлаги ҳисобланган инсон ушбу тузум ва назму тартибга зид ўлароқ, тартибсиз равишда жанг оловини ёқиб, зулм-ситам билан қон тўкиб, ҳаёт кечираверади?! Тартибсизликнинг бир тури бўлмиш адолатсизликлар, ахлоқсизликлар ва ижтимоий бузғунликлар доим башарият устидан ҳукмронлик қила оладими?!

### Суҳбатимиздан қуйидаги хулосага келамиз:

Яратилиш тузумини кузатиш бизни ушбу ҳақиқатдан огоҳ этадики, ахир-оқибат башарият ҳам, ўзининг асл яратилиш мақсади тарафига қайтиб, зулм-ситама ва адолатсизликларга барҳам бериб, тартиб-интизомли қонун-қоидага ва адолатли тузумга бўйин эгиб тинч-тотув ҳаёт кечиражак.

\*\*\*

**2. Жамиятнинг камолот сари ҳаракатланаётганлиги;** башарият равшан ва порлоқ келажак сари бораётганлигига яна бир далил унинг ҳамиша такомил топиш йўлида олдинга силжишидир. Ушбу ҳақиқат ҳаммага аёндики, инсоният вужудга келиб, ўзини таниган кунидан буён ҳеч қачон бир поғона ва босқичда тўхтаб қолмай, доимо олдинга силжиб тараққиёт йўлида қадам ташлаган.

**Моддий жиҳатдан олиб қарасак,** турар жой, кийим-кечак, озикланиш тури, нақлиёт воситалари, ишлаб чиқариш саноати бир куни ўта ибтидоий шаклда бўлиб, инсонлар жуда ҳам содда ва оддий яшаганлар. Эндиликда эса ривожланиш жараёни шундай бир босқичга етиб борганки, инсон ақлини ҳайратга солиб, кўзларни қамаштиради ва шубҳасиз, бу тараққиёт сари илгариламоқ ривожи ҳануз ҳам давом этмоқда.

**Илм-фан тараққиёти жиҳатидан қарайдиган бўлсак,** башариятнинг бу жиҳатдаги ҳаракати ҳам юқори суръатда олдинга қараб давом этмоқда ва инсонлар ҳар куни янги кашфиёт, янги илмий тадқиқот ва аллақандай мавзуларда илмий ихтироларни қўлга киритмоқдалар.

Ушбу «*такомиллашиш қонуни*» ахир-оқибат, маънавий-ахлоқий ва ижтимоий томонларни ҳам қамраб олиб, бу жиҳатдан ҳам рўй бериши табиийдир. Маънавий-ахлоқий ва ижтимоий томонларда такомил топиш инсониятни адолатга асосланган ягона қонунчилик, устувор адолат ва сулҳ ҳамда ахлоқий ва маънавий фазилатлар сари етаклайди. Гарчи бугунги кунда фасод-бузғунлик ва ахлоқсизлик кундан кунга кучайиб бораётган бўлса-да, бироқ бунинг ўзи кучли бир такомиллашиш инқилобининг аста-секинлик билан рўй беришига хизмат қилажак.

Албатта биз фасод-бузғунлик ва ахлоқсизликларни инсонлар орасида кучайтириб, бундай нопок ишларни кенг тарғибот қилиш керак, демоқчи эмасмиз. Аммо бу маънавий тубанликлар, инқирозлар ва фасод-бузғунликлар ҳаддидан ошгач, унга зид ва тескари ўлароқ, ахлоқий бир инқилоб рўй бергай демоқчимиз, холос. Одамлар гуноҳларга ғарқ бўлиб, боши берк кўчага кириб қолиб, бошлари тошга тегиб, жонлари оғизларига келганда, илоҳий бир йўлбошчига муҳтож эканликларини ва унинг кўрсатадиган йўл-йўриқларини қабул қилиш лозимлигини кўпроқ ҳис қила бошлайдилар.

\*\*\*

### Қуръон ва ҳазрати Маҳдийнинг зуҳурлари

Буюк самовий китоб бўлмиш Қуръони Каримда ўн иккинчи имом Маҳдий ҳазратларининг улкан зуҳурлари (келишлари)ни башорат берган кўплаб оятлар мавжуд. Биз бу оятлар орасидан фақат бирини келтириш билангина кифоятланамиз:

﴿وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا مِنكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَيَسْتَخْلِفَنَّهُمْ فِي الْأَرْضِ كَمَا اسْتَخْلَفَ الَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ وَلَيُمَكِّنَنَّ لَهُمْ دِينَهُمُ الَّذِي ارْتَضَى لَهُمْ وَلَيُبَدِّلَنَّهُم مِّن بَعْدِ خَوْفِهِمْ أَمْنًا يَعْبُدُونَنِي لَا يُشْرِكُونَ بِي شَيْئًا وَمَن كَفَرَ بَعْدَ ذَلِكَ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ﴾

«Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва эзгу амалларни қилган зотларга худди илгари ўтган (иймонли) зотларни (ер юзига) халифа (ҳукмрон) қилганидек, уларни ҳам ер юзида халифа қилишни ва улар учун шак-шубҳасиз, ўзи рози бўлган динни (Ислом)ни мустаҳкам қилишни ҳамда уларни хавф-хатарларидан сўнг, тинчлик-осудалик ҳолатига айлантириб қўйишни ваъда қилди. Улар Менга ибодат қилурлар ва Менга бирор нарсани шерик қилмаслар. Кимки, мана шу (ваъда)дан кейин, куфр келтирса, демак, ўшаларгина итоатсиз-фосиқлардир.» (Нур сураси; 55 – оят.)

Ояти каримадан кўриниб турганидек, ахир-оқибат ер юзидаги ҳукуматларнинг ҳаммаси бир кун келиб золим-ситамкор, фосиқ-бузғунчи ва зўравонларнинг қўлидан чиқиб иймонли, пок ва солиҳ бандаларнинг қўлига ўтажак ва улар бутун ер юзида ҳукмронлик қилажақлар.

Мазкур оятда юқоридаги ваъдадан ташқари яна учта ваъда берилган; Биринчиси – дилларнинг ислом динига мойил бўлиб, ислом динининг мустақамланиши ва Аллоҳ ҳокимиятининг қалбларга маънавий нуфуз қилиши:

«وَلَيَمَكَّنَنَّ لَهُمْ دِينَهُمُ الَّذِي ارْتَضَى لَهُمْ»

«Шак-шубҳасиз, улар учун ўзи рози бўлган динни (ислом)ни мустақам қилгай.»

Иккинчиси – ҳар қандай нотинчлик ва хавотирликнинг ўрнини тинчлик, осудалик ва хотиржамлик эгаллаши:

«وَلَيبَدِّلَنَّهُمْ مِّن بَعْدِ خَوْفِهِمْ أَمْنًا»

«Шак-шубҳасиз, уларни хавф-хатарларидан сўнг тинчлик-осудалик ҳолатига айлантириб қўяжак.»

Учинчиси – Қуръон таълимотига кўра энг катта зулм Аллоҳга ширк келтириш бўлгани учун солиҳ ва пок инсонлар ҳокимиятга келганда ширк ва бутпарастликнинг таг-томири билан йўқ қилиниши қатъий дастурлардандир:

«يَعْبُدُونِي لَا يَشْرِكُونَ بِي شَيْئًا»

«Улар Менга ибодат қилурлар, Менга бирор нарсани шерик қилмаслар.»

Юқоридаги оятнинг тафсирида ҳазрати имом Зайнул Обидин (алайҳис салом) шундай буюрганлар:

«هُمُ وَاللَّهِ شَيْعَتُنَا يَفْعَلُ اللَّهُ ذَلِكَ بِهِمْ عَلَيَّ يَدَيَّ رَجُلٍ مِّنَّا وَهُوَ مَهْدِيٌّ هَذِهِ الْأُمَّةُ»

«Аллоҳга қасамёд этиб айтаманки, оятда айтилган солиҳ бандалар бу бизнинг издошларимиз ва шиаларимиз бўлиб, Аллоҳ ўз ваъдасини бизнинг хонадонимиздан бўлган (солиҳ) кишининг қўли билан амалга оширади ва у – бу умматнинг Маҳдийсидир.»<sup>1</sup>

\*\*\*

## Ҳазрати Маҳдий ҳадис манбаларида

Пайғамбаримиз хонадонлари аҳлидан бўлган «Маҳдий» исмли

1. Мажмабул баён тафсири, нур сурасининг 55 – ояти тафсирида келтирилган.



бир одил ва солиҳ инсон орқали бутун ер юзида адолат ва тинч-сулҳга асосланган жаҳоний ҳукумат қурилиши ҳақида кўплаб ҳадислар ҳам Аҳли суннатнинг ва ҳам шиаларнинг ҳадис манбаларида ривоят қилинган. Ушбу ҳадисларнинг сони кўплиги жиҳатидан мутавотир<sup>1</sup> даражасидан ҳам ўтиб кетган.

Ҳазрати Маҳдийнинг ўн иккинчи имом ва пайғамбаримиз Муҳаммад (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)нинг халифа ва ворислари эканлиги, ул зот ҳазрати имом Хусайн (*алайҳис салом*)нинг тўққизинчи авлоди ва наслдан бўлганлиги ва имом Ҳасан Аскарӣ (*алайҳис салом*)нинг бевосита фарзанди эканлиги ҳақидаги ҳадислар эса шиаларнинг ҳадис манбаларида мутавотир даражасига етган.

Имом Маҳдий зухур қилиши (келиши) ҳақидаги ҳадислар Аҳли суннатнинг ҳадис манбаларида мутавотир даражасига етганини исботлаш учун Аҳли суннат уламолари бу ҳақда ўз китобларида ёрқин тарзда ёзиб қолдирганликлари биз учун кифоядир. Ҳаттоки, охириги кунларда Ҳижоздаги энг буюк диний марказ бўлмиш «*Робитатул оламил исломий*» (Ислоом оламининг робитаси) ташкилоти томонидан чоп этилган рисолада имом Маҳдий борасида шундай ёзилган:

*«У ўн иккита хулафои рошидиннинг охиргиси бўлиб, Пайғамбаримиз саҳиҳ ҳадисларида у ҳақда хабар берганлар. Маҳдий ҳақидаги ҳадислар Пайғамбаримизнинг кўп саҳобаларидан ривоят қилинган.»*

Сўнгра ушбу рисолада бундай ҳадисларни ривоят қилган «*йигирмата саҳоба*»нинг номини зикр қилиб, шундай деб, давом эттирилган:

*«Айтиб ўтилган саҳобалардан ташқари яна кўплаб саҳобалар Маҳдий борасидаги ҳадисларни ривоят қилганлар... Аҳли суннатнинг баъзи буюк уламолари ҳазрати Маҳдига оид ҳадислар ҳақида махсус китоблар битганлар. Жумладан; Абу Наим Исфаҳонӣ, Ибн Ҳажар Ҳайсамӣ, Шавкониӣ, Идрис Мағрибиӣ ва Абул Аббос ибн Абдул Мўминларнинг исмларини келтиришимиз мумкин.»* Сўнгра қўшимча қилиб айтади: «*Ўтмишдаги ва ҳозирги кундаги аҳли суннатнинг буюк уламоларидан айримларининг*

1. Ушбу сўзга китобнинг 275 – бетида изоҳ берилган.

ошкора айтишларича, Маҳдий ҳақидаги ҳадислар мутавотир даражасига етган.»

Кейин мазкур уламоларнинг номини санаб ўтиб, ушбу ибора билан ўз суҳбатига яқун ясайди:

«Бир тоифа ҳофиз ва муҳаддисларнинг ошкора айтишларича, Маҳдига оид ҳадислар ҳам саҳиҳ ҳадислар туридан ва ҳам ҳасан ҳадислар туридан бўлиб, уларнинг мажмуи (тўплами) қатъиян мутавотир<sup>1</sup> даражасидадир. Маҳдийнинг инқилобига эътиқод қилиш вожибдир ва бу масала аҳли сунна вал жамоанинг қатъий ва инкор этиб бўлмас ақоидидан саналади, жоҳил ва бидъатчи кишилардан ташқари ҳеч ким бунинкор эта олмайди!»

\*\*\*

### **Имом Маҳдий шиа ҳадисларида**

Шу нарсани билишимиз кифоядирки, асримиз эгаси ва соҳиби бўлиши имом Маҳдий ҳазратларига оид шиаларнинг ҳадис манбаларида, пайғамбаримиз Муҳаммад (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан ва ҳидоят йўлига бошловчи имомларимиздан турли хил ровийлар томонидан ривоят қилинган ҳадисларнинг сони шунчалик кўпки, мутавотирлик ҳадидан ҳам ошиб кетган. Шу боис, имом Маҳдийнинг зуҳур қилишларига эътиқод қилмоқ шиалар наздида диннинг зарурий масалаларидан саналади. Кимки, шиалар орасига кириб, улар билан алоқада бўлса, уларнинг имом Маҳдийга, ул зотнинг хусусиятларига, зуҳур қилишларининг белги-аломатларига ва ул ҳазрат ҳукуматларининг маъно-моҳияти қандайлигига ҳамда ул зотнинг ҳокимият қуришдаги турли дастурларига нисбатан бўлган эътиқодларидан хабардор бўлиши шубҳасиздир.

Шиаларнинг йирик уламолари даслабки асрлардан бошлаб, бугунги кунгача бу борада жуда кўплаб китоблар битиб, унда ушбу мавзуга доир турли ҳадисларни ривоят қилганлар. Бу борада кўпроқ маълумот олишни истовчилар «Маҳдий буюк бир инқилоб», «тинчлик ва осудалик башорати» ва «Ал-Маҳдий» (муаллиф: саййид Садриддин Садр) китобларига мурожаат қила оладилар.

1. Ушбу сўзга китобнинг 271 – бетида изоҳ берилган.

Биз фақат намуна сифатида баъзиларини бу ерда келтирмоқчимиз: Пайғамбаримиз Муҳаммад (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) бундай деб марҳамат қилдилар:

«لَوْ لَمْ يَبْقَ مِنَ الدَّهْرِ إِلَّا يَوْمٌ لَطَوَّلَ اللَّهُ ذَلِكَ الْيَوْمَ حَتَّى يَبْعَثَ رَجُلًا مِنْ أَهْلِ بَيْتِي يَمْلَأُهَا قِسْطًا وَعَدْلًا كَمَا مَلِئْتُ ظُلْمًا وَجَوْرًا»

«Дунё тугашига фақат бир кун қолган бўлса-да, Аллоҳ ўша кунни узоқ муддатга чўзади. Токи, У ер юзига, менинг хонадоним аҳлидан бўлган бир кишини танлайди. У ер юзини зулм ва ситамга тўлганидек, адолат ва ҳаққониятга тўлдиражак.»<sup>1</sup>

Бошқа бир ҳадисда олтинчи пешвоимиз имом Жаъфари Содиқ (алайҳис салом)дан бундай ривоят қилинади:

«إِذَا قَامَ الْقَائِمُ حَكَمَ بِالْعَدْلِ وَاتَّقَعَ الْجُورُ فِي أَيَّامِهِ وَأَمِنَتْ بِهِ السُّبُلُ وَأُخْرِجَتِ الْأَرْضُ بَرَكَاتِهَا، وَرُدَّ كُلُّ حَقٍّ إِلَى أَهْلِهِ... وَحَكَمَ بَيْنَ النَّاسِ بِحُكْمِ دَاوُدَ عَلَيْهِ السَّلَامُ وَحُكْمِ مُحَمَّدٍ ﷺ فَحِينَئِذٍ تُظْهِرُ الْأَرْضُ كُنُوزَهَا، وَتُبْدِي بَرَكَاتِهَا، وَلَا يَجِدُ الرَّجُلُ مِنْكُمْ يَوْمَئِذٍ مَوْضِعًا لِمِصْرَةٍ لِيُرِيَهُ، لِيَسْمُولَ الْعَنَى جَمِيعَ الْمُؤْمِنِينَ...!»

«Оёққа турувчи инқилоб қилганида (ўн иккинчи имом зуҳур қилганида) адолат асосида ҳукумат қуради. Унинг ҳоқимияти даврида зулм ва жабр ўртадан кўтарилади, бутун йўллар унинг шарофати билан хотиржам, хатарсиз ва осуда бўлади, ер ўз баракотини чиқариб тўқади, ҳар бир ҳақ-ҳуқуқ ўз эгасига қайтарилади, ул зот одамлар ўртасида ҳазрат Довуд ва ҳазрати Муҳаммад (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) сингари муҳокама ва қозилик қилади. Ўша даврда ер ўзидаги яширин бойликлар ва хазиналарни ошкор этади ва ўзининг баракотини ошкор қилади ва бирор кимса хайр-эҳсон қилиши ва садақа бериши учун садақа оладиган муҳтож шахсни топа олмайди, зеро, ҳамма мўминлар бой-бадавлат яшайдилар.»<sup>2</sup>

Имом Маҳдий (Аллоҳ ул зотнинг зуҳурларини тезлаштиради) кўздан ғойиб бўлган пайтларида ислом умматига раҳбарлик ва пешволик қилиш масъулияти ул зотнинг умумий ноиблари бўлмиш фақиҳ ва мужтаҳид олимлар тарафидан амалга оширилиб давом этади.

1. Ушбу ҳадис шиа ва аҳли суннатнинг кўпгина китобларида нақл қилинган.

2. Биҳорул анвор, 13 – жилд, эски нашри.

\*\*\*

**Ўйлаб жавоб беринг:**

1. Худопарастлар билан моддиюнларнинг келажакка нисбатан қарашларининг фарқи нимада?
2. Фитрат йўли билан ҳазрати Маҳдининг зухур қилишларига ишонч ҳосил қилиш мумкинми? Қандайига?
3. Зухурга ақлий далил келтириш мумкинми? Қайси далиллар?
4. Қуръонда имом Маҳди ҳақида нима дейилган?
5. Имом Маҳдига оид ҳадислар ҳақида ва уларнинг даражалари қандай эканлиги борасида айтиб беринг.

---

---

**МАОД – ҚАЙТА ТИРИЛИШ ҲАҚИДА ЎН ДАРС**

---

---

## 1- ДАРС:

---

### Ўлим тугаши ё бошланиши?

---

Нима учун инсонларнинг кўпчилиги ўлимдан кўрқадилар?

Ўлим ҳамиша одамлар учун кўрқинчли бир ходиса сифатида кўз ўнгларида гавдаланиб, унинг борасида фикр юритмоқ кўплар учун ҳаётнинг лаззатини йўқотиш сингари кўнгилсиз ҳолатга айланиб қолган.

Баъзилар нафақат ўлимнинг номини эшитишдан кўрқадилар, балки қабристон номидан ҳам нафратланадилар. Улар қабр ва мақбараларни ҳашаматли қилиб, зебу зийнатлар бериш билан ўлимнинг асл моҳиятини унутишга ҳаракат қиладилар.

Турли миллатларнинг урф-одати ва адабиётида бу кўрқувнинг белгилари батамом намоён бўлиб, доим «*ўлим даҳшати*», «*ўлим чангали*», «*ажал қаҳри*» каби иборалар билан ўлимни ёдга олишади!

Одамлар ўзаро бир-бирлари билан ўлим ва шунингдек, дунёдан ўтган шахс ҳақида суҳбатлашаётганларида, тингловчини кўрқувга солмаслик учун; «*Худо кўрсатмасин!*», «*тилим лол бўлсин*», «*Сизнинг жонингиздан йироқ бўлсин*» «*ўлганнинг қолган умрини сизга берган бўлсин*» сингари ибораларни қўшиб, айтиш билан эшитувчи билан ўлим хотираси ўртасида девор яратмоқчи бўлишади.

Энди таҳлил қилиб кўрайликчи, одамларнинг ҳар доимги ўлимдан бунчалик кўрқинчларининг сабаби нима? Нима учун баъзилар эса бу умумий тасаввурга муҳолиф (қарши) ўлароқ, ўлимдан кўрқинч у ёқда турсин, балки ўлимга табассум билан боқадилар ва ифтихорли ўлим истиқболига ошиқадилар?

Тарихдан маълумки, баъзи тоифа одамлар ўлимга қарши дармон топиш ва ёш ҳолда қолиш сир-асрорини излаб юрган бўлсалар,

айрим инсонлар эса ошиқона ҳолда жиҳод майдонига шошилар ва ўлим чехрасига табассум билан боқар эдилар. Баъзан улар ҳаётларининг узоқ давом этганидан шикоят қилиб, ҳақиқий маҳбублари бўлмиш Аллоҳнинг дийдорига ноил бўлиш ва Унинг розилигини қўлга киритиш орзусида бўлурлар. Бутунги кунда ҳам ҳақ ва ботил орасида давом этаётган кураш майдонида шундай инсонлар ўз жонларини иккиланмай, ҳаққоният йўлида тақдим этмоқдалар.

\*\*\*

### **Ўлимдан қўрқишнинг асосий сабаби**

Агар диққат билан таҳлил қилиб қарайдиган бўлсак, ўлимдан қўрқишнинг асосий омили фақат икки нарсадан иборат:

#### **1. Ўлимга «нобуд бўлмоқ» деб қараш**

Одамлар ҳамиша нобуд бўлишдан қочадилар. Масалан; касалликдан қочадилар, чунки, касаллик бу саломатликнинг йўқ бўлишидир, қоронғиликдан қочадилар, зеро, унда нур ва ёруғликнинг йўқ бўлишидир, камбағаллик ва йўқсизликдан қўрқадилар, чунки, у бойлик ва тўқликнинг йўқ бўлишидир.

Ҳатто гоҳида ҳеч ким бўлмаган бўш уйда ёлғиз қолишдан қўрқадилар ва баъзан очиқ бир чўлда қўрқувга дучор бўладилар, негаки, у ерда ҳеч ким йўқдир!

Ажабланарлиси шундаки, айримлар ўликдан ҳам қўрқишади ва ўлик ётган хонага кириб, ўша ерда бир кеча тунашдан қўрқишади. Ҳолбуки, худди шу мурда тириклигида ундан ҳеч қўрқмас эди!

Энди кўриб чиқайлик-чи, нимага одам нобуд бўлиб кетишдан бунчалик қўрқар экан? Жавоби маълумдир. Зеро, инсон вужуд ва борликдан иборат бўлиб, вужуд ва борликқа чамбарчас боғлиқдир ва шу боис, фақат вужуд ва мавжудотлар билан таниш ва ошнодир. У ҳаргиз йўқлик ва мавжудсизлик билан таниш эмасдир. Демак, биз инсонларнинг йўқлик ва мавжудсизлик билан ёт ва бегона бўлишимиз тамомила табиий ҳолдир.

Энди агар ўлимни ҳамма нарсанинг ниҳояси ва тугалланиши деб, билсак ва шунингдек, ўлмоқ билан барча нарсалар якун топади, деб ўйласак, ўлимдан қўрқишга ҳаққимиз бор, ҳатто унинг номидан ва хаёлдан ўтказишдан ҳам, чўчимокқа ҳаққимиз бор. Негаки, ушбу тасаввур бўйича, ўлим ҳамма нарсани биздан олиб қўяди.

Аммо агар ўлимни янги бир ҳаётнинг бошланиши ва бу ҳаёт мангу ва абадий деб, қарайдиган бўлсак ва ўлимни буюк бир жаҳон томон дарича, деб билсак, нафақат ўлим ва ўлишдан ҳадиксирамаймиз, балки ўлим билан бу янги ҳаёт сари покиза ва иззатли ҳолда солиҳ амаллар билан йўл олганларга, ҳатто табрик айтамыз.

\*\*\*

## 2. Номаи амаллари қора бўлганлар

Бир гуруҳ инсонлар эса ўлимни фоний ва йўқ бўлиш деб, билмайдилар ва зинҳор ўлимдан кейинги ҳаётни ҳам инкор этмайдилар. Аммо шунга қарамай, яна ўлимдан жуда кўрқадилар.

Нега деганда уларнинг номаи амаллари шунчалик қора бўлиб кетганки, қилган гуноҳлари билан тўлиб тошгани учун ўлимдан кейинги дардли азоблардан кўрқадилар. Улар ўлимдан кўрқишга ҳақлидирлар. Улар зиндондаги оғир жиноятга қўл урган хавfli маҳбусларга ўхшаб, қамоқдан озод бўлишдан хавфсирайдилар, зеро, улар биладиларки, уларни қамоқдан чиқаришлари биланоқ, ўлим жазосига тортиладилар.

Улар қамоқнинг темир панжараларига қаттиқ ёпишиб оладилар. Бунинг сабаби, озодликни ёмон кўришлари эмас, балки озодликнинг ортидан кутилаётган ўлим жазосига маҳкум бўлишларидир. Худди шундай ёмон ва қабиҳ амалларни бажарган шахслар ҳам, уларнинг руҳлари бу тор қафасдан озод бўлиши биланоқ, қилган зулм ва ситам, фасод-бузғунлик ва ёвуз амаллари туфайли тоқат қилиб бўлмайдиган азоб-уқубатларга дучор бўлишларини яхши биладилар ва шунинг учун ўлимдан кўрқадилар.

Аммо ўлимни «йўқ» ва «нобуд» бўлиш деб, ҳисобламайдиганлар ҳамда «*номаи амаллари қора*» бўлмаганлар, нима учун ўлимдан кўрқишлари керак?

Шак-шубҳасиз, улар ҳам яшашни бутун вужудлари билан истайдилар. Аммо ўлимдан кейинги нариги дунёда ўзларининг янги ҳаётлари учун, кўпроқ озиқа олиб, ҳозир бўлишлари учунгина яшашни истайдилар, холос. Шу боис, Парвардигори каримнинг ризолиги бўлган ҳақ йўлдаги ўлимни қаршилаб оладилар.

\*\*\*



### **Икки хил дунёқараш**

Айтиб ўтганимиздек, инсонлар икки гуруҳга бўлинадилар. Кўпчилиқни ташкил этадиган гуруҳ ўлимдан нафратланиб, ундан безор бўлсалар, иккинчи гуруҳ эса Аллоҳнинг йўлида шаҳид бўлиш каби юксак мақсад йўлида юз берадиган ўлимнинг истиқболига чиқадилар ёки ҳеч бўлмаса, умрлари охирига етганини сезганда асло хафа ва ғамгин бўлмайдилар.

Бу икки хил қарашнинг сабаби, ҳар икки гуруҳ вакилларининг дунёқараши фарқланишидадир.

**Биринчи гуруҳ:** бу гуруҳ одамлар ўлимдан кейинги охират дийридаги ҳаётга ишонмайдилар ёки ишонадиган бўлсалар-да, иймонлари заиф бўлгани учун, ўлим лаҳзасини ҳамма нарса билан видолашиш деб, биладилар. Албатта ҳамма нарсага алвидо деб, тарк этиш ғоят мудҳиш ҳолат бўлиб, ёруғлик ва нурдан бутунлай зулмат ва қороғилик сари қадам ташламоқ сингари ўта дардли ва аянчлидир.

Шунингдек, улар зиндондан озод қилиниб, ўлимга ҳукм қилинган жинойткор каби кўрқув ва даҳшатда бўладилар. Зеро, катта жинойтга йўл қўйган ва унинг жинойтини исботлаш учун етарли ва ошкор ҳужжатлар мавжуд бўлган шахс учун, қамоқдан озод қилиниб, муҳокама қилиш учун маҳкамага юборилиши ўта хавfli ва даҳшатли ҳолатдир.

**Аммо иккинчи гуруҳ вакиллари эса ўлимни янги туғилиш деб, биладилар.** Уларнинг эътиқодича, одам ўлгандан сўнг қоронғи, тор ва чегараланган дунёдан кенг ва ёруғ оламга кўчиб ўтади.

Ушбу гуруҳ вакиллари бу дунёни зулм ва адолатсизлик-ларга, жанг ва қон тўқишларга ва гина-кудуратларга тўлиб тошган тор ва кичик қафас деб билиб, ўлимга эса бундай қафасдан ва ундаги бузғунлик ва нопокликлардан қутулиб, бепоён, пок ва мусаффо осмонга қилинадиган парвоз каби боқадилар. Шу боис, уларнинг ўлимдан кўрқмасликлари табиий ҳолдир. Ҳазрати Али (*алайҳис салом*) ҳам шу гуруҳга мансуб бўлган зот бўлиб, ўлим ҳақида шундай деб марҳамат қилганлар:

«وَاللّٰهِ لَا يَنْبُؤُا اَبِي طَالِبٍ اَنْسَ بِاَلْمَوْتِ مِنَ الطِّفْلِ بِئَدِيْ اُمِّهِ»

«Аллоҳга қасамд этиб айтаманки, Абу Толиб ўглининг (ўзларини

назарда тутганлар) ўлимга бўлган иштиёғи - эмадиган боланинг онаси кўкрагига бўлган иштиёғидан ҳам кучлироқдир.»

Манба: Наҳжул Балоға, 5 – хутба.

Ислом тарихида имом Ҳусайн (*алайҳис салом*) ва ул зотнинг фидокор ёронлари каби ўлим ва шаҳид бўлиш лаҳзаси яқинлашган сайин уларнинг юзлари қувноқ ва шодон ҳолда ёруғлашиб, ўз ёрлари Аллоҳнинг дийдорига ноил бўлиш иштиёқида ўзларига сизмаган пок инсонларни учратишимиз бежиз эмасдир.

Шунинг учун, ҳазрати Али (*алайҳис салом*)нинг ифтихорли ҳаётлари тарихида айтилишича, ўша жинойткорнинг қилич зарбати ул зотнинг бошларига келиб тушганида: «فُزْتُ وَرَبِّ الْكَعْبَةِ» «*Каббанинг Раббига онт бўлсинки, нажот топдим (дунёдан қутулдим!)*» – дедилар.

Маълумки, бу сўзимизнинг маъноси; инсон ўз жонини хатарга солиб, Аллоҳнинг буюк неъматини бўлмиш ҳаётни менсимамай ва ундан улкан мақсадларга эришиш учун фойдаланмай, ўлимини тезлаштириши керак дегани эмас. Балки инсон ҳаётидан тўғри фойдаланиши керак ва умрининг тугашидан, айниқса умрини олий ва юксак мақсад сари сарфлаган бўлса, кўрқиши керак эмас, демоқчимиз, холос.

\*\*\*

### **Ўйлаб жавоб беринг:**

1. Нима учун одамлар ўлимдан кўрқадилар? Бунинг сабаблари нима?
2. Нима учун баъзилар ўлим юзига табассум билан қараб, Аллоҳ йўлида шаҳид бўлишни орзу қиладилар?
3. Ўлим лаҳзасини нимага ўхшатиш мумкин? Иймонли пок инсонлар бу лаҳзада нимани ҳис қиладилар? Иймонсиз нопоклар нимани?
4. Сиз ҳам умрингизда ўлимдан кўрқмайдиган одамларни ўз кўзингиз билан кўрганмисиз? Улар ҳақида қандай хотирангиз бор?
5. Ҳазрати Али (*алайҳис салом*) нинг ўлим ҳақидаги сўзлари нимадир?

## 2- ДАРС:

---

### Маодга ишонмоқ ҳаётга маъно бағишлайди

---

Агар бу дунёдаги ҳаётни бошқа оламсиз назарга оладиган бўлсак, у ҳолда ҳаёт маъносиз ва пуч бўлади. Бу худди она қорнидаги бола (эмбрион) нинг ҳаётини бу дунёнинг ҳаётисиз тасаввур қилганимизга ўхшаб кўринади.

Агар бу тор ва қоронғи зиндонда бир неча ой қамалган она қорнидаги эмбрион ақл юритиш қудратига эга бўлиб, она қорнидаги ҳаёт борасида фикр юритиш қобилиятига молик бўлганида эди, ҳақиқатан ҳам таажжубланиб, қуйидаги саволларни берган бўлар эди:

- ❖ Нимага мен бу тор ва қоронғи зиндонда маҳбус бўлганман?
- ❖ Нега энди қон ва сув ичида қўл-оёқларимни қимирлатиб ётишим керак экан?
- ❖ Умримнинг охирида нима натижа ҳосил бўлади?
- ❖ Қаердан ва нима мақсадда келганман?

Аммо агар она қорнидаги болага: *«Сен катта ҳаёт олдидан тайёргарлик кўришинг ҳамда қўл-оёқларинг мустаҳкам ва кучли ривожланиши ва ўсиши учун маълум муддат бу ерда яшашинг керак, бу муддат тўққиз ойдан иборат, ундан кейин боғу-роғларга, гул-дарахтларга тўлган ва чарақловчи қуёш ва ярқироқ ой мавжуд бўлган кенг ва ёруғ дунёга чиқишинг учун рухсат берилажак»*, деб тушунтирилса, у роҳатланган ҳолда нафас олиб: *«Нима учун бу тор ва қоронғи дунёда яшайганимни энди тушундим»* – деб айтади.

Аммо агар боланинг она қорнидаги ҳаётининг бу кенг олам ҳаёти билан бўлган алоқаси узилган ҳолда назарга олинса, у ҳолда ҳамма нарса қоронғи ва бемаънодек туюлади ва ўша ер қоронғи, мақсадсиз ва озор берувчи зиндонга ўхшаб кўринади.

\*\*\*

Бизнинг бу дунёдаги ҳаётимиз билан ўлимдан кейинги оламнинг орасидаги алоқа ҳам худди шундайдир. Нима учун бу дунёда етмиш йил (кўпроқ ёки озроқ) қийинчиликлар кўриб, у ёқ ёки бу ёққа югуриб юришимиз керак?

Авваллари бу дунёда хом ва тажрибасиз яшаймиз-у, тажрибани қўлга киритиб, пишиқ бўлган пайтимизда эса умримиз тугаб қолган бўлади. Таҳсил олмоғимиз лозим, аммо илм ва маърифатда етукли бўлганимизда қариялик-нинг оппоқ қор учқунлари бошимизга қўнади!

Тагин ўзи нима мақсадда яшаймиз? Биз еб-ичиш, кийим кийиш ва ухлаш учун яшаймизми? Ёки бу такрорий ҳаётни ўнлаб йил давом эттиришимиз учунми?

Чиндан ҳам, тепамиздаги мусаффо осмон, кенг ер, бунчалик илм ўрганиб, тажриба касб этишлар, бу қадар устозлар, мураббийлар ва олимлар ҳамма-ҳаммаси фақат бизнинг еб-ичишимиз ва кийим кийишимизни таъминлаш учун ва бу такрорий арзимас ҳаёт учун керакми? Олган илмларимиз ҳам ушбу нарсаларни билиш ва қўлга киритиш учун керакми?

Мана шунинг учун маод ва қайта тирилишни қабул қилмай унга ишонмайдиганлар учун дарҳақиқат, бу дунёнинг ҳаёти пуч ва бемаъно бўлиб кўринади. Негаки, улар юқорида айтилган арзимас нарсаларни ҳаётнинг мақсади деб, ҳисобла олмайдилар ва бунинг устига, ўлимдан кейинги жаҳонга ҳам иймон ва ишончлари йўқдир.

Шунинг учун, бундай одамлар орасида бу пуч ва бемаъно ҳаётдан қутулиш мақсадида ўз жонига суиқасд қилиш ҳоллари ҳам тез-тез учраб туради. Бироқ агар бу дунёга охиратнинг «экинзори» деб қарасак, бу экинзорга энг яхши уруғларни экиш кераклигини ва мангу ва абадий ҳаёт бўлмиш охират кунда унинг ҳосилини кўриш зарурлигини тушунамиз.

Дунё охиратдаги ҳаётни ўрганиш учун ўқув юрти бўлиб, унда илм ва маърифат касб қилиб, ўзимизни мангу бир диёрда яшамок учун тайёрлашимиз даркор. Дунё «ўтиш йўли» ва мақсадга элтувчи бир «кўприк»дир, унинг устидан ўтишимиз керак. Агар

дунёга «ўтиш йўли» ва «кўприк», деб қарасак, ҳаёт бемаъно ва пуч туюлмайдими, аксинча унга охиратдаги мангу ва абадий ҳаётни обод қилиш учун курашадиган майдон деб, қаралади ва унда ҳар қанча тиришиб олға борсак ҳам, янада кам саналади.

Демак, маод ва охиратга ишониш ва иймон келтириш инсон ҳаётига маъно ва мафҳум бағишлайди ва инсонни «изтироб», «хавотирланиш», «руҳий безовталаниш» «ноумидлик» ва «пучлик» ҳолатларидан қутқазиб қолади.

\*\*\*

### **Охиратга иймон – тарбияланишнинг муҳим омили**

Охиратда улкан ҳисоб-китоб ва муҳокама борлигига эътиқод қилиш, айниқса бугунги кунда инсонлар ҳаётига кучли ва фавқуллодда таъсирга эга.

Фараз қилинг, бирор давлатда янги қонун чиқарилиб, йилнинг маълум кунидан бошлаб, ҳар ким истаган ишини қилиши мумкин, ҳеч ким жиноий иш учун жазога тортилмайдими, жиноий ишлар учун қидирув олиб борилмайдими ва халқ жазоланмасликка ишонч ҳосил қилган ҳолда бемалол кун кечира оладилар, ҳарбий кучлар ва миршаблар истеъфога чиқадилар, суд ва адлия органлари бутунлай таътилга чиқишади ва эртадан бошланган ҳаётда юз берган жиноятлар судда муҳокама қилинмайдими деб эълон қилинса, бундай жамият қандай аҳволга тушиши мумкинлигини кўз олдига келтириш билан ваҳимага тушасан киши.

Қайта тирилиш ва қиёмат кунига бўлган иймон буюк бир суд ҳайъатига ишониш демакдир. Аммо қиёмат кунига судловни бу дунёнинг суд ҳайъати билан таққослаб бўлмайдими.

Бундай судловнинг қуйидаги хусусиятлари бордир:

1. Бу суд муҳокамасида на таниш – билиш қонундан устун туради ва на тавсиялар қабул қилинади ва на ундаги қозиларнинг фикрини ёлғон-яшин ва сохта ҳужжатлар билан ўзгартириб бўлади.

2. Бу суд муҳокамасида дунёнинг суди каби ортиқча дабдаба йўқдир, шунинг учун ҳукм қилиш чўзилмасдан ҳар кимнинг иши тезлик, осонлик ва аниқлик билан кўриб чиқилади ва аниқ ҳукм қилинади.

3. Бу шундай бир суд муҳокамасики, инсонларнинг айблов ҳужжатлари уларнинг амаллари бўлиб, шоҳидликка бошқа бирор кимсани чақирмасдан ҳар кимнинг қилган амали тўғридан-тўғри гувоҳлик беради ва ўзи билан бажарувчисининг боғлиқлигини аниқ ҳолда баён қилади. Шунинг учун судланувчи киши содир этган ишини инкор қилишининг ҳеч иложи йўқ.

Шунингдек, бу суд муҳокамасининг шоҳидлари инсоннинг бадан аъзолари бўлмиш; қўл, оёқ, кўз, тил ва бадан териси ҳамда гуноҳ ёки савоб қилган макони, яъни ер, эшик ва уйнинг деворларидан иборат. Ушбу шоҳидларни инсон амалининг табиий таъсири сингари инкор этиб бўлмас.

4. Бу судловнинг раиси ҳар нарсадан огоҳ, ҳеч кимга муҳтож бўлмаган ва ҳаммадан кўра адолатлироқ зот бўлмиш Аллоҳнинг Ҳидир.

5. Бериладиган жазолар ва мукофотлар шартлашув асосида эмас, балки ҳар кимнинг қилган амали маълум бир шакл ва тусга кириб, инсоннинг ёнида туради. Ё инсонга азият-озор етказиши ёки уни осудалик ва турли неъматларга фарқ қилади.

Шундай суд муҳокамасига ишониб иймон келтириш эса инсонни юқори даражаларга кўтариб, ҳазрати Али (*алайҳис салом*) сингари ушбу сўзларни айтишга ундайди:

«وَاللّٰهُ لَآئِنَ اٰبَيْتَ عَلٰى حَسَكِ السَّعْدَانَ مُسَهَّدًا، اَوْ اَجْرَفِي الْاَغْلَالَ مُصَفَّدًا، اَحَبُّ اِلَيَّ مِنْ اَنْ اَلْقَى اللّٰهَ وَرَسُوْلَهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ ظَالِمًا لِّبَعْضِ الْعِبَادِ، وَغَاصِبًا لِّبَعْضٍ مِنَ الْمُظْلَمِ»

*«Аллоҳга қасамд этиб айтаманки, кечалари тонгга қадар мулоим жой ўрнига ботувчи тиканнинг устида ухлаб, кундузлари эса қўл-оёғим занжирбанд ҳолда мени кўча ва бозорларда судраб юрсалар ҳам, мен учун Қиёмат кунининг буюк муҳокамасида, Парвардигорим ҳузурида, Унинг бирор бир бандасига зулм қилган ҳолимда ёки бирор кимсанинг ҳаққини тортиб олган ҳолимда (қора юзли бўлиб) ҳозир бўлишдан кўра, яхшироқ ва сеvimлироқдир.»<sup>1</sup>*

Охират кундаги суд муҳокамасига бўлган иймон ва ишонч

1. Наҳжул балоға, 215 – хутба.

инсонни, ҳатто ўз биродарининг қўлига қизиган ва иссиқ темирни яқинлаштириб, уни қўрқитиб, истагидан қайтаришга мажбур қилади. Ҳазрати Али (*алайҳис салом*)нинг ҳузурларига акалари Ақил келиб, бошқа мусулмонлардан фарқли равишда байтулмолдан бир оз кўпроқ мол-мулк беришларини талаб қилди. Шунда ҳазрати Али (*алайҳис салом*) қизиб ётган темирни Ақилнинг қўлига тутдилар. Ақил қизиган темирнинг иссиқлигига чида олмай, фарёд этиб юборди. Шу пайт, мўминлар амири Али (*алайҳис салом*) унга панд ва насихат бериб:

«يَا عَقِيلُ! أَتَيْتُ مِنْ حَدِيدَةٍ أَحْمَاهَا إِنْسَانُهَا لِلْعَيْبِ، وَتَجُرُّنِي إِلَى نَارٍ سَجَرَهَا جَبَّارُهَا لِعَظْبِهِ»

«Эй Ақил сен инсон қўлида оддий ҳолга айланган ўйинчоқ бўлмиш бу оловнинг шўъласида қўлинг куйишидан қўрқиб фарёд қиласан, аммо ўз биродарингни, Аллоҳнинг қаҳру газабидан алангаланадиган хавfli олов ва ўт сари йўллайсанми?<sup>1</sup>» – деб марҳамат қилган эдилар.

Манба: Наҳжул Балоға, 215 – хутба.

- Шундай иймон эгаси бўлган инсонни алдаш мумкинми?
- Пора бериш йўли билан бундай инсонларни сотиб олиш мумкинми?
- Қўрқитиш ва таҳдид қилиш йўли билан, бундай инсонларни ҳақ йўлдан оғдириб, зулм ва зўравонлик томон йўналтириш мумкинми?!

Қуръони Каримда айтилишича: Қиёмат куни гуноҳкор-лар ва жинояткорлар ўзларининг номаи амалларини кўрганларида фарёд этиб дейдилар:

«يَا وَيْلَتَنَا مَا لِي هَذَا الْكِتَابِ لَا يَغَادِرُ صَغِيرَةً وَلَا كَبِيرَةً إِلَّا أَحْصَاهَا»

«Ҳолимизга вой! Бу қандоқ китобки, на кичик ва на катта (гуноҳни) қолдирмай, барчасини ҳисоблаб қўйибди.» (Каҳф сураси; 49 – оят).

Шундай қилиб, қайта тирилиш ва охират кунига бўлган иймон ва ишонч инсон руҳининг тубида ҳар бир иш баробарида чуқур масъулият ва жавобгарлик ҳис қила олиш имконини яратади ва

1. Наҳжул балоға, 215 – хутба.

уни турли оғиш ва адашишлар, зулм ва зўравонликлар қаршисида назорат қилиб туради.

\*\*\*

**Ўйлаб жавоб беринг:**

1. Агар биз яшаётган муваққат ва чекланган дунёдан ўзга олам бўлмаганда эди, ҳаёт қандай бўлар эди?
2. Нима учун охиратни инкор қилувчилар орасида ўзини ўлдириш холари кўп учрайди?
3. Бу дунёдаги суд муҳокамалари билан охиратдаги суд муҳокамасининг орасида нима фарқ ва тафовут бор?
4. Охират ва қайта тирилиш кунига иймон ва ишонч инсоннинг рафторига қандай таъсир қилади?
5. Ҳазрати Али (*алайҳис салом*) ўз биродарлари Ақилга нима дедилар? Ақилнинг истаги нима эди ва имом унга нима деб, жавоб бердилар?



### 3- ДАРС:

---

#### Қиёмат маҳкамасининг бир намунаси вужудимизда мавжуддир

---

Ўлимдан кейинги қайта тирилиш ва қиёмат кунндаги улкан суд муҳокамасининг ташкил этилиши бу дунёнинг чамбарагида тутқунликка учраган биз одамлар учун янги бир масала бўлиб кўрингани боис, Аллоҳ таоло виждон муҳокамаси деб, аталмиш бундай суд муҳокамасининг кичик бир намунасини шу дунёда бизга кўрсатиб қўйган. Бироқ унутмаслигимиз керакки, бу биргина кичик намунадир, холос.

Энди бу ҳақда бир оз муфассалроқ сўз юритсак, яхши бўларди:

Инсон қиладиган амаллари учун бир неча маҳкамаларда муҳокама қилинади;

**Биринчи маҳкама ўзимиз билган оддий ва инсоний судлов органлари бўлиб, камчилик ва заъф-нуқсонларга тўладир.** Бу органлар тузумида камчилик ва нуқсонлар бўлганлиги билан инсон ҳаётида бағоят муҳим саналиб, жинойт ишлари озайишида диққатга сазовор таъсирга эгадир. Аммо шунга қарамай, бундай органларнинг асос ва пойдеворининг тузилмасига биноан, уларда адолатнинг комил ва тўлиқ шаклда ижро этила олмаслиги ҳеч кимга сир эмас. Зеро, агар қонунлар яхши бўлмай, қозилар ҳам носолиҳ бўладиган бўлса, таниш-билишчилик, порахўрлик, ноҳолислик ва ноҳақсизликлар рўй беради ва унинг жамиятдаги таъсири чиппакака чиқади. Хуллас, бундай маҳкамаларнинг бўлганидан бўлмагани яхшироқ. Негаки, уларнинг бўлиши худбин зўравонларнинг мақсади амалга ошишига ёрдам беради.

Борди-ю, қонунлар нисбатан яхши ва одилона бўлиб, қозилар ҳам доно, солиҳ ва тақводор бўладиган бўлишса, янада айрим моҳир жинойткорлар борки, ўзларининг жинойт изларини усталик билан йўқотадилар ва тергов органлари уларни топишдан ожиз қоладилар ёки шундай чора-тадбирларни кўриб, режалар уюштирадиларки, қозининг қўл-оёғини боғлаб қўйиб, маҳкама қонунлари-нинг куч ва таъсирини йўққа чиқарадилар.

**Иккинчи маҳкама ҳисоб-китоби аниқроқ бўлиб, «амалларнинг жазоси» деб, номланади.** Бизнинг қилган амалларимиз ўзидан асар ва таассурот қолдириб, эртами ёки кечми бизни қамраб олажак. Гарчи бу маҳкама умумий бўлмаса-да, бироқ кўпчиликни ўз ичига олади.

Зулм-ситама ва зўравонликка асосланган ҳукуматлар-нинг кўпини кўрганмиз. Улар қўлларидан келган жабру жафони ўз халқига раво кўрганлар ва охир-оқибат, ўзлари тўқиган тузоққа ўзлари илиниб, уларнинг амалларининг инъикоси<sup>1</sup> ва акс садоси намоён бўлиб, инқироз ва ҳалокатга учраганлар. Улардан қолган асар фақат уларни нафрат ва лаънат билан эслашдир, холос. Қайтар дунё деб, шунга айтадилар. Амалларнинг жазоси ўзаро чамбарчас боғлиқ алоқага эга бўлгани боис, саҳналаштириш йўли билан унинг чангалидан қочиб, қутулганларнинг сони жуда оздир.

Бундай маҳкаманинг айб-нуқсони, умумий бўлмаслиги-да ва аниқлик даражасида ҳаммага бир хил эмаслигидадир. Шунга кўра, бизни қиёмат кунининг улкан маҳкамасидан беҳожат қила олмайди.

\*\*\*

**Учинчи маҳкама юқорида айтилганлардан ҳам аниқроқ ва ҳисоб-китоби чуқурроқ бўлиб, бу маҳкаманинг номи – «виждон» дир.**

Дарҳақиқат, қуёш сайёраси ўзининг ҳайратланарли тузилмаси билан ғоят кичик бир шаклда бир атомнинг ичида сиғдирилгани сингари ички оламимиздаги виждонни ҳам, қиёматдаги суд маҳкамасининг кичиклаш-тирилган мокетидир, деб айтишимиз мумкин.

---

1. «Инъикос», «акс садо», «аксилҳаракат» ва «реакция» каби сўзлар бир маънони англатади.

Зеро, ҳар бир инсоннинг ички оламида жумбоқли бир куч мавжуд бўлиб, мусулмон файласуфлар уни «амалий ақл» деб атасалар, Қуръони Каримда эса, «*нафсул лаввома*» деб номланган. Эндиликда уни «*виждон*» деб, айтадилар.

Инсон яхши ёки ёмон ишга қўл уриши биланок, бу маҳкама зудлик билан шовқин-суронсиз, аммо жиддий суратда ўз ишини бошлайди. Яхши амал бажарган бўлса, инсоннинг руҳини кўтаради, аммо бирор ёмон амал қилган бўлса виждон азоби билан қийнайди.

Гоҳида бу виждон қийноқлари шундай кучли ва шиддатли бўладики, жинояткорни ичидан шаллоқ уриб, руҳий қийноққа солади ва оқибат ўлимни очиқ оғуш билан қаршилаб олиб, яшашдан кўра ўлишни афзал кўради ва ўзининг васиятномасида: «*Агар мен ўз жонимга суйқасд қилган бўлсам, бунинг сабаби виждон азобидан қутулиш эди*», деб ёзади.

Баъзан яхши ва эзгу амал қилган инсонни эса виждон шундай руҳлантириб, завқ-шавқ ва қувноқ ҳолатга келтирадики, инсон қалби чуқур ором ва осудалик топиб, хотиржамликка эришади. Бу осудалик ва хотиржамлик бағоят ғайратлантирувчи бўлиб, унинг лаззати ва шукуҳи тавсифлаб бўлмайдиган ва ҳеч баёнга сифмайдиган бўлади.

Виждон маҳкамасининг ўзига хос хусусиятлари ва ғаройиб нишонлари бор:

1. Бу маҳкамада қози, ҳукм қилувчи ва шоҳид ҳам бир ерда жамланган. Яъни қози ҳам, шоҳид ҳам, ҳукм қилувчи ҳам виждоннинг ўзидир. Виждоннинг ўзи шаҳодат беради ва муҳокама қилади, сўнгра енг шимариб, ўз ҳукмини ижро қилади.

2. Бу маҳкаманинг муҳокамаси бошқа судлов органларига ўхшаб, шов-шув билан маълум муддат ва баъзан ҳатто йиллар давом этмасдан, балки яшин тезлигида ўз ишини кўради. Албатта гоҳида жиноят иши ҳужжатларини исботлаш ва ғафлат пардаси кўз олдидан четга сурилиши учун бир оз вақт керак бўлиши мумкин, аммо керакли ҳужжатлар тўплангач, дарҳол кескинлик билан ҳукм содир этилади.

3. Бу маҳкамада ҳукм бир босқичда амалга оширилиб, қайта кўриб чиқиш ва янгитдан муҳокама қилиш каби босқичлар йўқдир.

4. Бу маҳкамада фақат жазо берилмайди, балки ўз вазифасини шарафли ўтаганларга мукофот ҳам берилади. Бошқача айтганда; бу маҳкамада ҳам солиҳ амаллар ва ҳам жинойтлар қўриб чиқилиб, ҳар бирига мутаносиб равишда ажр-мукофот ёки жазо берилади.

5. Бу маҳкаманинг жазолари бошқа маҳкаманинг жазоларига ўхшамай қамокқа ҳибсга олиниш, шаллоқ уриш, дорга осиш каби жазолар йўқдир, аммо инсоннинг ички оламини шундай куйдириб, зиндонга ташлайдики, дунё бутун кенлиги билан инсон учун тор бир қамокдаги бир кишилик камера мисоли ва унданда ваҳималироқ ҳолга солиб қўяди.

Хуллас, бу маҳкама бу дунёнинг судлови туридан эмас, балки охиратда ташкил этиладиган маҳкаманинг бир кўринишидир.

Виждон қанчалик муҳим маҳкама эканлигини Қуръони Каримда унга қасам ичилганидан ва қиёматнинг маҳкамаси ёнида зикр қилинганидан ҳам билиб олиш мумкин. Бу борада Қуръони Каримда шундай дейилган:

﴿لَا أُقْسِمُ بِيَوْمِ الْقِيَامَةِ \* وَلَا أُقْسِمُ بِالتَّنْفِيسِ اللَّوَامَةِ \* أَلْبَحْسَبُ الْإِنْسَانَ أَلَّنْ نَجْمَعَ عِظَامَهُ \* بَلَىٰ قَادِرِينَ عَلَىٰ أَنْ نُسَوِّيَ بَنَانَهُ﴾

1. «Қиёмат кунига қасамёд этурман.
2. Шунингдек, уйгоқ виждон ва маломатчи нафсга қасамёд этурманки, (қайта тирилиб, ҳисоб-китоб қилинурсизлар!)
3. Инсон унинг (чириб кетган) суякларини сира тўплай (тиклай) олмаслигимизни Биздан гумон қилурми?!
4. Йўқ, Бизунинг бармоқларини (ҳар бир шахсга хос бўлган унинг бармоқ изларини ҳам) тиклаб қўйишига қодирмиз!» (Қиёмат сураси; 1-4 оятлар).

\*\*\*

Албатта виждон маҳкамаси юқорида айтилган ҳамма яхши хусусиятларга эга бўлиши билан бирга, дунёвий бўлгани учун, бизни қиёматнинг маҳкамасидан беҳожат қила олмай, қуйидаги нуқсон ва камчиликларга ҳам эгадир:

1. Виждоннинг ҳудуди ва доираси ҳамма нарсани ўз ичига олмай, инсоннинг ақл-идроки ва фикрлашига боғлиқдир.

2. Гоҳида моҳир ва фирибгар инсон ҳатто ўз виждонини ҳам алдаб қўйиши мумкин. Бошқача таъбирда; ўз виждонига фириб бера олади.

3. Баъзи гуноҳкорларда виждон нидоси шунчалик заифлашиб қоладики, ҳатто эгаси бу садони эшитмайди ҳам.

**Шунинг учун тўртинчи маҳкама,** яъни қиёмат кунида бутун оламнинг буюк маҳкамаси ташкил этилишига сўзсиз эҳтиёж борлиги ёрқин тарзда аён бўлади.

\*\*\*

### **Ўйлаб жавоб беринг:**

1. Инсон ўз ҳаётида нечта маҳкамаларда муҳокама қилинади?
2. Биринчи турдаги маҳкаманинг қандай хусусиятлари бор ва унинг номи нима?
3. Иккинчи маҳкаманинг хусусиятлари қайсилардир?
4. Учинчи хил маҳкама нима хусусиятларга эга?
5. Виждон маҳкамасининг афзалликлари ва камчиликлари ҳақида айтиб беринг.

## 4- ДАРС:

---

### Қайта тирилишнинг фитратдаги ўрни

---

Ўтган дарсларда айтиб ўтганимиздек, худошунослик инсоннинг фитрати ва табиатида жой олган. Агар инсоннинг ички дунёсидаги огоҳ ва ноогоҳ қисмини тинтиб кўрсак, бу жаҳонни мақсад, режа-дастур ва илм узра яратган Тангри таолога нисбатан унинг иймони, ишончи ва муҳаббатини фаҳмлаб оламиз.

Бироқ фақат тавҳид, худошунослик ва худога сиғиниш туйғуси фитрий бўлибгина қолмай, балки усулиддин (диннинг асоси) ва фуруиддин (диннинг таълимоти ва аҳкоми) инсоннинг фитратида бўлмоғи даркор. Акс ҳолда шарият қонунлари билан хиляқат ва борлиқ қонунлари орасида ҳеч вақт уйғунлик ва мутаносиблик ҳосил бўлмаган бўлур эди. (диққат қилинг!)

Агар биз қалбимизга қулоқ солсак ва руҳ ва жонимизнинг тубини титкилаб кўрсак, у ҳолда қалбимизнинг: *«Ўлим инсон ҳаётининг ниҳояси ва тугаши эмас, балки ўлим бу дунёдан бошқа бир боқий оламга ўтиладиган даричадир!»* дейишини эшитамиз.

Бу ҳақиқатни фаҳмлаш учун эса қуйидаги масалаларга эътибор қаратишимиз керак:

#### **1. Мангуликка бўлган иштиёқ**

Агар чиндан ҳам инсон фоний ва йўқ бўлиш учун яратилганида эди, умрининг охирида ўлимдан лаззатланиб, ҳеч вақт фоний ва йўқ бўлишдан ҳайиқмаган бўлар эди. Ҳолбуки, нобуд бўлиш маъносидаги ўлимнинг қиёфаси инсон учун ҳеч вақт ёқимли бўлмаган, балки инсон бор имконияти ва бутун вужуди билан ўлимдан қочиб келган.

Умрни узайтиришга бўлган интилишлар ва ёшликни сақлаб

қоладиган дори-дармонлар кетидан қилинадиган югуришлар фикримизни тасдиқлайди. Мангуликка бўлган иштиёқ шу нарсани исботлайдики, биз инсонлар мангу ва абадий ҳаёт учун яратилганмиз. Агар биз фоний ва нобуд бўлиш учун яратилганимизда эди, абадиятни бунчалик яхши кўриб, севишимизнинг маъноси бўлмас эди.

Қалбимизда мавжуд бўлган барча асосий ва ҳақиқий ишқ-муҳаббатлар бизнинг вужудимизни баркамол этиш учун хизмат қилади, шу жумладан абадият ва мангу ҳаётга бўлган ишқ-муҳаббатимиз бизни такомиллаштиради.

Шу нарсани унутмаслик керакки, биз қиёмат ва охираат ҳақида ҳикматли ва доно зот бўлмиш Аллоҳнинг борлигини қабул қилгандан кейингина баҳслар юритамиз. Бизнинг эътиқодимизча, Аллоҳ таоло бизнинг вужудимиз ва фитратимизда ниманики яратган бўлса, ҳикмат ва ҳисоб-китоб асосидадир. Шунга кўра, инсоннинг абадият ва мангуликка бўлган иштиёғи ва муҳаббати маълум бир ҳисоб-китоб ва ҳикмат узра бўлмоғи даркор, у ҳам бўлса бу дунёдан кейинги нариги оламда мангу ва абадий ҳаёт кечиришдан ўзга нарса бўла олмас.

\*\*\*

## **2. Қайта тирилиш ва қиёмат тушунчаси олдинги қавмлар орасида**

Инсоният тарихининг гувоҳлик беришича, қадим замонлардан бери одамлар орасида динга эътиқод қилмоқ мавжуд бўлган. Бу эса улар ҳам «ўлимдан кейинги охираат ҳаёти»га чуқур ишонганликларига очиқ гувоҳдир.

Қадимги инсонлардан ҳатто эрамиздан илгариги инсонлардан қолган тарихий асарлар ва обидалардан, айниқса қабрларни қуриш усулларида ва мурдаларнинг қай тарзда дафн этилишидан ушбу ҳақиқат маълум бўладики, улар ҳам ўлимдан кейинги ҳаётга иймон ва эътиқодлари бўлган.

Башарият орасида ҳамиша бўлиб, келган чуқур илдизли бундай эътиқодни оддий бир нарса деб ўйлаб, ёки талқин қилиш ва уқтиришлар натижасида вужудга келган деб, ҳисоблаб бўлмайди.

Зеро, ҳар вақт бир эътиқодни илдизли шаклда ва инсонлар жамиятининг тарихи бўйлаб давом этиб келаётганини кўрсак, бу ҳолат ўша эътиқод инсониятнинг фитратида жой олганидан дарак беради, деб билмоғимиз лозим. Зеро, фақат фитрат ва табиатида замон ўтиши ва ижтимоий ва фикрий ўзгаришлар қаршисида бардош бериб, худди шундай мустаҳкам ва букилмас ҳолда қолаверади. Демак, узоқ-узоқ муддатлардан бери давом этиб келаётган ўта теран (чуқур) ва негизли эътиқодни оддий урф-одат, талқин қилинишлар ва уқтиришлардан келиб чиққан, дея олмаймиз. Негаки, урфу одатлар ва талқин қилинишлар вақт ўтиши ва замон ўзгариши билан ўзгаради ва инсонлар ёдидан кўтарилади.

Мисол қилиб айтганда, фалон хил кийимни кийиш, бир одат ёки расм-русумнинг бўлаги ҳисобланади, шу боис, муҳит ўзгариши ва замон ўтиши билан, у ҳам ўзгаради.

Аммо онанинг фарзандига бўлган ишқ ва муҳаббати ғаризий, фитрий ва табиий ҳис-туйғу бўлгани учун, на муҳитнинг ўзгариши унинг шуъласини сўндира олади, на вақт ўтиши унинг унутилиши ва йўқолишига олиб келади. Ҳар қандай ботиний «*Ҳис-туйғу, табиий майл ва интилиш*» мана шундай ҳолатда бўлса, инсоннинг фитрати ва табиатида жой олганидан ёрқин далолат беради.

Тадқиқотчи олимларнинг қилган изланишларидан қўлга киритилган маълумотларга кўра, «*инсонларнинг дастлабки тоифаларида ҳам динга ва охиратга иймон ва ишонч мавжуд бўлган... Шунинг учун улар жасадларни махсус усуллар билан дафн қилишган ва жасадларга тегишли бўлган асбоб-анжомларини уларнинг ёнига қўйишган. Шу йўсинда нариги оламга бўлган ўз эътиқодларини исботлаганлар.*»<sup>1</sup>

Биз ушбу илмий татаббудан<sup>2</sup> келиб чиқиб, бу ибтидоий инсонлар ҳарчанд улар хатога йўл қўйиб, охиратдаги ҳаёт ҳам худди бу дунёнинг ҳаётига ўхшаш бўлиб, дунёвий асбоб-ускуналар керак бўлади деб ўйлаган бўлсалар-да, ўлимдан кейинги ҳаётни қабул қилганликларини яққол тушуниб оламиз.

1. «Киниг» жамиятшунослик китоби, 192 – бет.

2. Татаббунинг маъноси; текшириш, ўрганиш, тадқиқот ва таҳлил демақдир.



\*\*\*

**3. Виждон деб,** номланган қалбдаги маҳкаманинг борлиги охиратнинг фитрий эканлигига гувоҳдир.

Бундан аввал ҳам айтиб ўтганимиздек, ҳаммамиз яхши ҳис қиламизки, ички дунёмизда виждон деб, номланган кучли бир ҳисоб – китоб қилувчи маҳкама мавжуд бўлиб, бизнинг амалларимизни назорат қилиб туради ва қиладиган яхши амалларимиз учун бизни мукофотлайди, оқибат шундай ботиний осудалик ва хотиржамликни ҳис қилиб, руҳимиз шодлик ва қувончга тўлиб тошадики, унинг лаззатини ҳеч қандай баён ва қалам билан тасвирлаб бўлмайди. Қабих ва ёвуз амаллар, хусусан буюк гуноҳлар туфайли шундай жазолайдики, яшашни инсонга аччиқ ва азоб-уқубатли қилиб қўяди.

Кўп вақтлар одам ўлдириш каби оғир жиноятга қўл уриб, терговдан қочиб кетган баъзи жиноятчилар маълум муддат ўтгач, ўз ихтиёри билан келиб қонуний маҳкамаларга ўзларини таништириб, ўлим жазосига таслим бўлганлар. Улардан нима учун ўзларини қонун баробарида таслим қилганликлари ҳақида сўралганда, улар виждон азобидан қутулмоқчи эканликларини айтганлар.

Инсон ўзининг ички дунёсидаги маҳкамани мушоҳада қилиб, ўзидан сурайди: *«Қандайига мендек, кичик бир инсоннинг замирида шундай кучли маҳкама бўлса-ю, аммо буюк ва кенг борлиқ оламнинг ўзига хос ва муносиб маҳкамаси бўлмаса-я?»*

Шу тартибда уч хил йўл билан маодга ва ўлимдан кейинги охират ҳаётига бўлган ишонч ва эътиқоднинг фитрий эканлигини исботлай оламиз:

- Мангуликка бўлган муҳаббат йўли;
- Башарият тарихининг ҳамма даврида охиратга ишонч ва эътиқод бор бўлганлиги йўли;
- Инсон қалбидаги охиратнинг кичик намунаси бўлмиш виждон деб номланган маҳкаманинг мавжудлиги.

\*\*\*

**Ўйлаб жавоб беринг:**

1. Қайси йўл билан фитрий ва фитрий бўлмаган масалаларни бир-биридан ажратишимиз мумкин?
2. Қайси далилга кўра, инсон мангуликни яхши кўради? Қандай қилиб бу мангуликка бўлган иштиёқ, охиратга эътиқод қилмоқ фитрий эканлигига далил бўла олади?
3. Қадимги қавмлар ҳам охиратга ишонганларми?
4. Қандайига виждонимиз маҳкамаси бизларни яхши ишларга руҳлантириб, ёмон ишлар учун жазолайди? Қайси далилга кўра? Ундан бир неча намуналарни айтиб беринг.
5. Қиёматдаги савол-жавоб маҳкамаси билан виждон маҳкамаси ўртасида қандай алоқа ва робита бор?

## 5- ДАРС:

---

### Қиёмат адолат тарозисида

---

Агар борлиқ оламнинг тузилмасига ва яратилиш қонун-қоидаларига бир оз диққат билан назар солсак, у ҳолда жаҳондаги ҳар бир нарса ўз ўрнида тартиб-интизом билан қўйилганлигини ва ҳар ерда қонун-қоида ҳукм сураётганини яққол кўрамиз.

Инсон организмида ҳам одилонга тузум ва тартиб – интизом шу қадар нозик ва ораста тарзда яратилганки, агар бу тартиб ва тузум бир оз ўзгарадиган ёки бузиладиган бўлса, инсоннинг хасталикка чалинишига ёки ўлишига олиб келади.

Чунончи, қўз, юрак, мия ва ва бошқаларнинг тузилишларида юқори аниқликда адолат ўрнатилган бўлиб, ҳар бир нарса ўз ўрнида жойлашган ва керакли миқдорда бу адолатли тузум нафақат инсон баданининг тузилмасида, балки худди шундай адолатли тартиб-интизом бутун яратилиш оламининг устидан ҳукмрондир. Негаки:

«بِالْعَدْلِ قَامَتِ السَّمَوَاتُ وَالْأَرْضُ»

*«Ер ва осмонлар адолат асосида барпо этилган.»*

Ҳатто жуда майда заррача бўлмиш атомнинг тузилишида ҳам юқори аниқликда тартиб-интизом мавжуд бўлиб, миллионлаб атомларни игнанинг учига сиғдириш мумкин. Энди айтингчи, атомнинг тузилмаси қанчалик аниқ тартибда шакллантирилган бўлмоғи лозимки, миллионлаб йиллар давомида ўз ҳаётини давом эттира олсин.

Бу эса электрон ва протонлар орасида ўта аниқ ва фавқулудда тузум ва адолатли мувозанат барқарорлиги туфайлидир ва ҳеч бир катта ва кичик нарса бундай ҳайратланарли тузумдан ташқарида эмас.

Чиндан ҳам инсон ғоят кенг адолатли мувозанатга асосланган дунёнинг бир қисми бўла туриб, ушбу адолатли тузумдан бебаҳра ва мустасно мавжудот ҳисобланадими? Инсон бу улкан оламдан фарқланувчи бўлиб, озод ва эркин ҳолда истаган зулм ва жиноятини қилиб, адолатсизлик ва ноҳақсизликларга фарқ бўлиб юраверадими? Ёки бу ўринда яширин бир нукта<sup>1</sup> борми?

### **Ихтиёр ва танлаш эркинлиги**

Ҳақиқат шундан иборатки, инсон жаҳондаги бутун мавжудотлардан фарқли ўлароқ, «*ихтиёр ва танлов*» соҳибидир. Нимага Аллоҳ таоло инсонни эркин ва озод яратиб, унга ҳаётида танлаш ва хоҳлаган қарорига келиш ҳуқуқини берган, токи, истаган нарсасини қила олсин ва хоҳлаган йўлини танласин?

Бунинг далили шундан иборатки, агар инсон озод ва эркин бўлиб, ихтиёр соҳиби бўлмаганида эди, ҳеч вақт камолотга эриша олмас эди. Унинг бу эрки буюк имтиёз ва устунлик ҳисобланиб, маънавий ва ахлоқий камолотга етиш учун кафилдир. Масалан, агар бирор шахсни қурол-яроқ кучи билан қўрқитиб, муҳтож ва йўқсилларга мадад бериш каби жамиятга хайрли иш қилишга мажбурлашса, шубҳасиз, у бундай хайрли ишларни бажарса-да, лекин ўша инсон учун, ахлоқий ва инсоний фазилат ва камолотни юзага келтирмайди. Зеро, хайрли ишни ўз ихтиёри ва иродаси билан қилмади. Аммо агар кимда ким ўзининг истаги ва ихтиёри билан ўша хайрли ва яхши ишнинг юздан бирини бажарса, ўша миқдорда маънавий-ахлоқий такомиллашиш сари қадам қўйган бўлиб, унинг учун фазилат ва камолот ҳисобланади.

Бинобарин, маънавий ва ахлоқий такомил топишнинг биринчи шarti ихтиёр ва озод иродага молик бўлмоқдир. Токи инсон табиат оламининг мажбурий омиллар кучи билан эмас, балки ўз ихтиёри ва иродасининг озодлиги билан камолот йўлидан борсин. Аллоҳ таоло инсонни камолотга етказиш мақсадида унга ана шундай буюк неъмат бўлмиш ихтиёр ва ирода озодлигини ато этган.

Бу буюк неъмат худди тиканлари бор гулга ўхшайди, зеро, озодлиги ва ихтиёрини суиистеъмол қилиб, зулм, гуноҳ ва фасод-бузғунликларга ботган шахслар ўша гулнинг тиканлари кабидир.

---

1. Ингичка ва нозик масала

Албатта агар инсон зулм ва ситамга қўл уриши биланоқ, Аллоҳ ўша заҳоти қилган зулми учун унинг бошига бало ва азоб ёғдириб, қўлини фалаж ва шол, кўзини кўрмайдиган ва тилини сўзломайдиган қилиб қўйиши мумкин. Токи шунинг билан, бундай ёвуз ишлар унинг фикрига келмайдиган бўлсин. Зероки, Аллоҳ яратувчи зотдир ва Унинг олдини тўсадиган ҳеч бир моне ва тўғон бўлмас.

Лекин диққатга сазовор ери шундаки, у ҳолда ҳеч ким озодлиги ва ихтиёрини суиистеъмол қилмай, гуноҳ тарафга йўлланмаган бўлур ҳамда инсоннинг тақводорлиги ва парҳизкорлиги мажбурий тус олар эди. Шунга биноан, гуноҳ қилмаслик ва фасод-бузғунликларга қўл урмаслик инсон учун фазилат ва ифтихор ҳисобланмаган бўларди. Балки у шиддатли, суръатли ва тўхтовсиз азобдан қўрққани учунгина гуноҳни тарк бўлур эди, холос.

Шундай экан, инсон турли имтиҳонлар ва синовлар қаршисида эркин ва озод бўлиб, шошилиш жазолардан (истисно ҳолатлардан ташқари) сақланган бўлмоғи даркор. Токи, тўғри йўлни ихтиёрий равишда танлаб, ўзининг қадр-қимматли хусусиятларини намоён этсин.

Бу ўринда фақат муҳим бир масала ҳақида сўз юритилмай қолади, у ҳам бўлса агар ҳамма одамлар ўз ихтиёрларига ташлаб қўйиладиган бўлишса ва ҳар ким ўзи хоҳлаганидек, бир йўлни танлаб олса, бутун жаҳонга ҳукм сураётган Парвардигори каримнинг адолатига путур етади.

Ана шу ерда одамларнинг қилган амаллари устидан ҳукм чиқарувчи маҳкама бўлиши зарурлигига ишонч ҳосил қилиб, ҳамма инсонлар унда ҳозир бўлиб, ўз амалларига яраша жазо ёки мукофот олиб, яратилиш оламининг умумий адолатидан ўз улушларини олишлари-ни тушуниб етамиз.

Бутун умри давомида зулм-ситам ва жабр-жафо қилиб ўтган Намрудлар Фиръавнлар, Чингизлар ва Қорунлар ҳисоб-китоб қилинмасдан жазоланмай қолишлари мумкинми?

Ахир золим ва жинойтчилар билан солиҳ бандалар Парвардигорнинг адолатли тарозисида баробар бўла оладиларми?

Қуръони Каримда айтилишича:

﴿أَفَنَجْعَلُ الْمُسْلِمِينَ كَالْمُجْرِمِينَ \* مَا لَكُمْ كَيْفَ تَحْكُمُونَ﴾

«Ахир, Биз мусулмонларни жиноятчиларга баробар қилиб қўярмидик?! Сизларга не бўлди? Қанақа ҳукм чиқармоқда-сизлар?!» (Қалам сураси; 35 ва 36 – оятлар).

﴿أَمْ نَجْعَلُ الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ كَالْمُفْسِدِينَ فِي الْأَرْضِ أَمْ نَجْعَلُ الْمُتَّقِينَ كَالْفُجَّارِ﴾

«Биз иймон келтирган ва яхши амалларни қилган зотларни ерда бузгунчилик қилиб юрувчи кимсалардек қилиб қўярмидик?! Ёки тақводор зотларни фисқу фужур қилиб юрган кимсалар каби қилармидик?!» (Сод сураси; 28 – оят).

- ❖ Дарҳақиқат, ёмонларнинг бир тоифаси шу дунёнинг ўзидаёқ, қилган зулмларининг азобини ёки қилмишларининг бир хиссасининг уқубатини кўрадилар.
- ❖ Ҳақиқатан ҳам, виждон номли маҳкама ҳам айрим жиноятчиларни бу дунёда азоблайди.
- ❖ Шунингдек, гуноҳ ва зулму ситамнинг инъикоси ва аксилҳаракати<sup>1</sup> ҳамда адолатсизликларнинг ёмон оқибати одамни ҳалокатга йўлиқтиради.

Аммо агар диққат билан назар солсак, маълум бўладики, юқорида айтилган дунёдаги бу маҳкамалар умумий ва кенг кўламли бўлмай, ҳар бир золим ва гуноҳкорни қилган зулми ва гуноҳига яраша жазолашга қодир эмас. Шу боис, амалига яраша жазоланиш ва виждон азоби чангалидан ҳамда ёвуз амаллар оқибатидан қочиб қутулганларнинг ёки етарли миқдорда жазоланмаганларнинг сони бир талай.

Шунингдек, солиҳ бандаларнинг ҳаммалари ўз ажр-мукофотларини тўлиқлигича бу дунёда ололмайдилар. Шунинг учун, солиҳларнинг ҳам, ёмонларнинг ҳам қилган заррачалик яхши ёки ёмон ишлари муҳокама қилинадиган юқори аниқликдаги ўта адолатли маҳкама охирада барпо этилмоғи зарурдир. Акс ҳолда, асл адолат таъминланмай қолади.

Шунга биноан, яратувчи «Тангрининг борлиги»га ва «Унинг адолатли Зот эканлиги»га иймон келтириб, қабул қилиш охираат диёрига иймон келтириш билан баробар ва тенг бўлиб, бу иккиси бир-биридан зинҳор ажралмас бир ҳақиқатдир.

1. Инъикос ва аксилҳаракатнинг маъноси «акс садо» ва «реакция» демақдир.

\*\*\*

**Ўйлаб жавоб беринг:**

1. Ер ва осмонлар нима асосида барпо қилинган?
2. Нима учун инсонга «*ихтиёр ва танлаш ҳуқуқи*» берилган?
3. Агар гуноҳкорлар қиладиган ҳар бир гуноҳи учун тезда шу дунёда азобланишса эди, нима бўларди?
4. Нимага бу дунёдаги қилмишларнинг жазоси, виждон маҳкамаси ва амалларнинг инъикоси ва аксилҳаракати бизни охираддаги маҳкамага бўлган эҳтиёжимизни бартараф қила олмайди?
5. «Аллоҳнинг *адолати*» билан «*охират*» масаласи ўртасида нима боғлиқлик бор?

## 6- ДАРС:

### Қайта тирилишни шу дунёнинг ўзида бир неча маротаба кўрганмиз

Қуръоннинг ушбу ҳақиқатга гувоҳлик беришича, бутпараст мушриклар ва шунингдек, бошқа кофирлар нафақат Пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) яшаган асрда, балки бошқа асрларда ҳам, маод ва ўлимдан сўнг, қайта тирилиш ҳақида эшитишганларида таажжубланиб, қўрқувга тушишар эди. Ҳатто уларга бу хабарни етказган кишини мажнун ва телба деб, айтишар эди:

﴿وَقَالَ الَّذِينَ كَفَرُوا هَلْ نَدُلُّكُمْ عَلَىٰ رَجُلٍ يُنَّبئُكُمْ إِذَا مُرِّقْتُمْ كُلَّ مَرْقٍ إِنَّكُمْ لَفِي خَلْقٍ جَدِيدٍ \* إِنْ تَرَىٰ عَلَىٰ اللَّهِ كَذِبًا أَمْ بِهِ جِنَّةٌ بَلِ الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِالْآخِرَةِ فِي الْعَذَابِ وَالضَّلَالِ الْبَعِيدِ﴾

«Кофир бўлган кимсалар дерлар: «Сизларга (чириб) титилиб бўлак-бўлак бўлиб кетган вақтингизда, албатта, сизлар яна янгитдан яратилурсизлар!», деб хабар берадиган бир кишини кўрсатайликми?! У Аллоҳга нисбатан ёлгон тўқидими ёки жинни бўлиб қолдими?! дедилар. Йўқ! Охиратга иймон келтирмайдиган кимсаларнинг ўзлари азобда ва йироқ залолатдадирлар.» (Сабаъ сураси; 7 ва 8 – оятлар).

Ҳа, мушриклар ўша даврда нодонлик ва жоҳиллик оқибатида ўлимдан кейинги охират оламига ва мурдаларнинг қайта тирилишига эътиқод қилиб ишонишни телбалик ва мажнунлик ёки Аллоҳга ёлгон тўқиш деб, билар ва жонсиз нарсага қайтадан ҳаёт ато этилишига ишонишни тентақлик ва телбалик деб, ҳисоблар эдилар.



Бироқ қизиғи шундаки, Қуръони Карим бундай тафаккур ва ғояни рад этиш учун турли далил-исботлар келтириб, ҳар кимнинг ақли етадиган қилиб, охираат ҳақида тушунча ва таълимот берган. Шу боис, ҳар ким ўз фикр юритиш қобилиятига қараб, оддий инсонлар ҳам, буюк донишмандлар ҳам ундан истифода эта оладилар.

Гарчи Қуръони Каримнинг бу борадаги барча далил-исботларини баён этиш учун, мустақил бир китоб битмоқ даркор бўлса-да, аммо улардан айримларини шу ўринда зикр этамиз:

1. Қуръон уларга уқтиради: Сизлар кўп маротаба ўз кўзларингиз билан кундалик ҳаётингизда маод ва қайта тирилиш саҳналарини кўргансиз ва қай тарзда мавжудотлар ўлиб, қайта тирилганини кузатгансиз, яна ҳам маод ва қайта тирилиш борасида иккиланиб, шак-шубҳа қилурмисиз?!

﴿وَاللَّهُ الَّذِي أَرْسَلَ الرِّيحَ فَتُثِيرُ سَحَابًا فُسُقَاتًا إِلَىٰ بَلَدٍ مَّيِّتٍ فَأَحْيَيْنَا بِهِ الْأَرْضَ بَعْدَ مَوْتِهَا كَذَلِكَ النُّشُورُ﴾

«Аллоҳ шамолларни юбориб, булутни қўзгатгач, Биз уни «ўлик» шаҳарга ҳайдаб, у билан «ўлган» ерни «тирилтирдик». Қиёматда қайтатирилиш ҳам, шу тарздадир.» (Фотир сураси; 9 – оят)

Агар қиш фаслида табиат чехрасига назар соладиган бўлсак, атроф-муҳит худди ўз ҳаётини қўлдан берганга ўхшайди. Дарахтлар батамом яланғоч, уларда гул-чаман, ғунча ва мева кўринмайди ва ҳаракатсиз қуруқ бир ёғочга айланган, тоғ ва адирлар бағрида ҳам, ҳаётнинг жўшқин жараёнини кўриб бўлмайди.

Лекин баҳор келиши биланок, ҳаво мулойимлашади, ёмғирнинг ҳаётбахш қатралари ёғади ва ўзи билан ҳаёт келтиргандек, баногоҳ бутун табиатда жўшқинлик пайдо бўлади. Ўсимлик-гиёҳлар уна бошлайди, дарахтлар куртак чиқаради, гул-ғунча ва чаманлар кўкара бошлайди ҳамда қуш ва парандалар дарахтлар шохига кўниб, сайрай бошлайдилар. Хуллас, табиат қайта тирилиб, маҳшар барпо бўлгандек бўлади!

Агар ўлимдан кейинги қайта тирилиш бемаъни бўлганда эди, биз ҳар йили табиатнинг ўлиб тирилишини мушоҳада қилмаган бўлар эдик. Агар ўлимдан сўнг, қайта тирилиш ғайримумкин, амри маҳол ва телбалик бўлганда эди, ушбу ҳақиқат сезиларли суратда кўз ўнгимизда тақрорланмаган бўлар эди.

Одамларнинг ўлгандан сўнг, қайта тирилиши билан жонсиз ернинг қайта тирилиши орасида нима фарқ бор?

\*\*\*

2. Гоҳида Қуръони Карим ишонмайдиганларни илк яратилиш ҳақида фикрлашга чорлаб, яратилишнинг дастлабки босқичини уларга эслатади ва чириган бир бўлак суякни қўлига олиб, ислом пайғамбарининг ҳузурларига келиб бақирган ҳолда: «*Эй Муҳаммад! ким бу чириб кетган суякни қайта тирилтиришга қодир? Менга айт-чи, ким бу ишни қила олади?!*» деб айтган, маод ва қайта тирилишни рад этиш учун қатъий далил қўлга киритдим, деб ўйлаган кўчманчи ва бадавий бир араб кишига қарата Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)га буюруқ бериб дейди:

﴿قُلْ يُحْيِيهَا الَّذِي أَنشَأَهَا أَوَّلَ مَرَّةٍ وَهُوَ بِكُلِّ خَلْقٍ عَلِيمٌ﴾

(*Эй Бизнинг Расулимиз унга*) айтинг: «Уларни илк марта йўқдан бор қилган зотнинг Ўзи қайта тирилтирур ва У ҳар бир яратилган нарсани билгувчидир.» (Ёсин сураси; 79 – оят.)

Ахир йўқдан бор қилиб яратиш билан қайта тирилтириш ўртасида нима фарқ бор экан?!

Шунинг учун, бошқа оятда қисқа ва ўта маъноли битта жумла билан жавоб берилади:

﴿كَمَا بَدَأْنَا أَوَّلَ خَلْقٍ نُعِيدُهُ﴾

«Бошида қандай яратган бўлсак, худди шундай ҳолга қайтарурмиз» (Анбиё сураси; 104 – оят).

\*\*\*

3. Қуръон гоҳида Худонинг кенг осмон ва ерни яратишдаги буюк яратувчилик қудратини эслатиш билан қайта тирилиш ва қайта ҳаёт яратиш ҳақида тушунтиради:

﴿أَوَلَيْسَ الَّذِي خَلَقَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ بِقَادِرٍ عَلَىٰ أَنْ يَخْلُقَ مِثْلَهُمْ بَلَىٰ وَهُوَ الْخَلَّاقُ الْعَلِيمُ \* إِنَّمَا أَمْرُهُ إِذَا أَرَادَ شَيْئًا أَنْ يَقُولَ لَهُ كُنْ فَيَكُونُ﴾

﴿أَنْ يَقُولَ لَهُ كُنْ فَيَكُونُ﴾

«Осмонлару ер (каби ўта буюк сайёралар)ни яратган Зот уларга

ўхшашини яратишга қодир эмасми?! Йўқ, (албатта қодирдир) У ўта яратгувчи, ўта билгувчи Зотдир.»

«Қачон бирор нарсани (яратишни) ирода қилса, Унинг иши фақат: «Бўл» – демоқликдир, холос. Шунда, у ҳам вужудга келур.» (Шундай буюк қудрат соҳиби учун инсонларни қайтадан ҳаётга қайтариш осон ишдир.) (Ёсин сураси; 81 ва 82 – оятлар).

Маод ва қайта тирилиш масаласида шак-шубҳага борганлар сатҳий ва юзаки фикр юритувчи шахслар бўлиб, уларнинг фикрлаш доираси ўзлари яшайдиган тор ва тубан атроф-муҳитларидан четга чиқмас эди. Акс ҳолда, қайтадан қайтариш илк дафъа яратишдан кўра, осонроқ эканини ва ўликларни қайта тирилтириш ва уларга қайта ҳаёт бериш осмонлару ерни яратган Тангрининг қудрати баробарида оғир ва қийин эмаслигини яхши тушуниб етардилар.

\*\*\*

4. Қуръон баъзида «энергия»нинг алмашиш қонунини уларга тасвирлаб, ушбу масаладан қайта тирилишни исботлайди:

﴿الَّذِي جَعَلَ لَكُم مِّنَ الشَّجَرِ الْأَخْضَرِ نَارًا فَإِذَا أَنْتُمْ مِّنْهُ تُوقِدُونَ﴾

«У зот сизларга ям-яшил дарахтдан олов пайдо қилиб қўйган. Энди эса, сиз ундан олов ёқмоқдасиз.» (Сувнинг ёнида олов шугъласини пайдо қилган Аллоҳ таоло ўлимдан сўнг қайта ҳаёт яратишга қодир экани шубҳасиздир.) (Ёсин сураси; 80 – оят)

Агар-ки, Қуръоннинг юқоридаги ажойиб оятига диққат билан назар солиб, замонамизнинг илм ва фанидан мадад олсак, жуда қизиқ натижага эришамиз: Дарахт ўсаётганида қуёшнинг нури ва иссиқлигидан фойдаланиб, уни ўзига сингдиради ҳамда ушбу энергия ва қувват бир неча йиллар давомида дарахтда захираланиб қолади. Биз дарахт ўзига олган ёруғлик ва иссиқлик энергияларини сарф қилиб бўлган ва бу қувват йўқ бўлиб кетган, деб ўйлаймиз. Ҳолбуки, биз ўтинни ёққанимизда ана шу энергия оловда иссиқлик ва ёруғлик бўлиб, қайтади ва янгитдан ҳаёт либосини ўз танига кияди. Қайта тирилиш ҳам, ана шундай энергия алмашишига ўхшайди.

Ўн йиллаб ўзида ёруғлик ва иссиқликни захира қилиб қўйган оддий бир ёғоч бир зумда оловда ёниб, жамлаган ҳамма энергиясини ташқарига берадиган қилиб яратган қодир Аллоҳ наҳотки, инсонни қайта тирилтиришга ожиз бўлса?!<sup>1</sup>

Ҳар ҳолда кўрганимиздек, Қурони Карим нақадар мустаҳкам мантиқ ва ойдин исбот-далиллар билан маод ва қайта тирилиш масаласида шак-шубҳага борган, ҳаттоки, охиратга ишонишни телбалик ва тентаклик деб билган шахсларга қатъий жавоб бериб, турли усуллар билан маод ва қайта тирилиш мумкинлигини ёрқин тарзда исботлайди. Биз бу дарсда фақат шу мавзуга оид бир неча масалаларни кўриб чиқдик, холос.

\*\*\*

### **Ўйлаб жавоб беринг:**

1. Нимага мушриклар маод ва қайта тирилиш хабаридан таажжубланардилар?
2. Қандайига ҳар йили табиатда маод ва қайта тирилишнинг саҳналарини кўришимиз мумкин?
3. Қуръони Каримнинг баъзи оятларида эмбрионнинг ҳаёти қайта тирилишнинг нишонаси деб, айтилган, нега?
4. Энергиянинг бир турдан бошқа турга алмашиниши ҳақида айтиб беринг. Қай тарзда бу қонундан маод ва қайта тирилишни исботлаш мумкин?
5. Нима учун Қуръонда яшил дарахтга таянилиб, мисол қилиб келтирилган?

---

1. Диққатга сазовор бўлган масала шундан иборатки, илмий нуқтаи назардан фақат яшил дарахтларгина қуёш нури баробарида углевод газларини ютиб парчалайди ва углеводни ўзида сақлаб қолиб, кислородни чиқаради ва шунингдек, қуёш энергиясини ҳам, унинг билан бирга захира қилиб қўяди. (Муаллиф изоҳи)

## 7- ДАРС:

---

### Маод-қайта тирилиш ва яратилиш ҳикмати

---

Кўпчилик одамлар: «Аллоҳ бизни нима учун яратган?» деб сўрайдилар. Гоҳида эса олдинроққа силжиб: «Ўзи бу кенг ва улкан жаҳоннинг яратилиш ҳикмати нимадир?» дейишади. Боғбон дарахтни мева учун экади ва деҳқон ерни маҳсулот олиш учун ағдариб, уруғ сепади. «Буюк жаҳонни яратувчи Боғбон нима мақсадда бизларни яратган?»

Магар яратувчи Тангрининг камчилиги ва нуқсони бормикан, то яратиш билан уни бартараф этсин? Бу ҳолда У муҳтож ва ҳожатманд бўлиб қолади, ваҳоланки, ҳожатмандлик Парвардигорнинг мақом ва мартабасига, Унинг чексиз ва бепоён зот эканлигига тўғри ва уйғун келмайди. Чиндан ҳам, ҳар нарсадан беҳожат зот бўлмиш Аллоҳ нима учун махлуқотларни яратади, ахир Унинг ҳеч нарсага эҳтиёжи йўқ-ку?

Ушбу саволлар устида жуда узоқ баҳслашиб, жавоб беришимиз мумкин. Бироқ биз дўнда ва мухтасар қилиб ўзимизнинг ёрқин жавобимизни айтиб ўтмоқчимиз:

Бизнинг энг биринчи айбимиз ва хатомиз шуки, биз Худонинг сифатларини ўзимиз билан таққослаймиз. Биз маҳдуд ва чекланган мавжудот бўлганимиз боис, ҳар бир ишни маълум бир камчилик ва норасоликни бартараф этиш учун бажарамиз. Бошқа таъбир билан айтганда; Ўзимиз бирор иш кўришимиздан мақсад, бирор эҳтиёжимизни бартараф этмоқликдир. Чунончи, таҳсил оламиз ва шунинг билан илмга бўлган эҳтиёжимизни қондирамыз. Ишлаб даромад касб этамыз ва шу орқали молиявий муҳтожликни бартараф қиламыз, тозалик ва гигиена қоидаларига риоя қиламыз ва бу билан соғлиқ-саломатликка бўлган эҳтиёжимизни таъминлаймиз.

Аммо ҳар жиҳатдан бениҳоят ва чексиз зот бўлган Аллоҳ

таолонинг бажарадиган ишидаги ва яратишдаги мақсадини эса Унинг вужудидан ташқарида изламоқ лозим. У бирор нарсани Ўзининг фойдаси учун эмас, балки баъдаларига «яхшилик қилиш» ва «марҳамат кўрсатиш» мақсадида яратади.

Уни ёлқин ва бепоён бир қуёшга ўхшатишимиз мумкинки, ҳеч кимга ҳожатманд бўлмай ва нур олмай туриб, ҳаммага нур сочади, то бутун мавжудот Унинг вужудининг нуридан баҳраманд бўлсинлар. Унинг чексиз ва файз таратувчи Зотининг тақозоси, бутун мавжудотларни камолот йўлида олдинга силжитишдир. Демак, Аллоҳ баъдаларини такомил топтириш учун яратган.

Бизни йўқдан бор қилиб, яратишнинг ўзи камолот сари қўйилган муҳим бир қадамдир. Пайғамбарларни йўлламоқ, самовий китобларни нозил қилмоқ ҳамда қонун-қоидалар ва дастуриламаларни тайин этмоқ, буларнинг ҳаммаси, бизнинг такомил топишимиз учун асос ва поғоналар ҳисобланади.

- ❖ Бу оламни буюк бир олигоҳ десак, биз бу олигоҳнинг талабалари бўламиз;
- ❖ Бу дунё тайёр бир экинзор бўлса, биз бу экинзорнинг деҳқонларимиз;
- ❖ Бу дунё фойда келтирувчи тижорат маскани бўлса, биз бу тижорат масканининг тижоратчиларимиз.<sup>1</sup>

Биз қандайига башариятни яратишдан ҳеч бир мақсад кўзда тутилмаган, деб айта оламиз? Ҳолбуки, атроф-теварагимиздаги зарра ва майда мавжудотларга диққат билан назар солсак, уларнинг ҳар бири муайян мақсад узра яратилганини яққол кўрамиз.

Бизнинг ҳайратланарли танамизда ҳеч бир аъзо йўқки, бирор муайян мақсад учун яратилмаган бўлсин, ҳатто кўзимизнинг киприклари ва оёғимиз кафтининг чуқурлиги муайян мақсад асосида яратилган!

Шундай экан, қандайига ана шу аъзоларимизнинг тўплами ва танамизнинг тузилиши учун муайян мақсад кўзда тутилган бўлса-ю, аммо бутун вужудимиздан иборат ўзимиз бемақсад яратилган бўлсак?

Энди ўз вужудимиздан ташқарига чиқиб, кенг ва улкан оламга

---

1. Юқоридаги иборалар ҳазрат Али *(алайҳис салом)*нинг Наҳжул Балоғадаги қисор (қисқа) калималарининг ва ушбу машхур ҳадиснинг «الدُّنْيَا مَرْعَةُ الْآخِرَةِ» мазмунидир.

назар ташласак, ҳар бир махлуқотнинг маълум мақсадга эга эканини кўрамиз. Қуёшнинг ёритиши ва иситишидан, ёмғирнинг ёғишидан, ҳавонинг махсус бирикмадан ташкил топганидан ва бошқалардан муайян мақсадлар кўзланган бўлса-ю, аммо ана шу насаларнинг мажмуи бўлмиш бу йирик жаҳон мақсадсиз яратилган бўла оладими?!

Аслида бу кенг оламнинг замирида гўё катта бир жадвал сўнги мақсад нима эканлигини кўрсатиш учун ёзиб илиб қўйилгандек, лекин баъзида унинг катталигидан бир қарашда нималигини илғай олмаймиз. Унда бундай деб ёзилган: *«Тарбияланиш ва такомил топиш»*

\*\*\*

### **Тарбияланиш ва такомил топиш**

Энди нима мақсадда яратилганимиз билан қисқача танишиб чиққанимиздан сўнг, бу ерда шундай савол туғилади: *«Бу неча кунлик ўтқинчи дунёда бутун машаққат, қийинчилик ва мушкулотлар билан умргузарон-лик қилиш, бизнинг яратилишимиздан кўзланган мақсад бўла оладими?»*

Фараз қилинг, бу дунёда олтмиш йил умр кўрсам, ризқ-рўзимни топай деб эртадан кечгача қаттиқ тиришсам ва кечқурун толиққан ва ҳорғин холда уйга қайтиб келсам ва бунинг натижаси умрим давомида бир неча минг тонна овқат еб, сув ичсам ва бутун машаққат ва қийинчилик билан уй-жойга эга бўлсам-у, кейин буларнинг барчасини шу дунёга қўйиб, ўзим оламдан ўтсам. Хўш, агар фақат шунинг учунгина яратилган бўлсам, аслида дард ва азият-озорга тўлган умрим яратилишга арзийдими?

Мабодо агар бирор муҳандис ҳашаматли бир бинони биёбоннинг ўртасида барпо қилса ва уни қуриб битказишда саъй-ҳаракат қилиб, бутун шароитларни унда яратса, сўнгра ўша муҳандисдан: *«Бу бинони қуришдан мақсадинг нима?»* деб сўралганда: *«Бу бинони қуришдан кўзлаган мақсадим, бинонинг умри давомида маълум бир йўловчи бу йўлдан ўтаётганида унда бир соат дам олиши учундир!»* - деб, жавоб берса, ҳамма ундан таажжубланиб: *«Шунча машаққат билан фақат бир йўловчи бир соатга дам олиши учун бундай дабдабали бинони қурдингми? Бундай мақсад учун ушбу катта ишни қилиш ярамайди-ку!»* - деб сўрашмайдими?

\*\*\*

Шунга кўра, маод-қайта тирилишга ва нариги дунёга эътиқод қилмайдиганлар учун, бу дунёда яшамок беҳуда ва пуч бўлиб кўринади. Бу дунёда ҳаёт кечирмоқ беҳуда ва бемақсаддир, деган гап моддий<sup>1</sup>ларнинг орасида кўп учрайди. Ҳатто баъзан улардан айрим шахслар ўз жонларига суиқасд қилишади, негаки, бундай моддий, такрорий ва мақсадсиз ҳаётдан чарчашган.

Ҳаётга маъно-мазмун ва умид бахшида этиб, уни маъноли ва ҳикматли қилиб, кўрсатувчи нарса бу охиратга ва ўлимдан кейинги ҳаётга иймон ва ишончдир. Бу дунёнинг ҳаёти эса, охират олами учун муқаддима ва кириш ҳисобланади, холос. Бу ҳолда дунёдаги ҳаётда юз берадиган машаққат ва қийинчиликларга бардош бериш ва бу дунёда қилинадиган саъй-ҳаракатларнинг барчаси фақат охиратдаги мангу ҳаётга эришиш учунгина амалга оширилади, холос.

Бу ўринда бундан олдин ҳам қизиқарли бўлмиш эмбрион мисолини келтирган эдик. Онанинг қорнидаги гўдакнинг етарли миқдорда ақл-идроки бўлганида ва унга: *«Бу ерда сен бошдан кечираётган қисқа муддатли ҳаётдан сўнг, ҳеч қандай яшаш хабари йўқ»* деб айтилганида эди, шак-шубҳасиз, у ўз ҳаётига эътироз билдириб: *«Нима учун мен бу тор муҳитда қамалиб, қон ютиб, қийналиб яшашим керак экан? Нимага энди қўл-оёғим боғлиқ ҳолда бир бурчакда ҳаёт кечиришим керак ва бундан сўнг, ҳаёт йўқ экан Яратувчи Тангри таолонинг мени бундай яратишдан нима мақсади бор экан?!»* деб айтган бўларди. Аммо агар уни ишонтириб: *«Сен бу ерда фақат бир неча ойгина яшайсан ва бу неча ой ўтқинчи бўлиб, сен яшаётган бу муҳитга қараганда узоқ муддат давом этадиган кенг, ёруғ, шукуҳли ва турли туман неъматларга эга бўлган оламга чиқишинг учун ҳозирлик кўрмоқдасан, холос»* деб унга хабар берсак, у ҳолда эмбрион ўзи яшаётган муҳитига кўникиб, унинг она қорнидаги даври муайян мақсад ва маъно-мафҳумга эга эканлигини ва шу боис, сабр қилиб келажакдаги ҳаёт умиди билан яшаши кераклигини англаб олади.

Қуръонда бу ҳақда бундай дейилади:

---

1. Ушбу сўзга китобнинг 20 – бетида изоҳ берилган.



﴿وَلَقَدْ عَلِمْتُمُ النَّشْأَةَ الْأُولَىٰ فَلَوْلَا تَذَكَّرُونَ﴾

«Дарвоқе, сизлар дастлабки яратилишни билдингиз-ку! Демак, (бу яратилишдан сўнг, яна янгитдан охират олами борлиги ҳақида) эслатма-ибрат олмайсизларми?!» (Воқеа сураси; 62 – оят).

Хуллас калом, бу дунё бутун вужуди билан жар солиб, нариги дунё ва охират диёри борлиги ҳақида хабар бераётир, акс ҳолда, бу дунё беҳуда, пуч ва бемаъни бўлар эди:

Ушбу хабарни Қуръони Каримнинг тилидан эшитсак, мақсадга мувофиқ бўлади:

﴿أَفَحَسِبْتُمْ أَنَّمَا خَلَقْنَاكُمْ عَبَثًا وَأَنَّكُمْ إِلَيْنَا لَا تُرْجَعُونَ﴾

«Наҳотки, сизларнинг гумонингизча, Биз сизларни беҳуда яратдик-у, сизлар Бизнинг ҳузуримизга қайтарилмассиз?!» (Мўминун сураси; 115 – оят). Ушбу ояти каримада: «Қуръон тилида Аллоҳнинг ҳузурига қайтарилиш деб, айтилган маод ва қайта тирилиш бўлмаганида эди, инсоннинг яратилиши беҳудалик ва бемаъниликка тенг ва баробар бўларди», деб уқтирилмоқда.

Юритган суҳбатимиздан келиб чиқиб, шу хулосага келамиз: Яратилиш ҳикматининг айтишига биноан, бу дунёдан сўнг нариги дунё ва охират диёрининг мавжуд бўлмоғи зарур ва асосан бу моддий дунёнинг ҳаётига маъно ва мазмун бағишлайдиган муҳим омил бу – охират диёри ва ундаги ҳисоб-китобнинг мавжудлигига ишонмоқдир.

\*\*\*

### Ўйлаб жавоб беринг:

1. Нимага Худонинг сифатларини инсонники билан чоғиштириб бўлмайди?
2. Бизнинг яратилишимиздан кўзланган мақсад нима?
3. Бу дунёдагина яшамоқ бу инсоннинг яратилишидан кўзланган мақсад бўла оладими?
4. Эмбрионнинг она қорнидаги ҳаётини бу дунёдаги ҳаётимиз билан қиёсласак, бу дунё ва охират ўртасидаги алоқага қайси жиҳатдан ўхшайди?
5. Қуръон қай тарзда бу дунёнинг яратилишидан охират диёрининг борлигини исботлайди?

## 8- ДАРС:

### Рухнинг боқийлиги охират борлигидан далолатдир

Одамзот қачондан бери рух ҳақида фикр юритишни бошлаганини ҳеч ким билмайди. Фақат шуни айта оламизки, инсон аввалдан ўзи билан бошқа жонзотлар ва ҳайвонотлар орасида ва шунингдек, ўзи билан тош, ёғоч, тоғ ва сахро каби жонсиз ашёлар ўртасида фарқ борлигини фаҳмлаган.

Инсон уйқу ҳолатини ва шунингдек, ўлим ҳолатини ҳам кўрган. У ўлимдаги ва уйқудаги ҳолатларни кузатиб, жисм ва модда ҳеч бир ўзгаришга юз тутмай уйқу ва ўлим вақтида унинг ҳолатида буюк бир ўзгариш юз берганини кўриши мумкин. Шунга биноан, жисмдан ташқари қандайдир бошқа бир ҳақиқатга ҳам эга эканлигини тушуниб етган.

Шунингдек, у ҳайвонлар билан ўзи орасида ҳам фарқ борлигини кўрган. Негаки, у ўзининг қиладиган қарорида озодлик ва ихтиёр эгаси эканлигини, ҳолбуки, ҳайвонлар эса, қиладиган ҳаракатларида ғариза<sup>1</sup>га таянган ҳолда мажбур эканликларини яққол англаб олган. Айниқса, уйқу оламида ва инсон организми сўнган ҳолда бир бурчакда тушиб ётганда турли сахналарни туш кўриши «*рух*» деб номланган жумбоқли бир куч унинг вужуди устидан ҳукмрон эканлигига очиқ гувоҳлик беради.

---

1. «*Ғариза*» сўзи арабча бўлиб, биология фанида «*инстинкт*», деб айтилади. Ушбу истилоҳнинг маъноси: «Тирик организмнинг ташқи ва ички муҳит таъсирларига нисбатан онгсиз равишда, аммо туғма, мақсадли ҳаракатлар йиғиндиси» ёки бошқача айтганда: «Бир-бирига боғлиқ бўлган туғма ва ғайришуурий рефлекслар.» Ғариза сўзини ўзбек тилида: «*Ҳис-туйғу, табиий майл ва интилиш*», деб таржима қилиш мумкин. (Таржимон изоҳи)

Башариятнинг мутафаккирлари фалсафа фанига асос солганларида «руҳ» борасидаги баҳсларга фалсафанинг муҳим масалалари қаторидан ўрин берганлар. Ундан сўнг ҳар бир файласуф «руҳ» ҳақида ўзининг назариясини илгари сураб эди. Ҳаттоки, баъзи мусулмон донишманд-ларнинг айтишига қараганда «руҳ»нинг ҳақиқати ва нималиги ҳамда унга оид бошқа масалалар хусусида мингта яқин «*фикр ва назария*» ўртага ташланган эди. Бу борада айтиладиган сўзлар жуда кўпдир, аммо бизнингча билмоқ лозим бўлган энг муҳим масала қуйидаги саволга жавобдир:

Руҳ моддийми ёки моддий эмасми? Яъни руҳни сезги органлари билан сезиш мумкинми ёки йўқми? Бошқа таъбир билан айтганда, руҳ мустақилми ёки мия ва асаб тизмасининг физикавий ва кимёвий хусусиятларидан ҳисобланадими?

Бир тоифадаги моддий файласуфларнинг фикрича, руҳ ва руҳий феноменлар (ҳолатлар) ҳам бошқа аъзолар каби моддий бўлиб, мия ҳужайраларининг хусусиятларидан ҳисобланади ва шу боис, бир соатни болға билан янчиб ташласак, унинг ишлаши ҳам йўқ бўлганидек инсон ўлганида «руҳ» ҳам йўқ бўлади.

Улардан фарқли ўлароқ, илоҳиёт файласуфларининг эътиқодларича, руҳ мустақил ва асл бўлиб, моддий эмасдир, ҳатто айрим моддий файласуфлар ҳам бу фикрга қўшилганлар. Шунга кўра, инсон танаси ўлиши билан «руҳ» ўлимга дучор бўлмайди, балки «руҳ»нинг бадан билан бўлган алоқаси ва боғлиқлиги узилади ва «руҳ» ўз ҳаётини давом эттираверади.

Улар ушбу масалани, яъни «руҳ»нинг асл, мустақил ва боқийлигини исботлаш учун турли ва мураккаб далиллар келтирганлар. Бироқ биз бу мухтасар баён этаётганимиз ўринда далиллардан энг равшан ва ойдинларини содда ва осон иборалар билан азиз ўқувчиларнинг диққатига ҳавола этамиз:

### **1. Буюк бир жаҳонни кичик муҳит ичига сиғдириб бўлмайди**

Фараз қилинг, улкан денгиз соҳилида ўтирибсиз. Унинг қирғоғида кўкка қараб қад кўтарган тоғлар ҳам мавжуд. Денгиз шовуллаб, ўзининг ҳайқираётган тўлқинларини соҳилнинг

харсангтош ва қоятошларига урмоқда ва тўлқинлар шиддат ва ғазаб билан ҳайқираётган ҳолда денгизнинг қучоғига қайтмоқда.

Тоғнинг ёнбағирларидаги улкан харсангтошлар унинг ҳайбатини сақлаган ҳолда тоғнинг чўққисиди, Аллоҳнинг мўъжизасини кўрсатиб турибдилар, мовий осмон эса мазкур тоғ ва денгизнинг устидан чодир қуриб, кечқурун-лари ўзининг шуқуҳ ва улканлигини намойиш этади.

Мана шу табиатнинг гўзал манзарасига бир лаҳза нигоҳ ташлаб, сўнгра кўзларимизни юмсақ, кўрган саҳналаримиз кўз ўнгимизда, ўша буюклик миқёсиди гавдаланиб туради.

Шак-шубҳасиз, бундай буюк тасвир ва саҳналар катталигича макон ва жой талаб қилади, аммо миянинг кичик ҳужайраларида сиғишолмайдилар, акс ҳолда кенг ва катта тасвир ва манзара кичик бир нуқтага ўрнашиши керак бўлади. Ҳолбуки, биз бу тасвирни катталигича ўз онгимизда идрок этамиз.

Ўзингиз ўйлаб кўрингчи, қандайига кичкина миянгиз катта бир табиат манзарасини ўз ичига сиғдира олди?! Шундан маълум бўладики, вужудимизда биз билган жисм ва мия ҳужайралари каби моддий аъзоларимиздан ташқари бизга номаълум бўлган ғайримоддий бир ҳақиқат ва гавҳар мавжуд бўлиб, у ҳар қандай тасвир ва харитани катталиги ва миқёси қанча бўлишидан қатъий назар, ўзида акс эттира олади. Шубҳасиз, бу ҳақиқат ва гавҳар моддий оламдан юқорида бўлиб, биз билган моддий жисмларнинг ҳеч бирига ўхшамайди. Негаки, моддий жаҳонда бундай нарсани кўз билан кўриш ва кузатиш мумкин эмас.

\*\*\*

## **2. Руҳнинг ташқи оламни намоён этиш хусусияти**

Биз вужудимизда физикавий ва кимёвий жараёнларнинг борлигини яхши биламиз. Меъда ва юракнинг ҳаракати физикавий жараён бўлса, овқат учун меъда ва безлардан сўлақларнинг ажралиб чиқишининг таъсири кимёвий омилдир. Шунга ўхшаш физикавий ва кимёвий жараёнлар инсон организмда доим рўй бериб туради.

Агар руҳ, фикр ва фикрлашимиз ҳам моддий ва миянинг физикавий ёки кимёвий хусусиятидан бўладиган бўлса, нима учун

тафаккур билан баданимиздаги бошқа жисмоний жараёнларнинг бунчалик катта фарқи бор?

Фикрлаш, ўйлаш ва руҳ бизни ташқи олам билан боғланиб, алоқа ўрнатишимизга олиб келади ва атроф-теварагимизда рўй бераётган ҳодисалардан огоҳ этади. Аммо оғиз бўшлиғидан ва меъдадан сўлак ажралиб чиқиши каби кимёвий жараён ёки кўзларимиз, тилимизнинг ҳаракати ва юрак уриши каби физикавий жараёнлар бундай ҳолатга эга бўлмай, бунақанги натижа бермайди.

Бошқача айтганда, биз ташқи олам билан алоқадорлигимизни ва унга оид масалалардан огоҳ эканимизни яхши ҳис қиламиз, бунинг маъноси бутун ташқи олам бизнинг ички оламимизга кириб келади деганими? Албатта, йўқ. Демак, масала қандай бўлади?

Шак-шубҳасиз, ташқи оламнинг тасвири вужудимизга ва ички оламимизга кириб келади. Бу эса руҳнинг ташқи оламини намоён эта олиш қобилиятидан амалга ошади ва шу йўл билан ташқи оламдан хабардор бўламиз. Бундай қобилият ва хосият баданимиздаги ҳеч бир физикавий ва кимёвий ҳолатларда мавжуд эмас (диққат қилинг).

Янада бошқачароқ таъбир билан айтадиган бўлсак, ташқи ва айний мавжудотлардан хабар топиш учун бу оламини ихота қилмоқ ва қамраб олмоқ зарурдир ва мия хужайралари бундай ихота қилишнинг уддасидан чиқа олмаслиги аниқ. Миянинг хужайра ва тўқималари баданнинг бошқа хужайраларидан таъсир олгани каби фақатгина ташқи оламдан таъсирланади, холос.

Бу тафовутдан маълум бўладики, танамизнинг физикавий ва кимёвий ўзгаришларидан ташқари яна бошқа бир ҳақиқат мавжуд бўлиб, бизни ташқи олам устидан ихота қилувчи ва қамраб олувчи қилади ва бу ҳақиқат «*руҳ*» деб аталади. У моддий олам ва моддий хусусиятлардан юқори ва юксакдир.

\*\*\*

### **3. Руҳнинг асл ва мустақиллигига далолат қилувчи тажрибий далиллар**

Бахтимизга бугунги кунга келиб, олимлар руҳнинг моддий

---

1. Ихота қилишнинг маъноси, «*қамраб олмоқ*» ва «*қуришаб олмоқ*» демакдир.

эмаслиги, унинг асл ва мустақиллигини илмий ва тажрибий далиллар билан исбот қилганлар. Улар бу назарияга қарши чиқиб, руҳнинг мустақиллигини инкор қилувчиларга ва руҳни модданинг хосияти ҳамда моддага тобе деб билувчиларга қатъий жавоб бериб, бу ўринда ҳеч қандай шубҳага ўрин қолдирмаганлар.

**А. Магнетик тушлар (гипноз ва манетизм) руҳнинг моддий эмаслигига далолат қилувчи ёрқин далиллардан бўлиб,** ушбу ҳақиқат кўплаб синовлар натижасида исботланган ва бугунги кунда кўпчилик уни кўрган. Кўрмаганлар учун эса, қисқача шарҳ беришни лозим топдик:

Баъзи одамлар турли илмий услублар билан бошқа шахсни ухлатиб қўяди. Ухлатувчига «омил» ва ухлаганга «модиум» дейилади. Омил талқин қилиш, фикрий йўналтириш ва магнетик кучлар ёрдамида модиюмни ухлатади ва унинг кўзи ва бошқа аъзолари чуқур уйқуга кетади. Аммо бу уйқу оддий уйқуларга ўхшамайди, балки гипнозчи (омил) унинг билан алоқа ўрната оладиган, ўзаро сўзлашиб, модиюмнинг жавобини эшита оладиган уйқудир.

Шундай ҳолатда, гипнозчи модиюмнинг руҳини турли ерларга йўллайди. Баъзан модиюм ўзи билан янги хабарлар келтиради ва оддий ҳолларда билмаган маълумотлардан воқиф бўлади. Гоҳида модиюм магнетик уйқу ҳолатида чет тилда сўзлайди, ҳолбуки, бу тилни уйқудан олдин сира билмас эди. Баъзида у магнетик уйқу ҳолатида мураккаб риёзиёт (математика) масаласини ҳал қилади, баъзан эса маҳкам қулфланган сандиқ ичига қўйилган лавҳаларга аллақандай ёзувларни битади ва ҳоказо....

Ҳатто аҳён-аҳёнда руҳлар шарпа ва кўланкалар ҳамда ёруғ соялар тимсолида бундай мажлисларда ҳозир бўлишади. Биз бу борада руҳларнинг қайтиши китобида муфассал ёзганмиз.

Б. «Эсперитизм» ёки «арвоҳлар» билан алоқа ўрнатиш;

Ўлимдан сўнг руҳлар билан алоқа ўрната олиш руҳнинг ғайримоддий, асл ва мустақиллигига далолат қилувчи ёрқин далиллардан биридир.

Ҳозирги кунда дунёнинг ҳамма ерларида арвоҳлар билан алоқа ўрнатувчи одамларнинг жамиятлари мавжуддир. Мисрлик олим Фарид Важадийнинг айтишига қараганда, ҳар йили тахминан уч

юзта журнал ва рўзнома улар тарафидан бутун жаҳон бўйлаб нашр этилади. Турли шахслардан иборат бўлган таниқли инсонлар, руҳшуносларнинг йиғилишида иштирок этадилар ва уларнинг хузурида руҳлар билан алоқа ўрнатиш амалга оширилади ҳамда ғайритабиий ва ғайриоддий ишлар бажарилади.

Гарчи айрим фирибгар ва товламачи шахслар, арвоҳлар билан алоқа ўрнатиш масаласидан сира хабарлари бўлмай туриб, халқнинг соддалигидан фойдаланиб, уларга фириб бериш учун руҳлар билан алоқа ўрната олиш илмини иддао қилиб, бундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланган бўлсалар-да, бироқ бундай суиистеъмол ишлар арвоҳлар билан алоқа ўрнатиш ҳақиқат эканлигига тўсқинлик қила олмайди. Руҳлар билан алоқа ўрнатиш мумкинлигини йирик тадқиқотчилар эътироф этганлар<sup>1</sup>.

Буларнинг ҳаммаси руҳнинг номоддий, асл ва мустақил эканлигига ҳамда унинг ўлимдан сўнг боқий қолувчилигига далолат қилувчи ёрқин далилдир. Ушбу ҳақиқат маод-қайта тирилиш ва ўлимдан кейинги ҳаёт сари етакловчи муҳим ва таъсирли омилдир.

## **В. Уйқуда кўриладиган тушлар**

Биз ухлаганимизда кўрадиган тушларимиз ва туш кўраётганда кўз ўнгимиздагидек, мужассам бўладиган сахналар гоҳида келажакда рўй берадиган ҳодисалардан бизни олдиндан хабардор қилади ва гоҳ-гоҳ махфий масалаларни ошкор этади. Бу нарсани шунчаки тасодифан ва тўсатдан рўй берган дея олмаймиз. Ушбу ҳақиқат ҳам руҳнинг ғайримоддий, асл ва мустақиллигига далолат қилувчи далилдир.

Одатда кўпчилик инсонлар ўз ҳаётларида рост ва тўғри тушларни кўришган ва фалончи ўртоғи ёки танишининг кўрган туши бир муддатдан сўнг, бекаму кўст рўёбга чиққанининг шоҳиди бўлишган. Бу эса инсон руҳи ухлаётганида, бошқа олам билан алоқада эканлигини ва аҳён-аҳёнда келажакда рўй берадиган воқеалардан хабардор этишини яққол кўрсатади.

---

1. Муфассалроқ маълумотга эга бўлиш учун «арвоҳларнинг қайтиши» ҳамда «Маод ва ўлимдан кейинги олам» китобларига мурожаат қилинг.

Юқорида кўриб чиққан далиллардан ушбу ҳақиқат маълум бўладики, руҳ моддий ва жисмоний бўлмай, инсон миясининг физикавий ёки кимёвий аксилҳаракат (реакция)лари ва хосиятидан келиб чиққан нарса эмас, балки илоҳий оламга тааллуқли алоҳида, мустақил ва ғайримоддий бўлган бир ҳақиқат бўлиб, инсон танасининг ўлиши билан у йўқ бўлмайди ва бу эса маод-қайта тирилиш ва ўлимдан кейинги ҳаёт масаласини исботлаш учун замин яратади.

\*\*\*

**Ўйлаб жавоб беринг:**

1. Руҳ ҳақида моддий ва илоҳиёт файласуфлари назарияларининг фарқи нимада?
2. Катта нарсанинг кичик муҳитга сиғмаслиги руҳнинг борлигига қай тарзда далолат қила олади?
3. Магнетик уйқу ҳақида нима биласиз?
4. Арвоҳлар билан алоқа ўрнатиш деганда, нимани тушунасиз?
5. Қандайига тўғри ва рост тушлар кўриш руҳнинг алоҳида ва мустақиллигига далил бўла олади?



## 9- ДАРС:

---

### Маод – жисмоний ва руҳий қайта тирилиш

---

Қиёмат кунда юз берадиган маод ва қайта тирилиш ҳақида сўраладиган муҳим саволлар қуйидагилардан иборат: *«Маод ва қайта тирилиш фақатгина руҳий шаклда рўй берадими ёки инсоннинг бадани ва жисми ҳам охираат оламга қайтариладими?»* Бошқа таъбир билан айтганда, *«Инсон айнан бу дунёдаги бадани ва руҳи билан охираат оламида фақат юқорироқ ва юксакроқ даражада ўзининг янги ҳаётини давом эттирадими ёки бошқа такомиллашган бадан ва руҳга эга бўладими?»*

Олдинги бир гуруҳ файласуфларнинг эътиқод қилишича, инсон охираат дунёсида фақат руҳан қайта тирилади, маод ва қайта тирилиш руҳий шаклда амалга ошади ва улар инсоннинг баданини улов деб билиб, фақат бу дунёдагина инсон билан бирга бўлиб, унинг учун хизмат қилади ва инсон ўлгандан сўнг, баданга эҳтиёж сезмай, уни тарк этади ва арвоҳлар оламига ошиқади деган назарияни илгари суришган.

Аммо ислом оламининг йирик уламолари ва ҳозирги кўплаб файласуфларнинг эътиқодларича, маод ва қайта тирилиш инсоннинг ҳар иккала қисмига, яъни ҳам *«моддий»* ва *«жисмоний»* қисмига, ҳамда *«руҳий»* қисмига тегишли бўлиб, қиёмат кунда инсоннинг жисми ва руҳи биргаликда қайтарилади. Гарчанд инсон бадани ўлганидан кейин, тупроқ остида чириб ва тупроқнинг таркибий қисмига айланиб, ер остида тарқалиб, йўқ бўлиб кетса-да, бироқ ҳар нарсага қодир ва ҳар нарсадан хабардор ва олим бўлган Аллоҳ таоло ерга тарқалиб кетган ҳар бир майда заррачаларни қайтадан жамлаб,

уларга янги тдан ҳаёт бағишлайди. Бу масалани «жисмоний маод», яъни бадан ва тананинг қайта тирилиши деб таъбирлашади. Зеро, руҳнинг қиёмат кунда қайтарилишини қатъий билиб, баҳслашув бадан ва тананинг қайтарилиши ҳақида бораётгани учун қиёмат кундаги қайта тирилиш деганда асосан, «жисмоний маод», яъни жисмоний қайта тирилиш назарда тутилади.

Ҳар ҳолда, Қуръони каримда маод ва қайта тирилиш ҳақида бир талай ва турли хил оятлар келган бўлиб, уларнинг ҳаммасида, «жисмоний маод» ҳақида сўз юритилиб, ушбу масала таъкидланган.

### **Жисмоний маоднинг Қуръоний далиллари**

Олдинги дарсларнинг бирида айтиб ўтганимиздек, бир кўчманчи ва бадавий араб киши сарвари олам Муҳаммад Мустафо (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) нинг ҳузурларига келиб, чириб кетган суякни ул ҳазратга кўрсатиб: «Ким буни қайтадан тирилтиришга қодир?» – деб сўради. Ҳазрати Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Аллоҳнинг амри фармонида биноан, унга жавобан: «Илк дафъа йўқдан бор қилиб яратган, еру осмонларни пайдо қилган ва яшил дарахтдан олов чиқарган Зот, яъни Аллоҳ таоло чириб кетган суякни қайта тирилтиради», деб марҳамат қилдилар. Бу борада Ёсин сурасининг сўнгги оятларида айтилган.

Қуръони Каримнинг бошқа оятларида эса бундай дейилади:

﴿حُشَعًا أَبْصَارُهُمْ يَخْرُجُونَ مِنَ الْأَجْدَاثِ كَأَنَّهُمْ جَرَادٌ مُّنتَشِرٌ﴾

«Улар қабрлардан кўзлари қўрқинчга тўлган ҳолда худди ёйилган чигирткага ўхшаб чиқиб келурлар.» (Қамар сураси; 7 – оят)

﴿وَنُفِخَ فِي الصُّورِ فَإِذَا هُمْ مِنَ الْأَجْدَاثِ إِلَىٰ رَبِّهِمْ يَنْسِلُونَ﴾

«Ва (қиёмат соати келиб фаришта Исрофилнинг) сури чалиниши билан баногоҳ улар қабрлардан Парвардигорлари томон шошилиб чиқурлар.» (Ёсин сураси; 51 – оят).

Ҳаммамизга маълумки, қабрлар тупроққа айланган жасадларнинг жойидир, руҳларнинг эмас. Асосан, маод ва қайта тирилишни инкор қилувчиларни ҳайратга соларли жойи шунда эди ва шу боис улар: «Қандайига биз тупроққа айланиб, ер остида тарқалиб, йўқ бўлиб

кетганимиздан сўнг, қайтадан ҳаётга қайтарилар эканмиз?», деб сўрар эдилар.

﴿وَقَالُوا أَإِذَا ضَلَلْنَا فِي الْأَرْضِ أَإِنَّا لَفِي خَلْقٍ جَدِيدٍ بَلْ هُمْ بِلِقَاءِ رَبِّهِمْ كَافِرُونَ﴾

«Улар: «Биз ер остида йўқ бўлиб кетгач, ҳақиқатан ҳам, яна янгитдан яралурмизми?!» дерлар. Балки улар Парвардигорларига рўбарў бўлишни инкор қилгувчилардир.» (Сажда сураси; 10 – оят)

Қуръони Карим уларга жавобан: «Илк дафъа мавжудотларни йўқдан бор қилиб яратган қудратли Аллоҳ таоло уларни қайта тирилтиришига ва янгитдан яратишига қодирдир» деб айтади:

﴿أَوَلَمْ يَرَوْا كَيْفَ يُبْدِئُ اللَّهُ الْخَلْقَ ثُمَّ يُعِيدُهُ إِنَّ ذَلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرٌ﴾

«Ахир улар, Аллоҳ қандайига мавжудотни илк бор йўқдан яратиб, сўнгра (қиймат кунда) уни (ўша яратган мавжудотини) яна қайтаришини ўйлаб кўрмадиларми?! Албатта, бу Аллоҳга осондир.» (Анкабут сураси; 19 – оят)

Бир жохил араб бу борада шундай дерди:

﴿أَبْعَدَكُمْ أَنْتُمْ إِذَا مِتُّمْ وَكُنْتُمْ تُرَابًا وَعِظَامًا أَنْتُمْ مُخْرَجُونَ﴾

«У сизларга ўлиб, тупроқ ва суякларга айланган вақтингизда албатта, (қабрларингиздан) чиқарилгувчидирсиз деб ваъда қилмоқдами?!» (Мўминун сураси, 35 – оят).

Қуръони Каримнинг юқоридаги оятлари ва таъбирлари ҳамда бошқа оятлардан ёрқин тарзда аён бўлишича, пайғамбаримиз Муҳаммад Расулаллоҳ (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ҳар жойда «жисмоний маод»ни илгари сурар эдилар ва шу жиҳатдан калтабин мушриклар таажжубланишар эди. Кўриб чиққанимиздек, Қуръони Карим гиёҳ-ўсимликлар ва шуларга ўхшаш нарсаларда кўзга ташланадиган «жисмоний маод»дан бир неча намуналар келтириб, Аллоҳнинг илк бор яратиш қудратини шохид қилиб келтиради.

Бинобарин, ўзини мусулмон деб билган ва озгина бўлсада, Қуръони Карим таълимотидан огоҳ бўлган шахс «жисмоний маод»ни инкор эта олмайди. Негаки, Қуръони Карим нуқтаи назаридан «жисмоний маод»ни инкор қилмоқ асл маод ва қайта тирилишни инкор қилиш билан баробардир.

\*\*\*

### Ақлий далиллар

Ақлнинг айтишича, руҳ ва бадан ўзаро бир-биридан айри ва жудо бўлмиш икки ҳақиқат эмас, балки у иккиси мустақил бўлиши билан бирга, бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, инсоннинг икки таркибий қисмидир. Шу боис, у иккиси биргаликда тарбияланиб, биргаликда такомил топишади. Табиийки, улар ўзларининг абадий ва мангу ҳаётларини давом эттириш учун бир-бирларига муҳтождирлар.

Агарки руҳ ва бадан барзах оламида (бу дунё ва охираат олами ўртасидаги оралик) маълум муддатга қадар бир-бирларидан ажралишса-да, бироқ бу ҳолат узлуксиз охиригача давом эта олмайди. Бадан руҳсиз ноқис ва норасо бўлгани каби, руҳ ҳам бадансиз ноқис ва норасодир. Зеро, руҳ баданга фармон берувчи ва уни ҳаракатлантирувчи бўлса, бадан эса фармонни ижро этувчи ва бажарувчи асбоб-ускуна ҳисобланади. Ҳеч бир буйруқ берувчи итоат қилувчи ва фармонни ижро этувчидан ҳамда ҳеч бир хунарманд ва уста асбоб-ускунадан беҳожат бўлмай, унингсиз яшай олмайди. Ҳар иккиси бир-бирини тўлдирувчи ва такомиллаштирувчидир.

Фақат руҳ қиёмат кунинда бу дунёдан юқорироқ ва юксақроқ даражада бўлгани учун бадан ҳам унга мос ва монанд бўлиб, такомил топмоғи лозим ва шундай ҳам бўлғусидир. Яъни қайта тирилиш кунини бўлмиш қиёматда инсон бадани бу дунёдаги эскирганлик, айбу нуқсонлар, камчиликлар ва норасоликлардан холи ва йироқ бўлган ҳолда қайта тирилади.

Ҳар ҳолда руҳ ва бадан бир-бирини тўлдирувчи, такомиллаштирувчи ва бир-бирига тенгдош бўлганлиги учун маод ва қайта тирилиш бу иккисининг биригагина, яъни фақатгина руҳга ёки фақатгина баданга тааллуқли деб айтолмаймиз. Бошқа таъбир билан айтганда, руҳ ва бадан пайдо бўлишиданок, ҳамиша бирга бўлгани ва ўзаро чамбарчас боғлиқ ва алоқадор бўлгани маод ва қайта тирилиш фақат бу иккисининг биригагина эмас, балки ҳар иккисига тегишли эканига ойдин далилдир.

Бошқа тарафдан қараганда эса, адолат қонуни ҳам ҳар иккаласининг қайта тирилишини тақозо этади. Нимага деганда,

инсон ёвуз ва гуноҳ амални содир этган бўлса, ўзининг руҳ ва бадани билан бажарган, шунинг учун ҳар иккисини ҳам жазоламоқ ва жавобгарликка тортмоқ даркор. Агар қандайдир яхши ва эзгу амал қилган бўлса, ҳам руҳ ва ҳам бадан билан бажарган. Демак, ҳар иккисини мукофотламоқ лозим бўлади. Агар ёлғиз руҳ ёки танҳо бадан қайта тирилиб, жазоланадиган ёки мукофотланадиган бўлса, у ҳолда Аллоҳнинг адолатига муғойир ва зид бўлган бўлув эди.

\*\*\*

### **Жисмоний маодга доир саволлар**

Алломалар маод ва қайта тирилишга алоқадор кўплаб саволларни илгари сурганлар. Бу ўринда суҳбатимиз янада мукамалроқ бўлиши учун улардан баъзиларини келтириш мақсадга мувофиқдир:

1. Биология ва табиий фанлар билимдонларининг тадқиқотига кўра, инсоннинг бадани бутун умри давомида бир неча марта ўзгаради. Бу нарсани худди ҳовузнинг ичига бир томондан доимо узлуксиз равишда сув қуйиб турилган ва бошқа томондан эса сув аста-секинлик билан чиқаётган ҳолатга ўхшатиш мумкин. Бир муддатдан сўнг эса ҳовузнинг суви буткул алмашади.

Бу алмашиниш ва ўзгариш жараёни инсон баданида тахминан ҳар етти йилда бир марта рўй беради. Демак, биз инсонлар умримиз давомида бир неча бор ўзгарамиз.

Энди бу ўринда ушбу савол туғилади: *«Агар инсоннинг бадани умри давомида бир неча марта ўзгарадиган бўлса, қайта тирилиш куни унинг қайси бадани қайтарилади?»*

Мазкур саволнинг жавобида айтамыз: Энг сўнгги бадан қайтарилади, юқоридаги Қуръон оятларида кўриб чиққанимиздек, Аллоҳ таоло инсонларни ўша чириб кетган суюқлардан яна қайта тирилтириб, уларга янгитдан ҳаёт бахш этади. Бу сўзнинг маъно-мафҳуми шуки, инсоннинг энг охирги бадани қайтарилади. Шунингдек, инсонларнинг қабрлардан шошиб чиқишларининг маъноси энг сўнгги баданнинг қайтарилиши демакдир.

Аммо масаланинг нозик томони шундан иборатки, инсоннинг ўлишидан бурун энг охирги бадани бутун умри давомида эга

бўлган аввалги барча баданларининг хосиятлари ва асарларини тўла-тўқис ўзида сақлаб қолади.

Бошқача айтганда, тадрижан ва аста-секинлик билан ўзгараётган ва алмашинаётган бадан ўзида мавжуд бўлган барча хусусиятлар, асарлар ва хосиятларни кейинги баданга кўчиради. Бинобарин, энг сўнги бадан олдинги баданларнинг бутун хусусият ва сифатларига ирсий шаклда эга бўлади. Бу ҳолда, Аллоҳнинг адолатли қонунига биноан, энг охириги баданнинг жазоланишига ёки ажр-мукофот олишига тўғри келади.

\*\*\*

2. Баъзиларнинг айтишига қараганда, инсон ўлимидан сўнг, унинг бадани тупроқнинг таркибий қисмига айланиб, гиёҳ-ўсимликларнинг ёки мевали дарахтларнинг бир бўлаги бўлиб қолади. Натижада гиёҳлар билан озиқланиш ва дунёнинг занжирли ҳаракати туфайли бошқа инсон баданининг бир қисмига айланади. Хўш, қиёмат кунида қайта тирилиш юз берганда, инсонлар баданларининг қайтарилиши қай тарзда амалга ошади? Бу савол ва шубҳага фалсафа ва калом илмида (илоҳиётда) «*Окил ва маъкул*» шубҳаси<sup>1</sup> деб айтилади.

Агарчи ушбу саволга жавоб бериш учун муфассал баҳслашишга тўғри келса-да, бироқ биз бу ерда қисқа, мухтасар ва зарур миқдорда тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

Юқоридаги саволнинг жавобида аввало шуни айтишимиз керакки, бир инсоннинг бадани тупроққа айланиб, бошқа одамнинг баданига ўтган бўлса, қайта тирилганда, сўзсиз биринчи баданга қайтарилади. Бу дарсда келтирганимиз оятлар мана шу фикримизни очик-ошкор тасдиқлайди.

Бу ерда қоладиган ягона муаммо ва мушкул шундан иборатки, у ҳолда иккинчи одамнинг бадани ноқис ва норасо бўлиб қолади-ку?! Аммо шуни айтмоқ керакки, иккинчи одамнинг азоси ноқис

---

1. Окилнинг маъноси «егувчи» ва маъкулнинг маъноси эса «ейилган ёки ейилгувчи» демакдир. Мазкур шубҳага кўра, дунёдаги бутун жонзотлар бир-бирларига нисбатан егувчи ва ейилгувчи ҳолатдадирлар. Шу боис, улар ўзаро бир-бирларининг таркибий қисмига айланишлари билан, жисмоний маод ва қайта тирилиш масаласига мушкул ва муаммо туғдирадилар. (Таржимон изоҳи)

бўлмайди, балки кичикроқ бўлади. Чунки, биринчи одамдан иккинчисига кўчиб ўтган заррачалар майда-майда бўлиб, унинг бутун баданига тарқалиб кетган. Ана шу майда заррачалар ундан олинганида, ўша миқдорда унинг бадани озиб кичраяди.

Шунга биноан, на биринчи одамнинг бадани йўқ бўлиб кетади ва на иккинчи одамнинг бадани ноқис ва норасо бўлиб қолади. Бу ерда юзага келадиган ягона мушкул нарса иккинчи баданнинг кичрайишидир. Иккинчи инсон баданининг кичрайиши эса қийинчилик туғдирмайди. Зеро, ҳаммамизга маълумки, қиёмат куни қайта тирилиш юз берганда бутун инсонларнинг бадани нуқсонлардан холи бўлган ҳолда такомил топади ҳамда барча камчилик ва норасоликлар барҳам топади. Бу нарса худди униб-ўсаётган боланинг организмидек ёки бадани шикастланган одамнинг териси ва гўштини янгиланишидек бўлади ва бу ҳолат инсон шахсиятининг ўзгаришига боис бўлмайди. Ноқис, норасо ва кичик баданлар камол топиш олами бўлмиш қиёматда комил ва мукаммал шаклда қайта тирилади.

Шундай қилиб, баданнинг қайта тирилишига доир онгларда ҳал бўлмаган ҳеч бир шубҳа ва мушкул қолмайди (диққат қилинг!) Агарда бу ҳақда батафсилроқ билмоқчи бўлсангиз «*маод ва ўлимдан кейинги олам*» деб номланган китобни мутолаа қилишингизни тавсия этамиз.

\*\*\*

### **Ўйлаб жавоб беринг:**

1. Жисмоний маод ва қайта тирилиш нима дегани?
2. Жисмоний маодни инкор қилувчиларнинг назарини баён этинг ҳамда Қуръони Карим уларга қарата қандай жавоб беришини изоҳланг.
3. Маод ва қайта тирилишга оид қандай ақлий далиллар келтира оласиз?
4. Жисмоний маод ва Аллоҳнинг адолати ўртасида қандай боғлиқлик ва робита мавжуддир?
5. «*Оқил ва маъқул*» шубҳаси ҳақида айтиб беринг. Унга қандай жавоб берасиз?

## 10- ДАРС:

---

### Жаннат, дўзах ва амалларнинг тажассумланиши

---

Кўпчилик инсонларда охираат олами ҳақида кўпгина саволлар туғилади. Улардан баъзиларини шу ерда келтиришни лозим топдик: «Ўлимдан кейинги охираат олами ҳам худди бу дунёга ўхшайдими ёки ундан фарқи борми? Охираат оламидаги неъматлар, жазо ва азоблар, бир сўз билан айтганда, охираат оламининг тузуми ва қонун-қоидалари бу дунёникига ўхшайдими?»

Бу саволнинг жавобида очиқ-ошкор қилиб айтмоқ лозимки, олдинги дарсларда айтиб ўтилган далил ва шоҳидларнинг кўрсатишича, охираат олами билан бу дунёнинг орасида катта фарқ бор. Шу даражадаки, бизнинг қиёмат тўғрисида билган нарсаларимиз худди узоқдан кўрганимиз шарпа ва кўланка сингаридир, холос.

Энг яхшиси олдин ҳам мисол қилиб келтирганимиз «эмбрион» мисолидан фойдалансак. Она қорнидаги олам билан бу дунё орасида қандай фарқ бўлса, худди шунга ўхшаб бу «дунё» ва «охираат олами» ўртасида шу миқдорда ёки ортиқроқ фарқ ва оралиқ бордир.

Фараз қилинг, агар она қорнидаги боланинг ақл-хуши ва тили бўлганида эди ва ушбу гўдак бу оламнинг еру осмони, юлдузлари, куюш, ойи, тоғ-адирлари, ўрмон-денгизлари ва гиёҳ-ўсимликлари дунёси ҳақида тўғри тушунча ва тасаввурга эга бўлмоқчи бўлса, шак-шубҳасиз, бунинг уддасидан чиқа олмас эди.

Она қорнида бўлиб, жуда тор муҳитдан бошқа ерни кўрмаган гўдак учун ой, куюш, денгиз, тўфон, шабада, гуллар ва бу дунёнинг



гўзалликлари асло тушунарли эмас. Чунки, унинг тор дунёсига муносиб бўлган луғатида фақат бир неча қисқа сўзларгина мавжуддир, холос. Агар бирор киши она қорнидан ташқарида туриб, бу дунёнинг гўзалликлари ҳақида болага айтиб берса ҳам, унинг сўзларининг маъносини сира тушуниб етмайди.

Бу дунёнинг охират оламининг кенглигига нисбатан чекланганлиги ҳам худди шундай ёки ундан ҳам кўпроқдир. Яъни биз яшаётган дунё, охират оламига қараганда чегараланганлиги, она қорнидаги оламнинг бу дунёга нисбатан чекланганлигидан анча кўпроқдир. Шундай экан, биз охират оламининг ноз-неъматлари ва жаннат маъвоси ҳақида мукаммал ҳолда тўғри тасаввур ва тушунчага эга бўла олмаслигимиз турган гап.

Шунинг учун ҳадиси шарифда бу борада шундай дейилган:

«فِيهَا مَا لَا عَيْنٌ رَأَتْ وَلَا أُذُنٌ سَمِعَتْ وَلَا حَظَرَ عَلَيَّ قَلْبٌ بَشَرٍ»

«Жаннатда шундай ноз-неъматлар борки, ҳеч бир кўз уларни кўрмаган, ҳеч бир қулоқ эшитмаган ва ҳатто ҳеч кимсанинг ақлига ҳам келмаган!»

Қуръони Карим ҳам ушбу ҳақиқатни бошқа таъбир билан қуйидагича баён этади:

«فَلَا تَعْلَمُ نَفْسٌ مَّا أُخْفِيَ لَهُمْ مِّن قُرَّةِ أَعْيُنٍ جَزَاءً بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ»

«Демак, ҳеч бир жон қилиб ўтган амалларига мукофот бўлиши учун, уларга беркитиб қўйилган кўз қувончларини (охират неъматларини) билмас.» (Сажда сураси; 17 – оят.)

Шунга биноан, охират оламида ҳукм сурувчи қонун-қоида ва тузумлар билан бу дунёнинг қонун-қоида ва тузумлари ўртасида ката фарқ бор. Масалан: Қиёмат маҳкамасида бизларнинг бу дунёда қилиб ўтган амалларимизга қўл, оёқларимиз, баданимизнинг териси, ҳаттоки, амални бажарган ер ва макон ҳам гувоҳлик беришади:

«الْيَوْمَ نَخْتِمُ عَلَىٰ أَفْوَاهِهِمْ وَتُكَلِّمُنَا أَيْدِيهِمْ وَنَنشَهُدُ أَرْجُلُهُمْ بِمَا كَانُوا يَكْسِبُونَ»

«Бу Кунда Биз уларнинг оғизларини муҳрлаб қўямиз. Бизга уларнинг қилиб ўтган ишлари ҳақида қўллари сўзлаб, оёқлари гувоҳлик берайдир.» (Ёсин сураси; 65 – оят.)

﴿وَقَالُوا لَوْلَا جُؤْدُهُمْ لِمَ شَهِدْتُمْ عَلَيْنَا قَالُوا أَنْطَقَنَا اللَّهُ الَّذِي أَنْطَقَ كُلَّ شَيْءٍ وَهُوَ خَلَقَكُمْ أَوَّلَ مَرَّةٍ وَإِلَيْهِ تُرْجَعُونَ﴾

«Улар териларига: «Нима учун бизга қарши гувоҳлик бердинглар?» – дейишганида, (терилари): «Барча нарсани сўзлатган Аллоҳ бизларни ҳам сўзлатди. Ва У сизларни илк бор яратган ва сизлар яна Унинг Ўзигагина қайтарилиурсизлар», дейдилар.» (Фуссилат сураси; 21 – оят).

Қадимда бу нарсани тасаввур қилиш ҳам қийин ва мушкул эди. Аммо бутунги кунга келиб, илм-фаннинг ривожланиши билан сахналарни ёки товушларни ёзиб олиш мумкинлигини кўриб турган пайтда, таажжубланиш-га ўрин қолмайди.

Ҳар ҳолда, гарчанд охират оламининг ноз-неъматлари тўғрисида билган маълумотимиз узоқдан кўринадиган кўланкага ўхшаса-да ҳамда унинг кенглиги, аҳамияти ва хусусиятидан тамоман воқиф бўлмасак-да, аммо бизга маълум бўлишича, маод ва қайта тирилиш ҳар иккала қисмда, яъни ҳам жисмоний ва ҳам руҳий бўлганлиги учун табиатан ажр-мукофот ва жазо ҳам шунга яраша икки тарафлама бўлади.

Бошқа таъбир билан айтганда, охират диёрида моддий ва жисмоний қайта тирилишни назарда тутиб, моддий мукофотлар ёки жазолар берилади ва руҳий қайта тирилишни назарга олиб, руҳий ва маънавий ажр-мукофотлар ёки жазолар ато этилади. Қуръони Каримда моддий ва жисмоний неъматлар ва мукофотлар ҳақида қуйидагича васф этилади:

﴿وَنَشْرِ الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ أَنَّ لَهُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ كُلَّمَا رُزِقُوا مِنْهَا مِنْ ثَمَرَةٍ رَزَقُوا قَالُوا

هَذَا الَّذِي رُزِقْنَا مِنْ قَبْلُ وَأَتُوا بِهِ مُتَشَابِهًا وَلَهُمْ فِيهَا أَزْوَاجٌ مُطَهَّرَةٌ وَهُمْ فِيهَا خَالِدُونَ﴾

«Иймон келтирган ва солиҳ амаллар қилганларга башорат бергинки, улар учун остидан анҳорлар оқиб турадиган жаннат боғлари бор. Ҳар гоҳ ўша [жаннат боғлари]нинг бирор мевасидан тановул қилсалар: «Бу бизга бундан олдин ҳам ато этилган ризқнинг худди ўзи-ку» дейишади. Ҳолбуки, уларга шунга ўхшаш мевалар келтирилади. Ҳамда улар учун у ерда покиза жуфтлар аёллар] бор ва улар у ер [жаннат боғлари]да абадий қолурлар.» (Бақара сураси; 25 – оят)

Маънавий ва руҳий мукофот ва неъматлар борасида эса бундай дейилади:

﴿وَعَدَ اللَّهُ الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا وَمَسَاكِنَ طَيِّبَةً فِي جَنَّاتِ عَدْنٍ وَرِضْوَانًا مِّنَ اللَّهِ أَكْبَرَ ذَلِكَ هُوَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ﴾

«Аллоҳ мўминлар ва мўминаларга остидан анҳорлар оқиб турадиган жаннатларни, улар унда абадий қолувчи эканликларини ва мангу жаннатлардаги покиза масканларни ваъда қилди. Аллоҳнинг ризолиги эса, (ҳамма неъматлардан) буюкроқдир. Ана шу улкан ютуқдир». (Тавба сураси; 72 – оят).

Ҳа, жаннат аҳли учун Аллоҳнинг розилигига эришишдан кўра, буюкроқ неъмат йўқдир. Аллоҳ улардан рози ва уларни Ўз ҳузурига қабул қилганидан шундай шодлик, қувонч ва лаззатга тўлиб тошадиларки, ҳеч қайси неъмат улар учун бунчалик лаззатбахш бўлмайди ва буни ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Худди шунингдек, дўзах аҳли учун Аллоҳнинг норизолиги ва ғазабидан кўра оғирроқ ва шиддатлироқ азоб-қийноқ йўқдир. Гарчи дўзах аҳли учун оловда ёниш сингари жисмоний қийноқ-азоблар ҳам бор.

\*\*\*

### **Амалларнинг мужассам ҳолда намоён бўлиши**

Диққатга сазовор бўлган нарса шундаки, Қуръони Каримнинг кўплаб оятларидан маълум бўлишича, қиёмат кунда биз бажарган амалларимиз тирилиб, турли кўринишларда кўзимиз ўнгида намоён бўлади. Ажр-мукофот ато этилиш ва жазоланишнинг энг муҳим ҳиссаларидан бири амалларнинг мужассам ҳолда намоён бўлмоғидир.

Зулм қилган зolimларнинг амаллари қоп-қора булут шаклида намоён бўлиб, уларнинг атроф-теварагини қамраб олади. Пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ (саллalloҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда айтилишича;

«الظُّلْمُ هُوَ الظُّلْمَاتُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ»

«Қиёмат кундаги зулмат ва қоронгиликлар, (бу дунёдаги) зулм ва зўравонликнинг оқибатидир.»

Етимларнинг молларини ноҳақ еганларнинг амаллари эса олов шуъбалари бўлиб намоён бўлади:

﴿إِنَّ الَّذِينَ يَأْكُلُونَ أَمْوَالَ الْيَتَامَىٰ ظُلْمًا إِنَّمَا يَأْكُلُونَ فِي بُطُونِهِمْ نَارًا وَسَيَصْلَوْنَ سَعِيرًا﴾

«Етимларнинг мол-мулкларини зулм йўли билан ейдиган кимсалар, ҳеч шак-шубҳасиз, қоринларида олов еган бўлурлар ва албатта, дўзахга киражаклар.» (Нисо сураси; 10 – оят)

Иймон эса қиёмат кунда нур ва ёруғлик таратиб, мўминларнинг атроф-теварагини ёритади:

﴿يَوْمَ تَرَى الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ يَسْعَىٰ نُورُهُمْ بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَبِأَيْمَانِهِمْ بُشْرَاكُمُ الْيَوْمَ جَنَّاتٌ تَنْجُرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا ذَلِكَ هُوَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ﴾

«Мўмин ва мўминаларни уларнинг олдиларида ва ўнг тарафларида нурлари ҳаракат қилаётган ҳолда кўрганингиз кунда: «Сизларга бугунги куннинг хушхабари – дарахтлари остидан анҳорлар оқиб турадиган жаннатлардир. Сизлар у жойда абадий қолажаксизлар». Бу эса, айнан улкан ютуқдир», (дейилади). (Ҳадид сураси; 12 – оят).

Рибохўрлар (судхўрлар) эса ўзларининг қабиҳ ва жирканч амаллари билан жамият иқтисоди ва унинг мувозанатига путур етказганлари учун ўринларидан тураётганларида, ўз мувозанатларини сақлай олмай, гоҳида ерга йиқиладилар ва баъзан эмаклаб юрадилар:

﴿الَّذِينَ يَأْكُلُونَ الرِّبَا لَا يَقُومُونَ إِلَّا كَمَا يَقُومُ الَّذِي يَتَخَبَّطُهُ الشَّيْطَانُ مِنَ الْمَسِّ ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ قَالُوا إِنَّمَا الْبَيْعُ مِثْلُ الرِّبَا وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَّمَ الرِّبَا فَمَنْ جَاءَهُ مَوْعِظَةٌ مِنْ رَبِّهِ فَانْتَهَىٰ فَلَهُ مَا سَلَفَ وَأَمْرُهُ إِلَى اللَّهِ وَمَنْ عَادَ فَأُولَٰئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ﴾

«Рибони ейдиганлар (судхўр бўлган кимсалар қиёмат кунини қабрларидан) фақат шайтон уриб мажнун бўлган кишидек довдираб турадилар. Бунинг сабаби, уларнинг: «Шак-шубҳасиз, олди-сотди ҳам рибога (судхўрликка) ўхшашидир» деб айтганларидир. Ва ҳолбуки, Аллоҳ олди-сотдини ҳалол, рибони (судхўрликни) ҳаром қилган. Демак, кимгаки, Парвардигоридан мавъиза – насиҳат келгач (рибохўрликдан) тўхтаса, унда илгари ўтгани ўзига ва унинг иши, Аллоҳнинг Ўзига ҳавола. Кимки, яна (рибога) қайтса, ана ўшалар жаҳаннам эгаларидир. Улар унда абадий қолурулар.» (Бақара сураси; 275 – оят)

Чайқовчи ва бахил кимсалар эса муҳтож ва йўқсизларнинг ҳақ-хуқуқларини адо қилмай, жамлаган мол-мулк ва бойликлари қиёмат куни тавқи лаънат бўлиб, уларнинг бўйинларига илиб қўйилади. Шу даражадаки, улар ўз ўринларидан силжишга ҳам кучлари етмай қолади:

﴿وَلَا يَحْسَبَنَّ الَّذِينَ يَبْخُلُونَ بِمَا آتَاهُمُ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ هُوَ خَيْرًا لَّهُمْ بَلْ هُوَ شَرٌّ لَّهُمْ سَيُطَوَّقُونَ مَا يَخْلُوا بِهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ  
وَلِلَّهِ مِيرَاثُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ﴾

«Аллоҳ ўз фазлидан берган нарсага бахиллик қилганлар ҳаргиз бу (қилмишлари)ни ўзлари учун яхшилик деб ҳисобламасинлар. Аксинча, бу қилмишлари улар учун ёмонликдир. Қиёмат куни бахиллик қилиб бермаган нарсалари (уларнинг бўйинларига) бўйинбоғ қилиб илиб қўйилади. Осмонлару ернинг мероси, Аллоҳникидир. Ва Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир.» (Ол-Имрон сураси; 180 – оят)

Бугунги кунда илм-фан тараққий этганлиги натижасида оламда ҳеч бир нарса йўқ бўлмай, модда ва қувват (энергия)нинг узлуксиз ва муттасил равишда бир турдан иккинчи турга ўтиб ўзгариши айтилади. Бизнинг бу дунёдаги қиладиган амалларимиз ҳам бу иккисидан ташқарида бўлмагани боис, гарчанд уларнинг шакли ва кўриниши ўзгарса-да, ушбу қонуннинг тақозоси бўйича мангу ва абадий бўлиб қолади.

Қуръони Каримда қисқа, лўнда ва титратувчи ибора билан қиёмат борасида бундай дейилади:

﴿وَوُضِعَ الْكِتَابُ فَتَرَى الْمُجْرِمِينَ مُشْفِقِينَ مِمَّا فِيهِ وَيَقُولُونَ يَا وَيْلَتَنَا مَا لِ هَذَا الْكِتَابِ لَا يُغَادِرُ صَغِيرَةً وَلَا كَبِيرَةً إِلَّا أَحْصَاهَا وَوَجَدُوا مَا عَمِلُوا حَاضِرًا وَلَا يَظُنُّ رَبُّكَ أَحَدًا﴾

«Ва (ҳар бир кишининг) китоби – номаи аъмоли (ўз қўлига) қўйилур. Шунда жинояткорларни ундаги (битилган) нарсалардан даҳшатга тушган ҳолларида кўрурсиз. Улар: «Ҳолимизга вой! Бу қандоқ китобки, на кичик ва на катта (гуноҳни) қолдирмай, барчасини ҳисоблаб-битиб қўйибди» дерлар. Ва (улар) қилган (барча) амалларини ҳозир нозир ҳолда топулар. Парвардигорингиз ҳеч кимга зулм қилмас.» (Каҳф сураси; 49 – оят)

Юқоридаги оятнинг «*Ва (улар) қилган (барча) амалларини ҳозир у нозир ҳолда топурлар*» ибораси кўзланган маънони яққол англатади. Инсоннинг бошига тушадиган ҳар қандай мусибат ва балолар унинг қилган амаллари сабаблидир. Шунинг учун ояти кариманинг охирида: «*Парвардигорингиз ҳеч кимга зулм қилмас*» деб қўшимча қилинади.

Қуръони Каримнинг бошқа бир жойида эса қиёматдаги амаллар ҳақида бундай дейилади:

﴿يَوْمَئِذٍ يَصُدُّ النَّاسُ أُمَّتَاتًا لِّرَبِّهِمْ \* فَأَمَّا الَّذِينَ كَفَرُوا فَيَسْأَلُونَ عَمَّا لَهُمْ \* فَمَنْ يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ خَيْرًا يَرَهُ \* وَمَنْ يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ شَرًّا يَرَهُ﴾

«*Уша Кунда одамлар, уларга (номаи) амаллари кўрсатилиши учун гуруҳ-гуруҳ бўлиб чиқиб келурлар.*

*Демак, кимки, дунёда заррача миқдориди яхшилик қилган бўлса, (Қиёмат куниди) уни (мужассам ҳолда) кўрур.*

*Ва кимки, заррача миқдориди ёмонлик қилган бўлса, уни ҳам (мужассам ҳолда) кўрур.»* (Залзала сураси; 6,7 ва 8 – оятлар)

Юқоридаги ояти каримада инсон қилган амалларининг ўзини мужассам ва айний ҳолда кўради деб айтилмоқда (диққат қилинг.)

Қилган ҳар бир амалимиз катта ёки кичик, яхши ёки ёмон бўлишидан қатъий назар, албатта сақланиб қолинади, ҳаргиз йўқ бўлиб кетмайди ва қиёмат кунини ҳамма жойда биз билан бирга бўлади. Мана шу ҳақиқатни назарда тутсак, қиладиган ҳар бир ишимизда эҳтиёт бўлиб, ёмонликлар ва ёвузликларга қарши қаттиққўл бўламиз, яхшилик ва эзуликларни севиб, улар томон интиламиз.

Кишини ҳайратга соладиган нарсани, бутунги кунда кашф ва ихтиро этилган воситалар бўлиб, ўтган замонда ясалган ашёларнинг ясашиш пайтида чиққан овозларини бизга эшиттира олади. Бу эса қилинган амалларнинг тажассум-ланишини бу дунёнинг ўзиди ҳам кўришимиз мумкинлигини англатади.

Буюк олимлардан бирининг ёзишича, ҳозирги кунда ана шундай мослама ва жиҳозлар ёрдамида икки минг йил бурун яшаб ўтган Мисрлик кўза ясовчиларнинг товуш тўлқинлари эшитиларли даражада акс эттирилди. Зеро, Миср музейларида икки минг йил бундан бурун ясалган кўзалар сақланиб қолинган. Ушбу кўзаларни кўза ясовчилар икки минг йил олдин махсус гилдираклар ва

дастгоҳлар билан ясаётганларида, иш жараёнида ўзларидан таратган овозларнинг тўлқинлари кўзаларнинг танасига ўрнашиб қолган. Бугунги кунда ўша товуш тўлқинларини янгитдан ихтиро этилган дастгоҳлар ёрдамида ўз қулоғимиз билан эшита оладиган даражада қайта тиклаганлар.<sup>1</sup>

Ҳар ҳолда Қуръони Каримда айтилган маод ва қайта тирилиш, яхши инсонлар мукофотланишининг ва ёмонлар жазоланишининг абадий, мангулигига оид кўпгина саволларга ҳамон «*амалларнинг мужассам ҳолда намоеън бўлиши*»ни ҳамда бажарадиган ҳар бир амалимиз руҳимизга таъсир қилишини ва ушбу таъсир доим биз билан бирга қолувчи эканини назарга олишимиз билан жавоб бера оламиз.

\*\*\*

### **Ўйлаб жавоб беринг:**

1. Инсоннинг охиратдаги ҳаёти ҳар жиҳатдан бу дунёдаги яшашига ўхшайдими?
2. Охиратнинг ажр ва мукофотлари ҳамда жазоларини бу дунёда фаҳмлай оламизми?
3. Жаннатдаги ноз-неъматлар ва дўзахдаги қийноқ-азоблар фақат моддий ва жисмоний жиҳатдан бўладими?
4. «*Амалларнинг мужассам ҳолда намоеън бўлиши*» деганда нимани тушунаси? Қуръонда бу ҳақда нима дейилган?
5. «*Амалларнинг мужассам ҳолда намоеън бўлиши*»га ишонмоқ маод масаласидаги қандай муаммоларни еча олади?

\*\*\*

*Аллоҳ таолонинг тавфиқ ва мадади билан ушбу китобнинг таълиф ва таржимаси ҳижрий 1435-йил, Зул-қаръда ойининг йигирма тўққизинчиси, пайшанба куни (милодий 2014-йил, 25-сентябр)да интиҳо топди.*

---

1. «*Босиб ўтилган йўл*» китобидан олинди.

